

О.Х. ХАМИДОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

“ИQTISODIYOT”


220.40
X-24.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

О.Х. ХАМИДОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МОНОГРАФИЯ



ТОШКЕНТ-ИQTISODIYOT-2016

УЎК 338.48.6:502/504(575.1)x24

КБК 75.81(5Ў)x24

Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. –Т.: IQTISODIYOT, 2016. – 203 бет.

Ушбу монографияда туризмнинг инновацион ва табиатга зарар етказмайдиган йўналиши ҳисобланган экологик туризмни Ўзбекистонда ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари комплекс тадқиқ этилган. Монографияда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг методологик асослари ишлаб чиқилган, экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш муҳити, жараёнлари, самарадорлигини баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланиш, мавжуд рекреация-туристик салоҳият, унинг компонентлари ва макрозоналари хусусиятлари, уларни баҳолаш, Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида экотуризмни ривожлантиришни бошқариш ва истиқболлини белгилаш йўналишлари, минтақаларда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари, экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни минтақалар ижтимоий-иқтисодий тизимига интеграциялаш масалалари тадқиқ этилган.

Монография иқтисодчилар, бакалавр ва магистрлар, тадқиқотчилар ва экологик туризмга кизикувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

и.ф.д., проф. Р.Х.Шадиев

Такризчилар

**и.ф.д., проф. Б.Н.Навруз-зода
и.ф.н., доц. Д.Х.Асланова**

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашининг қарорига мувофиқ нашр этишга тавсия этилган (Қарор №10, 2016 йил 2 май).

ISBN 978-9943-986-61-9

**УЎК 338.48.6:502/504(575.1)
КБК 75.81(5Ў)**

© Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2016
© О.Х. Хамидов, 2016.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	8
1.1. Методологик ёндашув, асосий тушунча ва механизмлар	8
1.2. Экологик туризмнинг аҳамияти, афзалликлари ва уни бошқариш хусусиятлари	11
1.3. Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш тизимининг шаклланиши, ички тузилмаси ва таркиби, уларни баҳолаш йўналишлари	18
1.4. Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш стратегиясини шакллантиришга ёндашувлар ва уни амалга ошириш механизмлари	25
Хулоса ва тавсиялар	29
2-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МУҲИТИ, ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРДАН АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛАНИШ	30
2.1. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқаришни ташкил этишнинг асосий йўналишлари	30
2.2. Фирмаларнинг ички ва ташқи муҳити ва улардан самарали фойдаланиш	31
2.3. Бошқариш жараёнларини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш..	36
2.4. Бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланиш	43
Хулоса ва тавсиялар	50
3-боб. МАВЖУД РЕКРЕАЦИЯ-ЭКОТУРИСТИК САЛОҲИЯТ, УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ ВА МАКРОЗОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ	51
3.1. Бирламчи рекреация-эко туристик асослар: инвентаризация ва баҳолаш усуллари	51
3.2. Мажуд рекреация-эко туристик салоҳият, унинг компонентлари ва макрозонал хусусиятлари.....	55
3.3. Ўзбекистон жонсиз табиатининг ноёб объектлари ва улардан экотуризмда фойдаланиш	59
3.4. Экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда табиат муҳофазаси, экологик хавфсизлик, экологик назорат ва экологик назоратни амалга ошириш йўналишлари	67 73
Хулоса ва тавсиялар	73
4-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	75
4.1. Миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида туристик-рекреация мажмуасининг ўрни ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари	75
4.2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг барча категорияларида	84

рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этиш концепцияси ва уни амалга ошириш йўналишлари	89
4.3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва экотуризм: рекреация-экотуристик зоналарнинг шароити ва ресурсларини баҳолаш	104
4.4. Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш истиқболларини белгилаш	113
4.5. Олинадиган даромадлар ҳажмини прогнозлаш	119
Хулоса ва тавсиялар	121
5-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИНТАҚАЛАРИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
5.1. Тошкент ва Жиззах вилоятларининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизими ва миллий боғларда рекреация-туризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари	121
5.2. Тошкент пойтахт минтақасида туризм ва рекреация-туристик хизмат кўрсатишнинг ҳозирги ҳолати, уларни истиқболда ривожлантиришни бошқариш концепцияси ва стратегиясини белгилаш	130
5.3. Угом-Чотқол миллий табиат боғи ва унга туташ ҳудудларнинг рекреация-туристик ресурслари салоҳияти ва уларни баҳолаш	141
5.4. Тошкент пойтахт минтақасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ресурс салоҳиятига асосланган рекреация-экотуризмни ривожлантиришни бошқариш истиқболлари	154
5.5. Ғарбий Тяньшан тоғлари бўйлаб саёҳат маршрутлари ва сўқмоқлари, уларни ташкил этиш, ривожлантириш ва ободонлаштиришни бошқариш йўналишлари	164
5.6. Жиззах вилоятида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация ресурслари салоҳиятига асосланган экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш ва унинг истиқболини белгилаш йўналишлари	175
Хулоса ва тавсиялар	180
6-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШНИ МИНТАҚАЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ	
6.1. Интеграциялашнинг аҳамияти ва асосий йўналишлари	183
6.2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда рекреация – туризмни ривожлантиришни бошқаришни маҳаллий, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларга кооперациялаш ва интеграциялаш	187
6.3. Интеграциялашни давлатнинг бошқариши ва тартибга солиши	192
Хулоса ва тавсиялар	194
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	196
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	200

Кириш

Туризм жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иктисодиёти таркибида тез ривожланаётган ва юкори даромад бераётган тармоқлардан бирига айланди. Туризм соҳаси таркибида эса экологик туризм инновацион йўналиш сифатида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда ҳам туризмни, шу жумладан экотуризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нуткида сайёҳлик соҳасининг улкан салоҳияти иктисодий тараққиётнинг муҳим асоси эканлигини таъкидлаб, сайёҳлар оқими ва сайёҳлик бизнесининг энг муҳим шарт ва кафолатларини батафсил таърифлади. Ўзбекистонда туризм соҳаси мустақкам асосга кўйилганлиги, гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллиги Ўзбекистонни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкинлиги ва зарурлигини алоҳида таъкидлади (//Халқ сўзи, 2014 йил 3 октябрь).

Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, туризм миллий иктисодиётимизнинг энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган тармоғига айланди. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси иктисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, мамлакатимиз аҳолиси даромади ва фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши ва омилларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда» (//Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь).

Бундай ўзгаришлар жаҳон иктисодиётида содир бўлган «сервис инқилоби» деб ном олган прогрессив йўналишга мос келади. Хизмат кўрсатиш, шу жумладан туризм соҳасида эришилган улкан муваффақиятлар дунёда эътироф этилган машҳур «ўзбек модели»ни изчил амалга оширишнинг муҳим натижаларидан биридир. Ҳозирги вақтда туризм мамлакатимиз миллий иктисодиёти ва унинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Туризм таркибида эса унинг рақобатдошлигини оширишнинг энг муҳим инновацион йўналиши ва атроф-муҳит муҳофазасининг муҳим инструментларидан бири ҳисобланган экологик туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Экологик туризм мамлакатимиз табиатининг хилма-хил ва бой рекреация ресурслари салоҳияти имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳамда мазкур жараёнда нафақат табиат ва маданият меросларини асраш ва муҳофаза қилишга, балки яна маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса кўшади, хизмат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобига энг кам табиий ва моддий ресурслар

сарфлайди, табиат ва маҳаллий ишлаб чиқариш билан узвий қўшилиб кетади ва табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланган юқори тежамкорлиги билан ажралиб туради. Айни бир вақтда экотуризм асосан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) рекреация ресурсларидан фойдаланишга асосланади, агар мазкур фаолият табиат муҳофазаси талабларига мувофиқ қатъий тартибга солинмаса (масалан, оммавий туризм) табиатга бошқа хўжалик фаолияти соҳаларидан ҳам кучлироқ салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан МЭТХларда рекреация-экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда табиат муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик назоратни мунтазам амалга ошириш энг муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади.

Лекин амалиётда экотуризм янги тармоқ сифатида сўнгги йилларда ривожланаётганлигига боғлиқ ҳолда, бир томондан, унинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация-экотуристик ресурслари ва объектларига асосланиб ташкил этилишини аниқ тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий, илмий-методологик, техник-технологик, институционал асослари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан мамлакатимизда МЭТХларда мавжуд бўлган кўплаб объектлар экотуристик хизмат кўрсатиш айланмасига киритилмай қолмоқда, кўплаб экотуристик маршрутларни ташкил этиш йўлга қўйилмаган ва умуман экотуризмни ривожлантиришни бошқариш табиат муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ҳал этилмаган.

Бошқа томондан экотуризмни ривожлантиришни бошқариш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тарқоқлиги, бир-бирлари билан мувофиқлаштирилмаганлиги, экотуризмни мувозанатли ривожлантиришни таъминлашга комплекс ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек маҳаллий шароит ва ресурслардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, ҳудудларнинг экотуристик рақобатбардошлиги салоҳияти ва афзаллигидан фойдаланишнинг талабга жавоб бермаслиги билан ажралиб туради. Экотуризм тегишли туман ва вилоятлар, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига интеграциялашмаганлигини ҳам кўрсатиш мумкин. Булар экотуризмнинг ихтисослашган соҳа сифатида шаклланишига тўсик бўлаётир.

Мамлакатимизда туризмга бағишланган илмий тадқиқотларда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш масалалари комплекс тадқиқ этилмаган бўлиб, мавжуд адабиётларда мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг мавжуд бой ва хилма-хил рекреация салоҳиятидан экологик туризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш туризм индустриясининг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим йўналишига айланаётир. Шу муносабат билан Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқаришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва асослаш, бу йўналишларда тавсияларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти, зарурати ҳамда долзарблиги тобора кучаймоқда. Айнан шу йўналиш, бир томондан, тартибга солинадиган экологик туризм ва дам олишни ривожлантириш учун қулай шароит яратишга, бошқа томондан эса, туризм ва

дам олишнинг табиат комплекси ва тарихий-маданий объектларга салбий таъсирини энг кам даражага туширишга имкон беради.

Мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш муаммоларини ҳал этиш бўйича қарорлар қабул қилишда улар пухта ишлаб чиқилган илмий асосга таяниши ва экотуризм тузилмаси стратегияни белгилашини, тузилма эса, ўз навбатида, албатта стратегияга асосланишини ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш керак. Бунда, аввало, мавжуд ҳолат ва вазият манзарасини яхлит кўриб чиқиш, сўнгра бошқариш тузилмасини ташкил этадиган турли компонент ва элементлар ўртасидаги ўзаро таъсирни ҳисобга олиш истикболда бошқариш қарорларини амалга оширишнинг муваффақиятини таъминлайди, уларнинг самарадорлигини оширади. Мавжуд муаммолар ечимини топиш тегишли стратегияни ишлаб чиқиш, мавжуд салоҳият ва имкониятларни баҳолаш, устувор мақсадларни шакллантириш, ички ва ташқи муҳитда содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиб экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг стратегик аҳамиятга эга йўналишларини шакллантиришни талаб қилади.

Мазкур монографик тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқаришнинг ҳозирги хусусиятлари ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш, методологик асосларини такомиллаштириш, экотуризмнинг рақобатдошлик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича бошқариш вазифаларининг амалий асосларини шакллантириш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бугунги кунда мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш самарасини ошириш унинг турли жиҳатларини ягона методологик асосларда турли нуқтаи назардан баҳолашни талаб қилади. Мазкур монографияда асослаб берилган тавсиялар муаллифнинг кўп йиллик илмий-амалий тадқиқотлари натижаларига асосланиб ишлаб чиқилган бўлиб, унда умумий ва конкрет ёндашувлар ҳамда тегишли баҳолаш методлари тавсия этилган. Биз мазкур ишланма ва тавсиялар мутахассисларга бошқаришнинг мавжуд аниқ ҳолатларини таҳлил қилиш, баҳолаш, назорат қилишнинг энг маъқул тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради, уларни амалиётда қўллаш эса МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг самарали бўлишига хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Монографияда ишлаб чиқилган ва асослаб берилган илмий-амалий ишланмалардан “Ўзбектуризм” МК тизими таркибида ҳамда мамлакатимиз минтақаларида экотуризмни истикболда ривожлантиришни самарали бошқариш стратегиясини аниқлаш, экотуризмни ривожлантириш бўйича тегишли мақсадли дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мазкур тавсия ва ишланмалар табиат муҳофазаси билан шуғулланадиган мутахассисларга мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда табиат муҳофазаси, экологик хавфсизлик ва экологик назоратни амалга оширишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, истикболини белгилашнинг энг маъқул тизимини танлашга ва уларни амалиётда қўллашга ёрдам беради деб умид қиламиз ва бунга ишонамиз.

1-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Методологик ёндашув, асосий тушунча ва механизмлар

Туризм, аввало, ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодиса бўлиб, унинг оқибатлари ҳар бир кишига ва умуман жамиятга таъсир кўрсатади. Шу сабабдан туризм дунёнинг барча мамлакатларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва таълим соҳаларига ва халқаро иқтисодий муносабатларга туризм тизими туристик тармоқда содир бўладиган муносабатлар, воқеа ва ҳодисалар мажмуаси ва бирлигидан таркиб топади, унинг асосини туризм субъекти (туристик тадбирлар иштирокчиси ёки турист, туристик хизматлар истеъмолчиси) ва туризм объекти (туризм субъектининг саёҳат мақсадини белгилловчи туристик район, унинг туристик тузилмаси ва бошқалар) ташкил этади. Шунингдек, туризмни бошқариш тизимига уни ўраб турадиган табиий ва ижтимоий муҳит-табиат (экология) ва иқтисодиёт, техника ва технология, сиёсат ва ижтимоий тизим кучли таъсир кўрсатади.

Туризмнинг ташқи муҳитга боғлиқлиги унинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Умуман уларга боғлиқ ҳолда туризм объекти ва туризм субъекти, ташқи муҳит тизимлари ва туризм тизими ўртасида доимий ва ўзаро боғлиқ алоқалар содир бўлади. Шунингдек, ташриф буюриш + (плюс) туризм масканларида бўлиш ва саёҳат қилиш доимий равишда транспорт ва алоқа, йўловчиларни ташиш билан узвий боғлиқ. Саёҳатлар транспорт воситаларида йўловчи ташишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштиришда кўрсатилган омилларни ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш ва уларни тартибга солиш, тегишли ҳолатларда уларга мослашиш фирмалар мавжудлиги ва ишлаб туришининг муҳим илмий-амалий асоси ҳисобланади. Бошқариш жараёнлари ва функциялари ўзгарувчан ҳамда ўзаро боғлиқ бўлиб, улардан бирининг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига олиб келади. Самарали бошқаришда мазкур ҳолатлар тўла ҳисобга олинади, бунда тегишли мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг ягона (битта) усули мавжуд бўлмайди. Мавжуд вазиятга турли даражада мос келадиган танлов оптимал ҳисобланади. Тўғри танлов ва қарор қабул қилиш учун вазиятни ҳар томонлама тўла баҳолаш талаб қилинади. Шу муносабат билан биз мазкур мавзуга алоқадор бўлган баъзи муҳим тушунчаларга қисқача таъриф берамиз.

Ўзбекистонда туризм миллий иқтисодиётнинг тез ривожланиб бораётган соҳаси бўлиб, унинг барча йўналишларида фаолиятнинг янги, инновацион шаклларини ривожлантириш, ихтисослашишини чуқурлаштириш, янги туристик комплексларни барпо этишга катта аҳамият берилаётир. Айнан шу йўналишда мамлакатимизнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг (МЭТХ) рекреация ресурслари салоҳиятидан фойдаланишга асосланган экологик туризм жадал ривожланаётир.

Рекреациянинг табиатга салбий таъсири унинг барча компонентлари, экотизим, ландшафт, комплексларида турли даражада содир бўлади. Рекреация уларнинг барчасига салбий таъсир кўрсатади ва ўзгартиради, табиатнинг бундай таъсирга жавоб рекреацияси таъсир микёсларига – рекреация босимининг тезлиги ва жадаллигига, вақт ва маконда тақсимланишига боғлиқ бўлади. Бундай тадқиқотларда энг кийин масала – дам олувчиларнинг хақиқий сонини ҳисоблаш ва аниқлаш ҳисобланади. Рекреантлар бир жойда туриб қоладилар, ҳаракатланадилар, узок ва қисқа муддатли, оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган тўпланишларни яратадилар, уларнинг шакллари тўхтовсиз ўзгариб туради. Дам олувчиларнинг бир пайт ва вақтдаги тартибсиз ҳаракатларини ёзиб қўйиш (ҳисобга олиш) ўтмишга назар ташлашга имкон бермайди, вақт мобайнида изчил, кетма-кет кузатиш эса келажак вақтни сирли жумбоққа айлантиради. Шу сабабдан рекреация босими (рекреация сиғими)ни ҳисобга олиш ҳамisha шартли хусусиятга эга бўлади, чунки унга мос келадиган табиат комплексларининг рекреация таъсирида ўзгариши босқичлари ҳам шартли бўлади.

Одатда рекреация босими, шунга мос ҳолда рекреация сиғими маълум майдон бирлигига маълум вақт мобайнида тўғри келадиган дам олувчилар сони ҳисобида аниқланади ва унинг кўрсаткичлари киши соат/гектар ёки киши-кун/гектар ёки дам олувчиларнинг бир вақтдаги зичлигини киши/гектар ҳисобида аниқланади. Шунга мувофиқ табиат комплексида йўл қўйиладиган рекреация босими (сиғими) ёки қайтарилмас (қайтариб бўлмайдиган) ўзгаришлар содир бўладиган ва йўл қўйиб бўлмайдиган кескин (критик) босим ва сиғим фарқланади.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (МСОП) дунёнинг барча мамлакатларига рекреация босимини (сиғимини) дам олиш мавсумида ўртача 1 гектарга 1 киши тартибида ҳисоблашни тавсия этган.

Рекреация-экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири тегишли маршрутларни белгилаш, сўқмоқларни жиҳозлаш ҳисобланади. Масалан, Угом-Чотқол миллий боғида саёҳатларни ташкил этиш мураккаб тоғ шароитида амалга оширилади. Тоғ маршрутлари одатда мураккаб табиий тўсиклар – катта баландликлар, қоялар, қиялик ва даралар, доволар, дарё кечувлари, қорли ёнбағирлар, музликлар ва бошқалар орқали ўтади. Бунда маршрутларни тўғри танлаш саёҳат катнашчилари хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шarti ҳисобланади. Шу сабабдан туристлар тегишли жисмоний, назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлишлари, саёҳатлар эса тажрибали йўл бошловчилар раҳбарлигида амалга оширилиши талаб этилади.

Рекреация-экотуристик маршрутлар ва улардаги сўқмоқларни белгилаш ва жиҳозлаш илгаридан режалаштирилган ҳаракатланиш тартиби бўлиб, унда саёҳатчи гуруҳларнинг маълум вақтда турли объект ва пунктлардан ўтиши, уларни томоша қилиши белгилаб қўйилади. Маршрутлар ихтисослашган махсус туристик ташкилотлар (гуруҳлар) томонидан ишлаб чиқилади. Маршрутларни режалаштиришда кўплаб омил ва шароитлар ҳар томонлама

тўлаб ҳисобга олинади: табиий шароит ва ресурсларнинг саёҳатларга қулай ва ноқулайлиги; саёҳат объектларининг мавжудлиги ва уларнинг томошабоплиги; маршрутларнинг бошланғич ва якуний нуқталарига бориш-келишнинг қулайлиги, сўкмоқларнинг жиҳозланганлиги; маршрутларда туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, дам олдириш, ҳордиқ чиқаришни, тунашни амалга оширувчи туристик хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Маршрут ва сўкмоқларни барпо этиш узок давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унда махсус назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар-туристик ходимлар, олимларнинг катта гуруҳи иштирок этади.

Маршрутлар линияли (тўғри чизиқли), айланма ва радиал (радиус бўйлаб) турларга бўлинади. Линияли маршрутлар битта пунктда (шаҳар, қишлоқ, туристик ташкилот ва б.) бошланиб, туристлар гуруҳи томонидан оралик объектлардан ўтиб, бошқа пунктда якунланади. Айланма маршрутлар маълум бир пунктда (туристик ташкилотда) бошланади ва якунланади. Радиал маршрутлар маълум бир жойда дам олувчиларга атрофдаги жойларга саёҳат қилишни ташкил этишга асосланади. МЭТХларда маршрутлар ва улардаги сўкмоқларни барпо этиш ва жиҳозлаш шакллари туристларга юқори даражада сифатли хизмат кўрсатиш талабларига жавоб бериши, мавжуд туристик базалар, туристик комплекслар, туристик меҳмонхона, уй-меҳмонхоналар, кемпинг, мотеллар, чодирли кўнилғаларда туристларга қулай шарт-шароитлар яратилиши керак.

МЭТХларда, биринчи навбатда, биосфера резерватлари ва миллий боғларда экотуризмни ривожлантириш тегишли туристик инфратузилмани барпо этиш ва уни ривожлантиришни талаб қилади. Туристик инфратузилма миллий боғ, биосфера резерватлари ва бошқа МЭТХлар рекреация зонаси, ҳудуди ва маршрутларни жиҳозлаш ва ободонлаштириш учун зарур бўлган объектлар ва қурилмалар, иншоотлар мажмуасидан таркиб топади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: тунаш жойлари базаси; овқатланиш базаси; ахборот-коммуникациялар базаси; туристларга бошқа қафолатли хизматлар кўрсатадиган йўлдош база.

Туризмни бошқариш механизми бошқариш тизимининг асосий элементи бўлиб, унда ҳал қилувчи роль ўйнайди. “Механизм” сўзи юнонча келиб чиқишга эга бўлиб, “машина” маъносини билдиради. Шундай маънода мазкур термин техникада кенг тарқалган. Туризмни бошқариш тизимининг механизми ўзининг моҳиятига кўра, туристларнинг дам олишга талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий инструмент ҳисобланади. Шу маънода бошқариш механизми бошқариш объектига мазкур инструмент ёрдамида бошқариш тизимининг таъсир кўрсатишини билдиради.

Бошқариш механизми туризмни ривожлантиришга кутилаётган ва мақбул йўналишни бериш ва режалаштирилаётган натижаларни олиш мақсадида бошқариш объектига бошқариш субъектининг таъсир кўрсатиш методлари ва усуллари мажмуасидир. Бошқариш механизмлари ғоят хилма-хил бўлиб, улар иқтисодий, норматив-ҳуқуқий, маъмурий, ташкилий, технологик, ахборот ва ғоявий-тарбиявий бошқариш методларига асосланиб амалга оширилади.

Бошқариш жараёнида мазкур механизм иккита асосий функцияни бажаради: а) бошқариш органига бошқариш объекти ҳолати тўғрисида ахборот етказиб беради; б) бошқариш органи қабул қилган қарорнинг амалга оширилишини (бажарилишини) таъминлайди.

Бошқариш механизмларини қўллаш ва улардан фойдаланиш мамлакатимизда *микроиқтисодий* (туристик фирма ва ташкилотлар), *мезоиқтисодий* (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахт Тошкент шаҳри), *макроиқтисодий* (“Ўзбектуризм” Миллий компанияси; туризм соҳасига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади) иерархия даражаларида амалга оширилади.

Макроиқтисодий даражада туризм соҳасида давлат сиёсати, уни ривожлантиришнинг меъёр ва қоидалари, турли дастурлар ишлаб чиқилади, устувор йўналишлар белгиланади. Туристик индустрия объектларини стандартлаштириш ва таснифлаш, ахборот таъминоти, туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар амалга оширилади.

Мезоиқтисодий даражада минтақалар доирасида туризмни тартибга солиш, мувофиқлаштириш, кооперациялаш, интеграциялаш содир бўлади, шунингдек, туризм соҳасида фақат минтақа даражасида давлат сиёсати ўтказилади, туристик маҳсулотни сотишга, янги турдаги туризм йўналишларини барпо этиш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ва бошқаларга ёрдам кўрсатилади.

Микроиқтисодий даражада барча фирмалар юқорида кўрсатилган икки даражага тааллуқли барча тадбирларда, яъни туризмни ривожлантиришнинг республика ва минтақавий дастурларини шакллантириш, ички ва ташқи дунё туристик бозорида туристик маҳсулот ва хизматларни сотишда иштирок этади. Энг муҳими, янги туристик маҳсулот ва хизматларни яратади, булар туризм соҳаси ишлаши ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Айнан микроиқтисодий даражада тадбиркорлик ташаббускорлиги намоён бўлади ва булар аҳоли бандлиги ва турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади; туризм соҳасида янги корхона ва ташкилотлар пайдо бўлади; улар қўшимча иш ўринларини барпо этишга олиб келади, шу асосда иқтисодий ўсишга имконият яратади. Туристик фирмаларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини мавжуд шарт-шароитларга мослаштириш, барча бошқариш механизмларидан самарали фойдаланиш, бошқариш субъектларининг объектларга энг таъсирчан метод ва усулларни қўллаб таъсир кўрсатишига кўп даражада боғлиқ.

1.2. Экологик туризмнинг аҳамияти, афзалликлари ва уни бошқариш хусусиятлари

XX асрнинг иккинчи ярмида оммавий туризмнинг жадал ривожланиши таъсирида табиий экотуризм ва ландшафтларда сезиларли ва жиддий салбий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Туризм бизнесида катта ҳажмдаги капитал тўплана бошлади, ишлаб чиқаришнинг бир ерда тўпланиши (концентрацияси) содир бўлди, кўплаб меҳмонхоналар тизими ва туристик комплекслар пайдо

бўлди, йирик туроператорлар ва туристик консорциумлар ажралиб чиқди, кўплаб туристик марказлар қурилди. Йирик капитал туризм ривожланишига катта маблағларни сарфлаб, қисқа муддатда катта фойда олишни талаб қила бошлади. Бунда табиат ва маҳаллий аҳоли манфаатлари ҳисобга олинмади ва улар фақат мақсадга эришиш воситаси сифатида ҳисобга олинди. Туризмнинг бундай бир томонлама йўналтирилган ривожланиши «қаттиқ туризм» номини олди ва у атроф-муҳит, табиий ва ижтимоий-маданий муҳит, маҳаллий аҳолининг ижтимоий тузилмасига катта салбий таъсир кўрсатди.

Шу муносабат билан XX асрнинг 80-йиллари бошида дастлаб Европада, сўнгра Америка қитъасида табиатдан рекреация мақсадларида экологик мақбул йўналишларда фойдаланиш ғояси тарғиб этилиб, экологик, иқтисодий, ижтимоий талаблар мувозанатлашган «яшил туризм», «экологик туризм» ни ривожлантириш тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлди. Бу ғоя дунёнинг бошқа қитъалари, мамлакатларига ҳам тарқалди. Шу асосда XX асрнинг 70-80-йилларида дунёнинг кўплаб мамлакатларида табиат олдида масъул бўлган, уни муҳофаза қилишга ёрдам берадиган, сайёҳларнинг экологик маданиятини оширадиган, бир вақтнинг ўзида тегишли фойда олишга йўналтирилган, маърифат тарқатиш функциясини бажарадиган, маҳаллий аҳолининг анъанавий маданиятига эҳтиёткорона ва асровчи муносабатда бўладиган, уларнинг яшаш даражаси ва фаровонлигини оширишга имкон берадиган туризмнинг янги йўналиши-экологик туризм шаклланди ва ривожланди. Дастлаб экотуризм сайёрамиз табиатини ундаги ҳаётнинг асоси сифатида асрашнинг глобал ғояси доирасида табиатда рекреацияни ривожлантириш асосида олинадиган иқтисодий манфаат (фойда, даромад) олиш билан рекреация худудларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш ўртасидаги мувозанатни барпо этишга йўналтирилган маҳаллий (локал), маълум бир жойга хос ғоя сифатида шаклланди.

Ҳозирги вақтда мазкур ғоя экотуризм фаолияти амалиётида ўз аҳамиятини сақлаб қолган ҳолда, уларга кўплаб янги мезонлар ва қўшимчалар киритилган. Умумлаштирилган маънода ҳозирги экотуризм қуйидаги маъно ва мазмунга эга бўлиши керак: 1) асосан табиат ва унинг экотуристтик ресурслари салоҳиятига асосланиб ривожланиши; 2) табиат ва ижтимоий-иқтисодий-маданий муҳитга энг кам даражада салбий таъсир кўрсатадиган соҳага айланиши; 3) рекреация салоҳиятидан фойдаланиш асосида тегишли фойда ва даромад олишга йўналтирилиши ва унинг маълум қисмини инвестиция шаклида экотуристтик маконларни ободонлаштиришга йўналтириши; 4) экологик маърифат тарқатиш ва экологик тарбияни ўз ичига олиши; 5) барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлашга ҳисса қўшиши, маҳаллий ва минтақавий, миллий иқтисодиётга интеграциялашиши, маҳаллий аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшиши.

Жаҳон туристик ташкилоти (ЖТТ) экологик туризмга қуйидагича қисқа таъриф беришни маъқуллаган: «Экологик туризм табиат туризмнинг барча шакллари ўз ичига олади, бунда туристларнинг асосий интилишлари табиатни кузатиш ва у билан мулоқотда бўлиш ҳисобланади» (ВТО.

Техническое задание, 2001). Мазкур таърифни янада кенгайтириб талқин қилганда унга атроф-муҳитга онгли равишда муносабатда бўлиб, салбий таъсирни энг кам даражага тушириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ободонлаштиришни молиялаштиришга ёрдам бериш, экотуристтик фирмаларга тегишли даромад олишга имконият яратиш, маҳаллий аҳоли учун даромад манбаини барпо этиш, сайёҳларни экологик маданиятга ўргатиш каби қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Туристтик фаолиятнинг барча турларидан айнан экологик туризм энг илғор ғоя ҳисобланган туризмни барқарор ривожлантириш концепцияси талабларига жавоб беради ва уларга мос келади. Экотуризм модели ва оммавий (барқарор бўлмаган) туризм ўртасидаги энг муҳим фарқлар 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Экологик туризм ва оммавий туризмнинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчиликлари

№	Таққослаш кўрсаткичлари	Экологик туризм	Оммавий туризм
1.	Талаб ва эҳтиёжларни таъминлашни бошқариш (ташриф буюрувчилар сони)	Ташриф буюрувчилар сони ва экотуристтик хизматларга талаблар рекреация ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, экологик салоҳияти ва имкониятларига мос келади, улар туристик хизматлар йўналиши, хусусиятлари ва талаблар ҳажмини белгилаб беради	Ташриф буюрувчилар сони ва туристик хизматларга талаблар уларни доимий кўпайтиришга йўналтирилади, ташриф буюрувчилар сони асосан моддий-техника базасининг қабул қилиш сифими билан чекланади ва белгиланади
2.	Ташриф буюрувчиларнинг хулқ-атворлари ва табиатга муносабатлари	Ташриф буюрувчиларнинг хулқ-атворлари табиат ва маҳаллий шароит ва аҳолининг анъаналари, урф-одатлари ўртасидаги оптимал муносабатларни бузмайди, ташриф буюрувчилар саёҳатда иштирок этиши давомида маҳаллий шароит хусусиятларини ҳар томонлама тўла ҳисобга олишга асосланган тегишли хулқ-атвор моделига амал қиладилар	Ташриф буюрувчиларнинг саёҳат давомидаги хулқ-атвори уларнинг одатдаги (уйдаги) ҳаёт тарзи шаклида амалга оширилади, улар ўзларининг одатдаги хулқ-атворлари моделини дам олиш ҳудудларида ҳам давом эттирадилар
3.	Табиатга муносабат	Табиатга муносабатда табиат объектларига нисбатан истеъмомчилик ёндашуви ва муносабатлари устуңлик қилмайди, яъни ташриф буюрувчилар учун табиат объектлари мавжудлигининг қиймати муҳим ҳисобланади	Табиатга муносабатда ташриф буюрувчилар ва табиат объектлари ўртасида истеъмомчилик муносабатлари ҳукмронлик қиладилар, табиат объектларининг қиймати уларнинг истеъмом қийматига (қишиларга фойдалигига) асосланиб баҳоланади
4.	Экотуристтик жараёнлар	Экологик тоза, кам чиқиндилар, кам энергия сифимли, ресурс тежовчи, аҳоли саломатлиги учун хавфсиз жараёнлар устуң туради	Экологик хавфли, чиқиндилар кўп ҳажмда шаклланади, энергияни кўп талаб қиладилар, аҳоли саломатлигига хавф-хатар солади
5.	Экологик стандартларга муносабатлар	Қаъний стандартларга риоя этилади	Паст стандартларга амал қилиш, қаъний стандартларга риоя этмаслик
	Капитал жиҳозлар	Экологик стандартлар талабларига жавоб берадиган жиҳозлар ва иншоотлар	Капитал экологик жиҳозлар ва иншоотлар етишмаслиги
6.	Ташриф буюрувчилар ва маҳаллий аҳолининг ўзаро муносабатлари	Муносабатлар дўстона ва ўзаро ҳурматга асосланади	Муносабатлар расмий хусусиятга эга бўлади
7.	Олинган даромадлардан фойдаланиш	Олинган даромадларнинг бир қисми ҳудудларнинг рекреация ресурс базасини қайта тиклаш ва ободонлаштиришга, туристик хизмат кўрсатиш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилади	Олинган даромадлар асосан саёҳат ташкилотчилариниҳтиёрида қолади. Мақсадлар фойда олиш ва манфаат кўришга йўналтирилади

Манба: Турли манбаларнинг маълумотларини умумлаштириш асосида тузилган.

1-жадвалга кўра, таккослаш кўрсаткичларининг 1-7 қисмларининг барчасида экологик туризм оммавий туризмдан ўзининг афзалликлари билан катта устунликка эгаллиги тасдиқланади. У бокира табиат (“ёввойи табиат”), табиий ва маданий ландшафтлар билан мулоқотда табиат кўйнида саёҳат ва фаол дам олиш билан боғлиқ бўлиб, қизиқарли табиат объектлари, ходисалари, манзаралари билан таништиришга йўналтирилади ва бир вақтнинг ўзида табиат муҳофазасини ҳам ўз ичига олади ва кўп сонли сайёҳларни ўзига жалб этади ҳамда тегишли даромад олишга имкон беради.

Экологик туризмнинг юкорида кўрсатилган оммавий туризмга нисбатан афзалликларидан ташқари айнан унинг ўзига хос бўлган ва Ўзбекистон шароитида устуворлигини белгилаб берадиган қуйидаги афзалликларини ҳам кўрсатиш керак: 1) мамлакатимизда мавжуд улкан рекреация-экотуристик салоҳият мамлакатимиз туризмида ҳозирги вақтда устунликка эга бўлган Самарканд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг тарихий-меъморий ва маданий ёдгорликларини бориб кўриш билан боғлиқ бўлган сайёҳликка муҳим қўшимча бўлади, уларни ўзаро боғлиқликда ривожлантириш заруратини кучайтиради; 2) экологик туризм туристик хизматларни амалга оширишга оммавий туризмга нисбатан анча кам харажат ва моддий ресурсларни сарфлашга асосланади, унда қимматбаҳо меҳмонхоналар ва сервис хизматлари ўрнини табиатда дам олиш, уй-меҳмонхона ва чодирларда яшаш каби арзонга тушадиган хизматлар эгаллайди; 3) экотуризмни маҳаллий ва минтақавий иқтисодиёт билан интеграциялаш қўшимча катта самарага эришишга имкон беради, бунда маҳаллий аҳолини экотуристик хизмат кўрсатишга, тегишли тадбиркорликни ривожлантиришга кенг миқёсда жалб этиш асосида кўплаб янги иш ўринлари ва даромад олиш манбалари барпо этилади, катор маҳаллий иқтисодиёт тармоқлари ривожланади; 4) экотуризм мавжуд улкан рекреация салоҳияти имкониятларини туристик айланмага киритиш жараёнида табиатни асраш ва муҳофаза қилиш муаммоларини ўзаро мос йўналишда қулай йўл билан ҳал этишга имкон беради.

Дунёнинг барча қитъалари ва кўп мамлакатларида экотуризмга ички ва ташқи бозорда талаб муттасил ва тез суръатларда ошиб бормоқда. Дунёда туристлар сонининг сўнгги йилларда йиллик ялпи ўсиши 4-5 %ни, экотуристлар сони эса 15-20 %ни ташкил этган. Жаҳон туристик ташкилотининг баҳолашига кўра, барча халқаро туристларнинг 40-60 %ни табиат ажойиботлари объектларини кўришни истаган экотуристлар ташкил этади. Илмий адабиётларда берилган тахминий баҳолаш ҳисобларига кўра, жаҳон туризм бозорларида барча туристларнинг 7-8 % экотуризм улушига тўғри келади. Дунёда экотуризмга энг катта талаб ҳажми Шимолий Америкада, сўнгра Ғарбий Европада (аввало, Германия ва Буюк Британияда), Австралия ва Янги Зеландияда мавжуд. Тадқиқотлар туристларнинг анъанавий равишда Европага саёҳат қилиш истакларининг устун туриши табиати хилма-хил бўлган ривожланаётган мамлакатларга саёҳат қилиш томонга ўзгармоқда (Жанубий Африка Республикаси (ЖАР), Коста-Рика, Индонезия, Эквадор, Белиз, Непал, Кения ва б.). ЖАРда даромад олиш бўйича экологик туризм олмос казиб

олишдан кейин иккинчи ўринда, Аляекада (АҚШ) нефть казиб олишдан кейин иккинчи ўринда туради. Коста-Рика, Кения, Эквадорда туризм даромадларининг катта қисмини экотуризм беради.

Дунё амалиётида экологик туризмни ривожлантириш асосан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда (МЭТХ) амалга оширилади. Айнан МЭТХлар таркибида маъмурий, ижрочи ва илмий ходимлар штати мавжуд бўлган ва ҳудудий яхлит ташкил этилган тузилмага эга ташкилот бўлиб, улар рекреация фаолиятини илм-фан ва амалиёт талабларига мос ташкил этиш, туризмнинг экологик маърифат ва маданият йўналишини таъминлаш, мавжуд ҳудудларга мос келадиган, рухсат этиладиган туристик юклама сифимини ҳисоблаш, рекреация ҳудудлари ҳолати мониторингини ташкил этиш, бузилган ва ифлосланган экотизимларни қайта тиклаш (рекультивация) тадбирларини, тегишли даромад олиш ва бошқаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган энг мақбул муассаса ҳисобланади. Шунингдек, 1983 йилда Жаҳон туристик ташкилоти ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) дастури (ЮНЕП) билан биргаликда туризм ва атроф-муҳит муҳофазасининг ўзаро алоқалари тўғрисида кўшма декларацияни тайёрлади ва имзолади, бу ҳужжат муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Шунга мувофиқ халқаро амалиётда мамлакатлар фаровонлигини таъминлаш учун унинг 10-15 % ҳудудини муҳофаза қилишга ажратиш қулай ҳисобланади. Бундай ҳолатда экологик туризмни ривожлантиришга ҳам қулай муҳит ва шароит яратилади.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам экотуризм МЭТХларнинг рекреация салоҳияти ва имконияти ресурсларидан фойдаланишга асосланиб ривожланмоқда. Шу сабабдан биз бошқариш мақсадлари ва вазифалари нуктаи назаридан, бир томондан МЭТХларни бошқариш, бошқа томондан уларга асосланган экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятларини, сўнг мазкур икки йўналишни ўзаро боғлиқликда ва биргаликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Шу мулоҳазаларга асосланиб, МЭТХларнинг рекреация ресурсларидан экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда фойдаланиш масалаларини мазкур тадқиқотнинг 4-ва 5-бобларда алоҳида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими давлат бошқарувининг асосан 4 та идорасига бўйсунди: 1) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида 1 та (Хисор) кўрикхона (уларнинг мамлакатдаги умумий сони 9 та, умумий сонига нисбатан улуши 11,1 %), 1 та (“Жайрон”, Бухоро) экомарказ (1 та, улуши 100 %), буюртмахоналар 10 та (10 та, улуши 100 %), табиат ёдгорликлари 4 та (жами 4 та, улуши 100 %), жами МЭТХ лар сони 20 та (мамлакатда МЭТХ ларнинг умумий сони 26 та (бу ҳисобга 3 та табиий питомник киритилмаган), улуши 76,9 %); 2) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида 6 та кўрикхона (улуши 66,7 %), миллий боғлар 1 та (умумий сони 2 та, улуши 50 %), жами МЭТХ лар сони 7 та (умумий сони 26 та, улуши 26,9 %), 3) Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси таркибида 1 та (Китоб) кўрикхона (улуши 11,1 %), жами МЭТХлар сони 1 та (улуши 3,8

%) 4) Тошкент вилояти ҳокимияти таркибида 1 та (Чоткол) кўрикхона (улуши 11,1 %), 1 та (Угом-Чоткол) миллий боғ (улуши 50 %), жами МЭТХлар сони 2 та (улуши 7,7 %). Булардан ташқари яна МЭТХлар таркибига кирадиган айрим табиат ресурсларини бошқариш ҳудудлари (МЭТХларнинг VI категорияси) таркибидаги 73 та ўрмон хўжаликлари, 6 та давлат овчилик хўжаликлари ерлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига бўйсунди. Мазкур вазирликнинг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таркибида овчилик хўжалиги ва кўрикхоналар бошқармаси мавжуд бўлиб, унга 6 та кўрикхона бўйсунди.

Мазкур бошқарув органлари амалиётда кўпинча бошқарувни бир-бирлари билан мувофиқлаштирмасдан мустақил амалга оширадилар. Бундай вазият МЭТХлардан экотуризм йўналишида фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади ва катта тўсиқ ҳисобланади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ихтиёрида миллионлаб гектар ўрмон фонди ерлари бўлиб, улардан рекреацияда экотуризм, овчилик йўналишида фойдаланиш мумкин. Лекин бу имкониятлардан фойдаланиш деярли йўлга қўйилмаган.

Мутахассислар фикрига кўра, МЭТХларнинг турли идораларга қарашли бўлиши ва тарқоқлиги, бир томондан уларга юклатилган табиат муҳофазаси функцияларини тўла бажаришга, бошқа томондан уларнинг рекреация салоҳиятидан самарали фойдаланишга тўскинлик қилади. Шу сабабдан мамлакатимизнинг барча категориядаги МЭТХларини бошқаришни битта давлат идораси таркибида бирлаштириш, уларнинг мамлакатимизнинг барча минтақаларини ўз ичига оладиган ва ягона методологик асосда ишлайдиган ташкилий ва ахборот тизимини барпо этиш объектив заруратга айланмоқда.

Ҳозирги вақтда МЭТХлар рекреация ресурсларидан экотуризмни ривожлантиришга фойдаланаётган “истеъмолчи” ташкилот ва идоралар нисбатан кўп бўлиб, улар қаторига миллий боғлар, кўрикхоналар, буюртмахоналар, “Ўзбектуризм” МК, табиат муҳофазаси йўналишида фаолият юритаётган қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик уюшмалари (масалан, овчилик ва балиқ овловчилар спорт уюшмаси), хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқалар қиради. Уларнинг фаолияти ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мувофиқлаштирилмаган.

МЭТХлар турли категорияларининг бир томондан, турли идораларга тегишли бўлиши, бошқа томондан уларнинг рекреация ресурсларидан экотуризм йўналишида фойдаланиш, табиат объектларига саёхатларни ташкил этишни тартибга солишни аниқ белгилаб берадиган норматив-ҳуқуқий асосларининг мавжуд эмаслиги мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришнинг энг катта тўсиқлари ҳисобланади. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадларида МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий ва инфратузилма шароитларини яратишга йўналтирилган қуйидаги комплекс тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади: 1) экотуризм бўйича норматив-ҳуқуқий, илмий-методологик, институционал, моддий-техника, инфратузилма асосларни барпо этиш ва

мустаҳкамлаш. Шу йўналишларга асосланиб барча категориядаги МЭТХларда функционал зоналаштиришни амалга ошириш, шу асосда рекреация зонасини ташкил этиш ва уларда экотуризмни ривожлантириш ва уни бошқариш тартибини белгилаш; 2) “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тизими таркибида Ўзбекистон ва унинг минтақаларида экотуризмни ривожлантиришни бошқарадиган ва мувофиқлаштирадиган махсус ихтисослашган “экологик туризм” бўлимини ташкил этиш; 3) Ўзбекистоннинг экотуризм аҳамиятига эга бўлган табиат, табиий-тарихий-маданий, рекреация объектларини инвентаризациялаш; 4) экотуристтик хизматлар ва маҳсулотларни туристик бозор талабларига мувофиқ йўналишларда диверсификациялаш, экотуризмнинг фаол спорт-соғломлаштириш йўналишидаги янги маршрутларини ишлаб чиқиш (рафтинг, альпинизм, ғор туризми, овчилик ва балиқ овлаш туризми, пиёда, отда, туяда, автомобилда сайр қилиш ва б.); 5) Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳияти ва имкониятларини ички ва ташқи бозорда фаол тақдим этиш ва намойиш қилиш (реклама, ахборот, мультимедиа материаллари, реклама китобчалари, туристик карталар, туристик объектларни тасвирловчи сувенирларни тайёрлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ахборот ва реклама таништириш турларини ташкил этиш ва б.); 6) Ўзбекистоннинг барча минтақалари экотуристтик салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган комплекс тадбирларни (максалди дастурларни) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тегишли шарт-шароитларни яратиш; 7) экотуризм соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; 8) экотуризмни тегишли маҳаллий ва минтақавий иқтисодиётга интеграциялаш ва б.

Бу тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда экологик туризмни жадал ривожлантириш ва уни ихтисослашган тузилмага айлантиришга имкон беради. Бундай тузилма қуйидаги асосий вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак: 1) экологик барқарор туризмнинг мезонлари тизимини ишлаб чиқиш, туристик маршрутлар ва хизматларнинг халқаро талабларга мос келишини ҳисобга олиб уларни сертификатлаштириш; 2) ягона экотуристтик ахборотлар тизимини барпо этиш, маркетинг, реклама ва туристик маҳсулотларни ички ва ташқи туризм бозорида сотиш тадбирларини ташкил этиш; 3) бир нечта МЭТХларда маршрут ва турларни мувафиқлаштириш; 4) экотуристтик дастур ва хизматларга ягона баҳолар шаклланиши сиёсатини шакллантириш; 5) афишалар, ахборот тахталари, экологик сўқмоқларни жиҳозлаш ва шакллантириш, очик ҳавода экспозицияларни жойлаштириш, музей ва ташриф-марказларини ташкил этиш бўйича ягона стандартга асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш; 6) мутахассисларни экотуризм соҳасида ишлашга қайта тайёрлаш марказларини барпо этиш, доимий ишлайдиган семинар ва мактабларни ташкил этиш; 7) маҳаллий аҳолини экотуризм соҳасида ишлашга тайёрлашга кўмаклашиш; 8) экологик туризмни маҳаллий ва минтақавий, миллий иқтисодиётга интеграциялашни амалга оширишга кўмаклашиш; 9) табиий ва тарихий-маданий комплекс ва объектларга


етказилиши мумкин бўлган зиённи бартараф этиш мақсадларида экотуризм мониторинги ва назорати механизмларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, бир томондан МЭТХларни муҳофаза объекти сифатида бошқариладиган ягона давлат тузилмасига айлантириш ва бундай тизимни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида шакллантириш, унинг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; бошқа томондан эса МЭТХ рекреация ресурсларидан фойдаланишга асосланган ихтисослашган ягона экотуризм тизимини шакллантириш ва уни “Ўзбектуризм” Миллий компанияси таркибига махсус бўлим сифатида киритиш; МЭТХларга тааллуқли бўлган иккита ўзаро боғлиқ муаммони-табиат муҳофазаси ва экологик туризмни ривожлантиришни мувозанатлашган йўналишларда ҳал этишга ҳамда шу асосда “қўшалок ютук” самарасига (ҳам атроф-муҳитни соғломлаштириш ва муҳофаза қилиш, ҳам иқтисодий манфаат ва самарадорликка эришиш) эришиш; сезиларли экологик-иқтисодий натижа олиш имкониятини берадиган, нисбатан кам харажат талаб қиладиган ташкилий-рекреация вазифаларини белгилаб олиш ва уларни амалга оширишга; ташкилий ва ихтисослашувга асосланган ўзгаришларни талаб қиладиган илғор экотуристтик янгиликлар, инновацияларни жорий этиш йўлидаги чеклашларни бартараф этишга имкон беради.

1.3. Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш тизимининг шаклланиши, ички тузилмаси ва таркиби, уларни баҳолаш йўналишлари

Методологик ёндашув ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳулоса ва натижаларини амалиётда кенг қўллаш экотуризмни ривожлантиришни бошқариш тизимининг ички тузилмаси ва таркибини такомиллаштириш асосида фаолият самарадорлигини ошириш учун катта имкониятлар яратади. Шу сабабдан, энг аввало, бошқаришнинг айнан шу жиҳатларини аниқлашга (1-расм), сўнгра уларга асосланиб баҳолашнинг турли йўналишларини таърифлаш, уларни амалиётда қўллаш масалаларига алоҳида аҳамият берилди. Бунда мамлакатимиз ва хорижий тажрибаларни ўрганиш натижалари ҳар томонлама тўла ҳисобга олинди.

1-расмда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш тизимида иқтисодиётнинг ихтисослашган асосий тармоқлар, уларга хизмат кўрсатадиган қўшимча ва йўлдош тармоқлар гуруҳига бўлиниши асос қилиб олинди. Экотуристтик хизмат кўрсатишнинг барча жиҳатларини қамраб оладиган ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирадиган туристларга хизмат кўрсатиш, соҳага турли ишлаб чиқариш хизматини кўрсатиш, экотуризмда банд бўлган хизмат кўрсатувчи персоналга хизмат кўрсатиш каби йўналишларини ҳисобга олиб, мазкур яхлит тузилма таркиби аниқланди.



1-расм. Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш тизимининг шаклланиши, ички тузилмаси ва таркиби, йўналишлари
Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Унга кирадиган ташкилот ва корхоналарнинг қуйидаги уч гуруҳи ажратилди: 1) асосий ихтисослашган тузилма таркибиган кирадиган экотуристтик фирма, агентлик, бўлимлар; (1-расмнинг ўрта (марказий) қисмида кўрсатилган); 2) асосий тузилмага (экотуристтик фирмаларга) хизмат кўрсатадиган ва бўйсунадиган ихтисослашган қўшимча корхоналар (расмнинг

чап томонида); 3) асосий тузилмага (экотуристик фирмаларга) келишилган ва мувофиқлаштирилган, айти бир вақтда ҳам туризмга, ҳам бошқа соҳаларга хизмат кўрсатадиган ихтисослашган йўлдош корхоналар, бўлинмалар (расмнинг ўнг томонида).

Мазкур асосий, қўшимча, йўлдош йўналишларга тегишли бўлган ташкилотлар ва корхоналар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб бошқаришнинг якуний натижалари уларни бошқаришнинг яхлит ихтисослашган экотуризм тизими сифатида шаклланишига, шу асосда унинг нормал фаолият кўрсатишини кафолатли таъминлашга имкон беради.

Асосий тузилма - ихтисослашган экотуристик фирма, агентлик, бўлимлар куйидаги асосий қисмлардан таркиб топади: 1) фаолиятнинг бирламчи асоси ҳисобланган табиат рекреация, тарихий-маданий ресурс ва объектлар, улардан фойдаланиш; 2) фаолиятнинг марказий ва хал қилувчи элементи-ташриф буюрувчилар ва уларга хизмат кўрсатиш. Уларга хизмат кўрсатувчи персонал (ходимлар) ҳам киради; 3) бошқариш тизими-турли кичик тизимлар ўртасида оптимал муносабатлар нисбатини ўрнатиш.

Мазкур учта йўналишларнинг ҳар биттасини амалга оширишда II ва III гуруҳ корхоналари ўзларининг ихтисослашиши доирасида иштирок этади ва тегишли вазифаларни бажаради. Рекреация-экотуристик хизмат кўрсатишнинг ихтисослашган экотуристик корхоналари (фирмалар, агентлик ва бўлимлар), унга бевосита ва билвосита алоқадор бўлган ҳамда хизмат кўрсатадиган қўшимча ва йўлдош корхоналар (ташкилотлар) фаолиятининг ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган тизимини ташкил этиш ва уларни ягона яхлит тизим сифатида бошқариш экотуризмни комплекс ривожлантиришни амалга оширишнинг зарурий ва мажбурий шарти ҳисобланади. Бундай рекреация-экотуристик комплекс ихтисослашган, қўшимча ва йўлдош вазифаларни бажарадиган корхона ва ташкилотларнинг ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган мажмуасидан таркиб топади.

Мазкур методологик ёндашувнинг муҳимлиги ва илмий-амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда рекреация-экотуризм тармоғини ривожлантиришни бошқариш тизими бир вақтнинг ўзида ҳам экотуризм фирмаларини, ҳам унинг таркибида бўлган миллий иктисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналарини (ихтисослашган қўшимча корхоналар) ўз ичига олади, шунингдек, бир вақтнинг ўзида ҳам экотуризмга, ҳам бошқа соҳаларга хизмат киладиган тармоқлар корхоналари (ихтисослашган йўлдош корхоналар) хизматларидан зарур йўналишларда шартнома асосида доимий ёки вақти-вақти билан (даврий) фойдаланади. Бунда шуни ҳисобга олиш кераки, II ва III гуруҳга кирадиган корхоналар иктисодиётнинг бошқа тармоқлари таркибига киради, лекин улар фаолиятининг барча иктисодий кўрсаткичлари экотуризм соҳасига ҳам бевосита тааллуқли бўлган ва албатта ҳисобга олинадиган кўрсаткичлар каторига киради.

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини баҳолаш методологик ёндашув ва баҳолаш мезонларни белгилашнинг энг муҳим йўналиши бўлиб, у фаолиятнинг қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ

келишини аниқлаш ва эришилган натижаларни ўлчашни билдиради. Умумий кўринишда бошқариш самарадорлиги зарур ресурслар ва улар билан таъминланганлик даражаси, фаолият йўналишларини белгилаш ва режалаштириш (бошқаришнинг асосий механизм ва усуллари), натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш, уларнинг кўрсаткичларини табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ҳам ҳисобга олиб аниқлашни ўз ичига олади. Шунга мувофиқ экотуризмни ривожлантиришни самарали бошқариш мазкур тизимнинг, биринчидан, энг муҳим хоссалари ва жиҳатларини, иккинчидан, бошқариш механизмларининг қўйилган мақсадга мувофиқ келишини, учинчидан, қўйилган мақсадларга эришиш даражасини баҳолашни билдиради.

Бошқаришнинг муҳим хоссалари 1-расмда кўрсатилган асосий тузилма-ихтисослашган фирмалар, уларга хизмат кўрсатадиган ихтисослашган қўшимча корхоналар ҳамда ихтисослашган йўлдош корхоналарининг ўзаро алоқаларига хос хусусиятлари билан белгиланади. Бошқариш механизмларининг қўйилган мақсадга мувофиқ келишини аниқлашда режалаштириш, ходимларни танлаш ва уларнинг профессионалиги имкониятларини ошириш, маҳаллий аҳоли билан муносабатлар, қўйилган вазифаларни бажаришни назорат қилиш, фойдаланиш, асраш ва муҳофаза қилиш, хавфсизликни таъминлаш, ибратли тажрибалардан самарали фойдаланиш каби йўналишлар ўртасида оптимал нисбатларни таъминлашни тўла ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Қўйилган мақсадга эришишни баҳолаш мавжуд ҳолат ва вазиятни маҳаллий шароитга хос хусусиятлар ва хавф-хатарларни ҳисобга олишни талаб этади. Мазкур йўналишларнинг ҳар биттаси ўзига хос ёндашув ва таҳлилга асосланиши ҳамда уларнинг натижаларидан биринчи навбатдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишнинг устувор вазифаларини танлаш, энг яхши бошқариш стратегиялари ва амалиётини жорий этишга йўналтирилиши керак. Бошқача айтганда, бошқариш самарадорлигини баҳолаш бошқариш жараёнининг зарурий таркибий қисми сифатида кўриб чиқилади, унда ўтмиш тўғрисидаги ахборотлар истиқболда бошқаришни яхшилаш мақсадларида фойдаланишга хизмат қилади.

Баҳолаш натижаларидан фаолият жараёнларини ташкил этишни яхшилаш, режалаштиришни такомиллаштириш, истиқболга мўлжалланган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазаларни бошқариш амалиётига жорий этиш баҳолашнинг тегишли мақсади, принциплари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бошқаришнинг асосий мақсади – рекреация - экотуристтик ресурс салоҳиятидан экотуризмда фойдаланишни яхшилаш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш, бошқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Баҳолаш қуйидаги асосий принципларга асосланиши керак:

- баҳолаш чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган ва тушунарли кўрсаткичлар тизимига асосланиши.

•бошқариш самарадорлигини баҳолаш энг муҳим омилларни, шу жумладан, фаолиятга таъсир кўрсатадиган қулай ва ноқулай вазият ва хавф-хатарларни ҳисобга олишга асосланиши.

•кўрсаткичларда бошқаришнинг иқтисодий, ижтимоий, табиат муҳофазаси мақсадлари ҳисобга олинishi.

•баҳолаш тўғридан-тўғри ўлчаш ёки бошқа далиллар билан тасдиқланган миқдорий ёки сифат ахборотларидан фойдаланишга асосланиши, баҳолаш методикаси илмий асосга эга бўлиши, тегишли тажрибаларни тўплаш давомида доимий такомиллаштириб борилиши.

•баҳолаш натижаларига асосланган тавсиялар устувор ҳаракатларни белгилаб бериши.

Кўрсаткичларни танлаш тегишли ихтисослик ва юқори малакага эга бўлишни талаб қиладиган мураккаб жараён бўлиб, улар экотуризмни бошқариш учун зарур бўлган барча жараён ва ўзгаришларни (экотуристик, табиий, экологик, иқтисодий, маданий, ижтимоий, маъмурий-ҳудудий, сиёсий ва б.), шунингдек, умумий ва узоқ муддатли ўзгаришлар, вақт ва ҳудудлар (макон, жойлар) бўйича ўзгаришларни ўзида ифодалаши, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш нуқтаи назаридан мумкин қадар оддий ва арзонга тушиши талаб қилинади.

Баҳолаш кўрсаткичлари якуний мақсадларга эришишнинг миқдор ва сифат даражасини кўрсатади. Бундай кўрсаткичлар I-расмда ихтисослашган, ихтисослашган қўшимча, ихтисослашган йўлдош корхоналар учун кўрсатилган бўлиб, уларни тегишли йўналишларда қўллаш ахборотларни аниқлаштиришни талаб қилади.

Баҳолаш натижаларини ифодалаш ва тақдим этишда унинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мумкин:

1) Ёзма ҳисобот: уларда экотуристик фаолиятнинг турли йўналишларига оид кўплаб ахборотлар таҳлилига асосланган хулосалар берилади. Баҳолаш натижалари босма ва электрон шаклларда келгусида мавжуд ҳолатни таққослашни амалга ошириш ва тажрибалардан фойдаланиш мақсадларида сакланади.

2) SWOT-таҳлил: унда экотуристик фаолиятнинг кучли (Strength) ва кучсиз (Weaknesses) томонлари, имкониятлари (Opportunities) ва хавф-хатарлари (Threats) баҳоланади. Бундай ёндашув ҳал этишни талаб қиладиган принциплал умумий масалаларни тез шарҳлаб беришга имкон беради.

3) Стандартларга мос келиш (мувофиқлик): экотуризмни бошқариш натижалари ва параметрларининг белгиланган стандартларга мос келиши натижаларини рақамларда ва сўзда ифодалаб таҳлил қилиш асосида фаолиятга аниқ ва тўлиқ таъриф берилади.

4) Балларда баҳолаш: бундай ёндашувнинг кўплаб вариантлари мавжуд бўлиб, балл тизимлари экотуризмни бошқариш жараёнларини олдиндан аниқ белгиланган нисбатан барқарор нормативларга (кўрсаткичларга) асосланиб баҳолашга имкон беради.

5) Мониторинг ва жорий баҳолаш: экотуристтик фаолиятни узок муддатларда кузатиш (мониторинг) натижаларига асосланади ва содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолашга имкон беради.

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш фаолиятини баҳолашнинг кўрсатилган барча йўналишларининг ҳар биттасига мос келадиган аниқ кўрсаткичлардан таркиб топган методикани ишлаб чиқиш талаб этилади. Амалиётда мавжуд шароит ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб баҳолашнинг турли вариантларидан биргаликда ва ўзаро боғлиқликда фойдаланиш яхши натижа беради.

Баҳолашнинг балл варианты давлат бошқаруви органлари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, жамоат ташкилотларининг экотуризмни бошқаришга турли даражада қизиқишларини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Балл баҳолаши экотуристтик фаолият натижаларини кенг қамраб олишга ва уларни тез таққослашга имкон беради. Шу нуқтаи назардан баҳолашнинг балл вариантларидан фойдаланиш масалалари мазкур бўлимда, сўнгра 4-бўлимда қисқача таърифланади. Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бошқариш фаолиятининг олти асосий элементлари талабига жавоб берадиган олти гуруҳ йўналишлари ва кўрсаткичларини ўзининг ичига олади. Улар қуйидагилардан иборат: 1) мавжуд вазиятни ифодаловчи кўрсаткичлар; 2) режалаштириш кўрсаткичлари; 3) ресурс ва воситалар билан таъминланиш кўрсаткичлари; 4) фаолият кўрсаткичлари, якуний натижалар кўрсаткичлари (2-жадвал).

2-жадвал

Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари

	Фаолиятнинг асосий қисмлари	Асосий йўналишлар ва кўрсаткичлар
I	<u>Мавжуд вазият:</u> <u>ҳозирги ҳолат</u> <u>таърифи</u>	1) МЭТХларнинг турли категорияларининг рекреация-экотуристтик зоналарида экотуризмни ташкил этиш ва уни бошқариш: мамлакат иқтисодиёти ва туризмидаги аҳамияти, маҳаллий хусусиятлари, ривожланишининг асосий тенденциялари ва шароити таҳлили, унинг натижа ва ҳулосалари. Мавжуд ички ва ташқи хавф-хатарлар. Бошқариш хусусиятининг мавжуд вазиятга мос келиши
II.	<u>Режалаштириш:</u> <u>нимага эришиш</u> <u>кераклигини</u> <u>белгилаш</u>	2) Экотуризмга тааллуқли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар (норматив актлар, қонунлар ва уларга шарҳлар) билан таъминланганлик. Рекреация-экотуристтик зона планировкаси. Фаолиятни режалаштириш. Фаолиятни норматив ва ҳуқуқий таъминлаш
III.	<u>Мавжуд</u> <u>рекреация –</u> <u>экотуристтик</u> <u>ресурслар:</u> <u>қўйилган мақсад</u> <u>ва вазифаларни</u> <u>бажариш,</u> <u>фаолият</u> <u>муваффақияти</u> <u>учун зарур</u> <u>ресурслар</u>	3) Ресурслар ҳолати ва таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлиги, ҳамкорларни танлаш. Молиялаштириш ҳажми: умумий йиллик бюджет: маош, капитал харажатлар, моддий-техника база таъмири ва хизмати ва уларни молиялаштириш манбалари: бюджет ажратмалари, хизматларга тўловлар, ташқи ташкилотлардан грантлар. Персонал: доимий ишловчилар, вақтинча ишловчилар, уларнинг вазифалари, малака ва маълумоти даражаси бўйича тақсимланиши. Жиҳозлар ва инфратузилма: уларнинг мавжуд сони, транспорт воситалари, офис жиҳозлари, бинолар, йўл ва сўкмоқлар ҳолати, узунлиги, сифати; Жиҳозлар ва инфратузилмага эҳтиёжни аниқлаш ва уларни бизнес-режага

		<p>киритиш.</p> <p>Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги: табиат-рекреация ресурсларини бошқариш, ташриф буюрувчилар оқимини бошқариш, ижтимоий алоқалар ва ривожланиш. Мақсад ва вазифаларга мувофик ресурсларга талаб ва эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>Ҳамкорлар: лойиҳаларни амалга оширишга инвестициялар ажратиш.</p> <p>Ресурслар билан таъминланиш даражаси</p>
IV.	<p><u>Фаолият: мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар</u></p>	<p>4) Фаолият жараёнларини баҳолаш умумий қабул қилинган бошқариш нормаларига асосланади: бошқаришнинг оптимал усуллари ва методларидан фойдаланиш, фаолиятни доимий такомиллаштириб бориш.</p> <p>Фаолиятнинг турли кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш ва ҳаракатларни амалга ошириш: бошқаришнинг асосий механизм ва усуллари, бошқаришда қўлланилаётган механизмлар, усулларнинг мақсадга мувофиклиги, бошқаришнинг асосий усулларининг ижобий натижа бериши ва қонунийлиги (ҳаққонийлиги), самарадорлиги.</p> <p><u>Бошқаришнинг энг яхши амалиётини эгаллаш ва уларни кенг қўллаш:</u> ватанимиз ва хорижий ибратли тажрибалар (экотуристик сиёсат, бизнес-режа, амалиётга раҳбарлик, эксперт ва персонал, маҳаллий аҳоли тажрибалари ва б.). Бошқариш методларини мавжуд вазиятга мос ҳолда танлаш (ресурслар, хавф-хатарлар).</p> <p><u>Бошқариш стандартларини белгилаш:</u> экотуризмни бошқариш стандартларини ўрнатиш, уларни аниқлашда балл тизимидан фойдаланиш; стандартлар бўйича баҳолаш-мулоҳазаларнинг тўғрилигини текшириш усули эканлиги.</p> <p><u>Экотуризмнинг олға қараб ривожланишини таъминлаш:</u> стандартларни ўрнатишга асосланиш ходимлар ҳаракатининг раҳбарий қўлланмасига айланиши, ривожланишни режалаштириш ва истиқбол дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асоси бўлиши</p>
V.	<p><u>Натижалар: муваффақиятлар ва камчиликлар, бошқариш самарадорлиги</u></p>	<p>5) Бажарилган барча ишларни ҳисобот ва бошқа ҳужжатлар маълумоти асосида таҳлил қилиш ва фаолиятни баҳолаш: хизматлар ва маҳсулотлар миқдори ва сифати (ташриф буюрувчилар сони, бажарилган ишлар ҳажми ва натижалари, амалий натижалар, масалан, сўқмоқлар қуриш ва жиҳозлаш, маршрутларни тавсия этиш ва б.), мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш.</p> <p>Режалар ва дастурларнинг бажарилиши: хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини режа ва дастур кўрсаткичларига таққослаш, ҳаражат ва даромадлар, бизнес-ражанинг бажарилиши, жорий назорат ва ҳисобот, мониторинг.</p> <p>Фаолият жараёнлари ва натижаларини баҳолаш: балл тизимини қўллаш</p>
VI.	<p><u>Яқунлар: ютуқлар, камчиликлар, самарадорлик, истиқболлар</u></p>	<p>6) Яқуний таҳлиллар бошқаришнинг ҳаққоний самарасини ифодалишига эришиш: экотуризмнинг бошқариш самарадорлигини аниқлаш Халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи (МСОП) белгилаган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг (МЭТХ) 7 та категориясида ажратиладиган рекреация-экотуристик зоналари хусусиятлари ҳисобга олиниб амалга оширилади. Фаолият самарадорлигини баҳолаш тартиби: фаолият яқуний натижалари индикаторлари, зарур ахборотлар ва уларнинг таҳлили, натижаларни баҳолаш, хулоса ва тавсиялар. <u>Асосий индикаторлар:</u> рекреация зоналари ҳудудларининг туристлар таъсирида деградацияга учраши даражаси, ташриф буюрувчилар сони ва ҳудуднинг экотуристик сизими нисбати.</p> <p>Ташриф буюрувчилар ва табиат комплексини асраш, муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик ва экологик назоратни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш. Бошқаришнинг қўйилган мақсадларга мувофик келиши даражаси. Истиқболда бошқариш самарадорлигини ошириш тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p>

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвал тавсиялари ва маълумотларига асосланиб, МЭТХлар ресурсларига асосланиб фаолият юритадиган айрим экотуристтик фирмалар, агентликлар, бўлимлар бўйича, шунингдек айрим минтакалар ва умуман мамлакат миқёсида, давлат бошқаруви органлари бўйича (“Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси) мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш мумкин. Мазкур йўналишларда баҳолаш айрим фирмалар бўйича батафсил бўлиши, давлат даражасида умумлаштирилган, узок муддатли, экспресс баҳолаш шаклида бўлиши мумкин.

Баҳолаш, асосан, ҳисобот маълумотларига асосланиб ишлаб чиқилади. Мамлакат бўйича экотуризмни бошқариш самарадорлигини баҳолаш тегишли барча фирмалар, агентликлар, бўлимлар бўйича умумлаштирилган ахборотлар таҳлилига асосланиб амалга оширилади. Бундай баҳолаш экотуризм бўйича миллий сиёсат ва устуворликларни ишлаб чиқиш учун муҳим маълумотлар базаси ҳисобланади. Умуман бошқариш самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича таърифланган методологик ёндашув ва мезонлар муҳим инструментлар бўлиб, уларни амалиётда кенг қўллаш фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1.4. Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш стратегиясини шакллантиришга ёндашувлар ва уни амалга ошириш механизмлари

Стратегия юнонча “strategies” “лашкарбошилиқ санъати” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳозирги вақтда у анча кенг маънода-мақсадга эришишнинг кўп жиҳатларини ўз ичига оладиган умумий режа маъносида кенг қўлланилади. Экологик туризм нуқтаи назаридан стратегия экотуристтик фирма фаолиятининг муваффақиятини таъминлайдиган салоҳиятни аниқлашни (бошқа корхоналар билан рақобатда экотуристтик ресурслардан фойдаланиш ва уларни тежаш, экотуристтик хавфсизликни таъминлаш ва бошқа соҳаларда афзалликка эга бўлиш), шу асосларда фирманинг узок муддатли мақсадларини белгилаш ва уларни пухта ўйлаб ишлаб чиқилган бошқариш тадбирлари ва инструментлари воситасида амалга оширишни билдиради.

Стратегияни шакллантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: 1) фирманинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги концептуал асосларни ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш; 2) фирманинг мавжуд ҳолати, унинг ички муҳит салоҳияти (имкониятлари) ва ташқи муҳитини таҳлил қилиш; 3) фирманинг вазифаларини амалга оширишга хизмат қиладиган мақсад ва стратегияни ишлаб чиқиш.

Ички муҳит салоҳиятини тадқиқ этишда фирманинг кучли ва кучсиз жиҳатлари, имкониятлари ва мавжуд хавф-хатарлари таҳлилига асосий эътибор қаратилади. Бунда фирманинг ички тузилмаси, стратегияси, иш услублари, ходимлари (персонал) ва уларнинг малакалари қабул қилинган стратегияга қандай таъсир кўрсатиши аниқланади. Ташқи муҳит таҳлили сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, экологик, рекреация салоҳияти

омиллари таъсирида шаклланадиган фирманинг бозор имкониятлари ва хавф-хатарларини ҳисобга олиб амалга оширилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, фирма учун мавжуд энг яхши тажрибаларни амалиётда қўллаш имкониятлари (ташқи муҳит босимига бўйсуниб) узоқ муддатли рақобатдошликни қўлга киритишга ёрдам бериши мумкин.

Фирманинг стратегик қарорларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши тегишли экотуристтик ахборотлар таҳлили натижаларига асосланиши керак. Бундай қарорларда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак: 1) стратегиялар фирмаларнинг рақобатдошлигини кучайтирадиган катта салоҳиятга эга бўлиб, уларни юқори кийматга эга ваколатлар билан қуроллантиради; 2) стратегияни амалга ошириш экологик туризмнинг ташкилий-иқтисодий, технологик асосларини тубдан ўзгартиради, янги бозорлар, янги талаб-эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига, уларни таъминлаш йўналишлари ва усулларини яратишга имкон беради; 3) ривожланиш суръатларини экотуристтик тизимларнинг хусусиятларига мослаштиришга йўналтиради ва экотуристтик самарани оширади.

Шундай қилиб, стратегия қўйилган мақсадга мослаштирилган ва фирма ресурсларини тегишли асосларда тақсимлашга йўналтирилган умумлаштирилган ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади. Стратегия туристик бозор, рақобатчилар, вақт омилларини ҳисобга олиб ишлаб чиқиши керак. Экотуристтик бозорда фирманинг иштироки унинг сотиладиган экотуристтик маҳсулотлари ва хизматларининг аниқ таърифи, сифати ва миқдори, истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талаблари ҳар томонлама тўла ҳисобга олиниб амалга оширилиши лозим.

Рақобатчилар бўйича стратегия дифференциялаш ёки бозорда ўз ўрнини эгаллашга йўналтирилади. Ушбу иккита стратегия ҳам рақобатдошлик устунликларини эгаллашга ёрдам беради: улар биринчи ҳолатда туристик хизмат ва маҳсулотларга экологик сифат ва жозибадорлик бериш орқали, иккинчи ҳолатда экотуризмга онгли ёндашувчи туристлар (истеъмолчилар) орқали амалга оширилади. Вақт омилида фирманинг лидерлиги (етақчилиги) ёки лидерлар кетидан бориши стратегиясига амал қилиши фаркланади. Лидерлик стратегияси бозорга янги маҳсулот ва хизматларни олиб чиқаришга асосланади. Булар тегишли технология ва ишланмаларга катта харажатлар талаб қилади, бозорнинг юқори хавф-хатарлари билан боғлиқ бўлади, шу билан бир қаторда улар катта даромад олишга, узоқ истикболда юқори экотуристтик имиджга эга бўлган машҳур фирма деган обрў-эътиборга сазовор бўлишга имкон бериши мумкин.

Аниқ стратегия ва уни амалга ошириш бўйича самарали ҳаракатлар ўтмишда муваффақиятга эришишга имкон берган бўлса истикболда ҳам муваффақиятга эришишни таъминлайди. Бунда стратегик режалаштириш ташкилотнинг мақсадини танлаш ва уни амалга ошириш учун зарур қарорни қабул қилиш жараёни сифатида барча асосий бошқариш қарорларини олдиндан белгилаб, уларни ҳал этишнинг асосини ташкил этади. Режаларни муваффақиятли амалга ошириш узоқ ва қисқа муддатли дастурлар тузиш,

харакат ва қарорларни амалга ошириш бўйича рахбарий қўлланма ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишни, бажариладиган ишлар тартиби (процедура) ва қоидаларини аниқ белгилашни талаб қилади. Бошқариш функциялари эса режаларни амалиётга жорий этишга йўналтирилган ҳаракатларга айланади.

Узоқ муддатли стратегияни амалга ошириш тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва механизмларни қўллашни талаб қилади. Улар эса, ўз навбатида, экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг оптимал тузилмасини шакллантиришга, туристик маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини таъминлашга, барқарор ва мувозанатлашган ўсишга имкон беради.

Ўзбекистоннинг МЭТҲлари барча категорияларининг рекреация зонасида экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш стратегиясида бир томондан уларни экотуризмда фойдаланиладиган табиий ва маданий ресурс ва қадриятлар манбаи сифатида, бошқа томондан уларни янада кенгрок маънода, яъни мамлакатимизнинг ягона экологик-иқтисодий маконининг муҳим интеграл компонентлари ҳамда маҳаллий, минтақавий ва миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш ва бошқариш лозим. Бундай ёндашув табиатдан унга зарар етказмай фойдаланиш, атроф-муҳитни асраш ва соғломлаштириш, муҳофаза қилиш асосида мавжуд рекреация салоҳиятини кўпроқ сафарбар қилишга, илғор технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодий самарадорликка эришишга имкон беради.

Мазкур стратегия бўйича тавсия этилаётган ёндашувлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг “ўзбек модели” тамойиллари ва устуворликларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004) қонунининг қоида ва талабларига асосланиб ишлаб чиқилган. Унда МЭТҲларда экологик туризмни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари асослаб берилган.

Стратегияда қўйилган мақсадларни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни бажаришни талаб қилади:

- “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва тегишли давлат органларининг мамлакатимизда экотуризмни ихтисослашган йўналиш сифатида шакллантириш бўйича мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш, амалиётда МЭТҲларнинг барча категориялари салоҳиятидан самарали фойдаланишга эришиш;

- МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни таъминлаш бўйича тегишли бошқариш режаларини тузиш, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш;

- тартибга солинадиган экотуризм ва дам олишни ривожлантиришни бошқаришнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш;

- МЭТҲларда экотуризмни ривожлантириш учун қулай шароит ва самарали туризм инфратузилмасини яратиш, рекреация ресурслари имкониятларини тўғри баҳолаш ва уларни асраш ҳамда муҳофаза қилишни таъминлаш;

- табиий ва тарихий-маданий объектларга рекреация юкламаларини (нагрузкани) тартибга солиш ва назорат қилиш ва уларни режалаштиришнинг мақбул тизимини барпо этиш;

- экотуризм соҳасида банд бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

- маҳаллий аҳоли учун муҳим ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган экотуристтик хизмат ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш;

- экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш тизимларини тегишли минтақалар ижтимоий-иқтисодий тизимига интеграциялаш.

Стратегияда экологик туризмни ривожлантиришни минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларга интеграциялаш механизмлари очиб берилади, маҳаллий аҳолининг экотуризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларида иштирокини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Стратегиянинг асосий қоидалари ва йўналишларини амалга ошириш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:

- мамлакатимиз МЭТХлари рекреация зоналарида экотуризмни ривожлантириш уларнинг салоҳиятидан ҳам иқтисодий самара олиш, ҳам мавжуд табиий ва маданий қийматларни асрашга эришиш мумкинлигини жамоатчиликка намоён қилади;

- МЭТХларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий афзалликларини кучайтиради;

- МЭТХлар мутахассисларининг тартибга солинадиган экотуризмни ташкил этиш бўйича ижодий фаоллиги ва манфаатдорлигини оширади;

- МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнлари ва туристик инфратузилмани шакллантиришга маҳаллий аҳолини жалб этади, бундан маҳаллий аҳоли тегишли манфаат ва фойда олишга эришади.

Стратегияни амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

- экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш ва уларни такомиллаштириб боришни таъминлаш;

- мамлакатда экотуризмни яхлит тизим сифатида шакллантириш сиёсатини амалга оширадиган ташкилий тузилмани барпо этиш, шунингдек экотуризмни комплекс ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш мақсадида “Ўзбектуризм” МК таркибида махсус бўлим (марказ) ташкил этиш;

- мавжуд экотуристтик салоҳиятдан самарали фойдаланишга йўналтирилган мақсадли дастурлар, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- экотуризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган ва рағбатлантирадиган молиявий ричагларни ишлаб чиқиш;

- экотуризмни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ва лойиҳа-қидирув ишларини кенгайтириш;

- стратегияни ахборот билан таъминлаш мақсадларида экотуризм статистикасини шакллантириш.

1-боб бўйича хулоса ва тавсиялар

Методологик ёндашувлар туризм соҳасини экологик барқарор ривожланиш сифатида ўзаро боғлиқ тармоқлар мажмуаси, миллий иқтисодиёт тармоғи, аҳолининг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш усули, янги иш ўринлари ва даромад яратиш, тадбиркорлик ва минтакалар иқтисодиётини ривожлантириш манбаи, ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишида бошқаришнинг хусусиятларини очиқ бериши, мазкур соҳаларда асосий йўналиш ва тушунчаларни ҳамда механизмларни таърифлаш ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш масалаларини ёритишга қаратилган.

Экологик туризмнинг оммавий туризмдан афзалликлари ва устунлигини ҳамда мамлакатимизда улкан рекреация-экотуристик салоҳият мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш заруратини ҳисобга олиб Ўзбекистонда экотуризмни шакллантириш ва ривожлантиришни бошқариш бўйича комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунда МЭТХларни бошқаришнинг идоравий тарқоклик шаклини уни бошқарадиган ягона давлат тизимига алмаштириш, шундай асосларни яратишга асосланиб МЭТХларнинг барча категорияларида рекреация-туризмни бошқарадиган ихтисослашган тузилма (марказ)ни “Ўзбектуризм” МҚ таркибида ташкил этиш.

Экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг яхлит тузилмаси таркибида учта гуруҳ (уч даражадаги) корхоналарни-асосий ихтисослашган экотуристик фирмалар, агентликлар, бўлимлар, уларга хизмат кўрсатадиган ва бевосита бўйсунадиган ихтисослашган кўшимча корхоналар, асосий ихтисослашган тузилма (фирмалар)га шартнома асосида зарур вақт ва йўналишда даврий хизмат кўрсатадиган ихтисослашган йўлдош корхоналарга ажратиш, уларни ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган яхлит тизим сифатида таҳлил қилиш ва ташкил этиш. Бошқариш самарадорлигини аниқлашни фаолиятининг энг муҳим хоссалари, жиҳатлари, механизмлари, мақсад ва вазифаларини баҳолашга асослаб амалга ошириш, баҳолаш принципларини ишлаб чиқиш, кўрсаткичларни аниқлаш, уларга асосланган таҳлил натижаларидан фаолиятни яхшилашда фойдаланиш.

Стратегияда МЭТХларнинг рекреация зоналари табиий ва маданий ресурслар манбаи, мамлакат ягона экологик-иқтисодий мухитининг интеграл компоненти, миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида кўриб чиқилиши ва бошқарилиши; стратегия тараккиётининг “ўзбек модели” тамойиллари, устуворликлари ва мамлакат қонун ҳужжатлари, қоида ва талабларига асосланиб ишлаб чиқилиши ва шу асосида МЭТХларда экотуризмни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш; стратегияни амалга ошириш механизмлари ҳуқуқий-норматив база, ташкилий тузилмани барпо этиш, мақсадли дастур ва инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, молиявий дастакларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот ва лойиҳа-қидирув ишларини кенгайтириш, ахборот билан таъминлашга асосланиб ишлаб чиқилиши.

2-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МУҲИТИ, ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРДАН АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛАНИШ

2.1. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқаришни ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқариш фирманинг ўз мақсадларини муваффақиятли амалга оширишини, яъни харажатлар ва натижалар ижобий ва қониқарли бўлишини ифодалайди. Бу ерда самарадорликнинг икки жиҳати-мақсадга эришиш ҳамда кириш (ресурслар, хизматлар) ва чиқиш (фаолият натижалари) назарда тутилади. Уларни баҳолаш эса бошқариш самарадорлигини оширишга тааллуқли фикр-мулоҳаза бўлиб, у бошқариш мақсадини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдалилиги, уларга мос келишини ифодалаш жараёни эканлигини англатади. Бошқача айтганда, бошқаришни баҳолаш объектнинг қиймати ёки сифатини тизимли тадқиқ этишни билдиради.

Бошқариш самарадорлиги учта асосий компонентни ўз ичига олади: 1) объектнинг асосий хоссалари; 2) бошқариш механизмларининг қўйилган мақсадга мос келиши; 3) қўйилган мақсадга эришиш даражасини баҳолаш.

Бошқариш самарадорлигини баҳолаш, энг аввало, кўрсатилган компонентлардан қандай даражада тўла фойдаланилаётганлигини таҳлил қилишга асосланади. Бундай таҳлил мавжуд маҳаллий шароит ва аниқ вазият ҳисобга олиниб амалга оширилади. Баҳолаш экотуризмга таъсир кўрсатадиган ва нисбатан объектив ва субъектив хусусиятга эга омилларини ўз ичига олиши лозим. Баҳолаш натижалари эса экотуризм ривожланишини бошқаришнинг биринчи навбатдаги муаммоларини аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилаш, фаолиятга энг яхши стратегия ва амалиётни жорий этишда фойдаланилади. Самарадорлик тегишли қарорларни баҳолаш ва танлашнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни ташкил этиш шаклланиш босқичида турганлигини ҳисобга олганда, мамлакатимизда бу соҳада қатор тадбирлар комплексини амалга ошириш талаб қилинади. Бундай тадбирлар мавжуд экотуристлик салоҳиятдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ички ва ташқи бозорда рақобатдошликни ошириш, янги сегментларни эгаллаш мақсадларида мамлакатимиз ва унинг минтақаларининг экотуристлик имкониятлари афзалликларини рўёбга чиқариш, иқтисодий ўсишнинг ички манбалари ва ташқи омилларидан самарали фойдаланиб қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга йўналтирилиши керак. Бунда маҳаллий шароит ва ресурслар, транспорт ва туристик инфратузилманинг туристлар оқимиغا хизмат кўрсатиш сифими кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шу муносабат билан бошқариш амалиёти самарадорлигини баҳолаш тизими кўп жиҳатдан экотуризм менежменти қоида ва талабларига риоя этилишига асос бўлиб хизмат қилади. Улар бошқариш фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланмоқда.

Умуман мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни самарали бошқариш фирмалар фаолияти муҳити, бошқариш жараёнларини ташкил этиш, унинг самарадорлигини аниқлаш, бошқариш инструментларини амалиётда қўллаш каби йўналишлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга кўп томонлама боғлиқ бўлади. Мазкур йўналишлар навбатдаги параграфларда кўриб чиқилади.

2.2. Фирмаларнинг ички ва ташқи муҳити ва улардан самарали фойдаланиш

Экотуристтик фирмалар ўзига хос мураккаб тизимга эга бўлган очик тизим бўлиб, улар фаолиятининг самарадорлиги кўп даражада доимий ўзгариб турадиган хилма-хил ички ва ташқи муҳитга қандай даражада тез мосланувчанлигига боғлиқ бўлади. Бундай шароитда экотуризмни бошқариш унинг ички ва ташқи муҳити тўғрисидаги назарий билимлар ва мавжуд амалиётни чуқур таҳлил қилиш ва уларнинг хулоса ва натижаларига асосланиши керак. Бугунги кунда экотуристтик фирмаларнинг ички ва ташқи муҳити уларнинг рақобатдошлигини ошириш ва шу асосда иктисодий ҳолатини яхшилаш мақсадларида доимий таҳлил қилиниши ва ўрганилиши объектив заруратга айланди. Дунёда ташқи муҳит омилларининг таъсири тобора ошиб бораётир, лекин ички муҳит омиллари фирмалар фаолияти ривожланишида хал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Экотуристтик фирманинг ички муҳити ички омиллар билан белгиланади, улар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация зонасининг экотуристтик салоҳияти, молиявий ва ахборот ресурслари, экотуристтик хизмат кўрсатиш мақсадлари, вазифалари, тузилмалари, қўлланиладиган технология, ходимлар ва ташкилотчилик маданияти ва бошқаларнинг ўзаро боғлиқ яхлит мажмуасидан таркиб топади. Экотуризмнинг ташқи муҳити фирмалар фаолиятига бир томондан мамлакатимиз ва унинг минтақалари микёсида, бошқа томондан дунё ва айрим давлатлар микёсида (глобал муҳит шароити) бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган омиллар мажмуаси бўлиб, улар истеъмолчилар, рақобатчилар, таъминотчилар, давлат органлари, молиявий ташкилотлар, шунингдек, иктисодий, ижтимоий, сиёсий, халқаро, илмий-техника ва бошқа омиллардан таркиб топади. Ташқи муҳитнинг ўзгариши фирмалар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади, уларнинг ҳаракатларини ўзгартиришга, ташқи ўзгаришларга мослашишга мажбур қилади.

Умуман ички муҳит омиллари ташқи муҳит омиллари билан ўзаро боғлиқликда фирмалар фаолиятига хал қилувчи таъсир кўрсатади. Ички ва ташқи муҳитнинг барча таркибий қисмлари ўзаро яқин алоқада бўлади ва бир-бирларига таъсир кўрсатади. Улар бозор вазиятининг ноаниқлиги, туристик хизматларга талабнинг барқарор эмаслиги, кескин рақобат мавжудлиги, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Тез ўзгарувчан бозор муносабатлари шароитида экотуризмни ривожлантиришни бошқариш амалиёти туристик фирмалар фаолиятида ички ва ташқи муҳит имкониятларидан самарали ва тадбиркорлик билан фойдаланиш

биринчи навбатда уларнинг умумий ва хусусий таърифни, рекреация салоҳиятини чуқур билиш ва ҳар томонлама тўла ҳисобга олишни талаб қилади. Бунда ички ва ташқи муҳитнинг ҳар бирида мавжуд компонентлар занжирида биттасининг ўзгариши бошқаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шу сабабдан амалиётда мавжуд ҳолат ва вазиятни тўғри баҳолаш уларнинг мавжуд ўзгаришларга мос йўналишларини тўғри танлашни вазиятга умумий интеграциялаш нуқтаи назаридан қарашни талаб қилади.

Мамлакатимизда экотуризмни бошқаришнинг ички муҳити имкониятлари ва улардан самарали фойдаланиш асосан мавжуд МЭТХларнинг барча категориялари ҳудудларида уларга мос келадиган ички муҳит тузилмасини барпо этиш, мақсад ва вазифаларни тўғри аниқлашга хизмат кўрсатишнинг илғор технологияларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. МЭТХларнинг рекреация зоналари таърифи, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар мазкур монографиянинг 4-бўлимида кўрсатилган бўлиб, уларнинг улкан ресурс салоҳиятидан ихтисослашган экотуризм йўналишларида фойдаланиш ички муҳитни тубдан яхшилашга имкон беради.

Умуман истикболда ички муҳитни бир томондан таркибий элементлари турғун ҳолатда, бошқа томондан қатор омиллар таъсирида ўзгаришларга учрайдиган жараён сифатида талқин қилиш мумкин.

Экотуристлик фирмалар ички муҳитини яхшилаш қуйидаги йўналишларни амалиётга татбиқ этишни талаб қилади:

1) Мақсадни аниқлаш ва белгилаш: юқори сифатли экотуристлик хизмат кўрсатиш, туристларнинг саёҳатлардан тўлиқ қониқишига эришиш ва шу асосда тегишли даромад олишни ўз ичига олади. Мазкур жараён қудратли мувофиқлаштирувчи механизм кучига эга бўлади: унга мувофиқ барча манфаатдор иштирокчилар нимага эришиш кераклигини биладилар ва шу йўналишда ҳамжихат ва фидоий фаолият юритадилар, мақсад сари онгли ҳаракат қиладилар ва тегишли натижаларга эришадилар.

2) Белгиланган мақсадни самарали амалга оширишга имкон берадиган функционал тузилмага эга бўлиш ихтисослашган меҳнат тақсимотига асосланиб амалга оширилади. Экотуризмнинг турли йўналишлари бўйича бошқариш қарори асосида махсус билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар ўртасида ихтисослашган меҳнат тақсимоти, уларни мувофиқлаштириш масалалари ҳал этилади. Булар рекреация бўлими фаолиятининг ички муҳитини бошқарувнинг барча бўғинларида ходимлар ўртасида ўзаро аниқ алоқаларни ўрнатиш, ҳуқуқ ва масъулиятни тўғри тақсимлаш асосида яхшилашга имкон беради.

3) Ходимларга аниқ вазифаларни бириктириш ва белгилаш ҳар бир ходимга кўрсатилган вақт мобайнида аниқ усулда бажариладиган ишни тақсимлаб бериш асосида амалга оширилади. Топшириқлар мансаб вазифалари бўйича тақсимланади. Барча топшириқларни кўрсатилган тартиб ва усулда, белгиланган вақтда бажариш фирма фаолияти муваффақиятини таъминлайди, вазифа ва топшириқлар бозор талабларига мувофиқ тўхтовсиз мураккаблашиб

бореди, шунга мос ҳолда ресурслар ва маблағлар билан таъминлашга талаб ҳам ўзгаради.


4) Экотуристтик хизмат кўрсатишнинг энг илғор технологияларини қўллаш фирма фаолиятида уни истеъмолчилар билан доимий боғлашга имкон беради, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келади. Улар фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштириш, уларни амалиётда қўллаш, илғор хизмат кўрсатиш технологияларидан кенг фойдаланиш асосида ички муҳитни жиддий янгилашга асос бўлади. Бунда бошқарув қарорларини қабул қилиш инновацион ёндашувга, бозор янгилигига эга экотуристтик хизматлар кўрсатишни кенг жорий этишга, фаолиятнинг барча соҳаларини доимий такомиллаштиришга йўналтирилиши керак. Булар фирманинг рақобатдошлигини оширишни таъминлайди. Шунингдек, экотуристтик технологияларда маркетинг омили ҳам фирмалар ички муҳитини яхшилашда муҳим ўринни эгаллайди: у маҳсулот ва хизматларни бозорда сотиш, унинг стратегиясини белгилаш, баҳолар шаклланиши, сотиш бозорлари ва тақсимот тизимини танлаш, истеъмолчиларнинг хизматларга эҳтиёжини таъминлаш билан боғлиқ барча технологик жараёнларни бирлаштиради.

5) Ходимларнинг касбий қобилияти, ишчанлиги, сифатлари, ўзаро муносабатлари ички ички муҳитнинг энг муҳим элементи ва кўрсаткичи сифатида МЭТХ лар турли категорияларининг раҳбари, рекреация бўлими бошлиғи, менежер мутахассислардан таркиб топади. Улар экотуристтик фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, айти бир вақтда рекреация ички муҳитини барпо этишнинг марказий омили ҳисобланади. Фирманинг муваффақияти экотуристтик хизматларни ким ва қандай кўрсатишига, ходимларнинг ўз меҳнатига, фирмага нисбатан шаклланган муносабатларига боғлиқ. Ходимлар экотуристтик хизматларни, фирманинг ташкилотчилиқ маданияти ва ички муҳитини яратади. Шу сабабдан фирманинг қандай мавқега эга бўлиши уларга боғлиқ. Фирмаларда ходимлар ўртасида қулай корпоратив муносабатлар ўрнатиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ерда жамоада авторитар (якка ҳокимлик) усулларини қўллаб бўлмайди, чунки улар ижобий ёндашув, ташаббус, менежерлар коммуникацияси эркинлиги, ошқоралиқ муҳити, ўзаро қўллаб-қувватлашга жиддий тўсик бўлади.

Шундай қилиб, экотуристтик фирмалар ички муҳити ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, маркетинг ва моддий-техника таъминоти, экотуризм соҳасида илмий-техника тараққиёти ишланмалари, миқозлар ва персонал билан ишлаш технологияси, сайёҳларга хизмат кўрсатиш тизими ноухау, инновацияси, молиявий бошқариш ва ҳисобот тайёрлаш, умумий раҳбарлик ва персонални бошқариш соҳаларини ўз ичига олади. Фирма ички муҳитининг барча йўналишларда ўзгарувчанлиги ташки муҳит омиллари билан чатишиб кетади ва улар бир-бирларига таъсир кўрсатади. Фирма фаолиятининг муваффақиятли кўп даражада ташки атроф-муҳит таъсирига ва уларга мослашиш даражасига боғлиқ бўлади.

Ташки муҳит хусусиятлари ва улар таъсирига мослашиш. Экотуристтик фирманинг ташки муҳити унинг фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир

кўрсатадиган, лекин унинг назоратида бўлмаган (унга бўйсунмаган) бозор, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, илмий-техник, инфратузилма ва коммуникация шароитлари ва омилларининг мажмуасидан таркиб топади. У ғоят хилма-хил бўлиб, мураккаб таркибий тузилмага эга (1-расм).



1-расм. Экологик туризмни ташкил этиш ва бошқаришнинг ташқи муҳити хусусиятлари

Манба: Расм муаллиф томонидан тузилган.

1-расмнинг тузилмаси ва мазмуни бир томондан ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлик, мураккаблик, ноаниқлик каби асосий хусусиятлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, фирмаларнинг уларни бошқаришга таъсир кўрсата олмаслигини кўрсатади, бошқа томондан, ташқи муҳит омиллари кўрсатаётган таъсирга фирмаларнинг топқирлик ва тадбиркорлик билан жавоб кайтаришлари, мослашишларини объектив заруратга айлантиради. Ташқи муҳит омиллари Ўзбекистон ва унинг минтақалари миқёсида (мамлакат ичкарасида) ҳамда дунё ва айрим хорижий давлатларда (мамлакатимиз ташқарисида) ўзига хос таркибий тузилмага эга бўлади, уларнинг экотуристлик фаолиятга таъсири ҳам фарқ қилади, лекин ушбу йўналишларда ҳам ўзаро

таъсир ва ўзаро боғлиқлик сақланиб қолади. Шу муносабат билан экотуристлик фирмалар ташқи муҳитнинг қайси омиллари уларнинг фаолиятига энг кўп таъсир кўрсатишини, қандай даражада ўзгарувчанлиги ва ноаниқлигини, бу борада қандай хавф-хатарлар мавжудлигини аниқлашлари ва уларга мослашиш тадбирларини белгилашлари керак.

Ташқи муҳит фирманинг ички ҳолати ва салоҳиятини кўллаб-қувватлаш учун талаб қилинадиган зарур ресурслар, хизматлар билан тўйинтирадиган муҳим манба функциясини бажаради. Шу муносабат билан фирманинг ишлаб туриши стратегиясини белгилаш ва уни амалга оширишда энг асосий масала раҳбариятнинг ўз вақтида ташқи муҳит ва унинг ривожланиш йўналишлари тўғрисида тўла ахборот ва тушунчага эга бўлиши ҳисобланади. Бундай ахборотлар таҳлили фирманинг мақсадларини белгилаш ва уларни амалга ошириш учун зарур ресурс салоҳияти ҳамда хавф-хатарларни аниқлашга имкон беради.

Фирманинг иш фаолияти муҳитига бевосита таъсир кўрсатадиган ташқи муҳит омилларига истеъмолчилар-харидорлар, таъминотчилар, воситачи ва рақобатчилар (сотиб олиш ва сотиш бозорлари), билвосита таъсир кўрсатадиган омилларига табиий шароит ва ресурслар, иқтисодий вазият, қонунчилик ва давлатнинг тартибга солиши, ижтимоий, маданият муҳити ва демографик омиллар, илмий-техника ва халқаро омиллар, сиёсий ўзгаришлар киради.

Ўзбекистон ва хориждаги истеъмолчилар (сайёҳлар) ташқи муҳит омилларининг барча хилма-хиллигини ўзида акс эттиради ва улар орқали фирмага, унинг мақсади, фаолияти ва стратегиясига таъсир кўрсатади. Фирманинг мавжудлиги ва фаолияти натижалари унинг истеъмолчиларни топиш ва уларнинг талабларини қондириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Ватанимиз ва хориждаги таъминотчилар табиий ва материал ресурсларининг эгалари сифатида фирмаларнинг ресурсларга боғлиқлиги муҳитини яратиб, уларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Ўзбекистон ва унинг минтақалари ҳамда хориждаги рақобатчилар бир хил туристик маҳсулот ва хизматларни бир хил бозорда сотадиган фирмалар бўлиб, бунда рақобат кураши бозордаги улуш, истеъмолчи, унинг ҳар бир сўми учун боради. Лекин ҳозирги вазиятда ташқи муҳитнинг юқори ноаниқлиги шароитида фақат рақобатчилар билан ҳамкорлик қилиш муҳитга мослашиш ва кўйилган мақсадга эришишга имкон беради.

Ташқи муҳитнинг билвосита таъсир кўрсатадиган умумий иқтисодий омиллари туризмга ижобий (реал даромадларнинг ўсиши, валютанинг беқарорлиги, юқори конъюнктура вазияти, яъни бозорнинг юқори сифими ва унинг ривожланишининг юқори суръатлари, рақобатнинг паст ёки ўртача даражаси) ёки салбий (иқтисодий пасайиш, иш ҳақининг қисқариши, валюта берқарорлиги, ноқулай конъюнктура (аҳвол) вазияти, яъни кучли тўлдирилган, асосий “ўйинчилар” томонидан бўлиб олинган бозор, рақобатнинг юқори даражаси, бозор ўсишининг паст суръатлари ёки унинг мавжуд эмаслиги) таъсир кўрсатиши мумкин. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда ижобий қулай ташқи муҳит мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Қонунчилик ва давлатнинг тартибга солишининг ташқи муҳитга таъсири билвосита бўлишига карамай, улар экотуристтик фаолиятда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлатнинг экотуристтик фирмаларга таъсири уларнинг фаолиятини қонунчилик йўли билан тартибга солиш орқали амалга оширилади.

Экотуристтик фирмалар фаолиятига бозорнинг глобаллашиши билан боғлиқ ҳолда халқаро вазият, у билан боғлиқ трансмиллий корпорациялар, халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотлар, халқаро бизнес (хориж мамлакатларида бизнес юритишнинг кам ҳаражат билан олиб борилиши, ички савдо чекловларининг камлиги, инвестиция ва ишлаб чиқариш имкониятларининг кўплиги ва б.), Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий, туристик ва бошқа ташкилотларда иштироки каби ташқи муҳит омилларининг ўзгарувчанлиги катта таъсир кўрсатади. Улар фирмаларни ўз йўналишларини ўзгартиришга, ташқи ўзгаришларга мослашишга ва сўнгра уларни қўллаб-қувватлашга мажбур қилади.

Умуман ташқи муҳитнинг мураккаблиги фирмага таъсир кўрсатадиган омилларнинг кўплигига сабаб бўлса, унинг ўзгарувчанлиги фирма муҳитида содир бўладиган ўзгаришлар тезлигини белгилаб беради, ноаниқлиги эса фирманинг барча аниқ омиллар бўйича тегишли ахборотларга эгалиги ва ахборотларнинг ишончлилигига боғлиқ бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ташқи муҳит омилларини ҳисобга олиш асосида назорат қилиш, уларни комплекс таҳлил қилишга асосланади. Бундай таҳлил натижалари ташқи муҳитдан самарали фойдаланиш имкониятларини ҳамда хавф-хатарларни аниқлашга имкон беради. Мазкур таҳлилни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) фирманинг бозорда эгаллаган ўрни ва рақобат муҳитини баҳолаш;
- 2) кучли ва кучсиз томонларни, фаолият юритиш ва ривожланиш қийинчиликларини аниқлаш;
- 3) фирма фаолиятига ташқи омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш;
- 4) фирманинг ресурс базаси, унинг ташқи муҳит эҳтиёжларига мос келишини баҳолаш;
- 5) фирманинг ташқи муҳит ўзгаришларига мос сезувчанлигини таъминлаш, унинг мослашувчанлигини кучайтиришни таъминлашга йўналтирилган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2.3. Бошқариш жараёнларини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг асосий мақсад ва вазифаларини изчил амалга оширишни белгилаб берадиган жараёнларни комплекс тадқиқ этиш бошқарувни тартибга солиш, унинг аниқлиги ва кетма-кетлигини белгилаш, вақт ва маконда мақсадга мувофиқ ташкил этиш йўналишларини аниқлашга имкон беради. Жараёнлар маълум вақт ва маконда амалга ошириладиган бир марталик ҳаракат бўлмай, балки доимий ўзаро боғлиқ узлуксиз ҳаракатлар мажмуасидан таркиб топади, бу ҳаракатларнинг барчаси, уларнинг ҳар биттаси фирма фаолиятининг

муваффақиятини таъминлашнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Булар мақсадга йўналтирилган бошқариш вазифаларини ифодалайди, уларнинг йиғиндиси эса бошқариш жараёни кўринишида содир бўлади.


Бошқариш жараёни унинг бошланиши ва тугаши (яқунланиши) кўрсатиладиган, ресурсларнинг жараёнга киритилиши ва чиқиб кетиши (фаолият натижаси) аниқ белгиланадиган ишлар (хизматлар), вазифалар ва фаолият турлари мажмуаси ҳисобланади. Жараён фаолиятининг барқарор, мақсадга йўналтирилган ўзаро боғлиқ турларининг мажмуаси бўлиб, улар маълум технологиялар бўйича истеъмолчилар учун қийматга эга бўлган ресурсларни (хизматларни) дастлабки ҳолатидан (киришдан) истеъмолга яроқли яқуний ҳолатга (чиқишга), яъни тайёр маҳсулотга (тегишли хизматларга) қайта ўзгартиради. (Бундай талқин халқаро стандарт ИСО 9000:2000 да қабул қилинган таърифга асосланган). Бошқариш жараёни бошқариш тузилмаси билан узвий боғлиқ бўлиб, уни ташкил этиш вақт ва маконда талаб ва эҳтиёжларга, самарадорликни ошириш вазифаларига мувофиқ амалга оширилади.

Экологик туризмни бошқариш жараёнлари ўзининг *иқтисодий моҳиятига кўра* унинг барча таркибий қисмларида ўзгартириш ва қайта қуришни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган *қўшимча қийматни* оширади. Чунки ҳар бир жараёнда маълум даражада моддий ва меҳнат ресурслари сарфланади, улар эса тегишли сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлади.

Жараёнларни ажратиш ва уларга хос хусусиятларни ажратиш ҳаққоний ва тўла ахборотлардан фойдаланиш, уларни таҳлил қилишга асосланиши керак. Бундай ахборотлар фирмаларнинг ички ҳисоботлари, фирма фаолиятига алоқадор жорий ташки муҳит ахборотлари, маркетинг тадқиқотлари маълумотлари, турли ахборотлар таҳлили асосида олинган хулоса ва маълумотлардан таркиб топади.

Бошқариш жараёнлари экотуристтик фирманинг барча фаолияти йўналиши ҳисобга олиниб тадқиқ этилиши лозим. Шунга асосланиб, 2-расмда бошқариш жараёни шаклланишининг ташкил этилиши ва мазмуни кўрсатилган.

2-расмда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларининг шаклланиши ва мазмуни, бир томондан, мавжуд ҳолат ва омиллар, бошқа томондан уларга мослаштирилган ва ўзаро боғлиқ ҳолда бошқариш жараёнлари механизмлари ва усуллари, ижрочи ходимларга тегишли вазифаларни топшириш, сўнгра мазкур ўзаро боғлиқ жараёнлар натижаларини назорат (мониторинг), таҳлил қилиш, уларга асосланиб ҳисобот тайёрлаш, тегишли қарорлар қабул қилиш, фаолият натижаларини баҳолаш, истиқболни белгилаш (прогнозлаш) йўналишларида кўрсатилган. Жараёнларни тавсия этилаётган тартибда таҳлил қилиш ва тасвирлаш, амалиётда уларни кенг қўллаш, фикримизча, бошқариш жараёнларини мақсадга мувофиқ ташкил этишни амалга оширишга хизмат қилади.



2-расм. Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларини ташкил этишнинг шаклланиши ва мазмуни.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Бошқариш жараёнини баҳолаш умумқабул қилинган норма ва стандартларга асосланади, унда сифат жараёнлари таҳлиliga (қўлланилаётган

бошқариш усуллари ва методлари, қабул қилинаётган қарорларнинг мавжуд шароитга мос келиши, фаолият турларини яхшилаш йўналишлари ва б.) асосий эътибор қаратилади. Уларга асосланган ҳолда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларини ташкил этишни балл тизимида баҳолашнинг қуйидаги йўналишлари ва тузилмаси тавсия этилади (3-жадвал).

3-жадвалда бошқариш жараёнларини ташкил этишни балл тизимида баҳолаш уларнинг асосий хусусиятлари ва тузилмасига мос ҳолда амалга оширилган. Шунга мувофиқ бошқариш жараёнлари ва шароитлари 3 та катта бўлимга, улар, ўз навбатида, яна 8 қисмга, барча қисмлар эса 18 та кичик қисмларга ажратилиб, уларнинг ҳар биттаси аҳамиятига кўра, 0,5 дан (ёрдамчи ёки кичик жараёнлар) 1,0 баллгача (асосий жараёнлар) баҳолар белгиланган бўлиб, умумий баллар миқдори 10 баллни ташкил этади. Бошқариш жараёнлари амалга ошириладиган шароит ва вазият (А) ҳамда уларга асосланиб амалга ошириладиган жараён босқичлари (Б) мантиқан бир хил аҳамият ва салмоққа эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига 4,5 балл (45 %дан) белгиланди, мазкур иккита катта жараён босқичларининг таъсирида ва амалга оширилиши оқибатида эришилган якуний натижалар (В) 1 баллга (10 %га) баҳоланди.

Мазкур баҳолаш баллари тизими турли экотуристтик объектларни (фирмалар, ташкилотлар, бўлимлар) бошқариш жараёнларини баҳолашда фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, уларда 10 та мезоннинг ҳар биттаси бўйича мавжуд ҳолат аниқланади, яъни уларнинг аҳамияти ҳисобга олиниб, 0,5 дан 1 баллгача баҳо қўйилади, мавжуд ҳолат мезон талабларига жавоб бермаса 0 балл қўйилади. Шунга мувофиқ, ҳар бир объект бўйича тўпланган баллар йиғиндиси аниқланади ва унга асосланиб мавжуд ҳолат қуйидагича баҳоланади: паст (1-3 балл), ўрта (4-7 балл), яхши (8-10 балл) даражалар. Мухими баҳолаш натижалари бошқариш жараёнларининг барча бўғинларини қамраб олиши ҳисобга олинади.

Тавсия этилаётган баҳолаш усулларини амалиётда қўллаш мавжуд шароит ва жараёнларни ҳисобга олишдаги камчиликларни аниқлашга, уларни бартараф этишга, режалаштириш ва бошқа бошқарув механизмларининг ўзаро мос келишини таъминлашга, уларнинг бошқариш жараёнлари натижаларига таъсирини аниқлашга имкон беради. Бошқариш натижалари, ўз навбатида, бошқариш жараёнларининг турли босқичларини ташкил этишни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Бошқариш жараёнларини ташкил этишни такомиллаштиришда асосий эътибор улар қўйилган мақсадга эришишга имкон бераяптими, фаолият мақсади ва вазифалари қандай даражада асосли (ваколатли) ишлаб чиқилган, белгиланган вазифалар бир-бирига зид келмайдими, улардан қайсилари эътибор беришни талаб қилади, бажарилган ишнинг натижаси аниқ намоён бўлиши учун қанча вақт ва харажат талаб қилинади, улар қандай назорат қилинади, қандай натижаларни фирманинг муваффақияти деб ҳисоблаш мумкин деган ва бошқа муҳим саволларга жавоб беришга қаратилади.

Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларини ташкил этишни балл тизимида баҳолаш

	Бошқариш шaroити ва жараёнлари, йўналишлари	Бошқариш шaroити ва жараёнларини ташкил этишнинг таркибий қисмлари	Баҳолаш баллари
А. Бошқариш жараёнлари амалга ошириладиган экотуристтик маконнинг шaroити, ресурслари ва вазияти			
	Мавжуд ҳолат, ички муҳит, ресурс ва омиллар, табиат муҳофазаси	1. Қонунчилик, норматив-ҳуқуқий, илмий-методологик, институционал асослар	0,5
		2. Экотуристтик маконнинг ички муҳити, ресурс ва воситалари, табиат муҳофазаси	1
		3. Моддий-техника базаси, инфратузилма, коммуникация ва жихозлар	1
		4. Ташқи муҳит, ташқи омиллар, ҳамкорлар	1
		5. Ходимлар сони ва таркиби, малакаси	0,5
		6. Маҳаллий аҳоли жамоалари билан алоқалар	0,5
		Жами баллар	4,5
Б. Бошқариш жараёнларининг асосий босқичлари			
I	Фаолиятни ташкил этиш	7. Бошқариш жараёнлари мақсади ва режалаштиришнинг норматив ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш	0,5
		8. Жараёнларни бошқариш механизмлари ва усулларини белгилаш (бюджетни тузиш, офисни ташкил этиш, персонални ўқитиш ва б.)	0,5
		Жами баллар	1
II	Режалаштириш	9. Менежмент бизнес-режа тузиш ва уни амалга ошириш	0,5
		10. Жараёнларни бошқаришни режалаштириш: зарур ресурслар ва жараён ижрочиларини белгилаш	0,5
		Жами баллар	1
IV	Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ички муҳит имкониятларидан фойдаланиш	11. Ташриф буюрувчиларга экотуристтик ҳудуд бўйича турли маршрутлар ва хилма-хил хизматларни тавсия этиш, ички муҳит имкониятларидан самарали фойдаланиш, бунда табиат муҳофазаси талабларига амал қилиш.	0,5
		12. Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишни уларнинг эҳтиёжи ва хоҳишларини ўрганишга асосланиб ва хизмат кўрсатишни яхшилаш дастури асосида амалга ошириш	0,5
		Жами баллар	1
	Ташқи муҳит ва истеъмолчилар, ҳамкорларга мослашиш. Экотуристтик салоҳиятни бозорда реклама қилиш	13. Халқаро ва ички экотуризм бозори, бозор талаби ва таклифлари ҳамда тажрибаларини ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш	0,5
		14. Экотуризмни ривожлантиришни кенгайтиришга йўналтирилган реклама материалларини тарқатиш	0,5
		Жами баллар	1
I II	Ходимларга вазифаларни таксимлаш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш Маҳаллий аҳолини фаолиятга жалб этиш. Янги иш ўринларини барпо этиш	15. Ходимларга вазифаларни таксимлаш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, рағбатлантиришни фирманинг мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган махсус дастур асосида ташкил этиш	0,5
		16. Маҳаллий аҳолини экотуристтик бизнесга жалб этиш, бу соҳада тегишли пилот лойиҳаларини амалга ошириш, кўплаб янги иш ўринларини барпо этиш	0,5
		Жами баллар (II-VII)	4,5
В. Бошқариш жараёни натижалари ва истиқболлари			
II	Фаолиятни назорат қилиш (мониторинг), фаолият натижаларини баҳолаш, истиқболни белгилаш (прогнозлаш)	17. Бошқариш жараёнларида қўлланилган механизм ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижалари назоратини (мониторингини) амалга ошириш	0,5
		18. Бошқариш жараёнлари натижаларининг қўйилган мақсадга мувофиқлиги ва мос келишини баҳолаш ҳамда истиқболни белгилаш (прогнозлаш)	0,5
		Жами баллар	1
Жами баллар (I-VIII)			10

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Бунда маълум экотуристтик маконда жараён иштирокчиларини аниқлаш ва уларнинг ўзаро таъсири тартибини белгилаш, асосий вазифаларини изчил амалга оширишнинг вақт мобайнида (кун, ҳафта, ой, чорак (квартал) йил ва кўп йиллар) кетма-кетлигини тасвирлаш, бошқаришнинг турли бўғинлари (қисмлари) бажарадиган иш тартибини аниқлаш талаб этилади.

Шу муносабат билан бошқариш жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш бошқаришнинг барча шароит ва хусусиятларини ҳар бир ҳолатда чуқур таҳлил қилишга, шу асосда ютуқ ва камчиликларни аниқлаш натижаларига асосланиши лозим. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади: 1) иш ва хизматларни мантиқан асосланган ва мақсадга мувофиқ изчил бажаришни белгилаш; 2) иш ва хизматларни расмийлаштиришнинг зарур тартибини ўрнатиш (тасдиқлаш, мувофиқлаштириш, муҳокама қилиш ва б.); 3) иш ва хизмат турлари бўйича вақтни тақсимлаш тартибини жорий этиш; 4) бошқариш жараёнларини экотуристтик маконда амалга оширишни режалаштириш; 5) экотуристтик хизмат кўрсатишни бошқаришнинг барча бўғинлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш; 6) ходимлар орасида иш ва вазифаларни тақсимлаш, уларнинг ўзаро алоқалари тартибини белгилаш; 7) ходимларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

Бошқариш жараёнлари имкониятларини рўёбга чиқариш асосан қуйидаги сўзгарувчан омилларга боғлиқ: 1) давлатнинг қонунчилик ва ижро этувчи органларининг экотуризмни бошқариш йўналишлари ва хусусиятларига таъсири; 2) зарур ресурслар билан таъминланиши (ходимлар, ресурслар, фаолиятлаштириш, инфратузилма, ахборотлар ва б.); 3) аҳолининг экотуристтик хизматларга эҳтиёжи ва ташриф буюрувчилар оқими.

Мамлакатимизда тадбиркорлик, шу жумладан экотуризм соҳасида ҳам оят қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларнинг бартараф этилаётганлиги, ходимларнинг ишончли ҳимояси таъминланганлиги сабабли қулай шароит ва катта имкониятларга эга бўлди. Шу муносабат билан мамлакатимизда бошқариш жараёнларини ташкил этишни тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини амалга ошириш фаолият самарадорлигини оширишга асосий вазифа кўрсатилади (4-жадвал).

4-жадвалда тавсия этилган ёндашув ва йўналишлар муаллифнинг кўп йиллик тадқиқотлари хулосаларига асосланиб соҳада мавжуд ҳолатни чуқур таҳлил қилиш натижаларига ҳамда халқаро ибратли тажрибалар ҳисобга олинганлиги ишлаб чиқилган. Улардан (4-жадвал) ҳамда баҳолаш тизимидан (3-жадвал), бошқариш жараёни шакли ва мазмуни схемасидан (2-рasm) мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларини тартибга солишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш жараёнларини ташкил этишни амалга оширишни тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

№	Бошқариш жараёнлари шароити, босқичлари ва натижалари	Бошқариш жараёнларини ташкил этишни амалга оширишни тартибга солиш ва такомиллаштириш йўналишлари
I.	Мавжуд ҳолат, ички муҳит ресурслар ва омиллар таъсири шароитида бошқариш жараёнларини ташкил этишни амалга оширишни тартибга солиш ва такомиллаштириш	<p>7) Экотуристик маконнинг табiiй-ресурс, экотуристик-рекреация ресурслари тўғрисида ахборотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, барча объектларни инвентаризациялаш, рекреация зоналарини ажратиш, уларга мос келадиган маршрутлар ва тадбирларни белгилаш;</p> <p>8) Мавжуд қонунчилик, норматив-ҳуқуқий, илмий-методологик, институционал асосларни таҳлил қилиш асосида уларга қўшимча ва тузатишлар киритиш йўналишларини ишлаб чиқиш;</p> <p>9) Мавжуд ходимлар сони ва таркиби, моддий-техника базаси, инфратузилма, коммуникация ва жиҳозлар базасининг қўйилган мақсадни амалга оширишга мос келишини аниқлаш, уларни яхшилаш тадбирларини белгилаш, маҳаллий аҳолини фаолиятга жалб этиш, турли инвестиция манбалари иштирокини назарда тутиб, янги лойиҳаларни амалга оширишни асослаб бериш</p>
II.	Бошқариш жараёнларини ташкил этишни амалга оширишнинг асосий босқичлари	<p>1) Фаолиятни ташкил этиш мақсади, тартиби ва усуллари, механизмларини белгилаш; бошқариш жараёнлари мақсади ва фаолиятни ташкил этишнинг ўзаро мос бўлишини таъминлашга асосий эътибор қаратиш;</p> <p>2) Режалаштиришни амалга оширишда экотуристик хизмат кўрсатишнинг ютуқ ва камчиликларини соҳалар (молия, маркетинг, хизмат кўрсатиш, ходимлар ва б.) ва табиат муҳофазаси бўйича аниқлаш, мавжуд имкониятларни (ресурслар, миқозлар, рақобатчилар, технологиялар, иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар ва б.) ҳисобга олиб умумий, стратегик, хусусий, жорий, яқин ва узок истикболдаги вазифаларни ҳал этиш режалари ва йўналишларини белгилаш; жорий экотуристик хизматларни амалга оширишни бошқариш жараёнлари, уларнинг ижрочилари, олинadиган натижалар кўрсатилган бизнес-режани тузиш, уни тасдиқлаш;</p> <p>3) Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш соҳасида: а) МЭТХ лар рекреация зоналарига кириш (ташриф буюриш) қондаларини ишлаб чиқиш; б) пуллик хизмат кўрсатиш ва товарларни сотиш қондаларини ишлаб чиқиш; в) экотуризм салоҳиятини ички ва ташқи туризм бозорларида реклама қилиш; г) халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш ва ибратли тажрибаларни амалиётда қўллаш; д) экотуризмни ривожлантиришни тегишли туманлар, вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурлари ва режаларига киритиш.</p> <p>4) Ташқи муҳит ва истеъмолчилар, ҳамкорларга мослашиш бўйича: а) экотуризм бозори ҳолати, талаб ва таклифларини таҳлил қилиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш; б) ўқувчилар, талабалар, аҳоли вакиллари, журналистлар иштирок этадиган, мавжуд имкониятларни намойиш қилишга йўналтирилган экотурларни донмий ташкил этиш; в) экотуристик маршрутларга бағишланган реклама материалларини нашр этиш, тегишли интернет сайтларида муқамал ахборотлар бериш, махсус кўргазмалар ташкил этиш, илмий-амалий конференциялар ўтказиш ва б.</p> <p>5) Ходимларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш бўйича: а) фирманинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ ходимлар ва эҳтиёжини аниқлаш; б) ходимлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш; в) ходимлар меҳнати натижаларини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш.</p> <p>6) Маҳаллий аҳолини фаолиятга жалб этиш соҳасида: а) маҳаллий аҳоли салоҳиятини таҳлил қилиш ва уларнинг экотуристик бизнесга иштироки имкониятларини аниқлаш; б) экотуризм бўйича намунавий пилот лойиҳаларини амалга ошириш; в) экотуристик бизнесни ташкил этиш, ривожлантириш ва бошқариш бўйича тренинг ўтказиш; г) экотуризм бизнесига бағишланган ўқув-қўлланма нашр этиш</p>
III.	Бошқариш жараёнини ташкил этишни амалга ошириш натижалари ва истикболлари	<p>а) Фаолият натижалари мониторинги (назоратини) ва баҳолашнинг ташкил этиш; б) олинган натижаларга асосланиб яқуний ҳисобот тайёрлаш; в) фаолият натижаларига асосланиб бошқаришнинг профессионаллигига эришиш бўйича устувор вазифаларни, стратегиянинг мослашувчанлигини белгилаб берадиган тавсиялар ишлаб чиқиш; г) истикболни белгиладиган ички ва ташқи муҳитга мослашган прогнозларни ишлаб чиқиш</p>

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

2.4. Бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланиш

Ҳар қандай иқтисодий фаолият каби хизматлар, шу жумладан экотуристтик хизматлар ҳам мақсад ва воситаларнинг бирлигидан иборат бўлган иқтисодий қийматга эга бўлади. Иқтисодий қиймат эса неъматларнинг (хизматларнинг) иқтисодий фойдалилиги ва уни ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) сарфланган иқтисодий харажатларнинг бирлиги ҳисобланади. Иқтисодий харажатлар ва иқтисодий қиймат биргаликда қийматни шакллантириб, умуман мақсадга мувофиқ фаолиятга, хусусан иқтисодий фаолиятга (шу жумладан экотуристтик фаолиятга) хос бўлган ўзини ўзи бошқариш принципини амалга оширади. Иқтисодий субъект (ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи) натижалари билан ўзини оқламаса, яъни яратилаётган неъматлар (хизматлар) фойдали бўлмаса харажатларни амалга оширмайди ва ўз фаолиятини тўхтатади.

Шу нуқтаи назардан экологик туризм хизматлари товар бўлиб, бир вақтнинг ўзида неъмат (чунки у истеъмолчилар эҳтиёжини қондиради) ва харажатларни (чунки уни ишлаб чиқариш учун ресурслар зарур) ўз ичига олади. Экотуристтик хизматларга эга бўлиш, улардан фойдаланиш учун кишилар (истеъмолчилар) тегишли туристик масканларга боради ва унга вақт, маълум миқдорда маблағ сарфлайди, бу сарфлар экотуристтик хизматларнинг товар сифатидаги баҳоси ҳисобланади.

Экотуристтик хизматлар истеъмоли индивидуал хусусиятга эга бўлиб, унинг ҳажми ва бошқариш самарадорлигига қуйидаги омиллар турли даражада таъсир кўрсатади: 1) аҳолининг пул даромадлари даражаси (тўлов қобилияти); 2) аҳоли ҳаётининг эришилган моддий ва маданий даражаси билан белгиланадиган аҳолининг экотуристтик хизматларга эҳтиёжи; 3) табиат омиллари, иқлим ва ландшафтлар, миллий қадрият ва урф-одатлар, этнографик, экологик маданиятларнинг жозибадорлиги; 4) турли аҳоли гуруҳларининг меҳнат шароити ва тартиби, бўш вақт миқдори; 5) аҳолининг жинс, ёш, оилавий аҳволи таркиби, кўпайиши, зичлиги; 6) яшаш тарзи ва дам олишга эҳтиёжлари; 7) транспорт, инфратузилма шароити, унинг қулай ёки ноқулайлиги, йўл турининг ривожланиши ва жойлашиши, ҳудудий ташкил этилиши, сифати ва зичлиги, қатнов йўналишлари, йўл ҳақи даражаси; 8) аҳоли пунктларининг турлари ва жойлашиши ва бошқалар.

Экотуризм ҳудудий ташкил этиш нуқтаи назаридан “инсон маълум экотуристтик хизматдан у ишлаб чиқариладиган жойга фойдаланишга борадиган” рекреация хизмати турига киради. У миждозларнинг даврий келиши билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш ва уни бошқаришга асосланади. Бунда бошқаришнинг самарадорлиги хизмат кўрсатадиган рекреация объектига миждозларнинг бориб келишига қулай ёки ноқулайлиги билан боғлиқ бўлган йўлга сарфланган вақт, уларга йил бўйи ҳар қандай об-ҳаво шароитида бориб келиш имкониятлари, йўл ҳақи ва хизматлар қиймати орқали баҳоланади.

Шундай килиб, экотуристтик хизматлар харажат, фойда, маънавий коникиш кўринишидаги тижорат (сотиш) объектлари бўлиб, унинг миқдори ва сифати мавжуд ресурслар ва хизмат кўрсатувчиларнинг улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишини бошқариш имкониятлари ёки қобилиятларига боғлиқ бўлади. Экотуристтик хизматлар фақат тақдим этилаётган ёки истеъмол қилинаётган вақтдагина янги қиймат яратади. Уларни баҳолаш мазкур жараёнлар ёки объектларнинг қиймати ёки сифатини тизимли тадқиқ этишни, уларнинг натижаларини қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ҳолда таққослашни, тегишли мезонларни белгилашни билдиради. Шу маънода экотуристтик масканлар ва экотуристтик фаолиятни бошқариш уларни доимий баҳолаб туришни талаб қилади.

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги мазкур йўналишда амалга оширилган фаолиятнинг натижалари қайси даражада қўйилган мақсад ва вазифаларга, кутилаётган натижа ва йўналишларга мос келишини аниқлашни билдиради. Шу маънода экотуризмни ривожлантиришни самарали бошқариш қуйидаги ўзаро боғлиқ учта асосий компонентни ўз ичига олади: 1) экотуристтик масканнинг асосий хусусиятлари ва хоссалари; 2) қўйилган мақсадларга мувофиқ келадиган тегишли ресурслар мавжудлиги ва бошқариш механизмлари; 3) қўйилган мақсадга эришишни баҳолаш даражаси ва натижалари.

Мазкур йўналишлар биргаликда экотуристтик фаолиятнинг барча томонларини яхшилашга, персонални қўллаб-қувватлашга имкон беради. Улар бошқариш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, унда ўтмиш тўғрисидаги ахборотлар истикболда бошқаришни яхшилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги қуйидаги ўзаро боғлиқ ва такрорланиб турадиган бошқариш даврларини тўғри ташкил этишга боғлиқ: 1) режалаштириш; 2) ресурслар билан таъминлаш; 3) қарорлар қабул қилиш ва уларни бажариш; 4) натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш; 5) камчиликларни тузатиш ва келажак учун хулосалар чиқариш.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларга асосланиб экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди ва улар амалиётда қўллашга тавсия этилади (5-жадвал).

5-жадвалда кўрсатилган баҳолаш элементлари ўзаро боғлиқлик ва биргаликда баҳолашнинг яхлит тизимини ташкил этади. Баҳолашнинг ҳар бир тури фаолиятнинг турли жиҳатларини камраб олади, улар бир-бирини тўлдириб, яхлит манзарани аниқлашга имкон беради. Айниқса мавжуд ҳолат ва вазиятни баҳолаш кўрсаткичлари, биринчи навбатда харажатлар динамикаси, фаолият натижалари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар ёрдамида бошқариш самарадорлиги, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида тўғри хулосалар чиқариш мумкин. Бунда қуйидаги бешта кўрсаткичлар гуруҳи фаолиятни бошқаришнинг бешта асосий элементини баҳолашга имкон беради:

**Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини
баҳолаш кўрсаткичлари**

№	Баҳолаш элементлари	Баҳолаш йўналишлари ва кўрсаткичлари
1.	Мавжуд ҳолат ва вазият	1. Қонунчилик асослари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2. Ресурслар: табиий ресурслар, персонал таркиби, молиялаштириш, инфратузилма, ахборотлар 3. Фаолият натижалари самарадорлиги 4. Камчиликлар ва хавф-хатарлар
2.	Режалаштириш	1. Фаолиятнинг ҳуқуқий ва норматив таъминланиши 2. Фаолиятни режалаштириш тизими 3. Бошқаришни режалаштириш
3.	Зарур ресурслар	1. Асосий вазифаларни бажариш учун мавжуд ва ажратиладиган ресурслар 2. Фаолият тизимининг ресурслар билан таъминланиши 3. Ҳамкорлар ва уларнинг экотуристлик фаолиятга ресурс таъминотида иштироки орқали таъсири
4.	Бошқариш жараёни	1. Бошқаришнинг асосий механизм ва усуллари 2. Бошқаришда қўлланиладиган механизм ва усуллар 3. Бошқаришда қабул қилинаётган қарорлар, қўлланилаётган асосий усулларининг натижа ва самаралари
5.	Натижалар	1. Хизмат кўрсатиш йўналишлари, миқдори, сифати, ютуқлар ва истикболлар 2. Бошқаришнинг қўйилган мақсадларга мос келиши 3. Фаолиятнинг ҳозирги самарадорлиги, истикболда ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатлар

Манба: Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

1. *Мавжуд ҳолат ва вазият* экотуристлик фирма ишлаб туришининг ҳозирги шарт-шароитини баҳолашга ва натижаларини таҳлил қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Вазиятни қуйидаги асосий мезонлар бўлиб таърифлаш мумкин:

- экотуризмнинг рекреация ва иқтисодиётдаги аҳамияти, ресурслари, таркиби ва ташқи алоқалари, ташриф буюрувчилар сони, хизмат кўрсатиш баҳолари ва иқтисодий самараси, маҳаллий аҳоли манфаатлари;
- экотуристлик масканнинг руҳсат бериладиган сифатига мос келадиган ташриф буюрувчилар сони;
- табиат муҳофазаси ва мавжуд хавф-хатарлар.

2. *Режалаштириш* – экотуризмни бошқариш мақсади ва уларга эришиш йўллари билан асосида фаолиятни келгусида самарали амалга ошириш ва ривожлантиришга, шу жумладан ноаниқликлар эҳтимолини камайтиришга имкон беради. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир фирма мустақил ҳолатида ўз индикатив режаларини ишлаб чиқиш зарур. Режа барча мулкчилик шаклларидаги ташкилотлар фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилади, чунки режаларсиз барча бўлинмалар ишини ўзаро мувофиқлаштириш, натижаларни

назорат қилиш, ресурсларга талабни аниқлаш, ходимлар меҳнат фаолиятини рағбатлантиришни тахминлаб бўлмайди.

Асосий мезонлар: ҳуқуқий-норматив таъминланиш (норматив актлар, қонунлар ва уларга шарҳлар таҳлили); фаолиятни режалаштириш (мақсадни белгилаш ва уни тегишли ресурслар билан таъминлаш асосида бажариш); бошқаришни режалаштириш (бошқаришнинг мақсади ва режалари, уларнинг сифати, ходимлар маҳорати, қўйилган вазифаларнинг аниқлиги ва амалий аҳамияти, бошқариш самарадорлигининг доимий таҳлили ва б.).

3. *Зарур ресурслар* билан таъминлаш экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мавжуд ресурслар бошқариш мақсадларига мос бўлиши керак. Ресурслар мавжуд ва ажратилган турлардан таркиб топади, улардан фойдаланиш жараёни эса тақсимлаш, фойдаланишни амалга ошириш ҳамда ҳамкорларни танлашни ўз ичига олади.

Ресурсларнинг таркиби ва ҳажми ғоят хилма-хил бўлиб, улар қуйидаги турлардан иборат бўлиши мумкин: табиат-рекреация-эко туристик ресурслар; моддий техника (иншоот, жиҳоз, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа асосий фондлар, хомашё, яримтайёр фабрикатлар ва бошқалар); меҳнат (ходимлар сони, уларнинг профессионал ва квалификация таркиби, меҳнат унвондорлиги, меҳнатни рағбатлантириш); технологик (қўлланилаётган технологиялар занжири); ахборот (ички ва ташқи муҳит тўғрисидаги ахборотлар ҳажми ва сифати); ташкилий (раҳбар органлар ва хизмат кўрсатиш бўлимлари таркиби, уларнинг қобилияти); бошқариш (бошқариш персонали комплекси ва уларнинг менежмент функциясини бажариши); молиявий-ресурслар (пул маблағлари жамғармаси ва улардан бошқарув қарорларини бажаришда фойдаланиш).

Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат ва молиявий ҳамда бошқа ресурслардан менежмент режада белгиланган мақсад ва устиворликларга мос ҳолда фойдаланиш тўғрисида олинган ахборотлар таҳлиliga асосланиб аниқланади. Олинган натижалар экотуристтик фаолиятнинг энг муҳим йўналиши ва устиворликларини белгилашга асос бўлади. Бунда сарфланган харажатлар қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга қай даражада имкон яратганлигини аниқлашга алоҳида аҳамият берилади.

4. *Бошқариш жараёнини* баҳолаш умумқабул қилинган норма ва стандартларга асосланади. Бундай баҳолашда кўп даражада миқдорий эмас, балки сифат жараёнлари таҳлиliga катта аҳамият берилади. Асосий масала қўлланилаётган бошқариш усуллари ва методлари, қабул қилинаётган қарорлар мавжуд шароитда оптимал ҳисобланадими, улар белгиланган мақсадаларга эришишга имкон берадими, фаолиятнинг қайси жиҳатлари яхшилашни (ресурсларни кўпайтириш, персонални ўқитиш ва б.) талаб этади каби саволларга жавоб топишга йўналтирилади.

Бунда ташқи муҳит омиллари-бозор муҳитининг ўзгарувчанлиги, содир бўлаётган ўзгаришлар тезлиги, рақобат интенсивлиги, технологик имкониятлар,

мижозлар кўзлаётган афзалликлар ва бошқалар экотуристтик фирмаларни бошқариш амалиётига доимий ўзгартишлар киритишни талаб этади.

Бошқариш самарадорлигини баҳолашда қуйидаги асосий жараёнларни таҳлил қилишга асосланиш тавсия этилади: режалаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, ташқи алоқа ва ҳамкорлар, таълим ва персонални ўқитиш, илмий тадқиқотлар, мониторинг ва баҳолаш, ҳисобот, ташриф буюрувчилар оқимини бошқариш, маҳаллий аҳолининг қарорлар қабул қилишдаги иштироки, зиддиятларни ҳал этиш, ходимлар масалалари, бухгалтерия ва молиявий бошқариш фаолиятини таҳлил қилиш, тартибга солиш ва бошқалар.

Бошқаришни амалга оширишда кўрсатилган функциялар кўрсаткичи босқичлар, мазмуни, олинган ҳисобот кўрсаткичлари бўйича ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилиши керак. Акс олда бошқариш қарорларини бажаришнинг самараси пасайиши мумкин.

Бу кўрсаткичларнинг ҳисоблаш усуллари содда ва лўнда бўлиб, қўшимча тушунтиришни талаб этмайди. Лекин самарадорликнинг қуйидаги учта жиҳатини изоҳлаш керак: 1) энг яхши бошқариш амалиётга эга бўлиш; 2) бошқариш стандартларини белгилаш; 3) экотуризмнинг истикболда олға қараб ривожланишини таъминлаш.

Энг яхши бошқариш амалиётига эга бўлиш экотуризмни муваффақиятли ва юқори фойда олиб амалга ошириш бўйича Ватанимиз ва хорижий тажрибалар, менежмент режалар, амалиётга энг яхши раҳбарлик қилиш, персонал тажрибалари, маҳаллий аҳоли ва бошқа манфаатдор томонларнинг ўзаро таъсири тажрибаларидан келиб чиқиб, фойдаланишга асосланиши мумкин.

Экотуризмда бошқариш стандартларини (норматив кўрсаткичларни) белгилаш юқорида кўрсатилган омилларнинг таъсири ва умуман мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва бажарилиши мажбурий бўлган хизмат кўрсатиш қоидаларини ўрнатишга асосланади.

Экотуризмнинг истикболда олға қараб ривожланишини таъминлаш, аввало, раҳбар ва персоналнинг фаолиятини тартибга солиш ва яхшилашга боғлиқ бўлиб, уларнинг натижалари стандартлар, қоидалар, кўрсатмалар каби экотуристтик фаолиятни регламентлаш қоидаларига изчил амал қилишга, шунингдек, фирмаларнинг ресурсларидан (вақт, материал, меҳнат, энергия, молия ресурслари ва б.) фойдаланишнинг прогрессив нормаларини ўрнатишга боғлиқ бўлади.

5. *Фаолият натижалари* экотуристтик фирмаларни бошқаришнинг ички ва ташқи муҳити ўзгарувчан таъсирининг сабаб-оқибати омиллари занжирига кўп даражада боғлиқ бўлади. Фаолият натижалари муваффақиятлар ва муваффақиятсизлик, самарадорлик таҳлили асосида аниқланади. Улар экотуристтик фирмалар ҳисоботи ва шунга ўхшаш ҳужжатлар (масалан, дастур, лойиҳалар бўйича ҳисоботлар) маълумотлари ва ахборотларига асосланиб амалга оширилади. Хизматларнинг миқдорий кўрсаткичлари турли усулда баҳолалиши мумкин. Масалан, МЭТҲлардан экотуризм йўналишида фойдаланувчилар сони, талабномалар сони ва уларнинг таъминланиши сони,

бажарилган ишлар хажми ва натижалар (масалан маҳаллий аҳоли иштироки), амалий натижалар (масалан, сўқмоқлар сони ва узунлиги, уларнинг жиҳозланиши, буклетларни тарқатиш, бажарилган лойиҳалар сони ва қиймати ва б.) ва бошқалар таҳлил қилинади ва натижалар баҳоланади.

Натижаларнинг таҳлили бошқаришнинг ҳақиқатан ҳам эришилган самарадорлигини ўзида ифода қилади. Экотуризмнинг бошқариш мақсадларини белгилаш самарадорликни баҳолашда режалаштиришнинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади. Қўйилган натижаларнинг асосини эса қуйидагилар ташкил этади: менежмент режа; бошқаришнинг турли категориядаги МЭТҲларда экотуризмни ривожлантириш бўйича умумий ва хусусий мақсадларининг комплекс таҳлили натижалари экотуризмни бошқариш самарадорлиги бўйича тегишли хулосаларни чиқаришга имкон беради. Қўрсатилган мақсадларга асосланиб фирмалар ўз ҳисоботларида мавжуд шароитга мос келадиган қўрсаткичларни ишлаб чиқиши керак.

Бошқариш самарадорлигини баҳолаш қўрсаткичларидан амалиётда фойдаланиш мақсадларида, аввало, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004) Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ, сўнгра 5-жадвал материалларига асосланиб экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги қўрсаткичлари ва натижаларини баҳолашнинг балл тизимини ишлаб чиқдик (6-жадвал).

Баҳолашнинг тавсия этиладиган балл тизимида экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг 10 та асосий таркибий қисмлари танланди ва уларнинг барчаси тенг ҳуқуқли қисмлар сифатида бир баллдан баҳоланди, мезонларга қўйилган талабларга қисқача таъриф берилди. Бундай ёндашувни танлашнинг асосий сабаби шундаки, унда стандартларни қабул қилишда миқдорий усуларга нисбатан тасвирлаш усули устун мавқега эга бўлиши асос қилиб олинди, чунки бошқаришни стандартлар бўйича баҳолашда балл тизимини қўллаш кўп афзалликларга эга бўлади.

Тавсия этиладиган мезонлардан турли экотуристик фаолият объектларининг бошқариш самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш уларнинг 10 та мезоннинг ҳар биттаси бўйича ютуқлари билан бир қаторда мавжуд камчиликларни ҳам аниқлашга, жами тўпланган баллар эса турли объектларда туризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги паст (1-3 балл), ўрта (4-7 балл), юқори (8-10 балл) даражаларини аниқлашга имкон беради.

Бошқариш параметрларининг балл йиғиндиси турли объектларда ўзгарувчан бўлиб, улар мавжуд бошқариш тизими салоҳияти фарқларини объектив баҳолашга асос бўлади. Айнан шундай ёндашувга асосланиб минтақалар ва мамлакат бўйича самарадорликни ҳам аниқлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан баҳолашнинг мазкур балл шкаласи тизимидан экотуризмни бошқариш самарадорлигини аниқлашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Тавсия этиладиган баҳолаш тизими экотуризмни бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун зарур инструментлар таркибига киритилиши мумкин. Шунингдек, улар экотуризм менежменти ва ҳисоботи

учун тегишли асос яратади ва бошқариш фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

6-жадвал

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ва натижаларини баҳолашнинг балл тизими (Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг барча категорияларини алоҳида ва биргаликда баҳолаш йўналишлари)

№	Экотуризмни бошқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари гуруҳи-мезонлар	Баллар	Мезонларга қўйиладиган талаблар бажарилишининг қисқача таърифи
1.	Режалаштириш	1	1. Менежмент-режа мавжуд ва бажарилаётир
2.	Ресурслар инвентаризацияси	1	2. Табиий экотуристтик ва маданий ресурслар тўғрисидаги ахборот ва фаолиятнинг барча асосий масалаларини режалаштириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш учун етарли (инвентаризация амалга оширилган)
3.	Ресурсларни бошқариш	1	3. Табиий экотуристтик ва маданий ресурсларни фаол бошқариш учун зарур тадбирлар тўлиқ бажарилаётир.
4.	Инфратузилма	1	4. Тегишли экотуристтик инфратузилма нормал хизмат кўрсатаётир
5.	Маҳаллий аҳоли жамоалари билан алоқалар	1	5. Экотуристтик фирмалар ва маҳаллий жамоалар ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик ўзаро манфаатларга мос ҳолда доимий амалга оширилади. Бундай муносабатлар маҳаллий аҳолига қатта иқтисодий манфаатлар беради
6.	Бошқариш механизми	1	6. Экотуристтик фаолият яхши йўлга қўйилган бошқариш тизими орқали самарали қўллаб-қувватланади
7.	Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва унинг сифати	1	7. Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш уларнинг эҳтиёж ва хоҳишларини ўрганишга асосланади. Бу борада ишлаб чиқилган дастур амалга оширилмоқда. Хизмат кўрсатиш сифати ҳозирги ташриф буюрувчилар учун юқори даражада (шу жумладан электрон технология, интернет хизматлари) ташкил этилган
8.	Хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги	1	8. Амалга оширилган экотуристтик хизматлар натижаси белгиланган мақсадга эришиш ва фойда олишга имкон беради
9.	Экотуристтик ресурслардан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси	1	9. Ресурслардан фойдаланиш уларни экологик-иқтисодий тартибга солиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади ва самарали ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш табиат экотуризмларини емиришга қарши кураш тадбирлари ва методлари орқали табиат муҳофазаси комплексини барпо этиш асосида амалга оширилади
10.	Мамлакат ва минтақалар иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшиш	1	10. Экотуристтик фаолият мамлакат ва минтақалар иқтисодиёти ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади
Жами баллар:		10	

Изоҳ: 1-10 мезонлар талабига жавоб бермайдиган ҳолатлар "0" баллда (-) баҳоланади.

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ресурс ва объектларни инвентаризациялаш уларнинг миқдори, сифати, захиралари, улардан экотуризмда фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш даражаси ва шакллари ҳисобга олишни билдиради. Бундай инвентаризацияни табиат, этно-экомаданият компонентлари (геологик-геоморфологик, иқлим, сув, биологик ва биохилма-хиллик, жонсиз табиат объектлари, этнографик ва экологик маданият мерослари ва б.), экотизим, ландшафт, табиат комплекслари хилма-хиллиги (чўл (сахро), суғориладиган антропоген текислик (водий, воҳалар), сув-ботқоқлик (кўллар), тоғ (паст, ўрта, баланд тоғ зоналари) ландшафтлари, табиат комплекслари (табиий-географик районлар) ва бошқалар бўйича амалга ошириш мамлакатимизда мавжуд катта салоҳият ва имкониятларни аниқлаш бўйича муҳим ахборот базасини яратишга асос бўлади.

Ҳар бир экотизим, ландшафт, табиат комплекси ўзига хос экотуристтик ресурс салоҳияти, сиғими, рекреация таъсирига бардошлиги даражасига эга бўлади, ўзига хос йўналишларда табиат муҳофазаси тадбирларини амалга оширишни талаб қилади. Мазкур хосса ва хусусият ва талаблар табиатдан рекреация-эко туристик йўналишда фойдаланишнинг турли норма ва қоидаларини ишлаб чиқиш асосида экотуристтик инвентаризацияни амалга оширишни тақозо этади. Инвентаризациялашнинг энг муҳим, айтиб ўтиш керак бўлган пайтда қийин ва мураккаб муаммоларидан бири турли табиат объектлари, табиат комплекслари, ландшафт, экотизимларнинг эко туристик сиғимини аниқлаш ҳисобланади. Бундай сиғим турли экотизим, ландшафт, табиат комплексларида уларнинг рекреация-эко туристик юклама ва босим таъсирига чидамлилигига боғлиқ ҳолда ўзига хос кўрсаткичларга эга бўлади. Сиғим тушунчасида ташриф буюрувчиларнинг турли йўналишдаги саёҳатларга рухий-физиологик мос келишини ҳам ҳисобга олиш керак. Шундай қилиб, сиғим табиат комплексларининг барқарорлиги ва комфорт шароитларини асраш нуқтаи назаридан аниқланади.

Рекреация-эко туристик сиғим маълум дам олиш ҳудудларида комплексларига зарар етказмай, емирилишига уларнинг емирилишига (ифлосланишига) йўл қўймасдан маълум сондаги дам олувчиларга рухий-физиологик комфорт ва дам олишга қулай шароит яратишни таъминлаш қобилияти катталигини ўзида ифода қилади. Сиғим рухсат бериладиган рекреация юкламаси нормативи каби маълум вақт мобайнида рекреация зонаси майдони бирлигига ёки рекреация объектига дам олишга рухсат бериладиган кишилар сони (ёки киши-кун) рекреация-эко туристик юкламасини билдиради.

Одатда дам олувчилар сони 1 гектар ҳудудга нисбатан киши-кун кўрсаткичида ҳисоблаб чиқилади. Бунда ўртача юклама энг қизгин мавсумда ўртача бир кунлик юкламага асосланиб аниқланади. Антропоген юклама мазкур ҳудудга ташриф буюрувчилар сонига тўғри мутаносиб бўлади, деб тахмин қилинади. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, рекреация юкламасини баҳолашда табиат комплекслари ва рекреация объектларининг фақат чидамлилиги ҳисобга олинади, рекреация-эко туристик сиғимни аниқлашда эса дам олувчиларга комфорт даражасига, шу жумладан дам олувчилар сонининг

хаддан ташқари кўплигининг ўзаро салбий таъсирига ҳам эътибор қаратилади. Сигим ўрмонларда 1 гектарга 2 киши, дарахтсиз жойларда анча кам (дам олувчилар гуруҳи бир-бирларини кўрмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади). Умумий сигим нормативи 1 гектар ўрмонзорларда 2,5-5 кишини ташкил этади. Назарий ҳисобларга кўра, норматив сигим 150-250 минг гектар ўрмонзорда йилига 1 млн. киши-кун бўлиши мумкин.

Умуман яхлитлаштирилган, соддалаштирилган тахминий ҳисобларда туристик сигим МЭТХларда Халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи (МСОП) тавсиясига кўра 1 гектарга 1 киши-кун миқдорида ҳисоблаб чиқилиши амалиётда қўлланилади.

Объектларни тўлиқ инвентаризациялаш тегишли талаблар асосида ихтисослашган давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш методлари. Рекреация-экотуристик ресурс ва объектларнинг комплекс хусусияти уларни баҳолаш методларининг ҳам хилма-хил бўлишини талаб қилади. Бирламчи асосларнинг томошабоплиги ва дам олишга қулайлигини баҳолаш экотуризмни ривожлантиришни бошқаришни ўрганиш, уни режалаштириш ва лойиҳалаштиришда муҳим таркибий қисм сифатида иштирок этади. Ҳозирги вақтда баҳолашнинг қуйидаги тўртта асосий методларидан кенг фойдаланилади: 1) тиббий-биологик; 2) руҳий-эстетик; 3) технологик; 4) иқтисодий.

Тиббий-биологик баҳолашда об-ҳаво ва иқлим етакчи ўринни эгаллайди. Бунда инсон ҳолати ва дам олишининг метеорологик омилларга, уларнинг мавсумий ўзгаришига (ёзги, қишки ва б.) боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилади. Дам олувчилар саломатлигига метеорологик элементларнинг ўзгарувчанлиги (сутка давомида атмосфера босими фарқи, ҳароратнинг ўзгарувчанлиги, шамолнинг таъсири ва б.) кескин таъсир кўрсатади, организмда метеороп реакцияни кўзғатади. Таҳлил асосида иқлим ва тиббий талаблар таърифи белгилаб берадиган комфорт шароитларнинг давомийлиги, шунингдек, ноқулай шароитларнинг давомийлиги баҳоланади. Ўртача суткалик комфорт ҳарорат $17-22^{\circ}$ ўртасида бўлиб, шундай кунлар давомийлиги кишиларнинг курортларда даволанишида ҳисобга олинади. Экотуризмда дам олиш учун ўртача суткалик комфорт ҳарорат $10-22^{\circ}$ доирасида бўлиши тавсия этилган. Ўзбекистонда 10° ҳароратли давр мамлакатнинг шимолида 189 кун, 15° лик давр 156 кун (Кўнғирот), ўрта қисмида тегишлича 221 ва 175 кун (Самарқанд), жанубида 249 ва 199 кун (Термиз) давом этади. Бундай давр шимолда 10° ҳароратда 11 апрелдан 17 октябргача, 15° ҳароратда эса 25 апрелдан 28 сентябргача, ўрта қисмида тегишлича 10° ҳароратда 27 мартдан 30 октябргача, 15° ҳароратда 18 апрелдан 4 октябргача, жанубда 10° 10 мартдан 14 ноябргача, 15° ҳароратда 1 апрелдан 18 октябргача давом этади. (Чуб В.Е., 2000, с.21). Совуқсиз кунларнинг давомийлиги шимолда 160 кун, ўрта қисмида 230 кун, жанубда 250 кунга тенг бўлади (ўша манба, с.17). Бу иқлим маълумотлари мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўртача суткалик ҳарорат экотуризм учун йилнинг катта қисмида ва йил бўйи етарли даражада давомийлиги ва қулайлигини ҳамда туристлар уларга бемалол чидаши ва

бардош бериши, ўзларини эркин хис қилишлари мумкинлигини исботлайди. Шу сабабдан мамлакатимизда инсоннинг жисмоний ва рухий кучларини тиклаш учун қулай бўлган минтақаларнинг об-хаво ва иқлим шароитларини комплекс ўрганиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим муаммолар қаторига киради. Шу нуқтаи назардан илиқ қуёшли об-хаво, тоза хаво, кам булутли кунлар, қишда эса доимий ва қалин қор қопламлари, иссиқ ёз ойларида ўрта ва баланд тоғлар энг катта иқлим ва рекреация-экотуристик қийматга эга бўлади.

Рухий-эстетик баҳолашда жойларнинг ажойблиги (экзотиклиги), ноёблиги (объектларнинг такрорланмаслиги, кам учраши)нинг ахамияти ҳисобга олинади. Психолог, социолог, географлар ҳудудлар ва объектларнинг нафосатлилигини (эстетиклигини) ўлчашнинг қуйидаги қоидаларини таклиф этганлар: ўзига энг кўп жалб қиладиган ландшафтлар-сув-қуруклик, ўрмон-ўрмондаги кенг яланглик, тепалик-текисликларнинг туташ ва чегарадошлиги. Ўзидан қочирадиган, ноқулай, тесқари таассурот қолдирадиган жой ва объектлар: бир хил дарахтли, намлик, ботқоқлик жойлар.

Жонсиз табиат объектларининг нафосатлилиги ва томошабоплиги уларнинг ёркинлиги, образлилиги, ифодалилиги, нафосатлилиги каби сифатлар билан белгиланади, улар сайёҳларда ижобий кайфият уйғотади. Бундан ташқари ландшафт элементларини қуйидаги мезонларда баҳолаш ҳам амалиётда қўлланилади: чиройли манзаралик (хушманзаралик), улканлик (жуда катталиқ, буюклик), ҳашаматлилиқ (улуғворлик, маҳобатлилиқ), панорамалиқ (кенг манзаралиқ, доира шаклидаги манзаралар кўриниши), кенгликнинг очик кўриниши, кўп томонлама манзаралар кўриниши, ўзгача кўриниши манзара (одатдагидан бошқача кўринишли манзара) ифодалилиқ (жонлилиқ) ва бошқалар.

Биз мисол сифатида тегишли манбаларга асосланиб жонсиз табиатнинг 64 объектига таъриф бердик, уларни баҳоладик (2,3-жадвал).

Технологик баҳолаш дам олувчилар ва рекреация-экотуристик муҳитнинг ўзаро таъсирини ифодаладиган хизмат кўрсатиш «технологиялари» ва техникаси воситасида баҳолашни билдиради. Бунда экотуризмнинг технологик имкониятлари, рекреация ҳудудларини ўзлаштиришнинг муҳандислик имкониятлари аниқланади ва баҳоланади. Ҳудудларнинг комфортлиги, дам олишга қулайлиги, чекловлари, транспорт шароитлари (бориш-келишга қулайлиги), маҳаллий аҳолининг этно-экомаданияти, анъаналари ва бошқалар ҳисобга олиниб технологик баҳолаш мезонлари танланади. Шу асосда рекреация-экотуристик комплекслар, уларнинг экотуризм йўналиши, шакли, турлари технологик жиҳатдан баҳоланади. Барча йўналишларда рекреация-экотуристик комплексларнинг соғломлаштирувчи хоссалари (яъни рухий-физиологик комфортлик), хилма-хиллик (ахборотларга бойлиги салоҳияти), ноёблиги, ўзгарувчанлиги ҳар томонлама тўла ҳисобга олинади.

Иқтисодий баҳолаш экотуристик фаолиятнинг иқтисодий натижаларини ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан таркиб топади. Рекреация-экотуристик табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш рекреация ресурсларини такрор барпо

этиш, асраш, улардан фойдаланишни яхшилаш, муҳофаза қилишга маблағлар ажратишни иқтисодий асослаш учун зарур бўлади. Бундай баҳолаш рекреация ресурслари тури, уларнинг сифати, экотуристлик талаб жойларига яқин-узуклиги, ресурслардан фойдаланиш технологиялари, ресурсларнинг экотуристлик сифати ҳисобга олиниб амалга оширилади. Баҳолаш миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизимида ифодаланади. Миқдор кўрсаткичларига экотуристлик жойга бориш-кетиш харажатлари, уларнинг туристларни ўтказиш қобилияти, туристларнинг бир суткалик харажатлари, туристларнинг рекреация зоналарида тўпланиши, туристик кунлар сони, туристик оқимларнинг мавсумийлиги ва нотекислиги кўрсаткичлари, меҳмонхоналар жой (койка)лари қуввати, меҳмонхоналарда мавжуд ўринлардан фойдаланиш даражаси ва бошқалар киради.

Сифат кўрсаткичлари кўпинча балларда баҳолашга асосланади, унда экотуристлик объектларнинг сайёҳларни ўзига жалб этиши (жозибадорлиги), манзаралилиги, комфорт даражаси ва бошқалар ҳисобга олинади. Табиий рекреация-экотуристлик ресурсларни иқтисодий баҳолаш харажатлар концепцияси ва йўқотилган ресурсларни қайта тиклаш қийматларига асосланиши мумкин.

Рекреация-экотуристлик фирмаларнинг турли категориядаги МЭТХлари рекреация зоналарини баҳолашда қуйидаги балл тизимидан фойдаланишни тавсия этиш мумкин: 1) жуда қулай (5 балл); 2) қулай (4 балл); 3) яроқли (3 балл); 4) қисман яроқли (2 балл); 5) баъзи йўналишларда яроқли (1 балл).

Жуда қулай рекреация-экотуристлик зоналар хилма-хил ресурсларга, бориш-кетишга қулай шароитларга эга бўлади; қулай зоналар кўплаб ресурслар ва қулай транспорт шароитига эга бўлиши билан ажралиб туради; яроқли деб баҳоланадиган рекреация зоналарда экотуризмни ривожлантириш учун энг зарур ресурслар ва шароит мавжуд бўлади; қисман яроқли зоналарда кўплаб чекловлар мавжуд бўлиб, фақат баъзи йўналишлар учун шароит мавжуд бўлади; баъзи йўналишларга яроқли зоналарда табиий шароит ва ресурслар фақат экотуризмнинг бир турини қисман ривожлантиришга шароит ва имконият мавжуд яратади.

3.2. Мавжуд рекреация-экотуристлик салоҳият, унинг компонентлари ва макрозонал хусусиятлари

Ўзбекистон ҳудуди 448,97 минг км², аҳолиси сони эса 31,5 миллион киши (2015) бўлиб, биринчиси ғоят хилма-хил ва бой ландшафт, табиий экотизим ва ресурсларга, катта рекреация салоҳиятига, иккинчиси эса катта рекреация эҳтиёжларига ҳамда туризмда хизмат кўрсатиш учун кўплаб ишчи кучларига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимиз Марказий Осиёнинг ўрта қисмида Буюк Ипак йўли орқали кўплаб мамлакатларнинг туристик маршрутлари туташган ғоят муҳим халқаро чорраҳада жойлашган. У иккита катта дарё – Амударё ва Сирдарё орқалигида, уларнинг оқаваси келиб қуйиладиган Орол денгизи берк ҳавзасининг бир қисмини эгаллаб туради.

Глобал нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг ўзига хос географик ўрни дунё текисликларида экологик оптимум ҳисобланган 40-параллел (40⁰ шимолий кенглик) яқинида жойлашганлиги (мазкур параллел Самарқанд шаҳридан ўтади), тоғларда эса паст тоғ, ўрта тоғ, баланд тоғ зоналарининг алмашилиши билан белгиланади. Шунга мос ҳолда мамлакатимизда қуруқ субтропик иқлим ҳукмрон бўлиб, йил фасллари нормал алмашинади, барча фаслларда уларга хос бўлган умумий қулай шароит мавжуд бўлиб, бу ҳолат кўплаб экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экотуристлик хизмат кўрсатишни йил давомида узлуксиз ва жадал ривожлантиришга имкон беради.

7-жадвалда Ўзбекистонда экологик вазиятларнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экологик вазиятни комплекс баҳолашнинг солиштирима натижалари

Экологик Худудлар	Худуд, минг га	%	Ш.ж.суғориладиган ерлар	%	Аҳоли, минг. киши	%	Маъмурий туманлар сони, бирл.(республика ва вилоят тасарруфидаги шаҳарлар)	%
0-қулай экологик вазиятли	11,8	26,5	1,6	37,2	10,8	47,0	95	43,3
1-критик экологик вазиятли	16,1	36,2	1,8	41,9	9,4	40,9	89	41,0
2-фавқулудда экологик вазиятли	12,9	29,0	0,7	16,3	2,8	12,2	32	15,2
3- экологик офат	3,7	8,3	12,9 минг га	4,5	27,8 минг киши	-	1	0,5
Жами Ўзбекистон Республикаси бўйича	44,5	100	4,3	100	23,0	100	217	100

Манба: Жумаев Т.Ж. Экология иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. -Т.: IQTISODIYOT, 2014, 141- б.

7-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимиз умумий ҳудудининг 26,5 фоизида қулай экологик вазият, 36,2 фоизида критик экологик вазият, 29 фоизида фавқулудда экологик вазият, 8,3 фоизида экологик офат (Оролбўйи, Қорақалпоғистон Республикаси) ҳолатлари мавжуд. Умуман Ўзбекистон ҳудуди рекреация фаолиятининг турли шакллари ва турларини ташкил этиш учун қулай экологик-иқтисодий шарт-шароитларга эга бўлиб, табиат ва маданият ва хўжаликнинг кўплаб объектлари ўзининг ноёблиги, эстетик жозибадорлиги, даволаш соғломлаштириш хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Ер юзаси тузилишига кўра, Ўзбекистоннинг Шимоли-ғарбида унинг катта қисмини (70 %ини) асосан бепоён қуруқ чўллар (сахро), қисман дарё водийлари ва тоғолдида жойлашган сермахсул водий ва воҳалардан таркиб топган суғориладиган текисликлар (10 %), кичикрок Жануби-шарқий қисмини

(20 %ини)тоғ зонаси эгаллайди. Текисликларда чўл экотизимлари, тоғларда баландлик зонал экотизимлари, қайир ўрмонлари экотизимлари (текислик ва тоғларда дарё ёқасидаги сув босадиган ўтлоқ ва ўрмон ерлар) кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг табиий экотизимлари туристлар учун ғоят қизиқарли ва жозибадор бўлган юқори даражадаги биологик хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда ўсимликлар дунёси 4100 турдан ортиқ бўлиб, уларнинг 9 % эндемиклардир. Республика фаунаси 97 турдаги сутэмизувчи, 424 турдаги қуш, 58 турдаги рептилия ва 83 турдаги балиқларни ўз ичига олади. Уларнинг 8,8 % эндемиклардир. Республика Қизил китобига 184 турдаги ҳайвон, 305 турдаги ўсимлик киритилган (2006 й.).

Мамлакатимизнинг 4/5 қисми (80%) турли даражада антропоген ўзгаришларга учраган табиий ландшафтлардан, -1/5 инсон томонидан қучли ўзгартирилган антропоген ландшафтлардан (ҳайдалган ерлар, аҳоли пунктлари, саноат корхоналари, инфратузилма объектлари ва б.) таркиб топган.

Мамлакат табиатининг экотуризмни ривожлантиришга асос бўладиган ноёб, диққатга сазовор объектлар қаторига кўплаб мавжуд бўлган ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, шифобахш булоқлар, қатта ёшдаги улкан дарахтлар, шунингдек, гўзал, ранг-баранг, ғаво ва суви мусаффо, табиати шифобахш ва нафосатли ландшафтлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, республика ҳудудида 17 мингдан ортиқ табиий сув оқимлари, 51 та сув омбори, 500 дан ортиқ кўл, кўплаб магистрал каналлар, 1448 та чучук сувли сув сарфи 1 л/секунд бўлган булоқ. 515 та тоғ музликлари мавжуд.

Мавжуд салоҳиятдан ҳозирги вақтда экотуризмда фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби объектлардан экотуризм йўналишида фойдаланишга қаратилган инвентаризация ҳамда тегишли тасниф ва баҳолашнинг амалга оширола олмаганлиги билан боғлиқ. Шу сабаб истиқболда объектларни инвентаризациялаш ва таснифлашни ҳамда табиий-биологик, психологик-эстетик, техник-технологик, экотуристтик-иктисодий-экологик баҳолашни амалга ошириш объектив заруратга айланмоқда.

Баҳолашнинг бу йўналишлари бошқариш фаолиятининг бир томондан табиат ва этномаданият ва этнографик компонентларининг бой ва хилма-хил экотуристтик ресурслари салоҳиятини, бошқа томондан мамлакатимизнинг ўзига хос экотуристтик салоҳиятга эга бўлган табиий-иктисодий макрозонал маконлари хусусиятларини ҳар томонлама тўла ҳисобга олишга асосланиши керак. Ўз навбатида компонентлар ва макрозоналар биргаликда ва ўзаро боғлиқликда Ўзбекистоннинг ягона экотуристтик маконини ташкил этади. Улар турли йўналишдаги экотуризм ўчоқлари ва марказларини барпо этишга табиий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизнинг табиат ва экомаданият ва этнографик компонентларининг экотуристтик ресурслари туристларни ўзига жалб этадиган

жозибадор ва ғоят хилма-хил ҳамда бой экотуристтик объектлардан таркиб топган. Улар қуйидаги асосий экотуристтик ресурс турларига бўлинади: 1) геологик-геоморфологик (хилма-хил жонсиз табиат ёдгорликлари ва шакллари, ландшафт элементлари); 2) иклим ва об-ҳаво(кулай иклим, метеорологик элементларининг суткалик, ойлик, мавсумий ва йиллик ўзгаришлари, баландлик зоналиги, уларнинг экотуризмни ташкил этиш ва бошқаришга таъсири кўрсаткичлари ва б.); 3) гидрологик (дарё, кўл, сув омборлари, каналлар, булоқлар, шаршаралар, музликлар, ботқоқликлар, ер ости сувлари ва сув билан боғлиқ хилма-хил табиат объектлари); 4) биологик (ботаника ёдгорликлари, ўтлоқ, ўрмон, доривор ўсимлик, боғ ва токзор, тўқайлар, ҳайвонот олами, биохилма-хиллик, уларнинг экологик-эстетик ва рекреация хусусиятлари); 5) экомаданият ва этнографик (кишлоқ ва шаҳарлар экомаданияти, урф-одатлари, фольклор, миллий хунармандчилик ва б.).

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш амалиётида ўзига хос экотуристтик салоҳиятга эга бўлган ва бир-бирларидан тубдан фарқ қиладиган, айти бир вақтда ўзаро боғлиқликда экотуризм учун хилма-хил имкониятлар яратадиган қуйидаги тўртта экотуристтик макрозоналари хусусиятларини алоҳида ва биргаликда ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш жуда муҳим аҳамиятга эга: 1) Орол ва Оролбўйи экстремал чўл ва экологик инқироз ва халокат зонаси (Орол денгизининг қуриши оқибатлари, Оролқумнинг пайдо бўлиши, саксовул ўрмонларини барпо этиш ва б.); 2) чўллар (сахролар). Дунёнинг энг сермахсул “чўллар жаннати” ҳисобланган катта чўллари-Қизилқум, Қорақум, Устюртнинг қурғоқчил табиати, ландшафт ва био хилма-хиллиги (бахор ойларида сахролар сарик, оқ, кизил, сиёхранг тусдаги гуллар билан қопланган яшил гиламга айланади, ёзда улар қуриб қолади, кузда яна жонланади, нафис манзара баҳорда яна такрор намоён бўлади), саксовул ўрмонлари, яйловлар, қудуқлар, тоғ-кон саноати объектлари; 3) дарё водийлари, тоғ олди ҳудудларида жойлашган суғориладиган антропоген текислик зонаси (қадимги цивилизация, юқори экологик сиғимга эга антропоген ландшафт, водий ва воҳалар, шаҳар ва кишлоқлар, замонавий иктисодиёт, маданият ва б.); 4) тоғ зонаси (Ғарбий Тяньшан ва Хисор-Олой тоғ тизимлари, тоғ табиати ва баландлик зоналари, тоғ аҳолиси маданияти ва хўжалиги, музликлар ва б.).

Шундай қилиб, экотуристтик компонент ва макрозоналарнинг рекреация ресурслари ва инсон томонидан яратилган объектлари мамлакатимизнинг турли минтақаларида экотуристтик бизнеснинг турли йўналишлари шаклланиш жихатларини белгилаб беради.

Таъкидлаш керакки, халқаро микёсда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти бўйича дунё мамлакатлари орасида биринчи ўнликка кириши бир неча марта тегишли нуфузли ташкилотлар, нашриётлар томонидан эътироф этилган. Масалан, Канаданинг машҳур “G Adventures” тураператори жаҳоннинг энг яхши сайёҳлик йўналишлари бешталигида биринчи ўринни Марказий Осиёга берган бўлиб, унда Ўзбекистон “Мафтункор замин” деб тавсифланган (//Халқ сўзи, 2016 йил 22 январь). Дунёдаги энг нуфузли ва глобал микёсда тан олинган

нашрлардан бири “National Geoghic” томонидан эълон қилинган ва туристлар учун саёҳат қилиш тавсия этиладиган энг яхши ўнта мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон олтинчи ўринни эгаллаган (//Халқ сўзи, 2016 йил 16 июнь). Мамлакатимизнинг бундай юқори баҳолашларга сазовор бўлишида унинг бетакрор тарихий обидалари, гўзал ландшафтлари, халқимизнинг ўзига хос маданияти, саёҳат учун осойишта ва хавфсизлиги, миллий бозорлари, меҳмондўстлик мухити, дунёга машҳур таомлари ва бошқа кўплаб муҳим омиллари сабаб бўлган.

3.3. Ўзбекистон жонсиз табиатининг ноёб объектлари ва улардан экотуризмда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси катта ҳудудга (448,97 минг км²) ва кўп сонли аҳолига (2015 йилда 31 миллион киши) эга бўлиб, уларнинг биринчисида рекреация-экотуризм учун хизмат қиладиган кўплаб ва хилма-хил ресурс ва объектлар мавжуд бўлса, иккинчиси мазкур фаолиятни ривожлантириш учун зарур бўлган дам олишга талаб ва эҳтиёжнинг катталиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда рекреация-экотуризмни ривожлантиришга бирламчи асос бўлиб хизмат қиладиган табиатнинг кўплаб ноёб, диққатга сазовор, томошабоп объектлари (ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, ер катламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, шифобахш булоқлар, ботаника ёдгорликлари, ҳайвонот олами), экотизим, ландшафт ва табиат комплекслари (гўзал, ҳаво ва суви тоза, табиати шифобахш жойлар), турли категорияга тегишли кўплаб муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мавжуддир. Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакатимизда 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Булар ички ва ташқи бозорда Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳиятини муваффақиятли амалга оширишга (сотишга) имкон беради.

Биз тегишли манбаларга асосланиб (Рекомендации... 2013, с.225-231) ва уларни маҳаллий ва хорижий сайёҳлар кўришга борадиган объектлар сифатида – экотуризмдаги аҳамиятини ҳисобга олиб мамлакатимизда мавжуд бўлган 64 та жонсиз табиат ёдгорликларининг 9 та турига таъриф бердик (8-жадвал) ва уларнинг иқтисодий район ҳамда минтақаларда турлар бўйича тақсимланиши ва жойлашишини таҳлил қилдик (8-жадвал).

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси жонсиз табиатининг ноёб объектлари ва улардан экотуризмда фойдаланиш йўналишлари

№	Объектлар	Асосий хусусиятлари ва экотуристтик аҳамияти	Қаерда жойлашган. (вилоят ва туман)
I.	Топографик	1. <u>Хисор тизмаси чўққиси</u> , денгиз сатҳидан баландлиги 4643м. Ўзбекистоннинг энг баланд нуктаси. Энг юқори миллий қадриятга эга экотуристтик объект. (табиат ёдгорлиги)	Сурхондарё. Сариосиё тумани
		2. <u>Мингбулоқ чўқмаси</u> , денгиз сатҳидан кўрсаткичи минус 12 м (чуқур) Ўзбекистон ҳудудининг энг паст нуктаси. Марказий Қизилқум. Кулатой шўрхоқларининг ғарбий чеккаси. Энг юқори миллий қадриятга эга экотуристтик объект (табиат ёдгорлиги)	Навоий. Учқудуқ тумани
II.	Геоморфо-	3. <u>Устюрт чинки</u> (тик қоя ва жарликлар). Баландлиги атрофдаги	Корақалпоғистон

	<u>ЛОГИК</u>	текисликлардан 60-80 дан 200-250 метргача кўтарилган, тик жарликлар билан ўралган. Устюрт платоси (ясси тоғи) худуди. Хилма-хил рельеф шакллари, экотизим ва ландшафтлар мавжудлиги билан ажралиб туради. Геология тарихи, ландшафт жараёнларини ўрганиш, рекреация мақсадларида фойдаланиш мумкин	Республикаси. Кўнғирот тумани
		4. <u>Қурук кўл</u> . Устюрт платосининг жануби-шарқида жойлашган тухумсимон чўзиқ шаклдаги метеорит кратери (оғзи). Катталиги 7x10 км, максимал чуқурлиги 40 м. Ўзбекистоннинг ноёб экотуристтик объекти бўлиб, узок тарихда нисбатан кичик астероиднинг шу ерга тушганидан далолат берад.	Қорақалпоғистон Республикаси. Кўнғирот Тумани
		5. <u>Тикланиш (возрождения) ороли</u> . Орол денгизи депрессиясининг марказий қисмида жойлашган реликт орол, геоморфологик хосила. Ярим аср илгари типик орол бўлган. Қуриган денгиз тубида қора саксовул ўрмонлари майдони, бархан қум уюмлари мавжуд. Арид ландшафтлар ҳосил бўлиши жараёнларини ўрганишда илмий ва экотуристтик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси. Мўйноқ тумани
		6. <u>Блан урочишчаси</u> . Блан артезиан қудуги атрофидаги Белтов қолдик тепаликларининг (баландлигининг) шимоли-шарқида иккита Қадимги дарё дельтасида – Акчадарё ва Жанадарёнинг ноёб кўшилиш жойини эгаллайди. Қизиқарли экотуристтик объект	Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани
		7. <u>Сирдарё – Жанадарё реликт ўзани</u> . Орол чўкмасидан шарқда Жанубий Орол бўйида жойлашган. Ибтидоий кабилалар ва қадимги (антик) цивилизация ёдгорликларини томоша қилиш имконияти мавжуд. Қизиқарли объект.	Қорақалпоғистон Республикаси
		8. <u>Жетимсенгер урочишчаси</u> . Белтов қолдик баландлигидан жанубда жойлашган. Тақир устки тузилишига эга бўлган қадимги аллювиал-дельта текислиги. Майдони 100 км ² . Қизиқарли экотуристтик объект	Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани
		9. <u>Акчадарё йўлаги (коридори)</u> . Амударёнинг реликт ўзанларидан бири, Қизилқумнинг ғарбида жойлашган. Ибтидоий кабилалар ва антик халқлар тарихини ўрганиш бўйича қизиқарли экотуристтик объект	Қорақалпоғистон Республикаси
		10. <u>Теди қудуги</u> . Мингбулоқ чўкмасидан жанубда Марказий Қизилқумда жойлашган. Қумли текислик рельефи объекти. Мухим экотуристтик объект	Навоий Учкудук тумани
		11. <u>Иссиқтуба артезиан қудуги</u> . Мингбулоқ чўкмасидан жанубда Марказий Қизилқумда жойлашган. Қумли текислик. Қизиқарли объект	Навоий. Учкудук тумани
		12. <u>Қолдибой қудуги</u> . Мингбулоқ чўкмасидан жанубда Марказий Қизилқумда жойлашган. Қумли текислик. Қизиқарли объект	Навоий. Учкудук тумани
		13. <u>Журсақудуқ қудуги</u> . Мингбулоқ чўкмасидан жанубда Марказий Қизилқумда жойлашган қумли текислик. Қизиқарли объект	Навоий Учкудук тумани
		14. <u>Қинғиртов тоғлари</u> . Белтов тоғи жанубий ён бағри бўйлаб Қулжуктов тизмасининг шарқий қисмигача 80 км узунликда давом этадиган денгиз камарининг қадимги қиртоғи ҳисобланади. Қизиқарли экотуристтик объект	Бухоро Пешку ва Шофиркон туманлари, Навоий вилояти Конимех тумани
		15. <u>Жетимтов</u> . Сув оқимларининг сакланиб қолган қадимги ўзанлари. Қизиқарли экотуристтик объект	Навоий Томди тумани
		16. <u>Тубелек дўнглиги</u> . Мингбулоқ чўкмасидан жанубда Яманқум қумларидан ғарбда Тубелек дўнглиги (мутлоқ баландлиги 238 м) текислик қумларидан ташкил топган. Қизиқарли объект	Навоий Учкудук тумани
		17. <u>Кезаир урочишчаси</u> . Ауминзатов паст тоғ тизмасидан ғарбда Кезаир дўнглиги (мутлоқ баландлиги 314 м) атрофида жойлашган текис қумлик. Қизиқарли объект	Навоий Учкудук тумани
		18. <u>Қирққиз тик қиялиги (жарлиги)</u> . Зомин кўриқхонаси худудидаги Қулсув дарёси водийсида жойлашган. Бу ерда 25-30 та турли шаклдаги одамга ўхшаш 100 метрга чўзилган ажойиб тош қаторлари мавжуд. Бу объект экотуризм учун муҳим ҳисобланади	Жиззах. Зомин тумани
		19. <u>Чилдухторон реликт қумли майдон</u> . Ўтмишдаги табиий чўллашишнинг гувоҳи: XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 30-йилларигача 80 йил давомида Бухоро воҳасига қум барханларининг бостириб келиши оқибатида пайдо бўлган.	Бухоро Шофиркон тумани Текзгузар қишлоғи яқинида

		Майдони 5 га, баландлиги 18 м. Кизикарли экотуристтик объект	
		20. <u>Сирдарё реликт ўзани.</u> Кизилкумнинг Ауминзатов ва Кулжуктов кургок паст тоглари оралигида Сатмен кумларида жойлашган. Сирдарёнинг ғарбга томон сувини оқизган кадимги ўзани. Мухим экотуристтик объект	Жиззах вилояти
		21. <u>Зарафшоннинг Дарёсой реликт ўзани.</u> Кулжуктов паст тоғ тизмасидан жанубда Қизилкумнинг жанубий қисмида жойлашган. Мухим экотуристтик объект	Бухоро. Пешку, Шофиркон туманлари. Навоий. Конимех тумани
		22. <u>Пўлатхон платоси (ясси тоғи).</u> Чоткол дарёси чап ирмоғи Окбулок дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Баланд тик қоялар билан ўралган, таши дунёдан деярли ажралиб қолган, карст ходисалари намоён бўладиган ясси тоғ участкаси. Мухим экотуристтик объект	Тошкент вилояти Бўстонлик тумани
		23. <u>Баланд тоғ Ангрен платаси.</u> Ғарбий Тяньшанда Оҳангарон дарёси юқори оқимида жойлашган баландлиги денгиз сатҳидан 2500-3000 м гача кўтаришган текис юзага эга ясси тоғ. Ғоят кизикарли экотуристтик объект	Наманган Поп тумани
		24. <u>Оққум.</u> Фарғона тоғлараро чўкмасининг марказий қисмида Сирдарё ўзанидан жанубда жойлашган табиат ёдгорлиги. Юқори экотуристтик аҳамиятга эга	Фарғона вилояти
III.	<u>Спеологик (горшунослик)</u>	25. <u>Мингчукур карст платоси.</u> 1 км ² майдонда юздан ортик карст ходисалари намоён бўлган, улар ўртасида уч қаватли «Гидрогеология» гори ҳам бор. Уларда ер ости сувлари оқими ва ер ости кўли бор. Ғоят кизикарли объект	Қашқадарё вилояти
		26. <u>Қирқтов карст платоси (Чақилқалон)</u> Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмида жойлашган. Унда 60 дан ортик тик (вертикал) ғорлар бор, улар ўртасида Осиёдаги энг чуқур ғор, чуқурлиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда турадиган «Килси» (собик «Киев») гори бор. Унинг узунлиги 1100 м га яқин, майдони 21200 м ² . Ғарбда ер ости дарёси ва ер ости кўли бор. Ғоят муҳим ва кизикарли экотуристтик объект	Самарқанд вилояти
		27. <u>Амир Темур гори.</u> Хисор кўриқхонаси чегарасида жойлашган. Узунлиги 860 м. Ғорнинг бошланиш қисми одамлар яшаши учун мослаштирилган. Ғоят кизикарли экотуристтик объект	Қашқадарё Яқкабоғ тумани
IV.	<u>Палеонтологик</u>	28. <u>Бестобе очилма тоғ жинслари.</u> Нукус шаҳридан жанубда жойлашган. Умурткасиз денгиз ҳайвонлари қолдиқлари. Кизикарли экотуристтик объект	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани
		29. <u>Ҳожақол очилмалари.</u> Амударё ўнг қирғоғида Амударё посёлқаси яқинида жойлашган. Кўплаб денгиз ҳайвонлари қолдиқлари топилган. Кизикарли экотуристтик объект	Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани
		30. <u>Аяққалъа очилмалари.</u> Султонувайс тизмаси тоғолдида Эллиққалъа посёлқасидан шарқда жойлашган бўлиб, бу ерда кадимги денгиз ҳайвонлари, ўсимликлар қолдиқлари, кўплаб қалъа, археологик ёдгорликлар топилган. Юқори экотуристтик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани
		31. <u>Қоравул қалъа очилмаси.</u> «Аяққалъа» объекти яқинида жойлашган. «Тош ўрмою» қолдиқлари. Маълум экотуристтик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани
		32. <u>Кўрғошинқалъа очилмаси.</u> Султонувайс тизмасининг шарқий тоғолди ҳудудида жойлашган. Бу ерда антик Кўрғошинқалъа шаҳарчаси, кадимги тоғ қон соҳасига тегишли қолдиқлар, денгиз ҳайвонлари қолдиқлари топилган. Объект муҳим экотуристтик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани
		33. <u>Қокча очилмаси.</u> Шу номдаги дўнгликда (мутлок баландлиги 169 м, майдони 1 км ²) жойлашган. «Тош ўрмою», денгиз ҳайвонлари қолдиқлари топилган. Мухим экотуристтик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани
		34. <u>Жарақудук очилмаси.</u> Мингбулок чўкмасининг шимоли-ғарбий ёнбағрида (мутлок баландлиги 261 м) Марказий Қизилкумда жойлашган. «Тош ўрмою», денгиз ҳайвонлари қолдиқлари топилган. Экотуристтик аҳамиятга эга	Навоий. Учқудук Томди туманлари
		35. <u>Итемир очилмаси.</u> Жарақудук очилмасининг ғарбида унинг ёнида жойлашган. Бу объект табиат ёдгорлиги бўлиб, бу ерда	Навоий Томди тумани

		кўплаб ўсимлик ва ҳайвонот, шу жумладан денгиз ҳайвонлари колдиклари топилган. Экотуристик аҳамиятга эга	
		36. <u>Жерой очилмаси.</u> Томднтов тизмаси шаркий қисмида Марказий Қизилқумда жойлашган. Бу ерда тошга айланган тимсоҳ, илон, балик ва бошқа ҳайвонларнинг колдиклари топилган. Мухим объект	Навоий Томди тумани
		37. <u>Кулжуктов-Кингиртов очилмаси.</u> Кулжуктовнинг жанубий макроёнбағрида жойлашган. 50 км узунликда палеозой ва мезозой даврлари хосилалари кенг тарқалган. Денгиз ҳайвонлари колдиклари топилган. Мухим экотуристик объект	Бухоро. Пешку, Шофиркон туман- лари Навоий вилояти Конимех тумани
		38. <u>Богомбир қирлари</u> Нурота тоғининг шимолий макроёнбағрида туман маркази Янги қишлоқдан жанубда жойлашган. Ўзига хос геологик тузилмага эга. Мухим экотуристик объект	Жиззах Фориш тумани
		39. <u>Нарвон объекти</u> Нурота тизмасининг шаркий қисмида жойлашган. Турли қизикарли геологик қатламлар, денгиз ҳайвонлари колдиклари, гўзал тоғ манзаралари билан ажралиб турадиган муҳим экотуристик объект	Жиззах Фориш тумани
		40. <u>Четтик объекти.</u> Қоратов тизмасининг жануби-ғарбий тоғ олди қисмида жойлашган. 10 км га чўзилган. Қизикарли палеонтологик объект.	Самарқанд вилояти Ургут тумани
		41. <u>Мик очилмаси.</u> Зомин табиат боғи ҳудудида Туркистон тизмасининг жанубий макроёнбағрида жойлашган. Тошга айланган қадимги ўсимлик ва ҳайвонлар колдигига бой. Қизикарли объект	Жиззах Зомин тумани
		42. <u>Тошқўрғон динозаврлар излари мавжуд майдони.</u> Хисор тизмасининг жануби-ғарбий ёнбағрида Хисор кўрикхонаси ҳудудида жойлашган. Кўплаб динозаврларнинг тошга айланган излари топилган. Ҳаят қизикарли объект	Қашқадарё Якқабог тумани
		43. <u>Гуматоғ динозаврлар излари майдони.</u> Хисор тизмаси Шимоли-ғарбий тармоқларида Бойсун шаҳридан 24 км шимолда жойлашган. Тошга айланган динозавр излари, денгиз ҳайвонлари колдиклари топилган. Қизикарли объект	Сурхондарё Бойсун тумани
V.	<u>Стратиграф ик (геоло- гик _____ ер катламлари)</u>	44. <u>Оқсой кесмаси.</u> Мингбулоқ чўкмаси (ботиғи) шимолий ёнбағрида Марказий Қизилқумда жойлашган. Табиат ёдгорлиғи. Рақушкали микроорганизмлар колдиклари аниқланган. Қизикарли объект	Навоий вилояти
		45. <u>Мингтепа очилмаси.</u> Келес дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган жойидан жануби-шарқда жойлашган. 40 м қалинликда кўриниб турадиган Чирчик дарёси сувайирғич террасасининг тик жарлиғи чегаралари кўриниши шакли ҳисобланади. Лессли тўртламчи давр хосилалари шаклланиши тарихининг стратиграфик эталонларидан бири саналади. Қизикарли объект	Тошкент вилояти Чиноз тумани
		46. <u>Кўлбулоқ кесмаси</u> Чотқол тизмасининг ғарбий тугаш қисмида Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган. Мухим геологик ва қадимги одам экологиясига оид ахборотлар манбаи. Қизикарли объект	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани
		47. <u>Терговчи очилмаси.</u> Косонсой дарёси водийсида Терговчи қишлоғи яқинида жойлашган. Чўкма хосилалари, тоғ жинсларининг катта қалинлиғи ва табиий нурашнинг ноёб шакллари, 100 метргача қалинликдаги жарлик тепалари билан ажралиб туради. Қизикарли объект	Наманган Косонсой тумани
		48. <u>Қитоб кўрикхонасининг ноёб геологик кесмаси.</u> Чўкмаларнинг ордовик давридан девон давригача узлуксиз кўринишининг намоён бўлиши сабабли дунё бўйича илмий аҳамиятга эга. Ҳаят қизикарли объект	Қашқадарё Қитоб тумани
		49. <u>Оқсув кесмаси.</u> Хисор тизмаси Жануби-ғарбий тармоғида жойлашган. Тошқўмир тизими ўрта бўлимининг қуйи чегаралари стратиграфик эталон халқаро мақомини олишга даъвогар. Бу ерда денгиз вулканоген-кремний-карбонат хосилалари очилмалари мавжуд. Тошга айланган денгиз ҳайвонлари колдиклари кўплаб сақланиб қолган. Ҳаят қизикарли объект	Қашқадарё Қитоб тумани
VI.	<u>Педологик</u>	50. <u>Арқутсой кесмаси.</u> Угом тизмасининг жанубий қисмида Арқутсой урочишчасида (Хумсон қишлоғи яқинида) Угом	Тошкент вилояти Бўстонлик тумани

		дарёсининг ўнг киргоғида жойлашган. Бу ерда ўпирилиш жараёни таъсирида 80 м қалинликдаги катлам очилиб қолган. Қизикарли объект	
		51. <u>Апартак каръери объекти</u> . Ангрен шахридан 6 км шимоли-гарбда жойлашган. Плейтоцен даври ёшидаги (ўрта ва қуйи тўртламчи давр) кўплаб туврок кўмилмалари очилиб қолган. Маълум экотуристлик аҳамиятга эга	Тошкент вилояти Охангарон тумани
VII.	<u>Лимнологик (кўлшунос-лик)</u>	52. <u>Орол сув хавзасининг қолдиклари</u> . Глобал микёсда эътироф этилган экологик халокат натижаси. Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси
		53. <u>Судочье кўли</u> . Репрезентатив (намунавий) дельта кўли, майдони 353 км ² . Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси
		54. <u>Каратерень кўли</u> . Амударёнинг ҳозирги дельтасининг шарқий қисмида жойлашган ноёб реликт сув хавзаси. Белтов қолдик баландлиги гарбий ёнбағрига туташган. Чуқурлиги 20 м, майдони 4,2 км ² . Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Қорақалпоғистон Республикаси
		55. <u>Лайлақон кўли</u> . Қуриб қолган кичик кўллар гуруҳи, ҳозирги вақтда шўрхоқлар. Табиий музликлар давридан кейинги чўллашиш оқибатлари ва қадимги одамлар манзили сифатида репрезентатив ёдгорлик объекти. Маълум аҳамиятга эга объект	Қорақалпоғистон Республикаси
		56. <u>Тузқон кўли</u> . Тектоник генезисга (келиб чиқишга) эга. Майдони 57 км ² . Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Бухоро вилояти
		57. <u>Қолгансир репрезентатив эски ўзан кўли</u> . Сирдарёнинг чап киргоғида унинг Чордара сув омборига қуйилиш жойида жойлашган. Майдони 2 км ² . Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Сирдарё Вилояти
		58. <u>Ихнач тоғ қулаб тушиши натижасида пайдо бўлган кўллар каскади</u> . Юқори Пском хавзасида жойлашган. Ажойиб баланд тоғ кўли. Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Тошкент вилояти
		59. <u>Морена туридаги Арашан кўллар тизими</u> . Нодир, камдан кам учрайдиган ажойиб кўл. Родонли иссик сув манбаи. Чотқол тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган. Ҳоят муҳим ва катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Тошкент вилояти
VIII.	<u>Гляциал (музлик-шунослик)</u>	60. <u>Аютор-2 музлиги</u> . Ўзбекистоннинг энг йирик музлиги, Аютор дарёси юқорисида (Майдонтоғ ва Пском дарёлари) Уғом тизмасининг Жануби-шарқий ёнбағрида жойлашган. Узунлиги 3,8 км, майдони 3,9 км ² . Ҳоят катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Тошкент вилояти
		61. <u>Бодомстон – 2 музлиги</u> . Бодомстон дарёси (Қштут, Тўполанг ва Сурхондарё дарёлари) юқорисида Хисор тоғининг шимоли-гарбий ёнбағрида жойлашган. Узунлиги 3,2 км, майдони 3,0 км ² . Ҳоят катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Сурхондарё вилояти
		62. <u>Северцов музлиги</u> . Хонасув дарёси (Оқсув, Оқдарё, Қашқадарё дарёлари) Қашқадарёнинг юқорисида Хисор тизмасининг гарбий қисмининг шимолий ёнбағрида жойлашган. Узунлиги 3,1 км, майдони 2,6 км ² . Ҳоят катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Қашқадарё вилояти
IX.	<u>Геологик-ресурс</u>	63. <u>Дарбоза объекти</u> . Қадимдан заргарлик минераллари қазиб олинган кон. Палеонтологик-стратиграфик, седиментация туридаги ноёб объект. Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Навоний вилояти
		64. <u>Мурунгов олтин конлари</u> . Мурунгов паст тоғларининг жануби-шарқида жойлашган. Алоҳида Қизилқум турига ажратилган олтин кони эталони сифатида дунёда эътироф этилган. Катта илмий ва экотуристлик аҳамиятга эга	Навоний Вилояти

Манба: Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане. -Т.: Vaktoria press, 2013,с. 225-231. Жадвалдаги маълумотлар тадқиқот мақсадларига мувофиқ йўналишларда умумлаштирилиб, уларга тегишли қўшимчалар киритилган.

8-жадвалда Ўзбекистон табиатининг 64 та ноёб объектлари 9 турига улардан экотуризмда фойдаланиш нуқтаи назаридан қисқача таъриф берилган ва баҳоланган ҳамда уларнинг қаерда жойлашгани кўрсатилган. 9-жадвалда

мазкур объектларнинг турлари бўйича тақсимланиши ва мамлакатимиз иқтисодий районлари ва минтақаларида жойлашининг микдорий кўрсаткичлари (сони) берилган, улар баллар тизими асосида баҳоланган. Мамлакатимизда 2 та топографик (барча объектларга нисбатан 3,1 %), 22 та геоморфологик (34,4 %), 3 та спеологик (4,7 %), 16 та палеонтологик (25 %), 6 та стратиграфик (9,3 %), 2 та педологик (3,1 %), 8 та лимнологик (12,5 %), 3 та гляциологик (4,7 %), 2 та геологик-ресурс (3,2 %) объектлари мавжуд. Улар минтақалар бўйича ниҳоятда нотекис тақсимланган бўлиб, бу ҳолат улардан экотуризмда фойдаланишни бошқаришда ҳар томонлама тўлиқхисобга олиниши керак.

Типографик объектлар, асосан, Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси) ва Зарафшон (Навоий вилояти) иқтисодий районларида жойлашган. Геоморфологик объектларнинг асосий қисми (45,5 %) Зарафшон (Навоий, Бухоро вилоятлари), Қуйи Амударё (31,8 %, Қорақалпоғистон Республикаси), Мирзачўл (9,1 %, Жиззах вилояти), Фарғона (9,1 %, Наманган, Фарғона вилоятлари) иқтисодий районлари (жами 95,5 %) ҳиссасига, қисман Тошкент иқтисодий районига (4,5 %, Тошкент вилояти) тўғри келади. Спеологик объектлар, асосан, Жанубий (66,7 %, Қашқадарё вилояти) ва Зарафшон (33,3 %, Самарқанд вилояти) районларида мавжуд. Палеонтологик объектлар Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон, 37,9 %), Зарафшон (31,3 %, Навоий, Самарқанд, Бухоро), Мирзачўл (18,7 %, Жиззах), Жанубий (12,5 %, Қашқадарё, Сурхондарё) районларда жойлашган. Стратиграфик объектлар Жанубий (33,3 %, Сурхондарё, Қашқадарё), Тошкент (33,3 %, Тошкент вилояти), Зарафшон (16,7 %, Бухоро), Фарғона (16,7 %, Наманган) районларида тўпланган. Педологик объектлар фақат Тошкент вилоятида мавжуд. Лимнологик объектларнинг ярми Қорақалпоғистонда (50 %), 25 % Тошкент вилоятида, 12,5 % Бухоро вилояти ҳиссасига тўғри келади. Гляциологик объектларнинг асосий қисми (66,6 %) Қашқадарё ва Сурхондарё, шунингдек, Тошкент вилоятларида (33,4 %) жойлашган. Геологик-ресурс объектлари, асосан (100 %), Навоий вилоятида мавжуд.

Жонсиз табиат объектларини балл тизимида баҳолаш натижалари улар салоҳиятининг асосий қисми (95,3 %) Зарафшон (31,2 %), Қуйи Амударё (28,2 %), Жанубий (14 %), Тошкент (12,5 %), Мирзачўл (9,4 %) районларида, қисман Фарғона (4,7 %) райони ҳиссасига тўғри келишини кўрсатади. Мазкур фарқлар жонсиз табиат объектларидан экотуризмни ривожлантиришни бошқариш, уни режалаштириш, тегишли қарорлар қабул қилишда албатта ҳисобга олиниши лозим. Жонсиз табиатнинг барча объектларидан кўп ҳолларда экотуризмда доимий ва мунтазам фойдаланилмайди, одатда фойдаланиш бир марталик шаклида амалга оширилади. Шу сабабдан биз уларни баъзи йўналишларда фойдаланишга яроқли деган мезонга (3-бўлим) асосланиб, ҳар битта объектни 1 баллдан баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг жонсиз табиат объектларининг иқтисодий районлар ва минтакалар бўйича тақсимланиши хусусиятлари ва уларни баҳолаш

Иқтисодий районлар ва минтакалар	Объектлар тури ва уларнинг сон (дона)											Жами (дона)	Баҳолаш: 1 объект = 1 балл			
	Топографик	Геоморфологик	Спелеологик	Палеонтологик	Статиграфик	Педологик	Лимнологик	Гляциологик	Геологик ресурс	Жами	Балл		Яқинида имбатан %			
Куйи Амударё																
1) Қорақалпоғистон Республикаси	1	7	-	6	-	-	4	-	-	-	18	18	28,2			
2) Хоразм вилояти	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-						
Жами	1	7	-	6	-	-	4	-	-	-	18	18	28,2			
%	50,0	31,8	-	37,5	-	-	50	-	-	-						
Зарафшон																
3) Самарқанд	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	2	2	3,1			
4) Навоий	-	7	-	3	1	-	-	-	-	2	13	13	20,3			
5) Бухоро	-	3	-	1	-	-	1	-	-	-	5	5	7,8			
Жами	-	10	1	5	1	-	1	-	-	2	20	20	31,2			
%		45,5	33,3	31,3	16,7	-	12,5	-	-	100	-	-	-			
Жанубий																
6) Қашқадарё	-	-	2	1	2	-	-	1	-	-	6	6	9,3			
7) Сурхондарё	1	-	-	1	-	-	-	1	-	-	3	3	4,7			
Жами	1	-	2	2	2	-	-	2	-	-	9	9	14,0			
%	50	-	66,7	12,5	33,3	-	-	66,6	-	-	-	-	-			
Мирзачўл																
8) Сирдарё	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	1	1	1,6			
9) Жиззах	-	2	-	3	-	-	-	-	-	-	5	5	7,8			
Жами	-	2	-	3	-	-	1	-	-	-	6	6	9,4			
%		9,1		18,7			12,5				-	-	-			
Тошкент																

10) Тошкент ш.	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
11) Тошкент в.	-	1	-	2	2	2	2	2	2	2	1	-	8	8	8	8	12,5
Жами	-	1	-	2	2	2	2	2	2	2	1	-	8	8	8	8	12,5
%		4,5		33,3	100	25,0		33,4									
VI																	
Фаргона																	
12) Андижон	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
13) Наманган	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2	2	2	3,1
14) Фаргона	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	1,6
Жами	-	2	-	1	-	-	-	3	-	-	-	-	3	3	3	3	4,7
%		9,1		16,7													
Ўзбекистон																	
Республикаси %	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Жами сони	2	22	3	6	6	8	2	2	2	2	3	2	64	64	64	64	100
%	3,1	34,4	4,7	9,3	9,3	12,5	3,1	3,1	3,1	3,1	4,7	3,2	100	100	100	100	100

Манба: Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане. Ташкент.: Vaktaria press, 2013. с. 225-231
 маълумотлари асосида тузилган ва ҳисоблаб чиқилган.

Изоҳ: Балл тизимида баҳолашнинг тавсия қилинган мезонларига (3-бўлимга қаранг) мувофиқ жонсиз табиат объектларининг 1 таси 1 баллда баҳоланган. Баллар йиғиндисига кўра минтакаларнинг мамлакатимиздаги улуши %ларда баҳоланган.

3.4 Экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришда табиат муҳофазаси, экологик хавфсизлик, экологик назорат ва экологик назоратни амалга ошириш йўналишлари

Рекреация – экотуризм соҳасида табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш тўғрисида мулоҳаза юритганда, энг аввало, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадимий цивилизация марказларидан бири бўлганлигини, табиатдан ифлослантормасдан ва зарар етказмасдан фойдаланиш, уни доимо асраш, муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ўзбек халқининг тарих синовларидан ўтган бетакрор қадрияти эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай қадриятларда рекреация-экотуристлик фаолиятда ҳисобга олиш зарур бўлган ғоят ибратли ва ҳозирги кун учун ҳам сабоқ бўладиган кўплаб ҳаёт ва табиат қоидалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олгани ва эътироф этганини, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар кўплигини таъкидлади. И.А. Каримов тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутди деди. Президентимиз ушбу ёдгорлик тўғрисида яна қуйидагиларни айтди: «Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келаётганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади» (Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. 2-нашри. –Т.: Маънавият, 2010, 30-31, 32 бетлар).

Биз мазкур бўлим мазмуни ва моҳиятини ҳисобга олиб, «Авесто» (2001) китобида берилган ғоят ибратли ҳикматлардан рекреация-экотуристлик фаолиятда ҳар томонлама тўла фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Мазкур китобдан олинган ибратли ҳикматлардан айримларини турли йўналишлар бўйича бериш фойдали бўлади деб ўйлаймиз:

1. Бошқариш тўғрисида

•Йўл бошловчи, огоҳ этгувчи ўзининг оқибатини билмоғи лозимдир (26-бет) «Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қилинг» (31- бет).

•Фикр, сўз ва амал олаmidан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз бураман (34-бет).

•Олам ободлиги учун ғайрат кўрсатмоқ лозим, уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак (55-бет). Ниҳоят, заминни олқишлаймиз. Замин бизни ўз бағрига олгандир (77- бет).

• Яхшилик орзуси, яхшилик мукофоти, бурунги ва келгуси эзгуликлар – абадий саодатнинг мояси. Биз энг улуг, энг аъло, энг гўзал қисматдан баҳраманд бўлгаймиз (79-бет).

• Туғилгандан пок бўлмоқ тирикликда буюк ишдир. Дунёни обод этмоқ уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак! (124-бет).

2. Табиатни ифлослантириш ҳамда емиришнинг зарари ва унга йўл қўймаслик тўғрисида

• Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густохлик қилган зотнинг дўзахда топгуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир (123-бет).

• Сув ўғри, торожкор, қарокчи, порсоқуш, жодугар ашмуғ, нопорсо, каззоб, золим ва майитни тупрокка топширувчиларга насиб қилмасин! Бундай қимсалар амали ўзларига қайтсин; қимда-қим ёмонлик, зиён-захматни раво қўрса, унинг ўзига урсин! (92-бет).

• Ашаван (тўғрилиқ) жисмини нобуд қилгувчи нобакор қарокчи, қонхўр ва озор берувчиларни кураш билан мағлуб қил! (53-бет).

3. Табиат компонентлари, экотизим ва ландшафтдан фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш тўғрисида

• Мазда (бутун эзгулик ва поклик оламини яратган қудрат) (табиат) яратган энг яхши сувлар, барча-барча сувлар ва жамики гиёҳларни шарафламоқ истайман (40-бет).

• Мен сени ўз бағрида ундирган серҳосил ва кенг заминни олқишлайман! Мен сени гиёҳлар паҳлавони, хушбўй, олижаноб Мазда гиёҳи қилиб ўстирган сарзаминни олқишлайман! Тоғлар чўққисида ўйнаб-ўс ва ҳамма ерда шоду хуррам бўл! (53-бет).

• Сув ва ёғ, равон сув ва нозли гиёҳни олқишлаймиз (60-бет). Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз. Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз (62-бет).

• Бундан бурун шу хонумонларда, қишлоқларда, шаҳарларда, ўлкаларда яшаган зотларнинг фравийишларини (Зардўштнинг қайин отаси) олқишламоқ истайман. Улар осмонни асраб-авайлайдилар; заминни асраб-авайладилар; жониворларни асраб-авайладилар; гўдақни онаси қорнида ўлиб кетмаслиги учун асраб-авайладилар (68-бет).

•- Эй, барокотли сувлар! Сизларни имродга чорлаймиз; сизлар оналар мисолисиз; сут берувчи сугирлар қаби парвариш қилгувчисиз ва барча озуқалардан яхшироқ, хушроқдирсиз (96-бет).

•- Эй, сувлар! Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз. Биз сизларни эъзозлаймиз (98-бет).

• Барча сув ҳайвонлари, ер ости махлуклари, парранда ва чоррандаларни олқишлаймиз (100-бет).

• Оқин сув ва баландпарвоз қушларни олқишлаймиз (179-бет).

4. Табиатдан фойдаланиш, уни асраш, муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш тўғрисида

• Буюк жаҳон фароғатининг олий пойгоҳи Куёшдир (226-бет).

• Хонадон, кишлок, ўлка ва сарзаминларга сув элтиб берган фрашавийлар шундай дейишади: - Бизнинг тупроғимиз хуррам, ям-яшил ва бахтли бўлмоғи керак! (259-бет).

• Баходирларни, кудратлиларни, устуворларни, зўрмандларни, элчиларни, афзалларни олқишлаймиз (259-бет).

• Ашок – ҳақиқат оламига бошдан оёқ осойишталик ва кенглик орзу қиламан (50-бет).

• Асрайдирмиз маконимизни,
Еримизни тарк этмайдирмиз,
Тарк этмаймиз ўз уйимизни.
Тарк этмаймиз уруғимизни,
Халкимизни тарк этмайдирмиз,
Юртимизни тарк этмайдирмиз,
Ва ёвлардан асрагувчи ул
Бор кудратли нарсаларни-да
Асрайдирмиз, авайлайдирмиз (192-бет).

• Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган тўртинчи шахс ким? У ҳаммадан кўпроқ бугдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У курук ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир (114-бет).

• Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол киздир. Бу киз фарзанд кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир (114-бет).

• Кимда ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза кизга ўхшайди. Бу киз эр хонадонига кириб, ўз тўшагида халол ёстикдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл-кўл меваларини инъом этади (114-115-бетлар).

Халкимиз донишмандлигининг қадимий намунаси ҳисобланган «Авесто» («Огоҳнома», «Донишнома») ҳикматларидан ҳар бир сайёҳ ва саёҳат ташкилотчиси албатта хабардор бўлиши, уларга амал қилиши, улардан фахрланиши керак. Биз «Авесто» ҳикматлари асосида махсус буклет тайёрлаш ва уни кенг тарғиб қилиш ва тарқатиш экотуризмнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Рекреация-эко туристик зоналар ресурслари ва объектларини муҳофаза қилиш мазкур зонанинг ресурсларни такрор барпо этиш ва эко туристик муҳитни шакллантириш вазифаларини бажаришининг асоси бўлиб хизмат қилади. Улар технологик, маъмурий-ҳуқуқий, биотехнологик, маърифий-таълим, тарғибот тадбирлари мажмуасини амалга оширишдан таркиб топади.

Рекреация-эко туристик зоналарининг кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этиши уларда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга бевосита ва билвосита боғлиқ. Рекреация зоналарининг табиат комплексини муҳофаза қилиш эко туристик фаолиятни нормал амалга оширишнинг асосий шартлари каторига киради.

Экотуризмнинг табиатга боғлиқлиги ва мазкур фаолиятнинг табиатга, унинг ресурс салоҳияти, тури ва таркибига салбий таъсирининг мавжудлиги, бир томондан, рекреация-экотуристлик ривожланиш табиатга, ландшафтга маълум даражада зиён етказишини, бошқа томондан табиий муҳит ва унинг объектларини асраш ва муҳофаза қилишга харажат сарфлаш ва ҳаракат қилишни, тегишли комплекс тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Рекреация-экотуристлик зоналар табиатининг барқарорлиги, яъни табиат комплексининг ўзини асраш ва ўзини ўзи такрор тиклаш ва барпо этиш қобилияти, аввало, йўл қўйиладиган таъсир юкламаси (руҳсат этилган юклама) билан узвий боғлиқдир. Бундай юклама ҳолатини ўрганиш ва аниқлаш асосида шундай хулосага келишимиз мумкинки, унга кўра истиқболда мамлакатимиз аҳолисининг жадал суръатларда кўпайиши билан боғлиқ ҳолда рекреация ва рекреация-экотуристлик ҳудудларга талаб ҳам муқаррар ошади. Булар қатор жиддий қийинчиликларга, биринчидан, келгусида кўплаб ер майдонларини рекреацияда фойдаланишга ўтказиш заруратини келтириб чиқаради, иккинчидан, дам олиш шароитларининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Оқибатда ўзига хос «занжирли реакция» пайдо бўлади. Бундай шароитда бир томондан, рекреация-экотуристлик зоналар ҳудудларидан самарали фойдаланиш йўлига ўтиш, бошқа томондан табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш воситасида тартибга солиш ва бартараф этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда табиатдан рекреация-экотуризмда фойдаланиш ва табиат муҳофазаси талабларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда фаолиятни экологик назорат қилишнинг зарур шарт-шароитлари ва норматив-ҳуқуқий асослари яратилган. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда рекреация билан боғлиқ ҳолда табиатга салбий таъсир кўрсатиш давом этмоқда. Бунда дам олувчиларнинг ҳам маълум даражада айблари мавжуд бўлиб, улар онгида табиатга бефарқ муносабатда бўлиш одатлари сақланиб қолган. Дам олувчи киши милтиқ, бел, болта, арра, ҳайвонларни овловчи тўр, кармок ва бошқа қуролларга, велосипеддан автомобилгача транспорт воситаларига эга бўлиши мумкин. Булар ҳатто бир кишига ҳам табиатга қатта зарар етказишга имкон беради.

Табиат ишлаб чиқарувчи, турист эса истеъмолчи бўлиб, у табиатдан ханузгача пулда ва бошқа усулда ҳисоблаб чиқилмаган хузур-халоват, роҳат олади, саломатликни тиклайди. Бунда инсон ўзининг табиат билан муносабатларини оқилона йўлга қўйиши, табиатни асраши ва муҳофаза қилиши, экологик-иқтисодий хавфсизликни таъминлаши зарур. Табиатнинг ҳар қандай компонентига, шу жумладан рекреация ресурсларига кўрсатилган таъсир бошқа компонентларга ўтади, ҳар қандай компонентнинг хоссаларини асраш эса уни бошқа компонентларнинг хоссаларидан ажратилган ҳолда амалга оширишга имкон бермайди. Шу сабабдан рекреация-экотуристлик ресурс ва объектларни муҳофаза қилишда табиатнинг барча таркибий компонентларининг ўзини ўзи тартибга солиш ва тузилмасини сақлаб қолиш

қобилиятини асраш ва муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш асосий ўринни эгаллайди.

Рекреация-экотуристик ресурс ва объектларни муҳофаза қилиш тадбирлари ландшафтни режалаштириш тизими таркибида лойиҳалаштириш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади: а) яхшилаш (маҳсулдорлигини ошириш, эстетик хоссаларини яхшилаш, муҳитни соғломлаштириш ва б.); б) рекультивациялаш (муҳитнинг бузилган экотуристик манзараси ва эстетик жозибадорлиги ва қийматини қайта тиклаш ва б.); в) оптималлаштириш (муҳитнинг ресурс салоҳиятига мос келадиган фаолиятни амалга ошириш, чекловларни ва оқибатни ҳисобга олиш: объектнинг фойдали хоссаларидан максимал фойдаланиш ва уларни асраш ва муҳофаза қилиш, ресурс ва ресурсни такрор барпо этишнинг, фойдали хоссалари йўқотилишини энг кам даражага тушириш, ресурслардан фойдаланиш харажатларини камайтириш); г) рекреация-экотуристик ресурс ва объектлардан фойдаланишни тартибга солишнинг тегишли механизмларини кенг қўллаш (фойдаланиш қоидалари, нормаларига амал қилиш, функционал зоналаштириш, режалаштириш, муҳитнинг ўзини ўзи такрор барпо этиш хоссаларини асраш, ифлосланиши ва емирилишининг олдини олиш, ходимларни рағбатлантириш ва б.).

Шундай қилиб, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштиришда асосий эътибор атроф-муҳит ва унинг имкониятларига мувозанатлашган саёҳатларни режалаштириш ва ташкил этишга қаратилиши керак. Чунки айнан шундай ташкил этилмаган ва режалаштирилмаган саёҳат маршрутларида ўн та ташриф буюрувчи яхши ташкил этилган саёҳатлардаги юзта сайёҳдан кўпроқ зиён етказиши мумкин. Айни пайтда дунёнинг кўплаб миллий боғларида минглаб туристлар бир неча кунга дам олишга келади, махсус жиҳозланган ташриф-марказлар ва экосўқмоқлардан фойдалангани учун пул тўлайдилар, улар дам олиш давомида атроф-муҳитга жиддий зарар етказмайдилар, миллий боғ ва маҳаллий аҳолига катта даромад олишга имкон берадилар.

Экотуризмга хос бўлган асосий белгилар – табиат объектларининг устунлиги, табиатдан барқарор фойдаланиш, кам ресурс ва энергия сиғими, маҳаллий аҳоли иштирокини таъминлаш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаол иштирок этиш, туристларни экологик маърифатли қилиш ва бошқалар – экотуризмга талаб ва эҳтиёжнинг жадал ўсишига сабаб бўлаётир. Бундай эҳтиёжни, шунга боғлиқ равишда экотуризм ривожининг муваффақиятларини таъминлаш асосан атроф-муҳит сифатига боғлиқ бўлади, чунки туристлар айнан бокира табиатни жуда юқори қадрлайдилар. Шунинг учун экологик омил иқтисодий категорияга айланмоқда: асралган ва муҳофаза этилган атроф-муҳит экотуристик хизматлар сифатини, шу асосда унинг қийматини белгилайди.

Атроф-муҳитни асраш ва муҳофаза қилиш иқтисодий фойдали бўлмоқда, катта фойда олишга имкон бермоқда, бунда катта капитал қўйилмалар талаб

килинмайди, иктисодий самара эса нисбатан қисқа вақт оралиғида намоён бўлади.

Шундай қилиб, экологик туризм – табиатга йўналтирилган барқарор туризмдир. Мазкур иккита таъриф – табиатга йўналтирилиш ва барқарорлик, объектив сабаблар – туристик эҳтиёжнинг хусусиятлари ва атроф-муҳит сифатини қўллаб-қувватлашнинг иктисодий фойдалилиги билан белгиланади. Шу муносабат билан мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш муаммоси ва унинг табиий асоси – ресурслар ва объектларни асраш, муҳофаза ва назорат қилиш яхлит, ягона тизим сифатида кўриб чиқилиши керак.

Экотуризм атроф-муҳитни муҳофаза қилишга муаммосининг бевосита яқин бўлган туризм сектори ҳисобланади. Экотуризмнинг ривожланиши табиатдан фойдаланишнинг нафақат ижтимоий ва иктисодий ривожланишга йўналтирилган, балки табиат ва маданият бойлигига ҳам асосланган ва йўналтирилган моделига алмашишини ҳам англатади. Бу тармоқ нафақат ўзи ривожланишининг неъматларидан фойдаланади, балки катта ташқи ижобий самараларни ҳам яратади.

Рекреация-эко туристик хавфсизликни таъминлаш, аввало, табиатга рекреация юкламасини тўғри тақсимлашга боғлиқ бўлади, ақс ҳолда рекреация фаолияти рекреация зоналарида энг қимматли экотизимларнинг емирилишига ва йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ташриф буюрувчилар сони ошиши тегишли ландшафтлар хоссалари салбий томонга ўзгаришига, уларнинг шаклланган табиий мувозанати, ўзини-ўзи тартибга солиш ва такрор барпо этиш хоссалари емирилишига олиб келиши мумкин. Муҳитга антропоген-эко туристик юкламанинг ошиши қуйидаги салбий оқибатларнинг содир бўлишида намоён бўлади: 1) чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши; 2) ўсимликларнинг пайҳон қилиниши ва ноёб ўсимлик турларининг йўқолиб кетиши; 3) ҳамма жойда тупрок эрозияси содир бўлиши; 4) дала ҳовли ва кўплаб уй-меҳмонхоналарнинг қурилиши; 5) мавжуд муҳитда бегона элементлар ва декоратив ўсимликлар, дарахтларнинг пайдо бўлиши; 6) экотизимлар барқарорлигининг пасайиши; 7) муҳитнинг автомобиллар, айниқса улар чиқарган зарарли газлар ва мойлар билан ифлосланиши, газ ва мойларнинг ер усти ва ер ости сувларига кўшилиб кетиши ва уларни ифлослантириши; 8) шовкин даражаси ошиши ва рекреация зонасида дастлаб мавжуд бўлган жимжитлик ва сукунатнинг бузилиши; 9) ҳайвонларнинг бошқа жойларга кетиб қолиши ва бошқалар.

Бундай салбий оқибатлар нафақат оддий рекреация – санитария муаммоларини мураккаблаштиради (масалан, қувур тизими ишларидаги камчиликлар), балки биосферадаги мувозанатни ҳам бузади, рекреация зоналарининг жозибдорлиги (ўзига тортиши)ни пасайтиради, умуман инсоннинг яшашига хавф солади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикасида «Экологик назорат тўғрисида»ги (2013) Қонуннинг қабул қилиниши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонун талабларини экотуризмга нисбатан қўлланганда у эко туристик фаолиятни қўллаб-қувватлаш, уни

ривожлантиришга кулай шароит яратиш, устувор йўналишларни белгилаш, гаширф буюрувчиларнинг Ўзбекистонни экотуризм учун гоят кулай шароитга эга мамлакат сифатида тасаввурини кучайтиришга, мамлакатимиз ва хорижий экотуристлар, туроператорлар, турагентлар ва уларнинг агентлари фаолиятининг экотуристтик йўналишларини кўллаб-қувватлашга хизмат қилиши керак.

Экотуризм фаолиятининг хавфсизлиги туристларнинг саёхатлар давомида харакатланиши, саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашни, шунингдек, атроф-муҳитга, жамиятнинг моддий ва маънавий кадриятларига, давлат хавфсизлигига зарар етказмасликни билдиради. Шу маънода айнан экотуризм туризм сектори мувозанатлашган барқарор ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида» (2013) қонуни талабларига мувофиқ экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг табиат муҳофазаси талабларига мос келишини экологик назорат қилишни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни тавсия этиш мумкин:

1. Рекреация-экотуризм фаолиятида табиат ва этно- ва экомаданият компонентларидан фойдаланиш ҳамда уларни асраш, муҳофаза қилишнинг қонун ҳужжатлари талабларига мос келишини аниқлаш ва тегишли хулосалар чиқариш.

2. Экотизим, ландшафт, табиат комплексларининг экотуристтик салоҳияти имкониятларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли талабларни қўйиш.

3. Экотуристтик фирмалар, турагентлар, туроператорлар ва уларнинг бирлашмаларининг тадбиркорлик фаолиятининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши ёки мос келмаслигининг экологик назоратини амалга ошириш ва тегишли хулосалар чиқариш.

4. Мамлакатимиз ва унинг минтақаларида экотуристтик маҳсулотлар (хизматлар)нинг шаклланиши, йўналтирилиши ва амалга оширилишининг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тегишли хулосалар чиқариш.

5. Мамлакатимиз ва унинг минтақаларида экотуризм фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш ва тегишли хулосалар чиқариш.

3-боб бўйича хулоса ва тавсиялар

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш тизимида унинг бирламчи ва иккиламчи асосларининг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлигини ҳар томонлама ўла ҳисобга олиб ресурс ва объектларнинг инвентаризациясини амалга ошириш, уларга асосланган ахборотлар базасини шакллантириш, ресурсларни баҳолаш ва бунда балл тизими кўрсаткичларидан фойдаланиш.

Мавжуд рекреация-экотуристик салоҳият, унинг компонентлари ва макразонал хусусиятларидан экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда улардан ягона экотуристик макон сифатида фойдаланишни амалга ошириш.

Ўзбекистонда мавжуд жонсиз табиатнинг кўплаб ноёб ва хилма-хил объектларидан экотуризмда фойдаланиш йўналишларини белгилаш ва баҳолаш, уларнинг натижаларидан бошқариш амалиётида фойдаланиш.

Рекреация-экотуристик ресурс ва объектлардан дам олиш ва саёҳатларда фойдаланишни мавжуд табиат муҳофазаси конун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этиш асосида амалга ошириш, табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлашни экотуристик комплексларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш ва бу борада тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш. Қадимги тарихий-адабий ёдгорлик ҳисобланган “Авесто” китоби ҳикматларидан экотуризмда табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш йўналишларида кенг миқёсда фойдаланишни амалга ошириш.

4-боб. ЎЗБЕКИСТОНИНГ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ХУДУДЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ ВА ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида туристик-рекреация мажмуаси ўрни ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Туризм аста-секин кишилар ҳаётининг катта аҳамиятга эга бўлган муҳим қисмига айланиб, фақат унга хос алоҳида йўналиши-туризм индустрияси ва туристик бизнеснинг шаклланишига, уларнинг айникса сўнгги йилларда фаол ва жадал ривожланишига, шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётида тобора муҳим ўринни эгаллашига олиб келди. Туризм индустрияси, маълумки, дунёнинг кўпчилик мамлакатлари иқтисодиётининг жадал тез ривожланаётган ва юқори самарали тармоқларидан бирига айланди. Қатор ривожланган мамлакатларда туризмнинг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 5 дан 10 %гача (баъзиларида 40 %гача) салмоққа эга бўлиб, бу кўрсаткич тобора ошиб бормоқда. Ғарбий Европада мазкур фаолият соҳасида 10 %га яқин ишчи кучлар банд бўлмоқда.

Мамлакатимизда туризм индустриясини ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ), биринчи навбатда миллий боғлар ва биосфера резерватларининг аҳамияти тобора ошмоқда, улар мазкур соҳага Ўзбекистон ва чет эл инвестицияларини жалб этишнинг муҳим объектига айланмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимизда амалга оширилган чуқур таркибий ўзгаришлар, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш чора-тадбирлари ва кўплаб инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошириш, замонавий инфратузилмани барпо этиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир. ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси улуши 1990 йилда 33,8, 2000 йилда 37,0, 2010 йилда 49,0 фоиз ўрнига 2015 йилда 54,5 фоизга етди. 2015 йилда ЯИМ ўсиши ҳамда жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳа улушига тўғри келади. Соҳадаги бундай барқарор ўсиш ва эришилган улкан натижалар, бир томондан, бу тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва таъсири ғоят катталигини кўрсатади, бошқа томондан, аҳоли даромадлари, инсонлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

Президентимиз И.А. Каримов БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида сайёҳлик соҳасининг улкан салоҳияти иқтисодий тараққиётнинг муҳим асоси эканлигини, туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлиги ошиб бориши билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаб, бу борада қуйидаги ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади: “Бу ҳақиқатни жаҳонда туризмга талабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал

суръатлар билан юксалиб бораётган иктисодиётида шаклланганини ҳам тасдиқлайди. Бошқача айтганда, иктисодиётнинг ривожланиш даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидак ўз аксини топмоқда” (//Халк сўзи, 2014 йил 3 октябрь).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мавжуд улкан имкониятлардан оқилона фойдаланиш асосида кўп тармоқли туризм индустрияси барпо этилди, у миллий иктисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишига айланди. 2014 йилда туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 2,2 фоизга (313 млрд. сўм), хизмат кўрсатиш соҳасидаги улуши 3,8 фоизни ташкил этган (Ўзбекистон ҳудудлари ... 2015, 13,128,136-бетлар). “Ўзбектуризм” Миллий компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган туристик корхоналар сони 1180 дан ошган. Шундан 559 таси туроператор, 622 таси меҳмонхона хўжалиги бўлиб, улар 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича фаолият юритмоқда. Бу, ўз навбатида, сайёҳлар оқими кўпайишини таъминланмоқда. Агар 2014 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларидан 2 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюриб, соҳада хизматлар экспорти ҳажми 1 млрд. АҚШ долларидан ортиган бўлса, 2015 йилда туристик хизматлар ҳажми 15,9, уларнинг экспорти эса 12,9 фоизга ошган. Яна бир муҳим жиҳатли, туризмни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлар доирасида 814 та янги иш ўрни барпо этилиб, соҳада меҳнат қилаётганлар сони 200 минг нафарга етди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида Жаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2013 йилда туризм соҳаси бўйича дунёнинг бешта энг тез ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олди.

Сўнгги йилларда халқаро туризмнинг инновацион йўналиши экологик туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бизнинг ҳисобимизга кўра, экотуризм мамлакат туристик маҳсулот ва хизматларида ҳозирнинг ўзида 30 фоизга яқин улушга эга бўлмоқда. Экотуризм табиий-иктисодий барқарорликни саклаган ҳолда, фаол дам олишга асосланади. Чунончи, уни жорий этиш учун юқори даражада қимматбаҳо хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналарга ҳожат йўқ. Уларнинг ўрнига оддий чодир, уй-меҳмонхона ва кемпинглар, табиат қўйнига сайру саёҳатлар таклиф қилинса етарли бўлади.

Айтиш жоизки, соҳанинг ҳуқуқий-норматив асослари ҳам изчил такомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорига фаол киритишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 мартдаги 53-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида”, 2015 йил 9 мартдаги 51-сонли “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмаларини

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларини амалга ошириш ҳам соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланишининг асосий йўналиш – кўплаб туристик ташкилотларнинг ҳоят катта талабга эга бўлган ички туризм ва чет эллардан келувчилар туризмига, шунингдек, туристик бозорнинг оптимал тузилмасини топишга интилишнинг кучайиб бораётганлиги ҳисобланади. Шу муносабат билан туризм соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳозирги вақтда МЭТХлар рекреация-экотуристик ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида рекреация-экотуристик хизматларнинг сифатли мажмуасини барпо этиш, уларни бозорда сотиш ишларини амалга ошириш долзарб муаммога айланмоқда.

Шундай вазиятда МЭТХларда, биринчи навбатда биосфера резерватлари ва миллий боғларда рекреация-экотуристик фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти ошмоқда. Бундай тадқиқотлар мамлакатимизда ҳозирги қадар амалга оширилмаганлиги, кўп жиҳатдан экологик туризм шаклланишининг бошланғич босқичда турганлиги, экотуристик фирмалар тақдим этаётган турлар рўйхати ва маршрутларнинг чекланганлиги билан боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2014 йилда мамлакатимизда 343 та сайёҳлик фирма ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар 514,1 мингта ташриф буюрувчиларга 384,7 млрд. сўмлик сайёҳлик хизматлари (мехмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) кўрсатган. Фирма ва ташкилотлар умумий сонидан 256 таси (76,4 %), ташриф буюрувчиларнинг 283,3 мингтаси (55,1 %), сайёҳлик хизматлари ҳажмининг 199 млрд сўми (51,7 %) фақат пойтахт Тошкент шаҳри улушига тўғри келган. Ўзбекистоннинг энг асосий миллий табиат боғи Угом-Чотқол ҳудуди жойлашган Тошкент вилоятининг мазкур кўрсаткичлардаги улуши анча пастдир: фирма ва ташкилотлар сони 4 та (1,2 %), ташриф буюрувчилар сони 939 та (0,2 %), хизмат кўрсатиш ҳажми 58,4 млрд. сўм (15,2 %). (Ўзбекистон ҳудудлари.... 2015. 57-58, 136-бетлар).

Умуман Тошкент пойтахт минтақаси ёки Тошкент иқтисодий райони (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) сайёҳлик фирмалари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллайди: район, минтақа ҳиссасига сайёҳлик фирма ва ташкилотлари сонининг 75,8 % (260 та), ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишнинг 55,3 % (284,3 минг киши), сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажмининг 66,9 % (257,4 млрд. сўм) тўғри келади (10-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимизда фирма ва ташкилотлар сони бўйича (60 та) Зарафшон иқтисодий райони (17,5%), (асосан Самарқанд вилояти (46 та, 13,4%), ташриф буюрувчилар сони бўйича Қуйи Амударё райони (115 минг киши, 22,4%, асосан Хоразм вилояти 114,5 минг киши, 22,3 %), хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича Зарафшон райони (63,1 минг киши, 16,4 %, асосан Самарқанд вилояти (38,9 минг киши, 10,6%) мамлакатимизда Тошкент иқтисодий районидадан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодий районлари ва минтақаларида
сайёҳлик фирмалари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий
кўрсаткичлари (2014 йил)**

№	Иқтисодий район ва минтақалар	Сайёҳлик фирма ва ташкилотлари фаолияти				У л а р д а н				Сайёҳлик хизматлари, меҳмон-хоналар хизматини кўшган ҳолда	
		Сайёҳлик фирма ва ташкилотлари сони		Жами ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатилган		Қабул қилинган ташриф буюрувчилар		Жўнатилган ташриф буюрувчилар		млр д. сўм	%
		бирлик	%	киши	%	киши	%	киши	%		
I	Қуйи Амударё										
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	3	0,9	452	0,1	422	0,1	30	0,01	3,2	0,8
2.	Хоразм	4	1,2	114535	22,3	114231	27,3	185	0,3	10,0	2,6
	Жами	7	2,1	114987	22,4	114653	27,4	215	0,3	13,2	3,4
II	Зарафшон										
3.	Самарқанд	46	13,4	27438	5,3	24606	5,9	440	0,8	38,9	10,1
4.	Навоий	2	0,6	3876	0,8	3876	0,9	-		8,0	2,1
5.	Бухоро	12	3,5	59683	11,6	59009	14,1	391	0,6	16,2	4,2
	Жами	60	17,5	90997	17,7	87491	20,9	831	1,4	63,1	16,4
III	Жанубий										
6.	Қашқадарё	3	0,9	5718	1,1	3268	0,8	2450	4,0	6,9	1,8
7.	Сурхондарё	2	0,5	1156	0,2	340	0,01	816	1,3	5,5	1,4
	Жами	5	1,4	6874	1,3	3608	0,8	3266	5,3	12,4	3,2
IV	Мирзақўл										
8.	Сирдарё	2	0,6	1822	0,3	-		1822	3,0	2,3	0,6
9.	Жиззах	2	0,5	10126	2,0	10126	2,4	-		4,5	1,2
	Жами	4	1,2	11948	2,3	10126	2,4	1822	3,0	6,8	1,8
V	Тошкент										
10.	Тошкент шаҳри	256	74,6	283268	55,1	202868	48,4	49992	1,7	199,0	51,7
11.	Тошкент вилояти	4	1,2	939	0,2	346	0,1	23	0,1	58,4	15,2
	Жами	260	75,8	284307	55,3	203214	48,5	50015	1,8	257,4	66,9
VI	Фарғона										
12.	Андижон	4	1,2	939	0,2	-		873	1,4	6,4	1,7
13.	Наманган	1	0,3	365	0,1	-		365	0,6	10,1	2,6
14.	Фарғона	2	0,6	3790	0,7			3790	6,2	15,3	4,0
	Жами	7	2,1	5094	1,0			5028	8,2	31,8	8,3
	Ўзбекистон Республикаси жами	343	100	514107	100	419092	100	61127	100	384,7	100

Манба: Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. –Т., 2015, 57-58, 136-бетлар.

Фирма ва ташкилотлар сони бўйича (5 та, 1,2%) Жанубий район, ташриф буюрувчилар сони бўйича (5,1 минг киши, 1%) Фарғона райони, хизмат кўрсатиш хажми бўйича (12,4 млрд сўм, 3,2 %) Жанубий иқтисодий район охириги 6-ўринни эгаллайди. Бу маълумотлар мамлакатимиз иқтисодий районлари ва минтакаларида сайёҳлик фирма ва ташкилотлари фаолияти асосий кўрсаткичлари салоҳияти ниҳоятда нотекис таксимланганлигини кўрсатади. Шунга мувофиқ мавжуд вазиятни яхшилаш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чикиб, уларни амалга ошириш объектив заруратга айланмоқда. Минтакаларнинг мавжуд рекреация-эко туристик ресурс салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш кўплаб янги фирмаларни барпо этиш ва мавжудлари фаолиятини фаоллаштиришга асос бўлади, булар тегишлича мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган барқарор ривожланишга ўтишнинг Миллий стратегияси модели атроф-муҳитнинг экологик барқарор ҳолатини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, унда қуйидаги асосий йўналишларни амалга оширишни таъминлаш белгиланган: экологик ва иқтисодий сиёсатни интеграциялаш, яъни бозор тизимига экологик омилларни самарали интеграциялаш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг юқори устуворлигини таъминлаш; республикада ва айрим минтакаларда табиий-ресурс салоҳиятини кенгайтирилган такрор барпо этиш; атроф-муҳит ва табиий-ресурс салоҳиятини муҳофаза қилиш, тиклаш ва такрор барпо этишга молиявий ресурсларни шакллантириш; табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга иқтисодий манфаатдорлигини ошириш. (Национальный доклад...2013, с. 13).

Мазкур йўналишлар истиқболда рекреация-эко туристик фаолиятни ривожлантиришни бошқаришнинг ҳам асосий йўналишлари ҳисобланади. Шу маънода экологик туризм мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг самарали инструментларидан бири бўлган экология иқтисодиётига, яъни «яшил иқтисодиёт»га ўтишнинг ҳам муҳим йўналишлари қаторига киради. Шу муносабат билан мазкур бўлимда экотуризмни «яшиллаштириш»га (атроф-муҳит сифатини асраш, муҳофаза қилиш ва уни ободонлаштириш) алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш истиқболларини белгилаш мавжуд вазият ва ҳолатнинг яхлит манзарасини аниқлашни талаб қилади. Бунда биз иқтисодий районлар ва минтакаларнинг мамлакатимиз ҳудуди, МЭТҲлар тизими, иқтисодиёт ва унинг муҳим тармоқлардаги ўрнини, шунингдек, табиатга салбий таъсир оқибатлари, минтакалар умумий майдонида МЭТҲлар улуши таҳлили натижаларини аниқлашга асосландик.

11-жадвал маълумотларига кўра, улушига мамлакатимиз ҳудудининг 38,4 %, МЭТҲлар майдонининг 45,2 %и тўғри келадиган Қуйи Амударё иқтисодий райони (асосан Қорақалпоғистон Республикаси, қисман Хоразм вилояти) аҳоли

сони (5,6 %), ЯИМ (2,5 %), саноат маҳсулоти (1,9 %), кишлок хўжалиги маҳсулоти (3 %) бўйича анча паст кўрсаткичларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Районда республикада мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган ерларнинг 39,2 % жойлашган, суғориладиган ерлар 100 % шўрланган бўлиб, район ҳудудида МЭТХ ларнинг улуши 6,1 %ни ташкил этади. Аҳоли зичлиги кўрсаткичлари (11,3 киши/км²) республика ўртача кўрсаткичига нисбатан (69,1 киши/км²) атиги 29 %ни ташкил этади. Шундай қилиб мазкур районда табиатга антропоген босим кўрсаткичлари бошқа районларга нисбатан анча кам бўлишига карамай, Орол денгизи ҳалокати таъсирида экологик вазият ғоят кескинлигича қолмоқда. Булар табиийки рекреация-экотуризмни ривожлантиришга ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

Қуйи Амударё ва бошқа районлардан Тошкент пойтахт райони (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) барча кўрсаткичлар бўйича тубдан фарқ қилади: ҳудуди (3,5 %) энг кичик бўлса ҳам бошқа кўрсаткичлари ўзига хос катта салмоққа эга: аҳоли сони бўйича (16,5 %), аҳоли зичлиги (3288,2 киши/км² ёки 924,5 %), ялпи ички маҳсулот (24,5 %), саноат (33,4 %), МЭТХ ларнинг район умумий ҳудудидаги улуши (38,5 %) бўйича мамлакатимизда олдинги ўринларни эгаллайди. Айни пайтда бу районда мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган ерларнинг республикадаги улуши (3,4 %), суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси (2,6 %) энг кам кўрсаткичларга эга. Бундай юқори сифат кўрсаткичлари экотуризмни жадал ривожлантиришга ғоят қулай шароит яратади.

Жанубий иқтисодий район (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) барча асосий кўрсаткичлар бўйича рекреация-экотуризмни ривожлантириш салоҳияти ва имкониятлари катталиги билан алоҳида муҳим ўринни эгаллайди. Республика ҳудудининг 10,9 %, МЭТХлар майдонининг 14,3 %, аҳоли сонининг 17,1 %, ялпи ички маҳсулотнинг 11,5 %, саноат маҳсулотининг 10,5 %, кишлок хўжалиги маҳсулотининг 13,3 % мазкур район ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда МЭТХлар иқтисодий район ҳудудининг 6,9 %ни эгаллайди. Аҳоли зичлиги (109,2 киши/км²) ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 158 %ни ташкил этади. Чўл, суғориладиган антропоген текислик, тоғ экотизимларининг мавжудлиги экотуризмнинг кўплаб йўналишларини жадал ривожлантиришга ғоят қулай ҳисобланади. Шу билан бир қаторда мазкур районда мамлакатимиздаги мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган ерларнинг 14 % майдони жойлашган, ерларнинг умумий шўрланиш даражаси 36-47 %га етади.

Зарафшон иқтисодий райони (Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари) майдонининг катталиги бўйича (168,1 минг км²) Қуйи Амударё районида кейинги иккинчи ўринни (37,4 %), аҳоли сони бўйича (6,2 млн. киши) Фарғона районида кейинги иккинчи ўринни (20,2 %) эгаллайди. Мазкур район ҳиссасига республика МЭТХлари умумий майдонининг 8,3 %, ички ялпи маҳсулотининг 17,1 %, саноат маҳсулотининг 20,3 %, кишлок хўжалиги маҳсулотининг 25,7 % тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий районлари ва минтакаларнинг мамлакатда ҳудуди, МЭТХ лари, аҳолиси, табиатта антропоген босими кўрсаткичлари фарқлари

Иқтисодий район ва минтакалар (вилоятлар)	Ҳудуди		Муҳофаза этилган табиий ҳудудлар		Аҳоли сони			Табиатта антропоген босим			Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган сугориладиган ерлар (2010й.)		Сугорилдиган ерларнинг шўрланиш даражаси (2007) %	МЭТХ майдонининг умумий майдонига қаратадиган миқдори, %	
	минг км ²	%	Сони	Майдони км ²	%	Аҳоли зичлиги		Ялли ички маҳсулот %	Саноат маҳсулоты %	К/Х маҳсулоты %	минг га	%			
						минг киши	%								
Қўйи Амударё															
1) Қорақалпоғистон Республикаси	166,6	37,1	3	10564,6	45,1	1763,1	5,6	10,6	15,3	2,5	1,9	3,0	134,9	79,0	6,3
2) Хоразм	6,1	1,3	1	4,9	0,1	1715,6	5,7	283,6	410,4	3,3	2,2	6,0	27,1	6,6	0,8
Жамин	172,7	38,4	4	20569,5	45,2	3478,7	11,3	20,1	29,0	5,8	4,1	9,0	162	39,2	6,1
Зарафшон															
3) Самарқанд	16,8	3,7	4	833,5	3,6	3514,8	11,3	209,6	303,3	6,3	5,7	11,9	20,6	5,1	2,7
4) Навоий	111,0	24,7	2	154,3	0,6	913,2	3,1	8,2	11,9	5,2	10,1	4,9	10,5	2,5	1,4
5) Бухоро	40,3	9,0	6	956,1	4,1	1785,4	5,8	44,3	64,1	5,6	4,5	8,9	19,9	4,8	2,4
Жамин	168,1	37,4	12	1943,9	8,3	6213,4	20,2	37	53,5	17,1	20,3	25,7	51,0	12,4	1,2
Жанубий															
6) Қашқадарё	28,6	6,4	3	30066,9	13,1	2985,9	9,5	103,6	149,9	7,3	8,6	8,3	38,7	9,3	47,1
7) Сурхондарё	20,1	4,5	1	276,7	1,2	2358,3	7,6	117,3	169,8	4,2	1,9	9,0	19,6	4,7	35,9
Жамин	48,7	10,9	4	3346,6	14,3	5317,2	17,1	109,2	158,0	11,5	10,5	17,3	58,3	14,0	6,9
Миричўл															
8) Сирдарё	4,3	0,9				777,1	2,5	18,6	262,8	1,9	2,8	4,0	16,7	4,0	96,8
9) Жиззах	21,2	4,7	4	1330	5,7	1250,1	4,0	58,9	85,2	2,3	1,3	5,0	37,4	9,1	85,4
Жамин	25,5	5,6	4	1330	5,7	2027,2	6,5	79,5	115,0	4,2	4,1	9,0	54,1	13,1	
Тошкент															
10) Тошкент шаҳри	0,3	0,1				2371,3	7,6	7099,6	1027,4	14,7	18,2				
11) Тошкент	15,3	3,4	2	5897,5	25,2	2758,3	8,9	180,9	261,8	9,8	15,2	12,6	14,3	3,4	2,6
Жамин	15,6	3,5	2	5897,5	25,2	5129,6	16,5	3288,2	475,9	24,5	33,4	12,6	14,3	3,4	
Фарғона															
12) Анджон	4,3	1,0				2857,3	9,2	664,5	961,6	6,4	12,8	10,2	18,6	4,5	5,5
13) Наманган	7,4	1,7	2	11	0,5	2554,2	8,2	343,3	496,8	4,2	2,6	7,8	16,8	4,0	9,4
14) Фарғона	6,7	1,5	1	18,4	0,8	3444,9	11,1	509,6	737,5	6,7	7,6	8,4	38,5	9,3	48,4
Жамин	18,3	4,2	3	29,4	1,3	8862,7	28,5	484,3	700,9	17,3	23,0	26,4	73,9	17,8	
Ўзбекистон Республикаси															
Жамин	448,9	100	29	23442,6	100	31022,5	100	69,1	100	100	100	100	413,7	100	50,5

Мабдалар: 1) Ўзбекистон Ҳудудларнинг йиллик статистик тўламини. Тошкент, 2015. 10-11, 14-16-бетлар (Ҳудуд аҳоли, иқтисодига оид маълумотлар).

2) ... миллий маъруза (1998-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) Тошкент, 2008. 72-75-бетлар.

3) Национальный доклад ... (2008-2011 гг.) Ташкент, 2013, с. 98. (ернинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар)

МЭТХлар район худудининг атиги 1,2 %ни эгаллайди. Бу ерда республикада мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган ерларнинг 12,4 % тўпланган. Ерларнинг шўрланиш даражаси фақат Самарқанд вилоятида жуда кам (2,7 %), Навоий (92,9 %), Бухоро (90,2 %) вилоятларида эса аксинча жуда юқоридир. Умуман мазкур район рекреация-экотуризмни ривожлантиришнинг катта салоҳияти ва имкониятларига эга.

Мирзачўл иқтисодий районида унинг таркибига кирадиган иккита вилоят – Сирдарё ва Жиззах – бир-бирларидан, бир томондан тубдан фарқ қилади (Сирдарё вилояти асосан янги ўзлаштирилган суғориладиган антропоген текисликлардан, Жиззах вилояти ана шундай текислик, яна чўл, тоғ зоналаридан таркиб топган), бошқа жihatдан иқтисодиётининг ўхшаш жihatлари ҳам (ихтисослашиши) мавжудлиги билан ажралиб туради. Районнинг Ўзбекистон микёсида эгаллаган ўрни куйидагилар билан белгиланади (%): худуди - 5,6, МЭТХ лар - 5,7, аҳоли сони - 6,5, аҳоли зичлиги 115, ялпи ички маҳсулот - 4,2, саноат маҳсулоти - 4,1, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти - 9,0, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар - 13,1, шўрланиш даражаси - 85-97, МЭТХ лар майдонининг район худудидаги улуши - 6,3. Бу кўрсаткичлар бўйича район кўп ҳолларда мамлакатимизда ўрта ўринларни эгаллайди. Рекреация-экотуристик салоҳият жihatидан район рекреация ресурсларининг хилма-хиллиги туфайли ғоят катта имкониятларга эга.

Фарғона иқтисодий райони (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари), энг аввало, мамлакатимизда худуди (атиги 4,2 %), МЭТХ ларнинг улуши (1,3 %), шўрланиш даражаси (1,5-2,7 %) кўрсаткичлари энг паст даражага эгаллиги, бошқа кўрсаткичлар бўйича эса республикаимизда олдинги ўринларни эгаллаши (аҳоли зичлиги - 701, ялпи ички маҳсулот - 17,3, саноат-23, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти - 26,4, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар-17,8 %) билан алоҳида ажралиб туради. МЭТХ лардан фақат 3 та табиат ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улар эгаллаган майдони кичиклиги сабабли биологик турларни асраш ва муҳофаза қилишда ва умуман табиат муҳофазасида катта роль ўйнамайди. Шу билан бир каторда мазкур районда ўзига хос рекреация-экотуристик ресурс салоҳияти ва имкониятлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан тегишли йўналишларда фойдаланиш долзарб муаммолар каторига кирди.

11-жадвал маълумотлари таҳлили юқорида қисқача таъриф берилганлардан ташқари яна айрим минтақаларга (вилоятларга) хос бўлган куйидаги 3 та муаммога ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади: 1) Андижон ва Сирдарё вилоятларида МЭТХ ларнинг мавжуд эмаслиги ва Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида фақат айрим табиат ёдгорликлари муҳофаза этилаётганлиги, бошқа категориядаги МЭТХ ларнинг ташкил этилмаганлиги; 2) минтақаларда табиатга антропоген босим кўрсаткичларининг кескин фарқ қилиши ва уларни баҳолаш ва амалиётда ҳисобга олиш масалалари; 3) биринчи ва иккинчи ҳолатларнинг ҳар биттаси ва ўзаро боғлиқдаги таъсири рекреация-экотуризмни ривожлантиришни бошқаришга таъсирини баҳолаш ва амалиётда ҳисобга олиш.

Республикамизнинг юқори даражада ўзлаштирилган ва ҳудуди кичик бўлган 5 та вилояти – Андижон (1 %), Сирдарё (0,9 %), Наманган (1,7 %), Фарғона (1,5), Хоразм (1,3) мамлакатимиз умумий майдонининг атиги 6,4 % ини эгаллайди. Уларнинг аҳоли сони бўйича мамлакатдаги улуши 36,8 % (ҳудуд бўйича улушидан 5,8 марта кўп), ялпи ички маҳсулот бўйича 22,2 % (ҳудуддаги улушидан 3,7 марта кўп), саноат - 28 % (ҳудуддаги улушидан 4,4 марта кўп), қишлоқ хўжалиги - 36,4 % (ҳудуддаги улушидан 5,7 марта кўп), мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар - 28,4 % (ҳудуддаги улушидан 4,4 марта кўп), вилоятлар ҳудудида МЭТХлар майдони улуши атиги - 1,2 % (республика ўртача кўрсаткичидан (5,1 %) 4,3 марта кам), шўрланиш даражаси 33,3 %га (республика ўртача кўрсаткичидан (50,5 %) 17,2 % кам) тенг. Мазкур вилоятларда аҳоли зичлиги 395,7 киши/км² бўлиб, бу республика ўртача кўрсаткичидан (69,1 киши) 5,7 марта кўп.

Бу кўрсаткичлар мазкур вилоятларда табиатга антропоген босимининг анча юқорилигини ва бу ҳолат, ўз навбатида, табиатни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича кўплаб тадбирларни амалга оширишни объектив заруратга айлантиради. Бу вилоятларда муҳофазага олиниши зарур бўлган ва муҳим рекреация-экотуристтик аҳамиятга эга бўлган кўплаб жойлар ва объектлар мавжуд. Бундай объектлар қаторига Хоразм вилоятида мавжуд бўлган 40 дан ортиқ кўллар, тўқай экотизимлари, Сирдарё вилоятида Сирдарёнинг чап қирғоғидаги дарё қайир ва тўқай экотизимлари, Андижон вилояти адир ландшафтлари, Наманган вилоятидаги тоғ экотизимлари, Фарғона вилоятидаги қадимги маданий ландшафтларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз минтақаларида табиатга антропоген таъсир даражасини шартли равишда уларнинг мамлакат ҳудудида эгаллаган ўрни – улушига (%) нисбатан аҳоли сони, аҳоли зичлиги, ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган ерлар, суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, МЭТХ майдони, МЭТХ лар майдонининг улар жойлашган минтақалар ҳудудидаги улуши каби кўрсаткичларни таққослаш асосида баҳолаш мумкин. Бундай баҳолаш натижаларини биз юқорида таърифланган 5 вилоят мисолида кўрсатиб берган эдик. Умумий тарзда минтақалар ҳудудининг мамлакат ҳудудида эгаллаган улушига нисбатан юқорида кўрсатилган соҳалар бўйича ўртача кўрсаткичлари қанча кам ва паст бўлса, табиатга антропоген таъсир ҳам шунча кам ва паст бўлади, аксинча бундай кўрсаткичлар қанча баланд ва юқори бўлса, антропоген таъсир ҳам шунча баланд бўлади.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг мамлакатдаги улуши 37,1 %га тенг бўлган ҳолда барча таққосланадиган кўрсаткичлар бу даражадан анча кам улушга эга. Шу сабабдан бу минтақада табиатга антропоген босим ҳам мамлакатимиз минтақалари ўртасида энг паст кўрсаткичга эга. Антропоген босим минтақаларда аҳоли, индустриал, аграр босимларнинг турли даражаларига эгаллиги билан ҳам катта фарқ қилади. Сирдарё вилоятида унинг мамлакат ҳудудида эгаллаган улушига (0,9 %) нисбатан бошқа барча кўрсаткичлари 2-4 мартагача юқорилиги билан алоҳида

ажралиб туради. Табиатга антропоген таъсир кўрсаткичлари мамлакатимизда мавжуд бўлган бундай катта фарқларини рекреация-экотуризм фаолиятини бошқариш амалиётида ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизнинг барча минтақаларида уларнинг табиатини оптимал муҳофаза қилишга имкон берадиган МЭТХлар тизимини барпо этиш ва уларнинг майдонларини жиддий кенгайтириш ва шундай асосларда рекреация-экотуризмни жадал ривожлантириш ва янги рекреация-экотуристик марказларни барпо этишга асос яратиш лозим. Бу борада мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган МЭТХ тизимини кенгайтиришга йўналтирилган тавсияларга асосланиш мумкин. (Рекомендации... 2013, с. 256). Биз мазкур тавсиялар асосида МЭТХлар тизимида рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқдик. (12-ва 13-жадваллар).

Дунё амалиётида экологик туризм асосан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда (МЭТХ) – миллий боғ, кўрикхона, буюртмахона ва табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган ландшафтлар ва бошқаларда амалга оширилади. Ўзбекистонда ҳам экотуризм асосан турли категориядаги МЭТХларнинг экотуристик салоҳиятидан фойдаланишга асосланган. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ер фондининг 75,9 минг гектари (ёки 0,17 %) табиат муҳофазаси, соғломлаштириш ва рекреацияга, 4,7 минг гектари (0,01 %) тарихий-маданий меросга мўлжалланган ерлар, 9635,9 минг гектари ўрмон фонди ерлари (мамлакат ҳудудининг 21,69 %) бўлиб, рекреация-экотуризм аҳамиятига эга бўлган ушбу учта категория ерларининг умумий майдони 9716,5 минг гектарни (жами мамлакат ҳудудининг 21,87 %) ташкил этади (Национальный доклад...2013, с. 86).

Мамлакатимизда МЭТХларнинг 6 категорияси мавжуд бўлиб, улардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш нуқтаи назаридан айниқса I-Iv категориялар катта амалий аҳамиятга эга. Лекин МЭТХларнинг катта экотуристик салоҳиятидан амалиётда фойдаланиш даражаси мавжуд имкониятлардан анча орқада қолган. Уларнинг кўпчилигида замонавий талабларга жавоб берадиган рекреация зоналари ташкил этилмаган, тегишли туризм инфратузилмаси барпо этилмаган, туристик хизматлар йўлга қўйилмаган ва бошқалар. Истиқболда МЭТХларда рекреация зоналарини ташкил этиш асосида экологик туризмни ривожлантириш муаммоларига 4.4 бўлимда таъриф берилган.

4.2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг барча категорияларида рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этиш концепцияси ва уни амалга ошириш йўналишлари

Мамлакатимизда ҳозирга қадар барча категориядаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг (МЭТХ) рекреация-экотуристик салоҳияти имкониятларидан экотуризмда фойдаланиш ва уларни бошқариш концепцияси

ишлаб чиқилмаган ва улардан амалиётда фойдаланилмайди. Шундай концепцияни мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида МЭТХ ларнинг ҳар бир категорияси ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий, тарихий-маданий шароитлари ва ресурсларидан турли рекреация-эко туристик йўналишларда самарали фойдаланиш ҳамда уларни асраш, муҳофаза этиш бўйича ишлаб чиқиш объектив заруратга айланмоқда.

Бунда ҳал этиладиган асосий масала МЭТХларнинг турли категорияларида муҳофаза қилиш ва рекреация-эко туристик функцияларнинг мақбул ва оптимал нисбатини белгилаш ва уларнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу масалаларда иккита қарама-қарши фикр мавжуд: 1) МЭТХ лар турли категорияларини кўриқхоналар тартибига тенглаштириш ва рекреация фаолиятини кескин чеклаш; 2) МЭТХларнинг барча категорияларидан рекреацияда кенг фойдаланиш ва табиат муҳофазасини оммавий дам олишни амалга ошириш вазифаларига бўйсундириш. Дунё мамлакатлари амалиётида ҳар иккала ёндашув МЭТХ ларнинг турли категорияларини лойиҳалаштириш ва уларнинг ишлаб туриши амалиётида қўлланилади. Масалан, дунёнинг қатор мамлакатларида миллий боғлар, биосфера резерватлари, буюртмахоналарда ўз моҳиятига кўра, (МЭТХлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Низом қоидаларига зид ҳолда) асосий вазифа рекреацияни ривожлантиришга қаратилади, табиат муҳофазаси эса энг кам даражага туширилган. Бу ерда рекреация, шунингдек, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини жадал ривожлантиришга рухсат берилади.

Дунё мамлакатлари амалиётида МЭТХларда табиат муҳофазаси ва рекреация фаолияти тахминан бир хил ва баробар мавқега эга бўлган, бири иккинчисига бўйсундирилмайдиган мисоллар ҳам кўп учрайди. Уларни кўриқхона-рекреация тури ёки «европача тур» деб ҳам аташади. Мазкур ҳолатда етарли даражада кўриқланадиган катта, ўртача катталиқдаги рекреация зоналарида аҳоли пунктлари, кўплаб турбаза, дам олиш базалари, катта рекреантлар оқими мавжуд бўлади. Бундай тузилма кўплаб Европа мамлакатларида кузатилади.

МЭТХларнинг катта қисми каттиқ кўриқланадиган ва ҳар қандай хўжалик фаолияти таъқиқланган, ҳудудни рекреацияда ўзлаштириш эса кучли даражада чекланган ҳолатлар «шимолий америкача» ёки «классик» тур деган ном олган. Улар Шимолий Америка мамлакатларида кенг тарқалган.

Мамлакатимизда кўрсатилган уч турнинг деярли барчаси шаклланган, шаклланмоқда ёки турли даража ва миқёсларда учрайди. Шу муносабат билан МЭТХларнинг турли категориялари ҳудудларида рекреация-эко туристик зоналарни ташкил этиш ва уларнинг ресурс салоҳияти имкониятларидан фойдаланишни самарали бошқариш концепцияси ҳар бир категорияга хос бўлган аниқ табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий шароитларни баҳолаш натижаларига асосланиб ишлаб чиқилиши керак.

Бунда, энг аввало, мамлакатимизда МЭТХ ларнинг миллий боғлардан ташқари барча категорияларида ҳозирга қадар рекреация-эко туристик зоналар ташкил этилмаганлигини ҳисобга олиш керак. Мутахассисларнинг фикрига

кўра, хатто миллий боғлар ҳудудида ҳам функционал зоналаштириш аниқ амалга оширилмаган, аниқланган зоналар ҳам мавжуд вазиятга ҳамда муҳим биологик турлар ареаллари тақсимланишига мос келмайди. (Рекомендации.....2013, с. 69).

Мамлакатимизда экотуризмни ихтисослашган йўналиш сифатида ташкил этиш ва бошқариш ривожланишининг бошланғич босқичида турибди. Анъанавий равишда у асосан миллий боғ ва буюртмахоналар ҳудудида амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда мавжуд кўплаб экотуристтик объектлар экотуризм амалиёти ва айланмасига киритилмай қолмоқда. Бундай ҳолат мавжудлигининг асосий сабаби бир томондан мазкур муаммолар ечимини топиш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг етарли даражада амалга оширилмаганлиги, бошқа томондан уларга боғлиқ ҳолда табиат объектларига экотуристтик саёҳатни ташкил этишни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг яратилмаганлиги ҳамда мавжуд эмаслиги билан узвий боғлиқдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси биргаликда тайёрлаган ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилган «2016-2018 йилларда экологик туризмни ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ва унинг тасдиқланиши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мазкур қарор лойиҳасида экотуризмнинг норматив-ҳуқуқий, илмий-методологик, техник ва институционал асосларини яратиш, катта экотуристтик салоҳиятга асосланган хизмат ва маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотишни амалга ошириш, экотуристтик маҳсулотларни диверсификация қилиш, минтақаларда экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш масалаларини ҳал этиш назарда тутилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг энг асосий шarti ва муаммоси уни МЭТХлар барча категорияларининг ресурс салоҳияти имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уларни асраш ҳамда муҳофаза қилишга асосланиб ривожлантиришдан иборат. Бу муаммонинг ечими асосан МЭТХлар турли категорияларида рекреация-экологик зоналарни ташкил этишга узвий боғлиқ. Мазкур зоналарни ташкил этиш эса тегишли мезонларга асосланган баҳолашни амалга оширишни талаб қилади.

Фикримизча, МЭТХларда рекреация-экологик зоналарни ташкил этиш уларнинг экотуризмни ривожлантиришга қулайлиги ва томошабоплиги устуворлигини ҳар томонлама тўла ҳисобга оладиган мезонларга ҳамда мазкур мезонлар асосида амалга оширилган баҳолаш натижаларига асосланиши лозим. Бундай мезонлар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиши мумкин:

■ табиат комплекслари экотуризмга қулайлиги ва томошабоплигининг устуворлиги: яхши сақланганлиги (кам ўзгартирилган табиат майдонлари катта салмоққа эга, бир неча бокира табиат участкалари мавжуд); катта ландшафт хилма-хиллиги (баландлик зоналари, кўллар, дарё ва сойлар, булоқлар,

биологик хилма-хиллик ва б.) ва хилма-хил рекреация-эко туристик ресурслар мавжудлиги;

▪ худудларнинг хилма-хил рекреация-эко туристик ресурс ва объектларга бойлиги ва уларнинг юқори қиймати: манзаралилик ва эстетик афзалликлари (кузатиладиган (кўриниб турадиган) ноёб табиат объектларининг кўплиги, фавкулудда юқори манзаралик кўринишлар хилма-хиллиги, фавкулудда юқори эстетик сифатга эга жойлар, маданий ландшафтнинг юқори қийматга эга участкалари ва б.); табиий-иклим шароитларининг комфортлиги (иклимнинг қулайлиги ва рекреация фаолиятига жиддий тўсик бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги); тарихий-маданий қадриятлар (маданий мероснинг алоҳида қийматга эга бўлган объектлари-тарих, маданият, археология, боғлар, муҳандислик санъати намуналари ва б.);

▪ рекреация-эко туристик зоналарни ташкил этишнинг ҳуқуқий, норматив-ҳуқуқий асосларга эга бўлиши. Мавжуд қонун ҳужжатлари талабларига мос бўлиши: мазкур ҳолат тегишли қонун ҳужжатлари, фирмалар ва МЭТХлар низомларида ифодаланиши, зоналарни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши ва улар эко туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этиши ва бошқалар.

Рекреация-эко туристик зоналар МЭТХларнинг турли категориялари хусусиятлари ҳисобга олиниб ташкил этилади ва унинг тузилмаси ташриф буюрувчиларга маиший-маданий хизмат кўрсатиш марказлари ва рекреация-эко туристик участкалар каби ички функционал кичик зоналардан таркиб топади. Марказ эко туристларни қабул қилиш, жойлаштириш ва уларга маиший-маданий, ахборот, алоқа хизмат кўрсатишга мўлжалланади. Унинг қатталиги ташриф буюрувчиларга ҳар жихатдан қулай ва мақбул хизмат кўрсатишга имкон берадиган майдонни эгаллаши керак.

Марказ МЭТХ лар чегарасида уларнинг асосий планировка тугунлари ва транспорт йўллари яқинида жойлаштирилади ва бу ерда йил бўйи ва мавсумий хизмат кўрсатадиган доимий туристик сервис объектлари, ташриф-марказлар, музей, экспозиция вольтерлари (хайвонлар учун атрофи ўралган майдонча), маданий-маиший, ахборот хизмати ва алоқа объектлари, шунингдек, маъмурий-хўжалик инфратузилма объектлари қурилади. Бундай марказлар биринчи навбатда миллий боғлар, биосфера резерватларида ташкил этилади. Бошқа категорияларда энг зарур хизмат кўрсатишга мўлжалланган кичик марказлар барпо этилади.

Рекреация-эко туристик участкалар табиат қўйнида қиска ва узок муддатли саёҳатларни амалга оширишга мўлжалланган бўлиб, асосий туристик маршрутлар йўналишлари (йўллари) бўйларида ва энг қатта қимматга эга, диққатга сазовор табиат объектлари жойлашган худудларда ташкил этилади. Ташриф буюрувчилар ҳаракатланиши учун махсус маршрутлар танланади, сўқмоқлар, томоша майдонлари ва қузатиш минорачалари, тўхташ, тунаш, овлаш (балиқ овлаш) жойлари ташкил этилади ва жиҳозланади.

Табиат ресурслари ва объектларидан фойдаланишни бошқариш вазифаси табиий-экологик ва маданий ландшафтлар ҳолати ва қиёфасини юқори

даражада асраш, тиклаш, муҳофаза қилишга йўналтирилади. Рекреация-экотуристик оқимлар асосан рекреация сиғимига мос йўналтирилган режалаштириш методлари, ҳудудни комплекс ободонлаштириш усулларида кенг фойдаланиш орқали тартибга солинади. Бу ерда махсус пуллик тўловлар асосида спорт ва хаваскор балиқ овлаш, мевалар, ёнғок, доривор ўсимликларни териш йўлга қўйилиши мумкин.

Рекреация-экотуристик зона таркибида тарихий-маданий объектлар мавжуд ҳолатларда уларни томоша қилиш тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги мавжуд қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Рекреация-экотуристик зоналарнинг ҳар биттасида ресурс ва объектлар салоҳиятидан фойдаланишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш тавсия этилади:

- рекреация зонасининг табиий шароити ва ресурслари, табиат комплекси, тарих ва маданият объектларини инвентаризациялаш;

- рекреация-экотуристик ресурслар ва объектларга батафсил таъриф бериш ва зона ҳудудининг рекреация-экотуристик сиғимини аниқлаш;

- экотуризмни ривожлантириш, туристик маршрутлар, экотуристик сўжмоқларни ташкил этиш, ҳудудларни экотуризмга мос йўналишларда ободонлаштириш;

- табиат муҳофазаси, рекреация-экотуристик ресурсларни асраш ва такрор барпо этиш тадбирларини режалаштириш ва уларни амалга ошириш;

- рекреация зоналарида экотуризмни ривожлантириш учун талаб қилинадиган капитал ва эксплуатация харажатларини ҳисоблаш;

- рекреация зонасида туризм ва дам олиш инфратузилмаларини барпо этиш ва уларга сарфланадиган капитал қўйилмалар ҳажмини белгилаш.

Рекреация-экотуристик зоналарда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг самарали бўлиши табиий ва антропоген жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий шароитлар таъсирида содир бўладиган ўзгаришларга доимий мослаштирилган ҳаракатлар ва тегишли тадбирларни амалга оширишга, фаолиятни режалаштиришда уларни доимий ҳисобга олишга кўп даражада боғлиқ. Шу нуқтаи назардан рекреация зоналарида экотуристик фаолиятни ривожлантиришни индикатив режалаштиришнинг асосий максоди хавф-хатарларни бартараф этишга имкон берадиган қарорлар қабул қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қафолатлар бериш, экотуризм фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашдан иборат.

Бошқаришнинг самарали бўлиши рекреация зонасининг нафақат барча компонентлари хусусиятларини тўғри тушуниш ва ҳисобга олишга, балки уларнинг ўзаро таъсирини ҳамда рекреация-экотуристик комплекснинг шаклланиши ва ишлашишини тўғри тушуниш ва ҳисобга олишга ҳам боғлиқ бўлади. Шу билан бир каторда рекреация зонасида экотуризмни нималар қўллаб-қувватлайди, қандай хавф-хатарлар борлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бошқариш жараёнида рекреация зонаси ресурсларидан фойдаланишнинг ўтмиш ва ҳозирги ҳолатини, жорий ва истиқболда уларга кўрсатиладиган таъсирни, ресурслардан оқилона фойдаланиш йўналишларини ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш талаб этилади.

Шунга ҳаракат қилиш керакки, ҳар бир рекреация зонасида экотуризмни ривожлантиришни режалаштириш уни амалга оширишнинг самарали механизмига айланиши лозим. Бундай режалаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- экотуристлик фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва принципларини белгилаш;
- ахборот базаси ва ходимларни бошқариш йўналишларини шакллантириш;
- маҳаллий аҳолининг экотуристлик фаолият амалиётида фаол иштирокини таъминлаш;
- қўшимча молиявий маблағларни жалб этиш учун шароит яратиш.

4.3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва экотуризм: рекреация-экотуристлик зоналарининг шароити ва ресурсларини баҳолаш

Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг миллий тизими 8 та кўрикхона (201,7 минг га), 3 та табиат боғи (598,7 минг га), 11 та табиат ёдгорликлари (3,7 минг га), 13 та буюртмахона (15724 минг га), 1 та табиат питомниги (16,5 минг га), 25 тадан ортиқ сув муҳофазаси зоналари, соҳилбўйи полосалар (тасмалар), ер ости сувлари шаклланадиган зоналар (268,3 минг га), 83 та ўрмон хўжалиги ва ўрмон муҳофаза зоналари (9438,1 минг га), 6 та давлат ўрмон-овчилик хўжаликлари (3078,6 минг га) дан таркиб топган. Уларнинг умумий майдони 15320,4 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 34,1 %ни эгаллайди. Шундан биохилма-хилликни барқарор таъминлайдиган МЭТХ лар (I-IV категориялар) 2535,4 минг гектарни ёки муҳофаза этиладиган ҳудудлар умумий майдонининг 16,6 %ни ва мамлакатимиз умумий ҳудудининг 5,6 %ни эгаллайди (Рекомендации. 2013, с.12) (Мазкур манба маълумотлари Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан олинган янги маълумотлар (2015 йил) асосида тегишли жойларда ўзгартирилди). МЭТХ тизими 3,5 %га яқин чўл экотизимларини, 3 %га яқин қайир ўрмонлари ва 14 % тоғ экотизимларини қамраб олади (ўша манба, 69-бет). Ўзбекистоннинг МЭТХлари тизими умумий кўрсаткичлари 12-жадвалда берилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мустақиллик йилларида мамлакатимизда 1,5 млн. га майдонда 11 та буюртмахона, 3681 га майдонга эга 10 та табиат ёдгорликлари, 68,7 минг га майдонни эгаллаган битта МЭТХларнинг янги тури биосфера резервати барпо этилди. Янгидан барпо этилган МЭТХларнинг умумий майдони 1531503 гектарни ташкил этади.

МЭТХларнинг барча категорияларининг рекреация-экотуристик аҳамиятини белгилашда экология амалиётида кенг қўлланиладиган ўн фоизлик қоидасига амал қилиш мумкин. Унга кўра муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг 17 %дан экотуризмда экотизимларни асраш ва муҳофаза қилиш талаб ва тартибларига риоя этиб фойдаланиш экотизимларда ноқулай оқибатларга олиб келмайди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мувозанатлашган тизимини барпо этишда ҳам мазкур ўн фоизлик қоидага амал қилинади: халқаро нормаларга мувофиқ барча мамлакатларга уларнинг ҳудудларида мавжуд бўлган ҳар битта табиий экотизимнинг 10 %ни муҳофаза этиш тизимига киритиш тавсия этилган.

12-жадвал

Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари (МЭТХ) тизими

№	МЭТХлар категорияси	Халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи категорияси	Сони	Майдони минг га	МЭТХлардаги улуши %
1.	Давлат кўрикхоналари	I а	8	201,7	1,31
2.	Комплекс буюртмахоналар	I в	0	0	0
3.	Табиат боғлари	II	3	598,7	3,9
4.	Давлат табиат ёдгорликлари	III	10	3,68	0,1
5.	Айрим табиат объектлари ва комплексларини асраш, такрор барпо этиш ва тиклаш учун ҳудудлар	IV	14	1731,3	11,3
	шу жумладан:				
	буюртмахоналар	IV	13	1572,4	10,3
	табиат питомниклари	IV	1	158,9	1,0
6.	Муҳофаза этиладиган ландшафтлар (сув муҳофазаси зонаси, кирғокбўйи полосалар, ер ости сувлари шаклландиган зоналар)	V		268,3	1,8
7.	Айрим табиат ресурсларини бошқариш учун ҳудудлар.	VI	95	12516,7	81,7
	шу жумладан:				
	ўрмон хўжаликлари ва ўрмон муҳофазаси зоналари	VI	83	9438,1	61,6
	Давлат овчилик хўжаликлари	VI	6	3078,6	20,1
	Жами		130	15320,38	100

Манба: Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане. Ташкент.: Vaktria press, 2013, с. 12.

Шу билан бир қаторда БМТнинг «Биохилма-хиллик тўғрисида»ги конвенциясига бағишланган халқаро конференциясида (Нагое, Япония, 2010 йил) конвенцияга аъзо давлатлар 2020 йилгача мамлакат қуруқлиги умумий майдонининг 17 фоизини МЭТХларга ажратиши зарурлиги таъкидланган.

Биз мазкур тавсияларга асосланиб мамлакатимизда мавжуд бўлган ва истиқболда ташкил этиладиган барча категориялардаги МЭТХ ларнинг ўртача 10 % майдонини рекреация-экотуристик зонага ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Бундай катталиқдаги рекреация-экотуристик зона майдони бир томондан ўзига хос экотуристик хилма-хил ресурс ва ихтисослашган экотуризм йўналишларини ривожлантириш имкониятларига эга бўлади, бошқа томондан экотизимлар хилма-хиллиги ва ўзини ўзи такрор барпо этиши қобилиятини асраш ва муҳофаза қилишга имкон беради. (13-жадвал).

13-жадвалда Ўзбекистоннинг иқтисодий районлари ва улар таркибига кирадиган минтақалар бўйича қуйидаги энг муҳим кўрсаткичлар таҳлил этилган: а) МЭТХ ларнинг асосий категориялари бўйича сони, уларни балл тизими кўрсаткичларида баҳолаш, майдони (км²); б) барча категориядаги МЭТХ ларни балл тизимида баҳолашнинг якуний кўрсаткичлари – сони ва уларни балл тизимида баҳолаш, майдони (км²) ва мамлакатда эгаллаган улуши (%); в) барча категориядаги МЭТХ ларни балл тизимида баҳолашнинг якуний натижалари – жами балл кўрсаткичлари ва уларнинг мамлакат якуний кўрсаткичларидаги улуши (%).

Мазкур тартибда таҳлил қилиш қуйидаги натижаларни аниқлаш ва тегишли хулосаларни чиқаришга имкон беради: 1) Мамлакатимизнинг иқтисодий районлари ва улар таркибига кирадиган минтақаларида МЭТХ сони, майдони, баҳолаш баллари миқдори ниҳоятда нотекис тақсимланган. Ўзбекистонда мавжуд бўлган жами МЭТХлар сони 29 та бўлиб, уларнинг 12 таси (41,4 %) Зарафшон иқтисодий районида, 4 таси (13,8 %) Қуйи Амударё районида, 4 таси (13,8 %) Жанубий районида, 4 таси (13,8 %) Мирзачўл районида, 3 таси (10,3 %) Фарғона районида, 2 таси (6,9 %) Тошкент районида жойлашган. Минтақалар бўйича рекреация-экотуризм учун катта аҳамиятга эга бўлган миллий боғлар Тошкент ва Жиззах вилоятларида, биосфера резервати эса Қорақалпоғистон Республикасида, буюртмаҳоналарнинг асосий қисми - 3 таси (33 %) Самарканд, 2 таси (20 %) Бухоро вилоятида, 2 таси (20 %) Қорақалпоғистон Республикасида, 1 тадан (10 % дан) Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларида жойлашган.

Фарғона районида МЭТХлар барча категорияларидан фақат 3 та табиат ёдгорликлари мавжуд. Шунингдек, Хоразм вилоятида ҳам МЭТХ лар категорияларидан фақат 1 та табиат ёдгорлиги бор, Андижон ва Сирдарё вилоятида эса МЭТХ категорияларидан бирортаси ҳам мавжуд эмас;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий районлари ва минтакаларининг муҳофаза этилган табиий ҳудудлари объектларининг тақсимланган кўрсаткичлари

№	Иқтисодий районлар ва минтакалар (вилоятлар)	Қўриқхонлар		Миллий боғлар		Табиий питомниклар		Буюртмаҳоналар		Табиат ёгорликлари		Жами муҳофаза этилган табиий ҳудудлар			МЭТХ ларни яқуний баҳолаш натижалари	
		сон/балл	майdonи км²	сон/балл	майdonи км²	сон/балл	майdonи км²	сон/балл	майdonи км²	сон/балл	майdonи км²	сон/балл	майdonи км²	%	балл	%
I.	Қўйи Амударё															
	1) Қорақалпоғистон республикаси															
	2) Хоразм вилояти															
	Жами	1/2	64.6													
II.	Зарафшон															
	3) Самарқанд	1/2	23.5													
	4) Навоий				0.1	1/1										
	5) Бухоро	1/2	101.4		51.5	2/2										
	Жами	2/4	124.9		51.6	3/3										
III.	Жанубий															
	6) Қашқадарё	2/4	871.6													
	7) Сурхондарё	1/2	276.7													
	Жами	3/6	1148.3													
IV.	Мирзиёул															
	8) Сирдарё															
	9) Жиззах	2/4	445.9	1/5	241.1											
	Жами	2/4	445.9	1/5	241.1											
V.	Тошкент															
	10) Тошкент шаҳри															
	11) Тошкент	1/2	451.6	1/5	5745.9											
	Жами	1/2	451.6	1/5	5745.9											
VI.	Фарғона															
	12) Андижон															
	13) Наманган															
	14) Фарғона															
	Жами															
	Ўзбекистон Республикаси															
	Жами %	8/16	2274	2/10	5987	6/6	51.6	0.333	10/30	5/5	37.5	29	23441.6	100	66	100

Маъба: Жадвал куйидаги манбага асосланиб тузилган: Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) Тошкент, 2008, 120-121-бетлар.

Изоҳ: Турли категориядаги МЭТХ ларнинг ҳар биттаси (бир донаси) уларда рекреация-экотуризм соҳасида фойдаланишдаги аҳамияти ҳисобга олиниб балл тизимида баҳолаш куйидаги тартибда амалга оширилади: 1) Миллий боғ-5 балл; 2) биосфера резервати-4 балл; 3) қўриқхоналар-3 балл; 4) буюртмаҳоналар-2 балл; 5) табиат ёдорликлари, табиат питомниклари ва бошқалар-1 балл.

2) МЭТХлар майдонининг катталиги бўйича Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси) мамлакатимизда катта салмоққа эга (улуши 45,2 %), иккинчи ўринни Тошкент иқтисодий райони (Тошкент вилояти, улуши 25,2 %), учинчи ўринни Жанубий район (улуши 14,3 %), тўртинчи ўринни Зарафшон райони (улуши 8,3 %), бешинчи ўринни Мирзачўл (асосан Жиззах вилояти, улуши 5,7 %), олтинчи ўринни Фарғона райони (улуши 1,3 %) эгаллайди; 3) МЭТХларни рекреация-экотуристик баҳолаш натижаларига кўра, энг катта салмоққа Зарафшон райони (улуши 39,4 %) эга, сўнгра ўринлар қуйидагича тақсимланган: Зарафшон (18,2 %), Қуйи Амударё (13,7 %), Жанубий (13,6 %), Тошкент (10,6 %), Фарғона (4,5 %) иқтисодий районлари.

Амалга оширилган таҳлил натижалари мамлакатимизда мавжуд МЭТХлар тизими минтакаларнинг экотизим ва экотуристик хилма-хиллигини тўлиқ қамраб олмаганлигини кўрсатади. Шу муносабат билан халқаро нормаларга мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мувозанатлашган тизимини барпо этиш мақсадида уларнинг мамлакатимиз ҳудудидаги салмоғини мавжуд 5,1 %дан 10 %гача кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш талаб қилинади. Шунга мувофиқ, истикболда МЭТХлар тизимининг умумий майдони 44,9 минг км² га етади, шундан рекреация-экотуристик зоналарга ажратиладиган 10 % ҳудуд 4,5 минг км² ни ташкил этади. МЭТХлар тизимини мамлакат умумий майдонининг 17 %гача кенгайтириш ҳисобидан бу рақамлар тегишлиги 75,3 минг км² ва 7,7 минг км²га тенг бўлади.

Турли категориядаги МЭТХлар турлари рекреация-экотуристик аҳамияти ва салоҳияти бўйича турли мавкега эга бўлади. Бу борада миллий табиат боғлари ва биосфера резерватлари катта имкониятларга эга бўлса, табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган ландшафтлар (сув муҳофазаси зоналари, соҳил бўйи полосалар, ер ости сувлари шаклландиган зоналар) энг кам аҳамиятга эга бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда уларни балл тизимида баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади. Балл тизимида баҳолаш иқтисодий район ва минтакаларда мавжуд бўлган МЭТХлар категориялари объектининг ҳар биттасига балл белгилаш, сўнгра уларни умумлаштириш асосида амалга оширилганда, минтакаларнинг экотуристик салоҳиятини аниқлаш ва натижаларни мамлакат бўйича таққослашга ҳамда тегишли хулосаларни чиқаришга имкон беради (5-жадвал).

Биз мазкур тадқиқотнинг 3-бобида тавсия этилган балл тизимида баҳолаш мезонларига асосланиб, МЭТХларнинг турли категорияларида уларни қуйидагича қўллашни тавсия этамиз:

- 1) Жуда қулай – 5 балл. Барча табиат боғлари.
- 2) Қулай – 4 балл. Барча биосфера резерватлари.
- 3) Яроқли – 3 балл. Барча буюртмаҳоналар.
- 4) Қисман яроқли – 2 балл. Барча кўрикҳоналар.
- 5) Баъзи йўналишларда яроқли – 1 балл. Барча табиат ёдгорликлари, табиат питомниклари (парваришҳоналари), муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун ҳудудлар (ўрмон хўжалиги, овчилик хўжаликлари ва бошқалар). Улардан экотуризмда махсус рекреация-

экотуристик зоналарга ажратилмасдан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ фойдаланиш амалга оширилади.

Тавсия этилаётган баҳолаш мезонлари «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (2004) қонуни талабларига мувофиқ белгиланган бўлиб, муҳофаза қилиш талаблари ва тартиби қанча қаттиқ бўлса, улардан экотуризмда фойдаланиш даражаси ва белгиланган баллар миқдори шунча паст бўлади. Қўриқхоналарнинг рекреация-экотуризм учун «қисман яроқли» (2 балл), табиат ёдгорликлари, питомниклар ва бошқа объектларнинг эса баъзи йўналишларда яроқли (1 балл) деб баҳоланиши айнан шу талабларга асосланган (13-жадвал).

Рекреация-экотуристик зоналарни турли категориядаги МЭТХ ларда ташкил этиш ва уларнинг майдонини белгилаш 14-жадвалда кўрсатилган.

14-жадвалда мавжуд МЭТХ объектларида рекреация-экотуристик зоналарини ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган. Ҳисоблаш натижалари МЭТХ ларнинг 10 % ни (табиат ёдгорликлари, табиат питомникларининг 100 % майдонини) рекреация-экотуристик зонага ажратиш кўрсаткичларини ўзида ифодалайди. Шунга мувофиқ Ўзбекистонда мазкур зонанинг умумий майдони 2355,8 км² ни ташкил этади. Тавсия этилаётган рекреация-экотуристик зона умумий майдонининг 45,1 % Қуйи Амударё, 26,3 % Тошкент, 14,2 % Жанубий, 10,3 % Зарафшон, 2,9 % Мирзачўл, 1,3 % Фарғона иқтисодий районлари хиссасига тўғри келади.

Рекреация-экотуристик зона майдонининг катталиги, шунга мос ҳолда экотуризмни ривожлантириш имкониятлари бўйича минтақаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) катта имкониятларга эга минтақалар (мамлакатдаги улуши 84,2 %) : Қорақалпоғистон Республикаси (республикадаги улуши 44,9 %), Тошкент вилояти (26,3 %), Қашқадарё вилояти (13 %); 2) ўртача имкониятга эга минтақалар (12,5 %) : Бухоро (6,1 %), Самарқанд (3,5 %), Жиззах (2,9 %) вилоятлари; 3) паст имкониятга эга минтақалар (3,3 %): Сурхондарё (1,2 %), Фарғона (0,8 %) Навоий (0,7 %), Наманган (0,5 %), Хоразм (0,2 %), Сирдарё (0 %), Андижон (0 %) Тошкент шаҳри (0 %).

Мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларида рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этиш ва уларнинг умумий майдонини аниқлаш бўйича тавсиялар

	Иқтисодий район ва минтакалар (вилоятлар)	Кўриқхоналар (асосан буфер зоналар)			Миллий боғлар			Табиий пиётоминиклар буюртмаҳоналар			Буюртмаҳоналар			Табиат ёдгорликлари			Рекреация-экотуристик зона - жами	
		Номи	Майдонини км ²	Рекреация зонаси км ²	Номи	Майдонини км ²	Рекреация зонаси км ²	Номи	Майдонини км ²	Рекреация зонаси км ²	Номи	Майдонини км ²	Рекреация зонаси км ²	Номи	Майдонини км ²	Рекреация зонаси км ²	Майдонини км ²	%
I.	Кўйи Амуларё Қорақалпоғистон Республикаси																	
1.											1) Сай гачи	10000	1000					
											2) Суд очъе	500	50				1000	44,9
2.	Хоразм вилояти														1. Янги боғор	4,9	4,9	0,2
	Жами																	
II.	Зарафшон											10500	1050				1061,4	45,1
3.	Самарқанд	1) Зарафшон тўқайзор	23,5	2,3							1) Қарнаб чул	250	25					
											2) Қушрест	160	16					
											3) Нуробод	400	40				83,3	3,5
4.	Навий											154,2	15,4				15,5	0,7
										1) Қармона йўрта тувалқ парварши хонаси		0,1	0,1					
5.	Бухоро	1) Қизилкум тўқай-қум	10,4	10,1							1) Денгизкул	500	50			3,2	144,2	6,1
											2) Қора ҳор	300	30					
										2) Пешку йўрта тувалқ парварши хонаси			0,1	0,1				
	Жами		124,4	12,4								1764,2	176,4			3,2	243	10,3
III.	Жанубий																	
6.	Қашқадарё	1) Хисор тум-арча	814,3	81,4								2195,3	219,5					
		2) Қитоб тумани	53,7	5,4													306,3	13

7.	Сурхондарё	1) Сурхондарё тоғ-ўрмон	276.7	27.7															27.7	1.2	
IV.	Жами		1144.2	114.5															334	14.2	
	Мирзачўл																				
	Сирдарё																				
	Жиззах	1) Замини лон-арча 2) Илғори тоғ-ўрмон ёндоқлар	268.4	26.8	241.1	24.1															
	Жами		445.9	44.3	241.1	24.1													68.4	2.9	
V.	Тошкент																				
	Тошкент шаҳри																				
	Тошкент вилояти	1) Чоқтоғ тоғ-ўрмон ёндоқлари	451.6	45.1	5745.9	574.5													619.6	26.3	
VI.	Фаргона																				
	Андижон																				
	Наманган																				
	Фаргона																				
	Андижон																				
	Наманган																				
	Фаргона																				
	Жами																				
	Ўзбекистон Республикаси																				
	Жами	СОНИ 8 та	2209.4	220.9	5987	598.7	2 та		54.6	54.6	3 та		54.6	54.6	10 та	15092,5	1509.2	37.5	37.5	2355,8	100

Мабла: Ўзбекистон Республикасида агроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив тахлил). Тошкент, 2008, 120-121-бетлар.

Изоҳ: Рекреация зоналари майдони ҳалқаро миқёсда қабул қилинган ўртача нормативларга асосланиб, муҳофаза объектлари умумий майдонининг кўриқхона, миллий боғ, буюртма хоналарда 10 % ҳисобидан, табиий питомник ва табиат ёдгорликлари майдонининг 100 % (тўлиқ) ҳисоби бўйича ҳисоблаб чиқилди. Мазкур тавсиянинг илмий асоси шундан иборатки, экологияда мавжуд бўлган "10 фонд қоидаси" га мувофиқ МЭТХ ларнинг 10 % ҳудудини рекреация зонасига ажратиш ва улардан шу мақсадда экологик талабларга амал қилиб фойдаланиш экотизимларда салбий ва ноқулай оқибатларга олиб келмайди.

Истикболда янги ташкил этиладиган рекреация-экотуристик зоналардан фойдаланиш йўналишларини аниклаш талаб этилади. Шу муносабат билан биз МЭТХ лар барча категорияларини уларнинг рекреация-экотуристик аҳамиятига кўра, яъни уларни балл тизимида баҳолаш тартибига амал қилиб қисқача таърифлаймиз.

Миллий боғлар рекреация-экотуризм учун жуда кизиқарли, муҳофаза қилиш ва дам олиш ҳамда бошқа рекреация вазифаларини биргаликда қўшиб олиб боришнинг гоят қулай ва муваффақиятли шакли ҳисобланади. Улар катта ҳудудларни эгаллайди, бу ерда инсон томонидан кам ўзгартирилган ёки деярли ўзгартирилмаган бир неча хил экотизимлар мавжуд бўлиб, улар катта илмий, таърифий, рекреация, эстетик қийматга эга бўлади. Мазкур ҳудуднинг «миллий боғ» деб аталиши ҳукуматнинг уни барпо этиш ва муҳофаза қилиш бўйича махсус қарор қабул қилиши билан боғлиқдир.

Миллий боғларнинг асосий вазифаси табиат манзараларини абадий асраш, муҳофаза қилиш ҳамда мазкур ҳудуддан рекреацияда фойдаланиш ҳисобланади. Уларда рекреация зоналарни ажратишда қуйидаги схемага амал қилиш талаб этилади: а) рекреацияда экстенсив ўзлаштириладиган ва асосан рекреация ландшафтида экологик мувозанатни (инсон иштирокисиз) таъминлашга ва ташриф буюрувчиларнинг она табиат билан осойишта мулоқотда бўлишини амалга оширишга мўлжалланган участкаларни (кичик зона) белгилаш. Бу ерда пиёда юриш ва ҳаракатланиш йўлга қўйилади, лагерлар барпо этиш, турли қурилишлар ман қилинади; б) чекка (периферия ёки буфер) кичик зона (участка) интенсив рекреацияни амалга ошириш ва туризмнинг баъзи моддий базасини жойлаштиришни таъминлашга мўлжалланади. Бу кичик зонада табиий ва этнотарихий қийматга эга бўлган баъзи кичик қишлоқлар жойлашиши ва уларга қўшилиши мумкин; в) буфер участкадан (рекреация кичик зонасини атрофдаги бошқа ҳудудлардан ажратиб турувчи қалкон) ташқарида юқори комфорт даражасини таъминлайдиган ва миллий боғ ҳудудига кириш, бориб-келинадиган асосий туташ йўллар бўйларидаги жойларда «ташриф марказлари» ташкил этилади ва ривожлантирилади. Бу ерда меҳмонхона (отел), турбаза, мотел, дам олиш уйлари, лагерлар, шунингдек, саёҳат агентликлари, ахборот хизматлари, авто тўхташ жойлари, ижара пунктлари, боғ маъмурияти, музей, экспонатлар тўпланади ва жойлашади.

Миллий боғлар ташриф буюрувчиларни хилма-хил хизмат турлари билан таъминлайди ва катта даромад олишга имкон беради.

Мамлакатимизда 3 та миллий боғ (Угом-Чотқол, Зомин ва Дўрмон) мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 598,7 минг гектарни ташкил этади ва улар мамлакатимизнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг 5,7 % ни эгаллайди.

Угом-Чотқол миллий боғи (574,6 минг га) Ғарбий Тяньшан тоғларининг Ўзбекистон чегараларидаги қисмининг денгиз сатҳидан 900 дан 4000 метргача баландликдаги катта майдонларини эгаллайди. Асосий муҳофаза объектлари тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари (арчазор, ёнғокзор ва б.) бўлиб, улар

айни бир пайтда ғоят катта экотуристтик аҳамият ва салоҳиятга ҳам эга. Бу ерда 1697 та олий ўсимлик турлари (шу жумладан уларнинг 61 таси Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган), 275 турдаги умурткали ҳайвонлар тури (шу жумладан уларнинг 20 таси Қизил китобга киритилган) мавжуд. Миллий боғ умумий майдонининг 19,2 % (110,2 минг га) рекреация, 74,6 % (428,7 минг га) ландшафт, 6,2% (35,7 минг га) кўриқхона функционал зоналарига ажратилган. Боғ ҳудуди денгиз сатҳидан 900 дан 4000 метр гача баландликда жойлашган.

Зомин халқ боғи (241,1 минг га) Помир-Олой тоғ тизими таркибига кирадиган Туркистон тоғ тизимлари ҳудудида жойлашган. Асосий муҳофаза ва рекреация-экотуристтик объекти тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари бўлиб, бу ерда 700 дан ортиқ олий ўсимлик турлари (улардан 11 таси Қизил китобга киритилган), 155 турдаги умурткали ҳайвонлар турлари (улардан 12 таси Қизил китобга киритилган) мавжуд.

“Дўрмон” миллий боғи (32,4 га) Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган.

Биосфера резерватлари рекреация-экотуристтик аҳамияти бўйича миллий боғ ва буюртмахоналар оралиғида турадиган МЭТХ – тури бўлиб, унда барча табиат комплекслари эмас, балки айрим ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонот тури муҳофаза этилади, мазкур ҳудуддан рекреация мақсадларида фойдаланиш имкониятлари анча кўп бўлади. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2011 йилда биринчи марта Бадай тўқай кўриқхонаси базасида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилди. Майдони 67,7 минг га, шу жумладан унинг таркибида кўриқхона зонаси (11,6 минг га, 16,8%), буфер зона (6,7 минг га 9,8%), ўткинчи (оралиқ) зона (50,4 минг га 73,4%) ташкил этилган. Амударёнинг қуйи оқимидаги қайирни, тўқай ўрмонларини эгаллайди.

Бу ерда 419 турдаги олий флора турлари, 43 турдаги балиқ, 2 турдаги амфибия, 29 турдаги судралиб юрувчилар, 246 турдаги куш, 36 турдаги сутэмизувчи фауна мавжуд. Улардан 12 турдаги балиқ, 3 турдаги судралиб юрувчилар, 23 турдаги куш ва бир турдаги сутэмизувчи Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Муҳофаза этиладиган асосий тур Ўзбекистон ва Халқаро Қизил китобига киритилган Бухоро бўғуси бўлиб, унинг резервадаги сони 800 дан кўпроқни ташкил этади. Резерват Қишлоқ ва сув хўжалиги тасарруфига киритилган.

Мавжуд жонсиз табиат объектлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ноёблиги экотуризмни ривожлантиришга муҳим асос бўлиши мумкин.

Буюртмахоналар бир ёки бир нечта тирик мавжудотлар, биогеоценозлар, экологик компонентлар ёки объектларни доимий ёки вақтинча муҳофаза қилишни таъминлаш ва улардан рекреацияда фойдаланиш мақсадларида ташкил этилган МЭТХ ларнинг бир категориясидир. Улар муҳим экотуристтик салоҳият ва имкониятларга эга бўладилар. Бу ерда кўплаб томоша қилиш объектлари (ўсимлик, ҳайвонлар, нафосатли экотизимлар ва б.) бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда 13 та буюртмахона фаолият юритмоқда: 1) Арнасой орнитологик (66,3 минг га), Жиззах вилоятида жойлашган. Учиб ўтадиган ва уя курадиган кушлар муҳофаза қилинади. 2) Денгизкўл орнитологик (50 минг га), Бухоро вилояти. Учиб ўтадиган сувда сузувчи кушларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, яшаш муҳитини асраш; 3) Сайгачий (1 млн га), сайгоқлар, тувалок, йўрға-тувалок каби ҳайвонларни муҳофаза қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси; 4) Судочье орнитологик (50 минг га). Амударё соҳил бўйидаги сув-ботқоқлик жойлари биологик комплексини сақлаб қолиш, учиб ўтадиган кушлар, улар кўпаядиган ва яшайдиган жойларни муҳофаза қилиш. Қорақалпоғистон Республикаси; 5) Қорақир (30 минг га). Қорақир кўли. Учиб ўтадиган, қишлайдиган кушларни ва бошқа ҳайвонларни (жайрон) улар яшайдиган жойларни муҳофаза қилиш. Бухоро вилояти. 6) Сечанкўл (7,0 минг га). Балиқлар, учиб ўтадиган кушларни муҳофаза қилиш. Қашқадарё вилояти. 7) Муборак (264,5 минг га). Йўрға тувалок, булдурук, жайрон ва бошқа ҳайвонларнинг яшаш жойларини муҳофаза қилиш. Қашқадарё вилояти; 8) Оқтоғ (15,4 минг га). Чўл экотизимларини муҳофаза қилиш. Навоий вилояти; 9) Карнабчўл (25 минг га). Йўрға тувалок, булдурук, жайрон ва бошқа ҳайвонларни, бутун Карнабчўл биологик комплексини асраш, муҳофаза қилиш. Навоий вилояти; 10) Нуробод (40 минг га). Ёввойи ҳайвонлар (йўрға тувалок, булдурук, жайрон ва б.) яшаш жойлари ва табиий чўл комплексини муҳофаза қилиш. Самарқанд вилояти; 11) Кўшработ (16,5 минг га). Қизил китобга киритилган йиртқич кушлар, Северцев кўйини, йўрға тувалокни муҳофаза қилиш. Самарқанд вилояти. 12) Сармиш (2,5 минг га). Қора қалхат, кулранг эчкемар ва бошқа ҳайвонларни муҳофаза қилиш. Навоий вилояти.

Буюртмахоналар рекреация-экотуристик саёҳатларни ташкил этишнинг кизиқарли объектлари ҳисобланади. Уларда турли йўналишда саёҳатларни ташкил этишга мўлжалланган рекреация зоналари ва тегишли инфратузилмани ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўрикхоналар ўзларининг расмий мақоми ва мавқеларига кўра тегишли лаборатория, илмий ходимлар штатига эга бўлган, инсон томонидан ўзгартирилган ёки кам ўзгартирилган табиат комплексларида турли илмий тадқиқотларни амалга оширадиган илмий тадқиқот муассасалари ҳисобланади. Уларнинг ҳудудлари хўжаликда фойдаланишдан тўлиқ чиқарилади ва табиат комплекси табиат эталони сифатида асралади ва муҳофаза қилинади. Улар табиатни бойитиш ва ободонлаштириш тадбирларини ҳам амалга оширадilar. Бир вақтнинг ўзида кўрикхоналар аҳоли орасида табиат муҳофазаси ғояларини тарғиб қилиш ишларини амалга оширади. Уларда рекреация-экотуризмни ривожлантириш ҳам муҳим ўринни эгаллайди, чунки кўрикхоналар кўплаб ажойиб ва ғаройиб экотуристик объектлар маконидир.

Дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида кўрикхоналарнинг кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилиши ҳисобга олиниб, улардан рекреация мақсадларида фойдаланиш азалдан давом этиб келаётир. Лекин бу борада қатор мунозарали фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўрикхоналардан рекреацияда фойдаланиш муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг тўғридан-тўғри

вазифаларига ва муҳофаза мақомига зид келиши билан боғлиқдир. Лекин дунё амалиётида кўрикхоналарнинг табиат муҳофазаси ва рекреация функцияларини биргаликда, ўзаро мос ҳолда самарали олиб бориш тажрибалари кўрсатилган зиддиятларни бемалол бартараф этиш мумкинлигини исботлайди. Уларнинг ҳудудларида махсус жихозланган маршрутлар ва сўкмоқлар орқали ҳар йили минглаб сайёҳлар қизиқарли объектларни томоша қилмоқдалар.

Кўрикхоналарда тегишли табиат муҳофазасини ташкил этмасдан ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириб бўлмайди, чунки улар асрлар давомида шаклланган табиат мувозанатини бузишга олиб келади. Кўрикхоналарда ташкил этилмаган оммавий туризмга рухсат бериб бўлмайди, улар табиий ҳолатда табиат эталони ғоясига қарши бўлади. Бунда кўрикхоналарни туризм манфаатларига бемалол мослаштириш мумкин. Бунинг учун кўрикхоналарни ташриф буюрувчиларни қабул қилишга махсус тайёрлаш зарур. Кўрикхоналарда туризм фақат ташкил этилган шаклда амалга оширилиши керак.

Фикримизча, кўрикхона ҳудудларида, асосан, буфер зоналарда махсус рекреация-экотуризм функционал зоналарини ташкил этиш ва шу асосда уларнинг рекреация имкониятларидан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш зарур. Бунда кўрикхона ҳудудларида туристик маршрутларни тайёрлаш, кузатув минораларини, дам олиш уйлари қуриш талаб этилади. Унинг ҳудудларида барча асосий ландшафт турлари, уларнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами мавжуд бўлиши керак. Ҳайвонлар табиий шароитга энг кўп даражада яқинлаштирилган вольерларда жойлаштирилиши, уларнинг устида кузатиш жойлари (нуқталари) бўлиши лозим. Уларнинг яқинида меҳмонхона, мотел ва бошқалардан ташкил топган туристик комплекслар барпо этилади.

Ўзбекистонда 8 та кўрикхона мавжуд бўлиб, улар МЭТХ ларнинг энг қатъий тартибли тури бўлиб, муайян ўсимлик, ҳайвон турлари ва экотизимларни кўриқлаш учун ташкил этилган доимий амал қиладиган МЭТХлар категорияси ҳисобланади.

1. Чотқол биосфера кўрикхонаси (35,7 минг га) Угом-Чотқол миллий боғи таркибига киради. Ғарбий Тяньшан тоғларининг Чотқол тизмаси ҳудудида жойлашган. Ҳудудининг 6,6 минг гектари ўрмонлар, 7 минг га далалар билан банд. Ҳовузлар сони 81 га. Тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари, арчазорлар мавжуд. 1137 турдаги олий ўсимликлар, шундан 31 та тур қизил китобга киритилган, 1000 дан ортиқ турдаги умурткасизлар, 242 турдаги умурткали ҳайвонлар бор, шу жумладан улардан 20 тури Қизил китобга киритилган, Тошкент вилояти. 1993 йилда Халқаро биосфера резерватлари тўри рўйхатига киритилган.

2. Хисор (81 минг га). Хисор тоғларида (1750-4349 м) жойлашган. 56,7 минг га ўрмонлар; яйловлар мавжуд; ботқоқликлар 511 га, дарё ва кўллар майдони 171 га, қиялик ва тоғ ёнбағри тўкилмалари 31,8 минг га; йўл, шудгор ва камишзор далалар мавжуд. Тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари, шу жумладан арчазорлар мавжуд, 800-900 турдаги олий ўсимликлар, улардан 24

таси Қизил китобга киритилган, 1000 га яқин умурткасизлар, 222 турдаги умурткаликлар, улардан 16 таси Қизил китобга киритилган. Қашқадарё вилояти.

3. Қизилқум (10,3 минг га). Тўқай ва чўл экотизимлари. 160 турга яқин олий ўсимликлар, шундан 1 тури Қизил китобга киритилган, 360 турдаги умурткали ҳайвонлар, шундан 30 таси Қизил китобга киритилган. 5,1 минг га майдони ўрмонзор. Бухоро бўғусига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бухоро (1467 га, Ромитан тумани) ва Хоразм (8844 га, Хазарасп тумани) вилоятлари.

4. Зомин (26,8 минг га). Денгиз сатҳидан 1760-3500 м баландликдаги тоғ-арча экотизимлари муҳофаза қилинади. 1192 турдаги олий ўсимликлар, шундан 19 таси Қизил китобга киритилган, 156 турдаги умурткали ҳайвонлар, шундан 12 таси Қизил китобга киритилган. Жиззах вилояти.

5. Зарафшон (2,4 минг га). Зарафшон дарёси қайирлари. Тўқай ва сув-ботқоқ экотизимлари. 207 турдаги олий ўсимликлар, шундан 1 таси Қизил китобга киритилган, 261 турдаги умурткали ҳайвонлар, шундан 30 таси Қизил китобга киритилган. Чиройли Зарафшон қирғовули, қимматли доривор бутачаканда (облепиха), тўқай чангалзорлари муҳофаза қилинади. Хонгулни кўпайтириш ишлари олиб борилади. Самарканд вилояти.

6. Нурота (17,8 минг га). Арид паст тоғ ва ўрта тоғ, ёнғок-мевазор ўрмонлари экотизимлари. Нурота тизмаси ҳудудида жойлашган. 820 турдаги олий ўсимликлар, шундан 33 таси Қизил китобга киритилган, 800 турдан кўпроқ умурткасизлар, 260 турдаги умурткали ҳайвонлар, шундан 26 таси Қизил китобга киритилган. Ўрмонлар майдони 2,5 минг га. Ёнғокнинг ноёб турлари, Северцов кўйлари, эндемиклар, реликт ва ноёб ўсимликлар муҳофаза қилинади. Навоий вилояти.

7. Китоб (3,9 минг га). Зарафшон тизмасининг 1300-2650 м баландликдаги ҳудудида жойлашган. Геологик ва палеонтологик ёдгорликлар, паст тоғ ва тоғ-ўрмон экотизимлари (арчазорлар). 800 турдаги олий ўсимликлар, шундан 1 таси Қизил китобга киритилган, 168 турдаги умурткали ҳайвонлар, шундан 12 таси Қизил китобга киритилган. Қашқадарё вилояти.

8. Сурхон (23,8 минг га). Амударёдаги орол-Орол Пайғамбар (Термиз шаҳри яқинида) ва Кўхитангтоғ тизмаси (1500-3157 м) шарқий ёнбағрида жойлашган иккита мустақил ҳудуддан ташкил топган. Орол-тўқай (Орол Пайғамбар), паст тоғ, арчазор ва ёнғок-мевазор ўрмонлар, 806 турдаги олий ўсимликлар, шундан 39 таси Қизил китобга киритилган, 156 турдаги умурткали ҳайвонлар, шундан 18 таси Қизил китобга киритилган. Ўрмонлар майдони 9,3 минг га. Сурхондарё вилояти.

Кўрикхоналарга берилган қисқача таърифдан кўриниб турибдики, уларнинг кўпчилиги асосан жонли табиат объектларини муҳофаза қилиш мақсадларида ташкил этилган. Ландшафт хилма-хиллиги, ноёб табиат объектларини муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмаган.

Кўрикхоналарнинг давлат бошқаруви Қишлоқ ва сув хўжалиги (Бадай тўқай, Қизилқум, Зомин, Зарафшон, Нурота, Сурхон – жами 6 та), Тошкент вилояти ҳокимияти (Чотқол), табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

(Хисор), Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси (Китоб) томонидан амалга оширилади.

Табиат ёдгорликлари, табиат питомниклари ва бошқа рекреация-экотуристик аҳамиятга эга объектлар. Табиат ёдгорликлари ўлчами кичик табиат объектлари – геологик-геоморфологик очилмалар, катта ёшдаги дарахтлар, ноёб ўсимлик гуруҳлари, ноодатий (экзотик) булоқлар, шаршара, қоя, ғорлар ва бошқалардан иборат бўлиб, улар катта илмий, экологик, тарихий-маданий, рекреация-соғломлаштириш, эстетик аҳамиятига эга бўлган, қайта тикланмайдиган муҳофаза объектлари ҳисобланади. Улар МЭТХ лар умумий майдонининг атиги 0,1 % ни эгаллайди.

Ўзбекистонда 10 та давлат табиат ёдгорликлари мавжуд: 1) Варданзи (124 га) Бухоро вилояти Шофиркон туманида жойлашган. XV аср шаҳарча археологик ёдгорлиги. Ноёб саксовул ўрмонлари, қирғовуллар муҳофаза қилинади; 2) Мингбулоқ (1000 га) Наманган вилоятида жойлашган. Чўл комплекслари, ноёб ва эндемик рептилиялар; 3) Чуст (96 га). Наманган вилояти. Чўл комплекслари, ноёб ва эндемик рептилиялар; 4) Ёзьявон чўллари (1883,4 га). Фарғона вилояти. Чўл ва тўқай комплекслари, ноёб ва эндемик рептилиялар; 5) Янгибозор (470 га) Хоразм вилояти. Чўл ва тўқай комплекслари, ноёб ва эндемик рептилиялар. 6) Акбаробод (39,5 га); 7) Зилха (22,2 га); 8) Бўстонбува (8,5 га); 9) Пайкенд (30 га); 10) Варашта (7 га). Табиат ёдгорликлари умумий майдони 3680,6 га.

Табиат питомниклари (парваришхоналари) табиат муҳофазаси ва биохилма-хилликни асрашнинг энг самарали шаклларида бири бўлиб, улар ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларини кўпайтириш ва парваришлаш билан шуғулланадилар. Питомниклар ҳудудларида унинг максад ва вазифаларига зид бўлган, ўсимлик ва ҳайвонларни асраш, такрор кўпайтириш ва тиклашга хавф туғдирадиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Ўзбекистонда «*Жайрон*» республика экомаркази (16470 га) Бухоро вилоятида фаолият кўрсатиб келаётир. 200 турдаги ўсимликлар, 257 турдаги қушлар, 32 турдаги сутэмизувчилар, 18 турдаги рептилиялар (судралиб юривчилар), 2 турдаги амфибия, 8 турдаги балиқ ва 200 турдан кўпроқ умуртқасиз ҳайвонлар мавжуд. У ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида қолган ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ихтисослашган илмий-ишлаб чиқариш мақомига эга бўлган муассаса ҳисобланади. Экомарказ жайрон, сайғок, қулон, бухоро бугуси (хонгул), Пржевальский оти, йўрға тувалок, бухоро қўйи, морхўр ва бошқа ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш билан муваффақиятли шуғулланиб келмоқда. Экомарказ ҳудудида тутқунлик шароитида ҳайвонларни ўрганиш ва боқиш, кўпайтиришга мослаштирилган вольерлар тизими барпо этилган. Экомарказда ҳайвонлар бош суяқларининг ноёб тўплами (коллекцияси) мавжуд. Булар экомарказни саёҳатлар уюштириладиган муҳим ва қизиқарли объектга айлантиришга имкон беради.

Шунингдек, мамлакатимизда Бухоро вилояти Пешку туманида (майдони 1 га) ва Навоий вилояти Кармана туманида (майдони 1 га) йўрға-тувалок парваришлаш хусусий питомниклари ҳам ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий районлари ва минтақаларида ўрмон хўжалиги корхоналари ва ўрмон майдонларининг тақсимланиши (2015 йил)

№	Иқтисодий районлар ва улар таркибидаги минтақалар	Ўрмон хўжалиги корхоналари сони (дона) ва улуши (%)	Умумий майдони гектар	%
I.	Куйи Амударё			
	1. Қорақалпоғистон Республикаси	15/18,1	4.355.806	46.15
	2. Хоразм	3/3.6	78.668	0.83
	Жами:	18/21.7	4 434 474	46.98
II.	Зарафшон			
	3. Самарканд	7/8.4	27598	0.29
	4. Навоий	6/7.2	2.894642	30.67
	5. Бухоро	12/14.5	608964	6.45
	Жами:	25/30.9	3 531 204	37.41
III.	Жанубий			
	6. Қашқадарё	9/10.8	288 317	3.05
	7. Сурхондарё	6/7.2	300 635	3.19
	Жами:	15/18.0	588 952	6.24
IV.	Мирзачўл			
	8. Сирдарё	2/2.4	7 682	0.08
	9. Жиззах	6/7.2	186 569	1.98
	Жами:	8/9.6	194 256	2.06
V.	Тошкент вилояти	9/10.9	550 882	5.84
	Жами:	9/10.9	550 882	5.84
VI.	Фарғона			
	11. Андижон	1/1.2	2029	0.02
	12. Наманган	4/4.8	124 005	1.32
	13. Фарғона	3/3.6	12 296	0.13
	Жами:	8/9.6	138 330	1.47
	Ўзбекистон Республикаси			
	Жами:	83/100	9438093.1	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Рекреация-экотуризм йўналишида қисман фойдаланишга имкон берадиган объектлар каторига МЭТХ ларнинг VI категориясига кирадиган 83 та ўрмон хўжаликлари (9438,1 минг га) 7-жадвал, 6 та давлат овчилик хўжаликлари (3078,6 минг га), кўп сонли жонсиз табиат объектларини (4-бўлимга қаранг) киритиш мумкин. Улардан ҳамда табиат ёдгорликлари ва питомниклар тизимларидан рекреация-экотуризмнинг асосий йўналишларига қўшимча объект сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Ўзбекистонда ўрмонлар муҳим муҳофаза, сув муҳофазаси, санитария-гигиена, кислород ҳосил қилувчи, иқлимни тартибга солувчи функциялари билан бир каторда соғломлаштирувчи – рекреация функциясини ҳам бажаради. Мамлакатимизнинг ўрмон билан қопланиш даражаси 6,7 %ни ташкил этади. Ўзбекистоннинг умумий ўрмон фонди 8982,2 минг гектар (мамлакатимиз ҳудудининг 20 %) бўлиб, унинг 914,7 минг гектари ёки 10,18 % тоғ, 7785,5 минг гектари чўл (86,68 %), 106,7 минг гектари тўқай (1,19

%), 175,3 минг гектари (1,95 %) водий ўрмонларидан таркиб топган. (Национальней доклад ...2013, с.132)

Ўзбекистон иқтисодий районлари ва улар таркибидаги минтақаларда ўрмон хўжалиги корхоналари ва ўрмон майдонлари тўғрисидаги маълумотлар 15-жадвалда берилган.

15-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимиз ўрмон фондининг асосий қисми (83,27 %) Қорақалпоғистон Республикаси (46,15 %), Навоий (30,67 %), Бухоро (6,45 %) вилоятлари, яъни чўл зонаси улушига тўғри келади. Тошкент (5,84%), Сурхондарё (3,19 %), Қашқадарё (3,05 %), Жиззах (1,98 %) вилоятларида асосан тоғ ўрмонлари фонди (жами ўрмон фондининг 14,06 %) асосий ўринни эгаллайди.

4.4. Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш истикболларини белгилаш

Истикболда экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқариш муаммолари кўп жиҳатдан МЭТХлар тизимида рекреация зоналарини ташкил этиш ва уларнинг ресурс салоҳиятидан фойдаланиш билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда МЭТХ рекреация зоналаридан фойдаланиш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия Кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида асослаб берилган халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгиладиган муҳим 7 та омил методологик асос сифатида қабул қилиниши керак: 1) тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш; 2) туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлиги ортиб бориши билан бевосита боғлиқлиги; 3) халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиши; 4) сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот ва технологияларининг жорий этилгани; 5) туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар даражаси, бюджет маблағлари ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилиши, инфратузилма, меҳмонхона хўжалиги, транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш; сайёҳлик комплексларини барпо этиш тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистикасини ривожлантириш; 6) юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; 7) виза масаласи ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмийликларини соддалаштириш, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий кафолатлар бериш (//Халқ сўзи, 2014 йил 3 октябрь).

Мазкур омилларни экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда амалиётга жорий этиш унинг самарадорлигини оширишда рахбарий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Президентимизнинг "... Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, "Буюк Ипак йўли" брендини кенг жорий этиш тўғрисидаги кўрсатмалари мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришга муҳим амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш истиқболларини белгилашни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз: 1) МЭТХлар тизимини кенгайтириш бўйича мутахассислар тавсияларига асосланиб уларнинг рекреация-эко туристик зоналари майдонларини кенгайтириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш (16-жадвал); 2) иқтисодий район ва минтақаларда истиқболда ташкил этиладиган МЭТХлар турли категорияларида рекреация-эко туризм зоналари майдонларини аниқлаш бўйича тавсиялар (17-жадвал); 3) иқтисодий район ва минтақаларда мавжуд ва истиқболда ташкил этиладиган МЭТХларда рекреация-эко туризм зоналарни барпо этиш, уларнинг майдонларини аниқлаш ва уларни балл тизимида баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш (18-жадвал) бўйича тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш.

16-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимизда мавжуд 29 та МЭТХларни яна 29 тага кўпайтириш, уларнинг умумий майдонини мавжуд 2317 минг гектардан кўшимча яна 8144,2 минг гектарга кўпайтириш ва умумий майдони 10461,2 минг гектарга ($2317000+8144200=10461200$ гектар) етказиш, яъни МЭТХлар майдонини 4,97 марта кўпайтириш тавсия этилмоқда. МЭТХлар умумий майдонининг 10 % рекреация-эко туристик зонага ажратилса, мазкур зонанинг майдони 1046,1 минг гектарга етади. Уларнинг эко туристик сифими 1 гектарга 1 киши-кун ҳисобида 1046,1 минг кишини ташкил этади (халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи тавсияси асосидаги тахминий умумлаштирилган ҳисоблар). Бундай даражага эришиш рекреация-эко туризм соҳасини ривожлантиришга улкан имконият ва ресурс салоҳияти ҳамда ғоят қулай шароитни яратади.

Ўзбекистонда истикболда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини кенгайтириш бўйича тавсияларга мувофиқ уларнинг рекреация-экотуристик зоналари майдонларини кенгайтириш бўйича тавсиялар

№	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими	Муҳофаза этиладиган объектлар номи	Майдони минг га	Рекреация-экотуристик зоналар		Минтакалар: Республика (р), вилоят
				Майдони минг га	%	
I.	Қўриқхоналар	1. Жанубий Устюрт	1 420,9	142,0	17,5	Қорақалпоғистон Р.
		2. Шимолий Устюрт	1 224,8	122,5	15,1	Қорақалпоғистон Р.
		3. Сурхон кўриқхонасини кенгайтириш	72,5	7,2	0,9	Сурхондарё
		4. Боботоғ	93,3	9,3	1,1	Сурхондарё
		5. Юқори Пском	212,1	21,2	2,6	Тошкент
		6. Чоткол кўриқхонаси Майдонтол участкасини кенгайтириш	16,5	1,6	0,1	Тошкент
		7. Ангрен платоси	109,0	10,9	1,3	Наманган
		Жами	314,7	314,7	38,8	
II.	Табиат боғлари	8. Марказий Қизилкум миллий боғи	1083,9	108,4	13,3	Навоний
		9. Жануби-Ғарбий Хисор миллий боғи	683,8	68,4	8,4	Қашқадарё, Сурхондарё
		10. Октов тизмаси табиат боғи (махаллий аҳамиятга эга)	82,0	8,2	1,0	Навоний, Самарканд
		11. Шохмардон табиат боғи (махаллий аҳамиятга эга)	3,9	0,4	0,01	Фарғона
				Жами	1853,6	185,4
III.	Биосфера резерватлари	12. Қуйи Амударё	162,3	16,2	2,0	Қорақалпоғистон Р.
		13. Султонувайс кластер участкаси (Қуйи Амударё биосфера резервати)	45,6	4,6	0,6	Қорақалпоғистон Р.
		14. Нурота-Қизилкум	1111,1	111,1	13,7	Жиззах, Самарканд, Навоний
				Жами	1318,9	131,9
IV.	Муҳофаза зонаси	15. Қизилкум кўриқхонаси муҳофаза зонаси	13,5	1,3	0,1	Бухоро
		16. Шавозсой муҳофаза зонаси (Чоткол кўриқхонаси Бешқизилсой участкаси)	5,0	0,5	0,01	Тошкент
V.	Буюртмахоналар	17. Борсақелмас чўкмаси	528,8	52,9	6,5	Қорақалпоғистон Р.
		18. Судочье кўллар тизими	84,7	8,5	1,0	Қорақалпоғистон Р.
		19. Тикланиш реликт ороли	55,4	5,5	0,7	Қорақалпоғистон Р.
		20. Окдарё-Козокдарё Дарёлар оралиғи	22,4	2,2	0,3	Қорақалпоғистон Р.
		21. Акпетки	587,7	58,8	7,2	Қорақалпоғистон Р.
		22. Белтов	188,3	18,8	2,3	Қорақалпоғистон Р.
		23. Қулжуктов	174,2	17,4	2,1	Бухоро, Навоний
		24. Томди Октови	15,1	1,5	0,2	Навоний
		25. Ўнгкиргок-Дарё адирлари	51,5	5,1	0,6	Қашқадарё
		26. Келиф-Шеробод қирлари	46,0	4,6	0,5	Сурхондарё
		27. Музробот	11,0	1,1	0,1	Сурхондарё
		Жами	1765,0	176,5	21,8	
VI.	Миллий боғлар муҳофаза зонаси кластери	28. Суренота тизмаси муҳофаза зонаси	3,4	0,3	0,01	Тошкент
		29. Майгашкон тизмаси муҳофаза зонаси	5,6	0,5	0,0	Тошкент
				Жами	9,0	0,9
		Жами умумий майдони (I-VI)	8114,1	811,4	100	

Маъба: Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане. Ташкент.: Baktria press, 2013, с. 12.

Изоҳ: Рекреация-экотуристик зоналар майдони халқаро амалиётда уларга ажратилдиган нормативга (10 %) асосланиб ҳисобланди.

									Шарҳот қилини	12) Муҳаббат	1,1	0,7	9,3	2,2
IV.	Жами	68,4	36,7						12) Муҳаббат	10,8	6,1	16,2	5,2	11,8
	Мирчафул													
	8) Сирдарё													
	9) Жиззах							3) Нурота- Қўشқўм (Самарқанд, Навоий в. бўдан биргаликда)						
	Жами													
	Тошкент													
V.	10) Тошкент шаҳри													
	11) Тошкент в.											21,2	6,7	
		Миллий бағлар муҳофаз жонаси квартлари												
		3) Қўрғоқ а. тизмаси	0,3	0,1								1,6	0,5	
		4) Майғаш қий тизмаси	0,5	0,3								0,5	0,5	
	Жами	0,8	0,4									23,3	7,4	3,0
VI.	Фарғона													
	12) Анджон													
	13) Наманган													
	14) Ферғона	5) Шохкиш рўзи	0,4	0,2								10,9	3,4	
	Жами	0,4	0,2									10,9	3,4	1,4
	Ўзбекистон Республикаси													
	Жами	186,4	100	131,9	100	176,4	100	316,5	100	810,7	100	810,7	100	100

Мабса. 17-жадвал маълумотлари 8-жадвал (истикболда ташкил этиш тавсия этилган МЭТХлар тизими) маълумотларига асосланиб ишлаб чиқилган.

МЭТХлар умумий майдонининг 10461,2 минг гектарга етказилиши уларнинг мамлакат умумий худудидаги улушини 23,3 фоизга етказишга имкон беради. Тавсияларга кўра, МЭТХлар сони ва майдонини кўпайтиришнинг энг катта ўзгариши Қорақалпоғистон Республикасида содир бўлади: янгидан 2 та кўрикхона, 2 та биосфера резервати, 6 та кўрикхона, жами 10 та объект ташкил этилади; уларнинг умумий майдони кўшимча 4320 минг гектарга кўпаяди, бу мамлакатимизда МЭТХлар худудининг истикболда кўпайишининг 53,3 %ига тенг бўлади. Қорақалпоғистон Республикасида МЭТХлар умумий майдони истикболда 5376,5 минг гектарга етади ва умумий худуддаги унинг улуши 32,3 %ини ташкил этади. Қорақалпоғистонда рекреация-экотуризм зонаси майдони 537,7 минг гектарга етказилиши мумкин. Рекреация-экотуризмни ривожлантиришни истикболда бошқариш учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлардан яна бири мамлакатимизда 4 та миллий боғ, 3 та биосфера резерватларини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиялар ҳисобланади. Улар қаторига улкан Марказий Қизилқум миллий боғи (1083,9 минг га, Навоий вилояти) ва Жануби-Ғарбий Ҳисор миллий боғи (683,8 минг га, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), маҳаллий аҳамиятга эга Октов тизмаси табиат боғи (82 минг га, Навоий ва Самарқанд вилоятлари), Шоҳимардон табиат боғи (3,9 минг га, Фарғона вилояти), Қуйи Амударё бисофера резервати (162,3 минг га, Қорақалпоғистон Республикаси), Султонувайс кластер участкаси (Қуйи Амударё биосфера резервати, 45,6 минг га, Қорақалпоғистон Республикаси), улкан Нурота-Қизилқум биосфера резервати (1111,1 минг га, Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари), шунингдек миллий боғлар (Угом-Чотқол) муҳофаза зонаси кластери- Суренота тизмаси муҳофаза зонаси (3,4 минг га, Тошкент вилояти), Майгашкон тизмаси муҳофаза зонаси (5,6 минг га, Тошкент вилояти) киради.

Сурхондарё вилоятида ҳам муҳим ўзгаришларни амалга ошириш тавсия этилган: Жануби-ғарбий Ҳисор миллий боғининг Сурхондарё участкаси, 2 та кўрикхона (Сурхон кўрикхонасини кенгайтириш (72,5 минг га), Боботоғ кўрикхонаси (93,3 минг га), 2 та буюртмахона (Келиф-Шеробод қирлари (46 минг га), Музробот (11 минг га). Бу ўзгаришлар вилоятда МЭТХ майдонини кўшимча 560 минг гектарга кўпайтиришга, уларнинг умумий майдонини 587,7 минг гектарга, вилоят худудида МЭТХ лар улушини 29,2 % га етказишга имкон беради. Шуларга мос ҳолда рекреация-экотуризм зонаси майдони 84 минг гектарга етиши мумкин.

Истикболда Тошкент вилоятида кўшимча 1 та кўрикхона (Юкори Пском, 21,2 минг га), Чотқол кўрикхонаси Майдонтол участкасини кенгайтириш (16,5 минг га), Шавозсой муҳофаза зонаси (Чотқол кўрикхонаси Бешкизилсой участкаси, 5 минг га), Угом-Чотқол миллий боғи муҳофаза зонаси кластери (Суренота тизмаси (3,4 минг га), Майгашкон тизмаси (5,6 минг га) ташкил этиш ҳисобига МЭТХ лар майдони кўшимча 51,7 минг гектарга кенгайди ва уларнинг умумий майдони 671,5 минг гектарни ташкил этади ёки МЭТХ ларнинг вилоят худудида эгаллаган улуши Ўзбекистон минтақаларида энг юкори кўрсаткичга – 44 % га етади.

Бошқа ўзгаришлардан яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) Фарғона водийси тарихида биринчи марта 2 та МЭТХ ни ташкил этиш тавсия этилди: а) маҳаллий аҳамиятга эга Шохимардон табиат боғи (3,9 минг га, Фарғона вилояти); б) Ангрен платоси кўриқхонаси (109 минг га, Наманган вилояти), 2) Навоий вилоятида Томди Октови буюртмахонаси (15,1 минг га, Қулжуктов буюртмахонаси ((174,2 минг га, Бухоро, Навоий вилоятлари), Қашқадарё вилоятида Ўнқирғоқ-Дарё адирлари буюртмахонаси (51,5 минг га,) ташкил этилиши ва бошқа ўзгаришлар.

Шу билан бир каторда мазкур тавсияларда, фикримизча, қуйидаги 2 та жиддий камчилик борлигини ҳам кўрсатиш керак: 1) инсоният таракқиётининг энг қадимги марказларидан бири ва экологик вазият ғоят мураккаб бўлган (шўрланиш) Хоразм вилояти, Ўзбекистонда табиатга антропоген босим энг юқори бўлган (аҳоли зичлиги, индустриал ва аграр босим) Андижон вилояти, ҳудуди деярли тўлиқ янги ўзлаштирилган ерлардан таркиб топган ва экологик вазият мураккаб бўлган (шўрланиш) Сирдарё вилоятлари МЭТХлар тизимига киритилмаган ва уларда ҳозирги қадар (табиат ёдгорликларини ҳисобга олмаганда) бирорта МЭТХ объекти мавжуд эмас ва уларни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмаган; 2) МЭТХлар объектларини 2-3 вилоятларда биргаликда ташкил этиш тўғрисидаги тавсиялар уларни бошқаришни мураккаблаштиради ва кийинлаштиради, уларни маҳаллий ва минтақавий иқтисодиётга интеграциялашга, ишонарли ахборотларни тўплашга имкон бермайди, ва умуман оптимал бошқариш принципларига зид келади ва рекреация-экотуризмни ривожлантиришни бошқаришга қатта тўсик бўлади. Шундай объектларга қуйидаги 3 та ҳолат мисол бўлади: а) Жануби-ғарбий Ҳисор миллий боғи (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари); б) Октов тизмаси табиат боғи (Навоий ва Самарқанд вилоятлари); в) Нурота-Қизилқум биосфера резервати (Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари).

МЭТХларни битта минтақа ҳудудида ташкил этиш уларни қулай бошқаришга қулай шароит яратади. Бу камчиликлар лойихалаштириш босқичига қадар тузатилиши зарур.

17-жадвалда янги ташкил этиладиган МЭТХларнинг турли категорияларида рекреация-экотуристик зоналарини ташкил этиш ва уларнинг майдонларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

17-жадвалда мамлакатимиз иқтисодий районлари ва минтақаларида истиқболда ташкил этиш тавсия этилган МЭТХ барча категорияларида ҳамма объектларда рекреация-экотуризм зоналарининг майдони ва уларнинг Ўзбекистон МЭТХлар тизимидаги улуши, якуний натижалар ва уларнинг МЭТХлар умумий майдонида эгаллаган ўрни (улуши) кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимиз рекреация-экотуристик зоналари умумий майдонининг 53,3 % Қуйи Амударё иқтисодий райони (Қорақалпоғистон Республикаси), 30,5 % Зарафшон райони, 11,8 % Жанубий райони, 3 % Тошкент райони, атиги 1,4 % Фарғона райони улушига тўғри келади.

18-жадвалда иқтисодий районлар ва минтақаларда мавжуд ва истиқболда ташкил этиладиган МЭТХларда рекреация-экотуристик зоналарини ташкил этиш, уларнинг майдонини аниқлаш, турли категориядаги МЭТХларни балл тизимида баҳолаш кўрсаткичлар берилган.

17-жадвалда МЭТХлар турли категориялари рекреация-экотуристик зоналари майдонларининг hozirgi mavjud holati va istikbolda kўpайиши кўрсаткичлари, уларнинг йиғиндиси ва якуний кўрсаткичлари берилган, МЭТХлар турли категориялари ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларига кўра балл тизимида баҳоланган. Бундай тартибда амалга оширилган таҳлил ва баҳолаш экотуризмни иқтисодий район ва минтақалар ҳамда мамлакат бўйича бошқариш аниқлиги ва тартиби, самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳисобларни амалга оширишда 2 ёки 3 та вилоят ҳудудларида ташкил этиладиган яхлит миллий боғлар, биосфера резерватлари, буюртмахоналар сони, рекреация зоналари майдонлари тегишли вилоятлар кўрсаткичларида 0,3 (3 та вилоят таркибида ташкил этилганда) ёки 0,5 (2 та вилоят таркибида ташкил этилганда) коэффициентда ҳисоблаб чиқилди ва *(юлдузча) белгисида кўрсатилди. Мисол учун Нурота-Қизилқум биосфера резервати 3 та вилоят ҳудудида ташкил этилган, шу сабабдан Самарканд, Жиззах, Навоий вилоятларининг ҳар биттаси кўрсаткичларида уларнинг сони 0,3, рекреация майдони 111,1 минг га: $3=37$ минг гектарга тенг деб ҳисобланган. Яна бир мисол: Жануби-Ғарбий Ҳисор миллий боғи кўрсаткичлари 2 та вилоят Қашқадарё ва Сурхондарёга тенг тақсимланди: сони $1:2=0,5$, рекреация зонаси майдони 68,4 минг га: $2=34,2$ минг га.

Якуний ҳисоблаш (мавжуд ҳолат ва истикболда ташкил этиладиган МЭТХлар тизими кўрсаткичларини жамлаш асосида олинган натижалар) кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистонда МЭТХларнинг рекреация-экотуристик зоналарининг истикболдаги умумий майдони 1065,5 минг гектарга тенг бўлади. Шундан 538,2 минг гектар ёки умумий майдонининг 50,5 % Қуйи Амударё иқтисодий райони (асосан Қорақалпоғистон Республикаси) ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи ўринни Зарафшон иқтисодий райони (242,5 минг га ёки 22,8 %, шу жумладан Навоий вилояти улуши 15,9 %) эгаллайди. Жанубий иқтисодий район (134,4 минг га ёки 12,6 %) учинчи ўринга кўтарилади. Тошкент иқтисодий райони (асосан Тошкент вилояти) ҳам 86,1 минг га майдонга ёки 8,1 % улушга эга бўлади (тўртинчи ўрин). Мазкур тўртта район биргаликда республикамиз МЭТХлар тизими рекреация-экотуристик зоналари майдонининг 94 % ни (1001,2 минг га) эгаллайди. Мирзачўл райони (асосан Жиззах вилояти) 4,7 % (50,1 минг га) ва Фарғона райони атиги 1,3 % (14,2 минг га) улушга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий районлари ва минтакаларида мавжуд ва истиқболда ташкил этиладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда рекреация-эко туристик зоналарни барпо этиш, уларнинг майдонларини янгилаш ва уларни балл тизимида баҳолаш кўрсаткичлари

№	Иқтисодий район ва минтакалар (вилоятлар)	МЭТХлар сони (дона)	МЭТХлар рекреация-эко туристик зонаси майдони, минг га				МЭТХлар турли категорияларини балл тизимида баҳолаш ва уларнинг сони (дона)										Умумий якуний баҳолаш: жами баллар		
			Мавжуд	Истиқболда	Жами	%	5 балл		4 балл		3 балл		2 балл		1 балл		МЭТХлар сони	балл	%
							сони (дона)	балл	сони (дона)	балл	сони (дона)	балл	сони (дона)	балл	сони (дона)	балл			
I.	Қўйи Амударё																		
	1) Қорақалпоғистон Республикаси	13	105,7	432	537,7	50,5													
	2) Хоразм	1	0,5		0,5	0,01													
	Жами	14	106,2	432	538,2	50,5													
II.	Зарафшон																		
	3) Самарқанд	4,8*	8,3	41,1	49,4	4,6													
	4) Навоий	4,5*	9,5	159,7	169,2	15,9													
	5) Бухоро	7,5*	14,4	9,5	23,9	2,2													
	Жами	16,8	32,2	210,3	242,5	22,8													
III.	Жанубий																		
	6) Қашқадарё	4,5	30,6	39,3	69,9	6,6													
	7) Сурхондарё	5,5	2,8	61,5	64,5	6,0													
	Жами	10,0	33,4	100,8	134,4	12,6													
IV.	Мирзачўл																		
	8) Сирдарё																		
	9) Жиззах	4,3	13,1	37,0	50,1	4,7													
	Жами	4,3	13,1	37,0	50,1	4,7													
V.	Тошкент																		
	10) Тошкент шаҳри																		
	11) Тошкент	7	62,0	24,1	86,1	8,1													
	Жами	7	62,0	24,1	86,1	8,1													
VI.	Фарғона																		
	12) Андижон																		
	13) Наманган	3	1,1	10,9	12	1,1													
	14) Фарғона	2	1,8	0,4	2,2	0,2													
	Жами	5	2,9	11,3	14,2	1,3													
	Ўзбекистон Республикаси																		
	Жами	58	249,8	815,5	1065,5	100													

Манба: 17-жадвал маълумотлари 14-жадвал (мавжуд ҳолат) ва 16-жадвал маълумотларини (истикбол кўрсаткичлари) жамлаш асосида ишлаб чиқилган.


Илоҳ: 2 ёки 3 вилоят таркибида ташкил этиладиган барча МЭТХлар турлари (миллий боғ, биосфера резервати, буюртмаҳоналар, буюртмаҳона сони, майдони, рекреация зоналари) ҳисобларда тегишли вилоятларда тенг миқдорда 3 та вилоят бўйича 0,3 ёки 2 та вилоят бўйича 0,5 коэффициентда тақсимланди ва улар * белгиси билан кўрсатилди.

МЭТХлар рекреация-эко туристик зоналарининг ҳар битта объектини белгиланган балл тизими мезонларида баҳолаш натижалари якунларига кўра, республикамизда Зарафшон иқтисодий райони энг катта салмоққа (29,1 %) эга бўлади. Иккинчи ўрин (26,3 %) Қуйи Амударё (асосан Қорақалпоғистон Республикаси), учинчи ўрин (18,2 %) Жанубий район, тўртинчи ўрин (14,1 %) Тошкент райони (асосан Тошкент вилояти) ҳиссасига тўғри келади. Мазкур 4 та районнинг умумий улуши 87,7 % га тенг бўлади. Мирзачўл райони (асосан Жиззах вилояти) ҳам катта улушга (9 %) эга. Фарғона иқтисодий райони ҳиссасига республика умумий кўрсаткичининг атиги 3,3 % тўғри келади. Истикболни белгилашда МЭТХлар турли категориялари рекреация-эко туристик зоналарининг эко туристик сиғимини аниқлаш муҳим ўрнини эгаллайди. Эко туристик сиғимини аниқлашга назарий ёндашувлар мазкур тадқиқотнинг учинчи бўлимида таърифланган эди. Бу муаммо кўрсаткичларини тегишли мутахассислар иштирокида махсус тадқиқотларни амалга ошириш натижаларига асосланиб аниқлаш мумкин.

4.5. Ўзбекистонда эко туризмдан олинган даромадлар ҳажмини прогношлаш

Дастлабки статистик маълумотлар ва таҳлиллар

Ўзбекистонда эко туризмдан олинган даромад динамикасига таҳлиliga кўра (1-расм) мазкур динамикада 1999 йил (3,415 млрд.сўм), 2002 йил (8,557 млрд.сўм) ҳамда 2004 йил (11,723 млрд.сўм)ларда олдинги йилларга нисбатан, пасайиш йўналишларини кузатишимиз мумкин. Қолган барча йилларда эса, мазкур кўрсаткичнинг барқарор ўсиш йўналишлари кузатилади.



1-расм. Ўзбекистонда эко туризмдан олинган даромад динамикаси (млрд.сўм)

Манба: “Ўзбектуризм” МК маълумотлари асосида тузилган.

Мазкур йўналиш график ифодаланиши нуктаи назаридан икки функцияга яқин бўлган графикни ифода этади. Булар – кубик парабола функцияси ҳамда экспоненциал функция.

Прогнозлаш масаласининг математик қўйилиши

Республика экотуризмидан олинган даромадлар ҳажмини прогнозлашда тренд модели танлаб олинди. Мазкур модел ҳисобланаётган кўрсаткични вақт омилига нисбатан монотон бўлишини назарда тутуди ва бизда қаралаётган иқтисодий жараёнда бундай хусусиятнинг мавжудлиги, таҳлил этилаётган динамиканинг узлуксиз эканлигини инобатга олади.

Амалиётда ҳақиқий динамика қатори маълумотларига асосланиб тренд тенгламаси шаклини аниқлаш мураккаб масала бўлиб, энг мақбул деб топилган тренд тенгламаси $\sum (y_i - \hat{y}_i)^2 = \min$ шартни қаноатлантириши лозим.

Биринчи вариант. Биринчи вариантда танлаб олинган тренд тенгламаси кубик парабола функциясидан иборат бўлиб, унинг номаълум параметрлари (a_0, a_1, a_2, a_3) шундай аниқланиши керакки, уларнинг аниқланган қийматларида функция $F(a_0, a_1, a_2, a_3)$ ўзининг энг кичик қийматига эришсин:

$$F = \sum_{i=1}^3 (y_i - \hat{y}_i)^2 = \sum_{i=1}^3 (y_i - a_0 - a_1 t - a_2 t^2 - a_3 t^3)^2 \rightarrow \min$$

Маълумки, функция ўзининг минимум қийматларига эришадиган нукталарида унинг хусусий ҳосилалари нолга тенг бўлади:

$$\frac{\partial F}{\partial a_0} \cong \frac{\partial F}{\partial a_1} \cong \frac{\partial F}{\partial a_2} \cong \frac{\partial F}{\partial a_3} \cong 0 \text{ яъни,}$$

$$\begin{cases} \frac{\partial F}{\partial a_0} = \sum_{i=1}^3 (y_i - a_0 - a_1 t - a_2 t^2 - a_3 t^3) \times 1 = 0, \\ \frac{\partial F}{\partial a_1} = \sum_{i=1}^3 (y_i - a_0 - a_1 t - a_2 t^2 - a_3 t^3) \times t = 0, \\ \frac{\partial F}{\partial a_2} = \sum_{i=1}^3 (y_i - a_0 - a_1 t - a_2 t^2 - a_3 t^3) \times t^2 = 0, \\ \frac{\partial F}{\partial a_3} = \sum_{i=1}^3 (y_i - a_0 - a_1 t - a_2 t^2 - a_3 t^3) \times t^3 = 0. \end{cases}$$

Регрессия тенгламасининг параметрларини аниқлаш учун қуйидаги нормал тенгламалар системасини ечиш мақсадга мувофиқдир:

$$\begin{cases} a_0 n + a_1 \sum t + a_2 \sum t^2 + a_3 \sum t^3 = \sum y_t, \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 + a_2 \sum t^3 + a_3 \sum t^4 = \sum y_t t, \\ a_0 \sum t^2 + a_1 \sum t^3 + a_2 \sum t^4 + a_3 \sum t^5 = \sum y_t t^2, \\ a_0 \sum t^3 + a_1 \sum t^4 + a_2 \sum t^5 + a_3 \sum t^6 = \sum y_t t^3. \end{cases}$$

Бунда n – кузатувлар сони, t – вақт оралиғи, a_0 – озод ҳад, a_1, a_2, a_3 – регрессия коэффициентлари.

Келтирилган нормал тенгламалар системасини ечиш орқали биз, учинчи даражали полином функциянинг коэффициентларини аниқлаш имкониятига эга бўламиз (3 пунктда кубик парабола функциясининг параметрлари аниқланган).

Иккинчи вариант. Иккинчи вариантда танлаб олинган тренд тенгламаси экспоненциал функциядан иборат бўлиб, унинг вақт омилига нисбатан функциясининг математик ифодаси қуйидагидан иборат:

$$y = a_0 e^{a_1 t}$$

Агар мазкур функцияни икки томонини натурал логарифласак, у ҳолда қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$\ln y = \ln a_0 + a_1 t$$

Функциянинг параметрларини аниқлашда кичик квадратлар усулига кўра қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$S = \sum (\ln a_0 + a_1 t - \ln y)^2 \rightarrow \min$$

Демак, мазкур шартга асосан нормал тенгламалар тизимини келтирамиз:

$$\begin{cases} n \ln a_0 + a_1 \sum t = \sum \ln y \\ \ln a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum t \ln y \end{cases}$$

Агар ушбу нормал тенгламалар тизимини озод ҳад ва регрессия коэффициентига нисбатан ечадиган бўлсак, у ҳолда топиш имкониятларига эга бўламиз:

$$\ln a_0 = \frac{\sum t^2 \sum \ln y - \sum t \sum t \ln y}{n \sum t^2 - (\sum t)^2} \quad \text{ва} \quad a_1 = \frac{n \sum t \ln y - \sum t \sum \ln y}{n \sum t^2 - (\sum t)^2}$$


Кейинги 3 пунктда экспоненциал функция параметрлари аниқланган.

Вариантлар бўйича эмпирик натижалар ва уларнинг интерпретацияси

Юқорида кўриб чиқилган биринчи вариантдаги кубик парабола функциясини нормал тенгламалар тизимига асосан ечиб, унинг параметрларини қуйидагиларга тенг эканлигини аниқлаб оламиз:

$$a_0 = -0.8497, \quad a_1 = 3.2412, \quad a_2 = -0.7671 \quad \text{ҳамда} \quad a_3 = 0.0742$$

Кубик параболанинг параметрлари асосида ҳосил бўлган экотуризмдан кўрилган даромад динамикасининг ретроспектив йўналиши қуйидаги графикда ўз ифодасини топади:




2-расм. Ўзбекистонда экотуризмдан олинган даромад динамикасининг кубик парабола функцияси бўйича ретроспектив йўналиши (млрд.сўм)

Энди юқорида кўриб ўтилган иккинчи вариантдаги экспоненциал функция параметрини нормал тенгламалар тизимига асосан ечиб, унинг қуйидаги қийматга тенг эканлигини аниқлаймиз:

$$a_0 = 0.2996$$

Экспоненциал функция параметри асосида ҳосил бўлган экотуризмдан олинган даромад динамикасининг ретроспектив йўналиши қуйидаги графикда ўз ифодасини топади:



3-расм. Ўзбекистонда экотуризмдан олинган даромад динамикасининг экспоненциал функция бўйича ретроспектив йўналиши (млрд.сўм)

Юқоридаги таҳлил ва йўналишлардан маълум бўладики, Ўзбекистонда экотуризмдан олинган даромад динамикасини яхши ифода этадиган функция *экспоненциал функция*дир.


Демак, бундан экотуризмдан олинган даромад динамикасининг тренд тенгламаси $\hat{y}_t = 1.3521e^{0.2996t}$ функциядан иборат эканлиги келиб чиқади. Шунингдек, мазкур экспоненциал функциянинг вақт омили билан ҳосил қилган детерминация коэффиценти $R^2 = 0.9478$ га тенг бўлади.

Ўз навбатида, *детерминация коэффиценти* – экотуризмдан олинган даромад динамикаси умумий ўзгарувчанлигининг қанча қисми вақт омили ҳиссасига тўғри келишини кўрсатиб беради.

Демак, таҳлил натижаларига кўра, прогнозлашда полином функция даражасининг ортиб бориши билан экотуризмдан олинган даромад йўналиши вақт омили билан ҳосил қилган детерминация коэффиценти ҳамда прогноз аниклиги ортиб боради.

Ўзбекистонда экотуризмдан олинган даромад динамикаси 2016-2020 йиллардаги прогноз қийматларига кўра, 2016 йилда сохадан келадиган даромад ҳажми 699,81 млрд.сўмни, 2017 йилда 942,35 млрд.сўмни, 2018 йилда 1268,97 млрд.сўмни, 2019 йилда 1708,78 млрд.сўмни ҳамда 2020 йилга бориб мазкур кўрсаткич 2301,04 млрд.сўмни ташкил этиши кузатилади.

Демак, аниқланган прогноз қийматларига кўра, 2020 йилда экотуризмдан олинадиган даромад ҳажми 2015 йилнинг мазкур мазкур кўрсаткичига нисбатан 4,42 марта кўп бўлади.



4-расм. Ўзбекистонда экотуризмдан олинган даромад динамикасининг 2016-2020 йилларда прогноз қийматлари (млрд.сўм)

Прогнознинг аниклиги ва сифатини баҳолаш

Математик моделларнинг прогноз хусусиятларини баҳолаш учун одатда мезон сифатида ўзгарувчининг ретроспектив, прогноз ва амалий қийматлари ўртасидаги корреляция коэффициентидан фойдаланилади. Лекин, прогноз қилинган ва кузатилган қийматлар ўртасидаги корреляциянинг юқори коэффициенти ҳар доим ҳам яхши синалганлиги ҳақида далолат беравермайди, шунинг учун Тейл прогноз аниклигининг муқобил ўлчови сифатида U коэффициент таклиф этилади:

$$U = \frac{\left[\frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (F_i^* - F_i)^2 \right]^{\frac{1}{2}}}{\left[\frac{1}{n} \sum_{i=1}^n F_i^{*2} \right]^{\frac{1}{2}} + \left[\frac{1}{n} \sum_{i=1}^n F_i^2 \right]^{\frac{1}{2}}}$$

Бу ерда: F_i^* - i йилдаги прогноз баҳоси, F_i - i йилдаги амалдаги қиймат.

U - Тейл коэффициенти $0 \leq U \leq 1$ ораликда ўзгариб туради. Прогноз аниклиги қанчалик юқори бўлса, $U \rightarrow 0$ коэффициент шунчалик нолга интилади. U - Тейл коэффициенти фақат прогнознинг аниклигини ўлчайди, аммо, прогнозлашдаги хатоларнинг йўналиши ҳақида батафсил маълумот бермайди. Шунинг учун тегишли кузатилган қийматлар $|F_i|$ ўрнига $|F_i^*|$ прогноз қийматини қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, прогноз ва амалий қиймат ўртасидаги фарк $|F_i^* - F_i|$ прогнозлашнинг хатосини кўрсатади. Жумладан, $F_i^* - F_i = 0$ бўлса, прогноз аъло, $|F_i^* - F_i| \geq 0$ бўлганда тенденцияга ортиқча баҳо бериш, $|F_i^* - F_i| < 0$ бўлганда эса етарли баҳо бермаслик бўлади.

Навбатдаги прогноз сифатини баҳоловчи муҳим индикатор бу - ўртача мутлак фоиз хатоси бўлиб (*Mean Absolute Percentage Error*), у қуйидагича ҳисобланади:

$$MAPE = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n-1} \frac{|F_i - F_i^*|}{F_i} \cdot 100\%$$

Мазкур прогноз мезонига кўра, $MAPE < 10\%$ - прогноз аниклиги юқори, $10\% < MAPE < 20\%$ - прогноз аниклиги яхши, $20\% < MAPE < 50\%$ - прогноз аниклиги қониқарли ҳамда $MAPE > 50\%$ - прогноз аниклиги қониқарсиз ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида аникланган ҳисоб-китобларга кўра, Тейл коэффициенти 0,01 қийматни ҳамда прогнознинг ўртача мутлак фоиз хатоси эса (*Mean Absolute Percentage Error*) 6,13 % ни ташкил этади. Бундан мазкур прогнознинг аниклиги жуда юқори эканлиги келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, прогнозлаш вақт бўйича ҳисобланаётган натижа кўрсаткичини вақт омилига нисбатан монотон бўлишини назарда тутди. Акс ҳолда бу олинган натижа кўрсаткичининг келгусидаги реал ҳолатини кўрсатиб бера олмайди. Агар функция монотон бўлмаса, у ҳолда вақтли функциянинг бошқа кўринишларидан фойдаланилади, сўнгра прогноз қийматлари топилади.

Олинган натижаларга кўра, 2020 йилга бориб Ўзбекистонда экотуризмдан олинадиган даромад, 2301,04 млрд.сўмни ташкил этиши мумкин. Мазкур кийматнинг хатолик даражаси Тейл коэффициентини бўйича 0,01 кийматни ҳамда прогнознинг ўртача мутлақ фоиз хатоси бўйича (*Mean Absolute Percentage Error*) 6,13 %ни ташкил этган ҳолда амалга оширилган прогнознинг сифати юқори эканлигини кўрсатади.

4-боб бўйича хулоса ва тавсиялар

Миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида туристик-рекреация мажмуасининг ўрни унинг мамлакат ички ялпи маҳсулоти ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги улуши билан белгиланиши, уни ривожлантириш эса аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлиги ошиб бориши ва мавжуд ресурс салоҳияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу асосда мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг жадал суръатлари билан юксалиб бориши, улкан ресурс салоҳияти мавжудлиги мамлакатимизда кўп тармоқли туризм индустриясини барпо этишга олиб келди. Бунда экологик туризмни жадал ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий районлар ва минтакаларда туристик фаолиятнинг асосий кўрсаткичларида Тошкент пойтахт минтақаси етакчи, ҳукмрон мавқега эга бўлиб, қолган иқтисодий район ва минтакаларнинг улуши паст кўрсаткичларга эгаллиги мавжуд вазиятни яхшилашни объектив заруратга айлантиради. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида уларнинг табиатини оптимал муҳофаза қилишга имкон берадиган МЭТХлар тизимини барпо этиш, уларнинг майдонларини жиддий кенгайтириш ва шундай асосларда рекреация-экотуризмни жадал ривожлантириш ва кўплаб янги рекреация-экотуристик марказларни барпо этишга имконият яратиш зарур.

МЭТХларнинг барча категориялари экотуристик ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этиш асосида блшқаришнинг ҳукукий, норматив-ҳукукий, методологик, институционал асосларини яратиш; рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этишни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларда экотуризмни ривожлантиришнинг ихтисослашган йўналишларини белгилаш, маршрут ва сўқмоқларини лойиҳалаштириш ва уларни амалга ошириш, экотуризмни ривожлантиришни режалаштириш ва режаларни амалга ошириш

МЭТХларнинг барча категорияларида ўн фоизлик қондасига асосланиб уларнинг ҳудудларининг 10 %ини рекреация-экотуризм зонасига ажратиш ва мазкур зона рекреация ресурс салоҳияти имкониятларидан тегишли балл тизимида баҳолаш натижаларига асосланиб фойдаланишни амалга ошириш.

Истиқболни белгилашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асослаб берган халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим 7 та омилни методологик асос

сифатида қабул қилиш; истиқболни белгилашда иқтисодий район ва минтақаларнинг рекреация-экотуризмни ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичлари таҳлили натижаларига асосланиш; барча иқтисодий район ва минтақаларда оптимал МЭТХлар тизимини яратиш ва уларнинг барча категорияларида рекреация-экотуристик зоналарни ташкил этиш ва тегишли қулайликларни яратиш, рекреация-экотуристик сиғими ва йўналишларини аниқлаш, кўрсаткичларини белгилаш ва фаолият билан боғлиқ бўлган табиат муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик назоратни амалга ошириш тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Олинган даромадлар ҳажми вақти бўйича ҳисобланаётган натижалар кўрсаткичини вақт омилига нисбатан монотон бўлишига асосланиб прогнозлаш амалга оширилган.

5-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИНТАҚАЛАРИДА МУҲОҒАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ХУДУДЛАРДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1 Тошкент ва Жиззах вилоятларининг муҳофаза этиладиган табиий худудлари тизими ва миллий боғларда рекреация-туризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари

Мазкур тадқиқотнинг 3 ва 4-бобларида Ўзбекистоннинг иқтисодий районлари ва минтақаларининг рекреация-экотуристик ресурс салоҳияти ва улардан экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришда фойдаланиш масалалари умумлаштирилган, энг муҳим хусусиятлари таърифланган ҳолда кўриб чиқилган эди. Шу сабабдан биз 5-бобда мамлакатимизда рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг ўзига хос намунаси ва модели ҳисобланган Тошкент пойтахти минтақаси ҳамда хилма-хил рекреация-экотуристик ресурс салоҳиятига эга бўлган Жиззах вилояти мисолида экотуризмни ривожлантириш муаммоларини чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Тошкент ва Жиззах вилоятларининг муҳофаза этиладиган табиий худудлари тизими тўғрисидаги маълумотлар 19-жадвалда берилган.

Тошкент вилояти худудида Ўзбекистоннинг, аynи бир вақтда дунёнинг энг катта миллий боғларидан бири бўлган Угом-Чотқол миллий табиат боғи жойлашган. Мазкур миллий боғнинг майдони 574,6 минг гектар бўлиб, у АҚШ нинг 1872 йилда дунёда биринчи ташкил этилган энг катта миллий боғи Йеллоустондан (888,7 минг га) кейинги ўринларни эгаллайдиган Глейшер (405,2 минг га), Олимпик (358,6 минг га), Йосемит (304,4 минг га) миллий боғларидан майдони бўйича тегишлича 1,4; 1,6; 1,9 марта катта. Мамлакатимизда биринчи ташкил этилган Зомин миллий боғи эса майдони катталиги бўйича кичик боғлар каторидан ўрин олади.

XIX асрнинг охиридан ҳозирги вақтга қадар дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида 2 мингтадан кўпроқ миллий боғлар барпо этилди ва бу жараён тез суръатларда (айниқса ривожланаётган мамлакатларда) давом этаётир. Кўпчилик хорижий мамлакатларда миллий боғлар муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди.

Миллий боғлар тизими олтита асосий йўналишга бирлаштирилган кўплаб вазифаларни бажаради: 1) йирик минтақаларда биосферанинг қулай экологик мувозанатини кўллаб-қувватлаш; 2) илмий-ахборот мақсадларида намуна (эталон) табиат экотизимларини асраш; 3) биологик ресурслар салоҳияти (имкониятлари)ни организмлар генофонди сифатида асраш; 4) тикланадиган табиий ресурсларни асраш, улардан фойдаланиш, такрор барпо этиш; 5) кишиларнинг яшаш муҳитини асраш; 6) табиий шароитларда аҳоли саломатлигини тиклаш имкониятларини таъминлаш мақсадларида рекреацияни ривожлантириш.

Тошкент ва Жиззах вилоятларининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизими (2015 йил)

№	МЭТХ номи	Жойлашган ўрни, денгиз сатҳидан баландлиги (м)	Асосий муҳофаза объектлари ва рекреация-экотуризтик аҳамияти	Майдони		Идоравий тасарруфи
				минг га	%	
I. Миллий табиат боғлари						
1.	Угом-Чотқол (1990 йилда ташкил этилган)	Тошкент вилояти. Ғарбий Тяньшан тоғ тизмалари. 900-4000м.	Тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари, шу жумладан арча ва ёнғоқ-мева боғ ўрмонлари. 1800 турга яқин ўсимликлар, шундан 74 тури кизил китобга киритилган. 230 турдаги хайвонлар, шундан 38 тури кизил китобга киритилган. Функционал зоналар (минг га): рекреация 110,2 (19,2%); ландшафт 428,7 (74,6%); кўриқхона 35,7 (6,2%); юкори рекреация аҳамиятига эга	574,6	79,3	Тошкент вилояти хокимияти
2.	Зомин (1976)	Жиззах вилояти. Помир-Олой, Туркистон тизмаси 1000-4033м.	Тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари, шу жумладан арча ўрмонлари. 700 турдан ортик олий ўсимлик тури, шу жумладан 15 тур кизил китобга киритилган. 282 тур умурткасизлар, 30 тур сут эмизувчи, 14 тур судралиб юривчи, 102 тур куш, 1 турдаги балиқ, 2 турдаги амфибия. Кизил китобга 3 турдаги ўсимлик, 5 тур сут эмизувчи, 3 тур куш, 1 тур рептилия киритилган. Катта рекреация аҳамиятига эга	24,1	3,3	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Жами				598,7	82,6	
II. Кўриқхоналар						
3.	Чотқол биосфера (1947) 1993 йилда халқаро биосфера резерватлари тизими тўрига киритилган	Тошкент вилояти. Ғарбий Тяньшан Чотқол тизмалари. 1200-4000м.	Тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари, шу жумладан арча ўрмонлари. 1300 турдаги ўсимликлар, шу жумладан 6 эндемик, 26 ноёб ўсимлик тури кизил китобга киритилган. 33 тур сутэмизувчи, 176 тур куш, 11 тур рептилия, 2 тур амфибия, 4 тур балиқ, 1500 турдан ортик умурткасизлар, шу жумладан 1 тур илон, 2 тур балиқ, 11 тур куш, 5 тур умурткасиз, 5 тур сутэмизувчилар кизил китобга киритилган. Рекреация аҳамиятига эга	35,7	4,9	Тошкент вилояти хокимияти
4.	Зомин (1928)	Жиззах вилояти. Помир-Олой Туркистон тизмаси 1760-3500м.	Тоғ-ўрмон ва баланд тоғ экотизимлари, шу жумладан арча ўрмонлари. 1192 тур олий ўсимликлар, шу жумладан 21 тур кизил китобга киритилган. 1 тур балиқ, 2 тур амфибия, 14 тур судралиб юривчилар, 102 тур куш, 30 тур сутэмизувчи, шу жумладан 1 тур куш, 2 тур сутэмизувчи халқаро кизил китобга, 6 тур куш, 4 тур сутэмизувчи Ўзбекистон кизил китобига киритилган. Рекреация аҳамиятига эга	26,8	3,7	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Жами				64,3	8,6	
III. Буюртмаҳоналар						
5.	Арнасой орнитологик (1983)	Жиззах вилояти. Қизилқум чўлининг марказий қисми	Уя қурадиган, учиб ўтадиган сувда сузадиган қушлар муҳофазаси. Муддатсиз вақтгача барпо этилган. Рекреация аҳамиятига эга	63,3	8,8	
Жами				63,3	8,8	
Ҳаммаси (1-5)				724,5	100	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига асосланиб тузилган.

Миллий боғлар бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга нисбатан ўзларининг кўп функциялилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Халқаро миқёсда кўпчилик мамлакатларда миллий табиат боғлари тўғрисидаги намунавий низомларда қуйидаги вазифаларни бажариш белгиланган: табиатни рекреация, маърифат ва илмий мақсадларда асраш; туризм ва дам олиш учун шароит яратиш; рекреацияда фойдаланиш шароитларида табиат комплексларини асрашнинг илмий методларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

Миллий боғларда дам олиш табиат кўйнида дам олиш бўлиб, бунда табиатнинг ўзи у билан мулоқот қилиш шартларини белгилайди. Оммавийлик – зич ва кўп кишилик унга зид келади, демак, кўп одамлар тўпланишини талаб қиладиган дам олиш турлари – оммавий томошалар, спорт мусобақалари, саёҳат ва экскурсиялар иштирокчилари тўдаларига йўл қўйиб бўлмайди. Табиат ажойиботларини юқори даражада ҳис-туйғу билан идрок этиш ва билиш оммавийликка мос келмайди.

Миллий боғлар рекреация ресурсларининг энг муҳим ва алоҳида тури ҳисобланади. Боғ ресурслари умумий соғломлаштирувчи вазифадан ташқари яна унинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлган қуйидаги учта талабга ҳам жавоб бериши керак: 1) табиат билан мулоқотда бўлишдан юқори даражада ҳис-туйғуга тўла қониқиш олиш; 2) дам олишнинг табиат тўғрисидаги билимларни олиш билан тўлдирилиши; 3) кишининг жисмоний юкламаларга эҳтиёжини амалга ошириш ва тўсиқлардан мушак кучларини сарфлаб ошиб ўтиш.

Миллий боғларда дам олишни ташкил этиш ва бошқариш уларга хос бўлган ресурсларни ва улардан фойдаланиш йўналишларини ҳар томонлама тўла ҳисобга олишга асосланиши лозим. Бунда, аввало, рекреация-экотуристик фаолият ва унинг иштирокчилари – ташкилотчилар ва туристлар (субъектлар) билан уларнинг асосий манбалари ҳисобланган миллий боғнинг рекреация ресурслари (объектлар) ўртасида ўзаро муносабатларнинг хусусиятларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш, шу асосда тегишли хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш, сўнгра уларни амалга ошириш талаб этилади. Фойдаланиладиган ресурс ва шароитларни аниқлаш субъектнинг объектдан фойдаланишга қўядиган талабларини белгилаб беради.

Миллий боғлар рекреация ресурсларини баҳолаш қўлланиладиган рекреация машғулотлари цикллари ва рекреация фаолияти турлари мажмуи ва боғланмаларидан таркиб топадиган рекреация машғулотларига нисбатан амалга оширилиши лозим. Масалан, битта циклдаги рекреация машғулотлари қуйидаги хоссаларга эга бўлади: улар хилма-хил бўлади (тез-тез алмашинади), бир-бирига мослашиб бир бутунликни ҳосил қилади (кетма-кет (изчил) бирга қўшилиши, ўзаро алмашина олиши мумкин, бир-бирларига мос келмаслиги мумкин). Шу асосда миллий боғларда маълум турдаги тўпладан таркиб топган, турли машғулотларнинг ўзаро мос бирикмаси барпо этилади: даволовчи (иқлим билан даволаш, бальнеологик ва балчик билан даволаш), соғломлаштирувчи (сайр қилиш, пляж-чўмилиш), спорт (спорт-туристик, альпинистик, овчилик ва бошқалар), билим олиш (табиат ва маданият билимлари).

Мазкур тизимни миллий боғда рекреация-экотуристик дам олишда қўллаганда уларнинг соғломлаштириш, туристик-спорт ва билим олиш функциялари бир-бирига қўшилган ягона тизимга айланади. Бундай схема қисқа муддатли чўмилиш-пляж, сайр қилиш зоналарини аниқлаш ва ажратишга, маршрут ва сўкмоқларни белгилашга ёрдам беради.

Миллий боғлардан рекреацияда фойдаланишнинг асосий йўналиши экологик туризм бўлиб, унда пиёда саёҳат, тоғ туризми, альпинизм, сув туризми (қайиқларда сузиш), уловда (отда) юриш, велотуризм, ғор туризми ва бошқалар алоҳида олинганда экотуризм таркибига қирадиган қўшимча элементлар ҳисобланади. Шунингдек, қайиқда сузиш, чўмилиш, пиёда сайр қилиш ва экскурсиялар, маршрутларда овқат тайёрлаш, тунаш жойларини ташкил этиш ҳам қўшимча, экотуризмни тўлдирувчи таркибий элементлар қаторига қиради. Барча кўрсатилган элементлар ва тегишли туристик инфратузилма биргаликда, ўзаро боғлиқликда миллий боғларнинг ихтисослашган яхлит рекреация-экотуристик комплексини ташкил этади.

Субъект-турист ва объект-миллий боғларнинг табиат рекреация ресурслари ўртасида маълум муносабатлар мавжуд бўлиб, улар махсус баҳолаш предмети ҳисобланади. Миллий боғлар табиат комплекслари табиий хоссаларининг аниқ қиймати ва сифатини тўғри тушуниш ва тўғри тушунтириш, талқин қилиш мазкур муносабатларни аниқ ўрганиш ва тушунишга асос бўлади. Шу муносабат билан, аввало, миллий боғларнинг рекреация-экотуристик шароит ва ресурсларини инвентаризациялаш (хатловдан ўтказиш), сўнгра инвентаризация натижаларига асосланиб, уларни баҳолаш методларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Рекреация-экотуристик шароит ва ресурсларни инвентаризациялаш миллий боғлар илмий тадқиқот бўлимлари ва таклиф қилинган тегишли ихтисослашган илмий тадқиқот муассасалари мутахассислари билан биргаликда амалга оширилади. Инвентаризацияда асосий эътибор рекреация-экотуристик зоналарининг соғломлаштириш ресурс салоҳиятини табиат компонентлари, этнографик маданият хусусиятлари, экотизим, ландшафт, табиат комплекслари бўйича аниқлашга қаратилади. Инвентаризация натижалари мавжуд ресурсларни баҳолаш, тегишли қарорлар қабул қилишнинг ғоят муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Миллий боғлар рекреация-экотуристик ресурслари салоҳиятини аниқлаш ва улардан амалиётда фойдаланишни баҳолашда уларнинг қуйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади: 1) «Физиологик» яроқлилиқ: йил давомида комфорт, салқин ва иссиқ ёз даврининг давомийлиги ва тақсимланиши (ҳарорат, шамол тезлиги ва булутли кунлар нисбати бўйича); қишки ноқулайликлар (дискомфорт) йўқлиги, хавфли табиат ходисалари (кўчки, сел ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар; 2) туристик машғулотлар учун «технологик» яроқлилиқ: пиёда юриш (ёнбағирлар қиялиги, сув оқимлари зичлиги ва б.), сувда юриш ва чўмилиш (сув хавзалари мавжудлиги, шамоллар тезлиги, ер усти сувларининг термал таърифи (сув ҳарорати 18-22⁰ бўлган кунлар сони); 3) таъсирчанлик ва билим олиш

(дунёни билиш) киймати: манзара (пейзаж) таъсирчанлиги ва хилма-хиллиги (ер юзасининг горизонтал ва вертикал парчаланиши, ўрмон ва боғлар, кўринишлар хилма-хиллиги, кўриш ва кузатиш хусусиятлари ва б.); ўсимлик копламининг таъсирчанлиги ва хилма-хиллиги (майдони, турлари, баландлик зоналлиги); ер усти (рельеф) таъсирчанлиги ва хилма-хиллиги (паст, ўрта, баланд тоғ, горизонтал ва вертикал парчаланиш, диккатга сазовор жараён ва объектлар (булоқлар, карст, очилма, тик дара, шаршара, музлик ва б.); фауна хилма-хиллиги (турлар таркиби, уларнинг томоша учун кизикарли гуруҳлари, тарқалиши ва б.); табиатнинг сақланиб қолиши даражаси (турли даражада фойдаланиладиган ер турлари нисбатлари (шудгор, ўрмон, яйлов ва б.); табиий шароитнинг ноёблиги (аҳоли яшаши ва саёҳатларга қулайлиги).

Миллий боғлар табиатининг рекреация-эко туристик таъсирчанлиги, уларни туристлар хис қилишининг кучлилиги нафақат аниқ рекреация фаолияти билан бирга содир бўлади, балки у миллий боғда дам олишни ташкил этишнинг ўзига тортувчиси сифатида ҳам намоён бўлади. Бундай жозибадорлик, ўзига тортувчи табиат хоссалари параметрларининг энг асосийларига қуйидагилар киради: манзаранинг (пейзаж) таъсирчанлиги, атроф-муҳитнинг табиийлиги ва тозаллиги, табиий шароитларининг ноёблиги ва томоша қиладиган объектлар билан тўлдирилганлиги. Мазкур сифатлар мавжудлиги ўзи табиатнинг одамларга юқори даражада таъсир кўрсатишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Миллий боғга қанча дам олувчи жалб этилиши мумкин, улар қандай мақсадда келишни билиш нафақат уларни жой, маиший-маданий хизмат кўрсатиш, соғломлаштириш дастури билан таъминлаш учун, балки дам олишнинг табиатга салбий таъсирини дастлабки боскичда бартараф этиш ва дам олишнинг юқори сифатини таъминлаш учун ҳам зарур. Табиатда оммавий рекреация ўзидан кейин доимо қандайдир нохуш экологик, ижтимоий вайронлик келтирувчи салбий оқибатларни қолдиради. Миллий боғ табиатининг биологик ва ижтимоий-иқтисодий ахамиятини сақлаб қолишга интилиш, уни инсон билан ўзаро мос ва монанд бирга мавжуд бўлиш мақонига айлантириш рекреацияни режалаштиришга жуда эҳтиёткорона ёндашишни талаб қилади.

Миллий боғлар сиғими уни ташкил этиш ва ривожлантиришни бошқариш назарияси ва амалиётининг энг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу масалага учта муаммо алоқадор бўлади: 1) табиий ландшафтнинг рекреация босимида чидаши, қарши туриши ва ҳалок бўлмаслигининг табиий қобилияти (бардош бериши); 2) дам олишнинг психологик тўлақонлиги; 3) миллий боғни барпо этишнинг асосий мақсади ҳисобланган муҳофаза этиладиган табиат объектлари ва комплексларини асраш бўйича – уларнинг ифлосланиши ва емирилишининг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик.

Бу масалаларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Рекреациянинг табиатга салбий таъсири унинг барча компонентлари, экотизим, ландшафт, комплексларида турли даражада содир бўлади. Рекреация уларнинг барчасига салбий таъсир кўрсатади ва ўзгартиради, табиатнинг бундай таъсирга жавоб рекреацияси

таъсир микёсларига – рекреация босимининг тезлиги ва жадаллигига, вақт ва маконда таксимланишига боғлиқ бўлади. Бундай тадқиқотларда энг кийин масала-дам олувчиларнинг ҳақиқий сонини ҳисоблаш ва аниқлаш ҳисобланади. Рекреантлар бир жойда туриб қоладилар, ҳаракатланадилар, узок ва қиска муддатли, оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган тўпланишларни яратадилар, уларнинг шакллари тўхтовсиз ўзгариб туради. Дам олувчиларнинг бир пайт ва вақтдаги тартибсиз ҳаракатларини ёзиб қўйиш (ҳисобга олиш) ўтмишга назар ташлашга имкон бермайди, вақт мобайнида изчил, кетма-кет кузатиш эса келажак вақтни сирли жумбоққа айлантиради. Шу сабабдан рекреация босимини (рекреация сиғимини) ҳисобга олиш ҳамisha шартли хусусиятга эга бўлади, чунки унга мос келадиган табиат комплексларининг рекреация таъсирида ўзгариши босқичлари ҳам шартли бўлади.

Одатда рекреация босими, шунга мос ҳолда рекреация сиғими маълум майдон бирлигига маълум вақт мобайнида тўғри келадиган дам олувчилар сони ҳисобида аниқланади ва унинг кўрсаткичлари киши соат/гектар ёки киши-кун/гектар ёки дам олувчиларнинг бир вақтдаги зичлигини киши/гектар ҳисобида аниқланади. Шунга мувофиқ табиат комплексида йўл қўйиладиган рекреация босими (сиғими) ёки қайтарилмас (қайтариб бўлмайдиган) ўзгаришлар содир бўладиган ва йўл қўйиб бўлмайдиган кескин (критик) босим ва сиғим фарқланади.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (МСОП) дунёнинг барча мамлакатларига рекреация босимини (сиғимини) дам олиш мавсумида ўртача 1 гектарга 1 киши тартибида ҳисоблашни тавсия этган.

Рекреация-экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири тегишли маршрутларни белгилаш, сўқмоқларни жиҳозлаш ҳисобланади. Масалан, Угом-Чотқол миллий боғида саёҳатларни ташкил этиш мураккаб тоғ шароитида амалга оширилади. Тоғ маршрутлари одатда мураккаб табиий тўсиқлар – катта баландликлар, қоялар, қиялик ва даралар, довонлар, дарё кечувлари, қорли ёнбағирлар, музликлар ва бошқалар орқали ўтади. Бунда маршрутларни тўғри танлаш саёҳат катнашчилари хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шarti ҳисобланади. Шу сабабдан туристлар тегишли жисмоний, назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлишлари, саёҳатлар эса тажрибали йўл бошловчилар раҳбарлигида амалга оширилиши талаб қилинади.

Рекреация экотуристик маршрутлар ва улардаги сўқмоқларни белгилаш ва жиҳозлаш илгаридан режалаштирилган ҳаракатланиш тартиби бўлиб, унда саёҳатчи гуруҳларнинг маълум вақтда турли объект ва пунктлардан ўтиши, уларни томоша қилиши белгилаб қўйилади. Маршрутлар ихтисослашган махсус туристик ташкилотлар (гуруҳлар) томонидан ишлаб чиқилади. Маршрутларни режалаштиришда кўплаб омил ва шароитлар ҳар томонлама тўлаб ҳисобга олинади: табиий шароит ва ресурсларнинг саёҳатларга қулай ва ноқулайлиги; саёҳат объектлари мавжудлиги ва уларнинг томошабоплиги; маршрутларнинг бошланғич ва якуний нукталарига бориш-келишнинг қулайлиги, сўқмоқларнинг жиҳозланганлиги; маршрутларда туристларни

жойлаштириш, овқатлантириш, дам олдириш, ҳордик чиқаришни, тунашни амалга оширувчи туристик хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Маршрут ва сўқмоқларни барпо этиш узок давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унда махсус назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар-туристик ходимлар, олимларнинг катта гуруҳи иштирок этади.

Маршрутлар линияли (тўғри чизикли), айланма ва радиал (радиус бўйлаб) турларга бўлинади. Линияли маршрутлар битта пунктда (шаҳар, кишлоқ, туристик ташкилот ва б.) бошланиб, туристлар гуруҳи томонидан оралик объектлардан ўтиб, бошқа пунктда якунланади. Айланма маршрутлар маълум бир пунктда (туристик ташкилотда) бошланади ва якунланади. Радиал маршрутлар маълум бир жойда дам олувчиларга атрофдаги жойларга саёҳат қилишни ташкил этишга асосланади. Миллий боғдаги маршрутлар ва улардаги сўқмоқларни барпо этиш ва жиҳозлаш шакллари туристларга юкори даражада сифатли хизмат кўрсатиш талабларига жавоб бериши, мавжуд туристик базалар, туристик комплекслар, туристик меҳмонхона, уй-меҳмонхоналар, кемпинг, мотеллар, чодирли кўнилғаларда туристларга қулай шарт-шароитлар яратилиши керак.

Миллий боғларда экотуризмни ривожлантириш тегишли туристик инфратузилмани барпо этиш ва уни ривожлантиришни талаб қилади. Туристик инфратузилма миллий боғ рекреация зонаси ҳудуди ва маршрутларни жиҳозлаш ва ободонлаштириш учун зарур бўлган объектлар ва қурилмалар, иншоотлар мажмуасидан таркиб топади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: тунаш жойлари базаси; овқатланиш базаси; ахборот-коммуникациялар базаси; туристларга бошқа кафолатли хизматлар кўрсатадиган йўлдош база.

Маълумки, ҳар қандай саёҳат туристларни меҳмонхоналарга жойлаштиришдан бошланади. Унга туризмнинг кўп жиҳатлари боғлиқ бўлади. Чунки туристик база, меҳмонхона, кемпинг туристлар дам оладиган асосий объектга айланади. Шу сабабдан уларни ҳамма туристларга маъқул бўладиган ва барча қулайликларга эга бўлган чиройли кўринишда режалаштириш, сифатли қуриш талаб қилинади.

Туристлар оқимини жойлаштиришнинг асосий воситалари ҳисобланган меҳмонхоналар, мотеллардан ташқари яна жойлаштиришнинг кўп сонли қўшимча воситалари ҳам туризм индустрияси таркибига кирмоқда. Булар қаторига ёшлар туристик базалари, оилавий дам олиш рекреация марказлари, тоғ кўналғалари, тоғ уйлари, ижрага бериладиган хусусий уйлар, дала ҳовлилар ва бошқалар киради. Туристларни жойлаштиришнинг қўшимча воситаларидаги жойлар сони йилдан-йилга тез кўпаймоқда, бундай ўсиш меҳмонхона ва мотеллардаги жойлар миқдорига нисбатан анча тез суръатларда ўсмоқда. Қўшимча жойлаштириш воситаларида ҳозирги вақтда мавжуд меҳмонхоналарда кўрсатилаётган барча хизматлар сифатли ва тўла амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан халқаро амалиётда жаҳон туристик ташкилоти (ВТО) тавсиясига кўра туристларни қўшимча жойлаштириш

воситаларига меҳмонхона, мотел ва пансионатларидан ташқари барча турдаги жойлаштириш воситалари ҳам киритилган.

Шу билан бир қаторда туристларни озик-овқатлар билан таъминлаш ҳам ўз аҳамиятига кўра уларни жойлаштириш ва дам олишини ташкил этиш билан бир хил, барабар аҳамиятга эга бўлади. Овқатланиш туристик меҳмонхоналар қошидаги ресторанлар, кафе ва бошқа умумий овқатланиш корхоналарида ташкил этилади, улар туристларга йўлланма бўйича овқат бериш билан бир қаторда бошқаларга ҳам нақд пулга овқат сотади.

Деярли барча овқатланиш корхоналари мулкчилик шакллари бўйича нодавлат (99,9 %) шаклида бўлиб, асосан фуқаролар ва фирмаларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Туристлик фирмалар улар билан келишилган шартнома асосида ишлайдилар. Ресторан, кафе ва бошқа овқатланиш корхоналари туристлар талаб ва эҳтиёжларига мос ҳолда ихтисослашадилар.

Туристлик хизмат кўрсатишда тегишли йўлдош хизмат кўрсатиш базасини барпо этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг таркибида қуйидаги олти гуруҳ хизмат кўрсатиш фаолияти ташкил этилади:

1) табиат неъматларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлайдиган барча фаолият турлари;

2) спорт ва чиникиш машғулотларини таъминлайдиган хизмат турлари ва уларга имкон берадиган тегишли иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш хизматлари;

3) кўнгилочар тадбирларни ўтказиш хизматларини ташкил этиш. Кўнгилочар объектларига кинотеатр, театр ва фольклор жамоалари киради. Бундай объектларнинг зарур сони ва уларни ободонлаштириш туристларнинг ёши ва касбий таркиби билан белгиланади;

4) табиат ёдгорликлари, тарихий-археологик, моддий ва маънавий ёдгорликларини томоша қилиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш, шунингдек мазкур ёдгорликларни таъмирлаш ва уларга қараш бўйича хизматлар;

5) саёҳат жойларида совға ва эсдалик буюмларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш, шунингдек, оммабоп туристик жиҳозлар ва буюмларни сотиш хизматлари. Совға ва эсдалик буюмлари, маҳаллий хунармандчилик ижодкорлиги намуналари ва этнографик анъаналарни ифодалиши зарур. Бунда стандартлаштириш буюмларнинг асосий жозибдорлигини йўқотишга олиб келишини ҳисобга олиш керак.

6) туристик ахборот хизматларини кўрсатиш. Туристлик ресурслар, туристик хизмат кўрсатиш корхоналари тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш, реклама қилиш. Бунда туристик реклама ахборотларининг аниқлиги ва ишончлилиги биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Туристлик объектлар ва хизматлар сифати бўрттириб берилганда фойдадан кўра кўпроқ зиён етказилади.

Экотуристлик фирмалар саёҳатчиларга тўлиқ ва сифатли туристик хизмат кўрсатиш билан бир қаторда саёҳатларга олдиндан тайёргарлик кўриш бўйича ҳам қатор тадбирларни амалга оширадилар: тиббиёт кўриги, саёҳатларда белгиланган тартибга амал қилиш ва хулқ-атвор қоидаларини тарғиб қилиш ва

тушунтириш; шахсий анжом ва жихозларни тайёрлаш (йўл халта); ўз соғлигини назорат қилиш; саёхатларда кун тартиби ва унга амал қилиш; саёхатда овқатланиш қоида ва талаблари; ҳаракатланиш техникасини билиш ва унга амал қилиш; тўсик ва довлонлардан ўтиш қоидаларини билиш; тунашни ташкил этиш; туристик жихоз ва инвентарлардан фойдаланиш; жойларда мўлжал олиш; табиат ходисалари ва жараёнларини кузатиш; об-ҳаво ўзгариши белгиларини билиш; экологик хавфсизлик ва табиат муҳофазаси талабларини билиш ва уларга амал қилиш ва бошқалар.

Миллий боғларда экотуризмни ривожлантиришни режалаштиришда туристик оқимларнинг кўп тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, бунда, бир томондан туристик мавсум даври давомийлигини узайтириш, бошқа томондан унинг хилма-хиллигини кўпайтириш талаб этилади. Шу мақсадда янги маршрутларни ишлаб чиқиш, мавжудларини реклама қилиш, янги туристик комплексларга талабларни шакллантириш талабларини амалга ошириш лозим.

Туристларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий бўғини туристик (экотуристтик) фирмалар, туроператор, агентлик, миллий боғларнинг ихтисослашган рекреация бўлимлари бўлиб, уларнинг барчаси бозор иқтисодиёти қоидалари – талаб ва таклифларига мувофиқ фаолият юритадилар. Мазкур туристик корхоналарнинг ҳар биттаси улар фаолиятига мос бўлган тегишли асосий ва айланма фондларга, ўзларига тегишли маблағларга эгаллик қиладилар, турли инвестиция, молия-кредит манбаларидан фойдаланадилар. Туристтик фирма, агентлик ва бошқалар турли ташкилот ва муассасалар таркибида ташкил этилади. Лекин улар фақат «Ўзбектуризм» Миллий компанияси таркиби тизимида ягона иқтисодий фаолият тармоғи ва ихтисослашган соҳа сифатида шаклланади ва ривожланади, ягона бошқариш тузилмасига эга бўлади.

Мамлакатимизда туризм ривожланишининг ҳолати, унинг моддий-техника базаси даражаси саёхат ва дам олишга ихтисослашган ёки унга асосланган корхоналар (фирмалар) сони, қуввати эса туристик комплекслар, базалар, меҳмонхона, кемпинг, мотеллардаги ўринлар (койкалар) фонди билан белгиланади. Иқтисодий нуқтаи назардан туризмнинг имкониятлари ва моддий-техника базаси асосан икки гуруҳ корхоналар ва муассасалар салоҳияти мажмуидан таркиб топади: 1) бирламчи туристик эҳтиёжларга хизмат кўрсатадиган корхоналар (фақат туристларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхона, туристик комплекс (база), пансионат ва туристларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари, ички маршрут транспорти, алоқа бўлимлари ва бошқалар); 2) иккиламчи туристик эҳтиёжларга хизмат кўрсатадиган корхоналар (маҳаллий аҳоли ва мазкур жойнинг вақтинча аҳолисига айланган туристларга хизмат кўрсатадиган шаҳар ва шаҳарлараро транспорт, савдо, овқатланиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқалар). Улар таркибига бирламчи туристик корхоналарнинг ишлаб туришини таъминлайдиган корхона ва муассасалар ҳам қиради: ишлаб чиқариш, таъмирлаш корхоналари ва бошқалар; хизмат кўрсатадиган малакали ходимлар, экскурсовод, гид-

таржимон, йўл бошловчилар (инструктор) тайёрлайдиган ўқув юртлари; лойиха-конструкторлик корхоналари ва бошқалар.

Туристлар эҳтиёжларини таъминлаш ва мавжуд рекреация-эко туристик ресурслар ва шароитлардан фойдаланишнинг ғоят хилма-хиллиги, микёслари катталиги уларни фақат туризм доирасида хал этишга имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан туризм хўжалигини ривожлантиришни бошқа тармоқлар билан ўзаро боғлиқликда кооперация ва интеграция асосида амалга ошириш энг кўп самара беради. Бунда рекреация-эко туризм хўжалиги корхоналари ва тегишли кўшимча йўлдош корхоналар ўртасида тегишли кооперация алоқалари ва интеграция амалга оширилади ва ривожланади; ихтисослашган рекреация-туристик корхоналар ва хизмат кўрсатадиган кўшимча ҳамда йўлдош корхоналар ўртасида ўзаро мақбул ва оптимал муносабат ва алоқалар ўрнатилади. Шундай асосларда бир-бирини тўлдирадиган ўзаро боғлиқ тармоқлар корхоналари мажмуасидан таркиб топган рекреация-эко туристик комплекслар шаклланади ва ривожланади.

Рекреация-эко туристик комплексларни барпо этиш муаммолари миллий боғларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Бундай комплекс рекреация-эко туристик таклифларнинг асосий элементи сифатида туристик ҳаракатларнинг тузилмаларига, уларни миллий боғ рекреация зоналарига йўналтиришни жадаллаштиришга хал қилувчи таъсир кўрсатади. Туристлик талабларнинг йилдан-йилга тобора ошиб бораётгани, дам олиш шакллари эко туризм йўналишида тобора кенгайиши, миллий боғ рекреация комплекси таркибида доимий инновация ўзгаришларини амалга оширишни талаб қилади. Бунда тунаш базалари, қўналғалари, транспорт ва овқатланиш базалари асосий роль ўйнайди, улар юқори даражада ташкил этилмаса, туризм, хатто рекреация зоналари юқори жозибадорликка эга бўлганда ҳам, мавжуд бўла олмайди. Туристлик жозибадорликни кучайтиришда юқорида кўрсатилган хизматлар билан бир қаторда йўлдош базалар ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

5.2. Тошкент пойтахт минтақасида туризм ва рекреация-туристик хизмат кўрсатишнинг ҳозирги ҳолати, уларни истиқболда ривожлантиришни бошқариш концепцияси ва стратегиясини белгилаш

Мамлакатимизда туристик хизмат ва маҳсулотларнинг катта истеъмолчиси ҳисобланган Тошкент шаҳри ҳамда бой ва хилма-хил рекреация ресурсларига эга ва пойтахтимизга асосий рекреация-туристик хизмат кўрсатадиган Тошкент вилояти биргаликда Тошкент пойтахт минтақасини ташкил этади. Мазкур минтақа миллий иқтисодиётимиз ва мамлакатимиз рекреация-туризми соҳасида етакчи ўринни эгаллайди. Минтақа ҳиссасига Ўзбекистоннинг атиги 3,5 фоиз ҳудуди тўғри келади, лекин унинг бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича улуши жуда юқори (%): аҳоли сони 16,5 (5,1 млн киши), ялпи ички маҳсулот 24,5, бозор хизматлари 37,8, сайёҳлик фирма ва ташкилотлари сони 75,8, жами ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш 55,3, сайёҳлик хизматлари кўрсатиш ҳажми меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда

66,9 (Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами, 2015,11-12,15, 57-58, 136-бетлар).

Президентимиз И.А. Каримов Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида «Тошкент вилояти оддий вилоят эмас, у, авваламбор, пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқеини эгаллаб келади. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юксак ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади» деди. Сўнгра Президентимиз Тошкент вилоятининг азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан ёнма-ён жойлашгани вилоятга катта имкониятлар бериши, айтиш вақтида алоҳида масъулият ҳам юклашига эътибор қаратди, бошқа қатор тармоқлар билан бир қаторда туризм соҳасида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш вазифасини кўйди (Халқ сўзи, 2016 йил 5 февраль).

Шу муносабат билан Тошкент вилоятида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, биринчи навбатда Угом-Чотқол миллий боғи рекреация ресурсларига асосланиб ривожлантириладиган рекреация-туризм соҳасини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш, мазкур муаммоларни вилоят туризм хизматларининг асосий истеъмолчиси Тошкент шаҳри билан ўзаро боғлиқ ҳолда Тошкент пойтахт минтақаси доирасида тадқиқ этиш, шубҳасиз, муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади. Мазкур муаммонинг ҳозирга қадар маҳсус ихтисослашган йўналишда тадқиқ этилмаганлигини ҳисобга олганда мазкур тадқиқотнинг долзарблиги аниқ равшан бўлиб қолади.

Тошкент пойтахт минтақаси (Тошкент иқтисодий райони) мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий комплексида алоҳида муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур минтақа мамлакатимиз миллий иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган лидер-минтақа вазифасини бажаради. У мамлакатимизнинг барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида етакчи мавқеига эга.

Тошкент пойтахт минтақаси (ТПМ) ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий хусусияти Тошкент шаҳрининг етакчилиги ва фаол таъсирида, у билан яқин алоқаларда шаклланди ва ривожланди. Булар, аввало, Тошкентнинг мамлакат пойтахти сифатида мамлакат ҳаётининг асосий бошқарувчиси сифатидаги ўрни ва мавқеи билан узвий боғлиқ.

**Тошкент пойтахт минтақасининг Ўзбекистон Республикаси
ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидаги
улуши, % (2014 йил)**

№	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси жами	Тошкент пойтахт минтақаси			
			Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти	Жами	Тошкент вилоятининг республика минтақалари ўртасида эгаллаган ўрни
1.	Худуди, минг км ²	448,97	0,34	15,25		8
	%	100	0,1	3,4	3,5	8
2.	Туманлар сони	157	-	14		2
	%	100	-	8,9	8,9	
3.	Шаҳарлар сони	119	1	16	17	1
	%	100	0,8	13,4	14,2	
4.	Шаҳарчалар, сони	1085	-	97	97	5
	%	100	-	8,9	8,9	
5.	Жами аҳоли, минг киши	31022,5	2371,3	2758,3	5129,6	5
	%	100	7,6	8,9	16,5	
6.	Аҳоли зичлиги, 1 км ² киши	69,1	7099,6	180,9	-	7
	%	100	10,3 марта	262	-	
7.	Шаҳар аҳолиси, %	51,2	100	49,3	-	6
8.	Республикада Тошкент иқтисодий райони шаҳар аҳолисининг улуши, %	100	15,2	8,6	23,8	5
9.	Иқтисодиётда банолар сони, %	100	9,1	9,9	19,0	3
10.	Янги ички маҳсулот, %	100	14,7	9,8	24,5	2
11.	Аҳоли жон бошига ИЯМ, минг сўм	4709,7	9027,8	5160,6	-	3
	%	100	191,7	109,6	-	3
12.	Аҳоли жон бошига ўртача умумий оирамадлар, минг сўм	3577,1	7305,1	3928,4	-	4
	%	100	204,2	109,8		
13.	Саноат маҳсулоти, %	100	18,2	15,2	33,4	2
14.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, %	100	-	12,6	12,6	1
15.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, %	100	16,9	10,6	27,5	4
16.	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши, %	100	23,2	6,7	29,9	5
	Аҳоли жон бошига, минг сўм	728,0	2194,9	547,9	-	8
17.	Сайёҳлик хизматлари, меҳмонхоналар хизматини қўйган ҳолда, млрд сўм	384,7	199,0	58,4	257,4	2
	%	100	51,7	15,2	65,9	
18.	Кўрсатилган хизматлар, млрд сўм	81901,0	23120,6	7867,3	30987,9	2
	%	100	28,2	9,6	37,8	
	шу жумладан сайёҳлик хизматлари, млрд сўм	384,7	199,0	58,4		2
	%	0,5	0,9	0,7	1,6	2
19.	Бозор хизматлари, %	100	28,2	9,6	37,8	2

Манба: Жадвал куйидаги манбага асосланиб ишлаб чиқилган: Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2015. 10-12, 13-16, 40, 57-58, 128, 136-бетлар.

Мазкур кискача таърифни 20-жадвалда берилган маълумотлар яққол исботлайди. Маълумотларга кўра, Тошкент пойтахт минтақаси фақат майдони кўрсаткичларидан (3,5 %) бошқа барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларда, шу жумладан рекреация-туризм соҳасида ҳам мамлакатимизда етакчи лидер мавқеига эга.

Минтақанинг кўп сонли аҳолисининг (5,1 млн. киши ёки мамлакат аҳолисининг 16,5 %) дам олишга эҳтиёжини таъминлаш зарурати мазкур минтақада, асосан Тошкент вилоятида мамлакатимизда юқори даражада ривожланган рекреация-туристик комплексни барпо этишга сабаб бўлган: минтақа улушига Ўзбекистонда сайёҳлик хизматлари кўрсатиш хажми, меҳмонхоналар хизматини кўшган ҳолда 65,9 % тўғри келади.

Дам олишни ташкил этиш Тошкент пойтахт минтақасининг рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг йирик тармоғи ҳисобланади. Умуман мазкур минтақа хилма-хил ва бой рекреация-туристик ресурсларга эга бўлиб, улардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш даражаси ҳам мамлакат миқёсида ўзининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Айнан шу минтақада мамлакатимизда рекреация-экотуризмни ривожлантиришда асосий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг энг йирик Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳам жойлашган бўлиб, унинг улушига мамлакат миллий боғлари умумий майдонининг 96 %и тўғри келади.

XX асрнинг иккинчи ярмида 60-йиллардан бошлаб, дастлаб Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳрига туташ ва яқин жойлашган туманларида, сўнгра Тошкент (Туябўғиз) сув омбори (1964 йил), Чорвоқ сув омборининг (1975 йил) куриб тугалланишига боғлиқ ҳолда Тошкент шаҳри аҳолисининг рекреация-туристик эҳтиёжларини таъминлаш мақсадларида Ўрта Чирчиқ ва Бўстонлик туманларида қатор дам олиш зоналари, кўплаб болалар дам олиш лагерлари барпо этилди. 70-йилларда Тошкент шаҳрига туташ ва яқин ҳудудларда кишлоқ хўжалиги учун яроксиз ва кам маҳсулдор ерлар ва турли тоғ-кон саноати карьерларида Тошкент шаҳрининг кўп қаватли уйларида яшайдиган аҳолисига дала-ҳовли (дачалар) берилди. Улар боғдорчилик уюшмалари таркибига киритилди. Дала ҳовлилар ўзига хос агрорекреация (дам олиш) турларидан бирига айланди. Улар дам олиш кунларида (шанба, якшанба) қиска муддатли дам олишни ташкил этишда муҳим роль ўйнади.

Бир вақтнинг ўзида 70 ва 80-йилларда Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳрига яқин ҳудудларида жойлашган туманларида Тошкент шаҳрининг барча туманларига қарашли бўлган дам олиш зоналари ташкил этилди. Уларда Тошкент шаҳри туманларига қарашли корхона ва ташкилотлар ходимларининг қиска муддатли (дам олиш кунлари) ва узок муддатли (дам олиш уйлари, санаторийлар, пансионатлар ва б.) дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди: меҳмонхоналар, спорт иншоотлари, қайиқ станциялари, маданий-маиший, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, автобус маршрутлари ташкил этилди ва бошқалар. Бундай рекреация корхоналари кўпчилиги, асосан, Тошкент шаҳрининг йирик саноат корхоналарига қарашли бўлган. Шунингдек, турли йирик ташкилот ва касаба уюшмаларига қарашли кўплаб дам олиш

уйлари ва пансионатлар, болалар дам олиш лагерлари, дачалар, дам олиш базалари, турбазалар, кемпинг ва мотеллар, профилакторийлар, ижодий уйлар ва бошқалар барпо этилди.

Собиқ иттифок мустамлакачилиги даврида мамлакатимизда, шу жумладан Тошкент пойтахт минтақасида рекреация хўжалигини ривожлантиришда асосий эътибор айрим санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар дам олиш лагерларини (пионер лагерлари) қуришга қаратилди. Туристик базалар, дам олиш зоналари, пансионатлар қуриш, ички туризмни ривожлантириш, қизиқарли туристик маршрутларни ташкил этишга кам эътибор қаратилди, йирик рекреация марказлари ва комплекслари барпо этилмади.

Мустамлакачилик йилларида ташкил этилган рекреация объектлари кўплаб идораларга қарашли бўлиши билан боғлиқ бўлган тарқоқлиги дам олувчиларга хизмат кўрсатиш сифати паст бўлишига сабаб бўлди, рекреация объектларининг ўзаро боғлиқ комплексини барпо этишга катта тўсик бўлди. Кўп ҳолларда рекреация объектлари оддий содда уйчалар, вақтинчалик кулбалардан иборат бўлиб, улар оддий санитария, меъморчилик ва қурилиш қоида ва талабларига амал қилинмай тартибсиз қуриб ташланган эди.

Идоравий тарқоқлик сабабли рекреация хўжалиги объектлари ўзаро мувофиқлаштирилмасдан қурилди ва фаолият юритди, лойиҳалари ҳамда объектлари туризмни ривожлантиришнинг ягона схемасида ўзаро бирлаштирилмади ва фаолияти мувофиқлаштирилмади. Оқибатда фақат айрим идоравий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муаммолар ҳал этилди. Кўплаб рекреация, уларга хизмат кўрсатувчи ва йўлдош ва қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар, муҳандислик иншоотлари, транспорт ва алоқа тизимларини ўзаро боғлиқ ҳолда барпо этиш муаммолари ҳал этилмади.

Мустақиллик йилларида мустабид совет тизими даврида шаклланган, унинг манфаатларига бўйсундирилган, марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми асосида фаолият кўрсатган рекреация-туризм хўжалиги миллий манфаатлар устувор бўлган бозор иқтисодиёти талаб ва тақлифларига мувофиқ тубдан қайта қурилди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда туризм соҳасининг ҳуқуқий-иқтисодий асослари яратилди, унинг жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Туризм соҳасида республиканинг ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органи – «Ўзбектуризм» Миллий компанияси тузилди (1992 йил). Унинг таркибига тармоққа алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари киритилди, минтакаларда ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Мазкур компания мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди, тармоқда туб иқтисодий ислохотларни амалга оширди, халқаро андозаларга мос илмий-техник ва инвестиция сиёсатини амалга оширди, кўплаб янги туристик маршрутларни ишлаб чиқди ва уларни амалиётга жорий этди. Ҳар томонлама пухта ўйланган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Тошкент вилояти Тошкент пойтахт минтақасининг мавжуд рекреация тизимида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги рекреация хўжалигида етакчи ўринни эгаллайди: бу ерда мамлакатимиз рекреациясининг кўплаб турлари (тоғ чанги спортини ҳам қўшиб) юкори даражада ривожланган. Вилоятда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган рекреация марказлари ва комплекслари шаклланиши ҳамда ривожланиши, асосан, пойтахт Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти саноат марказлари ҳисобланган йирик шаҳарлари (Олмалик, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод ва бошқалар) мавжудлиги ва яқинлиги, улардаги кўп сонли аҳолининг катта рекреация эҳтиёжлари мавжудлиги билан узвий боғлиқдир. Тошкент вилоятида 95 та болалар оромгохлари, 5 та дам олиш зоналари, 10 та санаторий, 14 та санаторий-профилакторий, 3 та дам олиш уйлари, 7 та пансионат, 2 та болалар санаторийси ҳамда «Чимён» дам олиш зоналари бор (Ўзбекистон Республикаси 2006, 673-бет).

Тошкент вилоятида 2012 йил ҳисобот маълумотларига кўра, 22,3 млрд. сўмлик туристик хизматлар, шундан 16,4 млрд. сўмлик (73,5%) меҳмонхона ва санатория-курорт хизматлари, 2,8 млрд сўмлик (12,6%) туристик-экскурсия хизматлари (маданий-маърифий, кўнгилочар, рекреация ва б.), 1,9 млрд сўмлик (8,5 %) овқатланиш хизматлари, 1,2 млрд сўмлик (5,4 %) бошқа хизматлар (сувенирлар сотиб олиш, тиббий ва виза хизматлари) кўрсатилган. Туристик хизматлари экспорти (минг АҚШ доллари) ҳажми 343,4 минг долларга, шундан меҳмонхона ва санатория-курорт хизматлари 253,8 (73,9%), туристик-экскурсия хизматлари 44,3 (12,9%), овқатланиш хизматлари 26,1 (7,6 %), бошқа хизматлар 19,2 (5,6 %) га тенг бўлган. Жами туристлар сони 51,2 минг киши, хорижий туристлар сони 6,3 минг кишини ташкил этган. Вилоятда 31 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, ундаги жойлар сони 1317 та бўлган (Собрание законодательства Республики Узбекистан, № 39 (591). 2013, с. 510).

Тошкент пойтахт минтақасининг асосий дам олиш базаси Тошкент вилоятининг тоғ зонаси – Ғарбий Тяньшан тоғларида жойлашган бўлиб, улар ўзига хос рекреация-туристик комплексни ташкил этади. Мазкур комплекс таркибида қуйидаги рекреация-соғломлаштириш зоналари шаклланган: 1) Паргос-Оқтош даволаш-соғломлаштириш зонаси тоғ иклими, минерал манбалар, Хўжакент сув омбори қирғоқлари ва сув ресурсларидан фойдаланишга асосланиб шаклланган. Бу ерда «Товоксой», «Хумсон», «Оқтош» санаториялари, бошқа катор дам олиш зоналари, болалар лагерлари, спорт базалари жойлашган; 2) Чимган-Чорвоқ соғломлаштириш зонаси Чорвоқ сув омбори қирғоқлари бўйлаб чўзилган бўлиб, Ғарбий Тяньшаннинг табиати мафтункор қисмларини эгаллайди. Бу ерда нафақат Тошкент вилоятининг, балки Ўзбекистоннинг энг катта соғломлаштириш зонаси барпо этилган бўлиб, Тошкент шаҳри туманлари ва корхоналарининг дам олиш зоналари, болалар ва талабалар комплекслари устун мавқега эга. Мазкур зона таркибига тоғ туризми, тоғ-чанги-спорт ва соғломлаштириш йўналишига ихтисослашган «Чорвоқ» (890 м), Чимган (1300-1700 м мутлоқ баландлик), Белдирсой (1500 м) дам олиш зоналари ҳам киради; мазкур учта оромгох Ўзбекистоннинг ўзига хос ягона

кишки туристик зонаси бўлиб, бу ерда дам олувчилар декабрь-апрель ойларида кишки спорт турлари билан шуғулланишлари ва саломатликларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган (тоғ-чанғи трассалари, осма (канат) йўл, бугель кўтаргич, вертолет хизмати ва б.); 3) Оқсоқота-Паркент-Сўкок соғломлаштириш зонаси асосан Угом-Чоткол миллий табиат боғи худудида Чоткол тоғ тизмаси ёнбағирларида жойлашган. Бу ерда «Кумушкон», «Сўкою» дам олиш уйлари, катор дам олиш зоналари, туристик марказлар, болалар лагерлари мавжуд;

4) Оҳангарон-Янгибод соғломлаштириш туристик зонаси асосан Ангрэн-Олмалик тоғ-кон саноати комплексининг дам олиш зонаси ҳисобланади. Бу ерда «Янгибод», «Эртош», «Кўксарой», «Қизилча» каби туристик базалар жойлашган.

Тошкент пойтахт минтақасида туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Тошкент вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида» ги 259-сонли қарори ғоят катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Уни муваффақиятли амалга ошириш натижасида минтақада туристик хизмат кўрсатиш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Қарорни амалга ошириш жараёнида Чимён-Чорвоқ рекреация зонасида кўплаб янги транспорт-коммуникация инфратузилма объектлари қурилиб ишга туширилди, янги туристик маршрутлар шаклланди, шунингдек, мазкур тадбирлар асосида туристик хизмат кўрсатиш сифати ошди, кўплаб янги иш ўринлари барпо этилди, аҳолининг янги даромад олиш манбалари яратилди. Вилоятнинг мавжуд туристик хизмат кўрсатиш турлари диверсификация қилинди (масалан, «Янгибод» турбазасида, «Сумча» дам олиш зонасида (Паркент тумани), Чимган-Чорвоқ рекреация зонасида ва б.), янги туристик маршрутлар шаклланди (масалан, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон («Янгибод») туманларида, Угом-Чоткол миллий боғи, Чоткол биосфера кўрикхонаси йўналишларида), туристик салоҳиятни намоёни қилиш тадбирларини ўтказиш фаоллаштирилди, туристларга хизмат кўрсатадиган йўлдош инфратузилмалар ҳолати яхшиланди (масалан, барқарор мобиль алоқалар ўрнатилди, банкоматлар тури кенгайтирилди, Чимган дам олиш зонаси худудидаги осма (канат) йўл модернизация қилинди ва б.), туризм соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилди.

Мазкур қарорни амалга ошириш натижасида туристик хизмат кўрсатиш ҳажми 2012 йилга нисбатан 2015 йилда 1,7 марта, туристик хизмат кўрсатиш экспорти 1,5 марта, туристлар сони 1,4 марта, хорижий туристлар сони 1,2 марта, меҳмонхоналар сони 1,9 марта, меҳмонхоналардаги ўринлар сони 2,1 мартага ошиши мўлжалланган. Белгиланган тадбирларни амалга оширишни молиялаштиришга 77,8 млн. доллар маблағ ажратилди, шу жумладан корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари (млн. доллар) 42,7 (54,9%), тижорат банклари 26,4 (33,9 %), хорижий инвестициялар 5,65 (7,3 %), давлат бюджети маблағлари 3,05 (3,9 %).

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорни амалга ошириш жараёнида кўплаб мавжуд меҳмонхоналар ва бошқа туристик инфратузилма объектларини реконструкция қилиш (масалан, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида) билан бир каторда кўплаб янги объектларни қуриш режалаштирилди. Улардан энг муҳимлари каторида қуйидаги объектларни кўрсатиш мумкин: 1) меҳмонхоналар: Бекобод, Чирчиқ, Хўжакент (Бўстонлик тумани), Юсуфхона (Бўстонлик), Янгиовул (Бўстонлик), Чимён (Бўстонлик), Боғистон (Бўстонлик), Кумушкон (Паркент), Паркент ва бошқалар; 2) мотел: Эртош кўрғони (Охангарон), Тошкент-Ош автойўли; 3) кемпинг: Озодлик кўрғони (Охангарон), Тошкент-Олмалиқ автойўлида; Бўка тумани, Гулистон-Охангарон автойўлида; Пскент тумани; 4) дам олиш зоналари: Кўшкўрғон (Бўстонлик), «Фарход»-Бурчмулла (Бўстонлик), «Сув париси»-Боғистон (Бўстонлик), Бўстонлик, Хўжакент (Бўстонлик); 5) Коттеж шаҳарчалари: Хўжакент (Бўстонлик), «Фарход»-Бурчмулла (Бўстонлик), Бурчмулла (Бўстонлик); 6) спорт-кўнгилочар комплекслари: Чимган (Бўстонлик), «Ором»-Саксонота кўрғони (Юқори Чирчиқ); 7) туристик маршрутлар ва чодир шаҳарчалари: «Оқтахта» давонида Оқсоқота дарёси юқори оқимида 10 кишига мўлжалланган уй-меҳмонхона (қўналға) қуриш (Бўстонлик), Чимган-Янгиобод экотуристтик маршрутини барпо этиш доирасида; Чимган, Бурчмулла, Хўжакент поселкаларида (Бўстонлик) 3 та чодир шаҳарчаларини қуриш ва ободонлаштириш учун майдончаларни тайёрлаш; 8) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (агротуризм) ва табиат салоҳиятини (экотуризм) намойиш этиш Маркази биносини қуриш (Паркент); 9) Уй-меҳмонхоналар ва уй-меҳмонхона комплекслари: Хўжакент (Бўстонлик).

Тошкент вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Дастурида юқорида кўрсатилган объектларга 55,15 млн доллар, шу жумладан ташаббускорлар маблағлари 39,27 млн доллар (71,2 %), тижорат банклари кредитлари 10,23 млн доллар (18,5 %), хорижий инвестициялар 5,65 млн доллар (10,2 %) маблағ ажратиш белгиланган. Мазкур кенг миқёсдаги тадбирларнинг амалга оширилиши Тошкент пойтахт минтақасида туризм соҳасини ривожлантириш даражасини тубдан ўзгартиришга имкон берди. Булар, ўз навбатида, Угом-Чоткол миллий боғининг ўрта ва баланд тоғ қисмларининг ҳозирга қадар фойдаланилмаётган улкан рекреация-ресурс салоҳиятидан экологик туризмни ривожлантиришни амалга оширишнинг ўзига хос моддий-техника ва инфратузилма базаси ва асоси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур Дастурни амалга ошириш 2012 йилга нисбатан меҳмонхоналар сонини 31 тадан 58 тага (ўсиш 1,9 марта), меҳмонхоналардаги ўринлар сонини 1317 тадан 2831 тага (ўсиш 2,1 марта), туристик хизматлар ҳажмини 22,3 млрд сўмдан 37,4 млрд сўмга (ўсиш 1,7 марта), туристик хизматлар экспортини 343,4 минг доллардан 500 минг долларга (ўсиш 1,5 марта), туристлар сонини 51,2 минг кишидан 69,6 минг кишига (ўсиш 1,4 марта), хорижий туристлар сонини 6,3 минг кишидан 7,8 минг кишига (ўсиш 1,2 марта) етказишга имкон беради.

Тошкент вилоятида мустақиллик йилларида рекреация-туристик хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган катта ўзгариш ва силжишлар яқин ва

узок истиқболда катор илмий ва амалий муаммолар ечимини топишни ҳам кун таратибига қўяди. Аввало, содир бўлаётган янги сифат ва миқдор ўзгаришлари Тошкент пойтахт минтақасининг расман пойтахт макоми билан узвий боғлиқ бўлиб, рекреация-туристик муаммоларни ҳам айнан шу йўналишда хал этишни талаб қилади. Содир бўлаётган кўплаб муаммолар асосан Тошкент шаҳри ва вилояти ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро алоқаларнинг мураккаб занжири ва мажмуаси етарли даражада ҳисобга олинмаётганлиги билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлмоқда.

Ягона Тошкент пойтахт минтақаси таркибига кирадиган пойтахт Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ўртасидаги рекреация-туристик алоқаларда кўп ҳолларда ўзаро интеграция ва мувофиқлаштириш етарли даражада амалга оширилмаяпти. Бунинг асосий сабаби пойтахт ва вилоят ўртасида рекреация объектларига эгаллик қилиш, уларни бошқариш соҳасида идоравий ва маъмурий-худудий тарқоқлик мавжудлиги билан боғлиқдир: Тошкент шаҳри ва унинг таркибига кирадиган шаҳар ички туманларида рекреацияни бошқариш жараёни маъмурий чегаралар доирасида тегишли бошқариш органлари томонидан мустақил амалга оширилади, бунда улар таркибига кирадиган, лекин Тошкент вилояти худудида жойлашган рекреация объектларидан фойдаланиш масалаларида Тошкент вилоятида рекреацияни бошқариш органлари фаолияти билан мувофиқлаштириш ва интеграциялаш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Бу ҳолат асосан юқорида айтиб ўтилганидек, пойтахт ва вилоят ўртасида рекреацияни бошқаришда идоравий ва маъмурий-худудий тарқоқлик мавжудлиги ва ўзаро интеграциялашнинг доимий амалга оширилмаётганлиги билан боғлиқ.

Тошкент шаҳри ва унинг ички туманларида рекреацияни бошқариш мавжуд маъмурий-худудий чегараларда тегишли бошқариш органлари томонидан Тошкент вилояти ва унинг туманларида рекреацияни бошқаришдан алоҳида ва мустақил амалга оширилади. Булар, ўз навбатида, амалиётда содир бўлаётган рекреация-туристик жараёнларга чекловчи таъсир кўрсатиб, катор муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай маъмурий-худудий чекловлар тартиби илгари кўрсатиб ўтилган рекреация-туристик фаолиятни бошқаришнинг ўтмиш даврларда шаклланган идоравий тарқоқлиги таъсири билан боғлиқдир. Шу муносабат билан мавжуд вазиятни ва истиқболли йўналишларни ҳар томонлама тўла ҳисобга оладиган концепция ва стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш асосий муаммолар каторига киради.

Тошкент пойтахт минтақасида узок муддатли истиқболда рекреация-туристик хизмат кўрсатишни ягона комплекс сифатида шакллантириш ва барқарор ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш концепцияси минтақада Тошкент шаҳри ва вилояти ўртасидаги муносабати, манфаатларни ўзаро мувофиқлаштириш ва интеграциялаш ҳамда биргаликда ҳаракат қилишни таъминлаш, дам олиш табиатни асраш ва муҳофаза қилиш талаблари ва атроф-муҳитга зарарли таъсирни кам даражага туширишни таъминлашга асосланган ҳолда яхлит ривожлантириш ва бошқариш ғоясига асосланади. Концепцияда

қуйидаги омиллар ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга олинади: табиий, ҳудудий, меҳнат, молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, шаклланган аҳоли яшаш манзиллари тизими, тармоқнинг моддий-техника базаси, транспорт тури ва инфратузилма. Шунингдек, минтақанинг рекреация-туризм соҳасини бошқаришни такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилади.

Концепция қуйидаги муҳим принципларга асосланиши керак: 1) Тошкент пойтахт минтақасининг, биринчи навбатда Тошкент шаҳрининг рекреация-туристик эҳтиёжларининг асосий қисмини Тошкент вилояти тоғ зонасининг (Ғарбий Тяньшан) табиат- рекреация салоҳиятидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳисобига таъминлаш, туристлар ва дам олувчиларни жойлаштиришга ихтисослашган манзилгоҳлар (кўрғонлар)нинг алоҳида тизимини шакллантириш ва уларни ривожлантириш; 2) тоғ табиати муҳитини аҳолини соғломлаштиришнинг энг муҳим омили сифатида асраш ва юқори сифатини муҳофаза қилиш; 3) мувофиқлаштириш, тўплаш (концентрациялаш), кооперация, ихтисослаштириш, интеграциялаш афзалликларидан амалиётда кенг фойдаланишни амалга ошириш; рекреация хўжалигини комплекс ривожлантириш ва интенсивлаш, ресурслардан фойдаланишни узлуксиз такомиллаштириш, табиат муҳофазасини таъминлаш; 4) рекреация эҳтиёжлари ва талабларини бошқариш, шу мақсадда, биринчи навбатда, рекреация ресурсларининг самарали рекламасини йўлга қўйиш; 5) минтақа рекреация комплекси фаолиятини мавжуд объектлар тизимини бошқаришни такомиллаштириш ҳисобига самарадорлигини сезиларли ошириш имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш; 6) туризм индустрияси, рекреация ривожланиши йўналишини олдиндан билиб бўлмасликни ҳисобга олиш; 7) туризм, маҳаллий ривожланиш ва табиат муҳофазасини ўзаро боғлиқ ҳолда бирга қўшиб олиб бориш; 8) Тошкент пойтахт минтақаси чегараларида (доирасида) дам олиш тизимини яхлит интеграциялашган ягона комплекс сифатида бошқаришни таъминлаш ва пойтахт Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятини тўлиқ камраб оладиган комплекс лойиҳани амалга ошириш.

Мазкур концепцияни амалга оширишда қуйидаги энг муҳим тадбирлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади: 1) ривожланган рекреация-туристик инфратузилмани барпо этиш ва дам олиш жойларига йил давомида бехатар бориш-келишни таъминлаш (ихтисослашган рекреация марказлари ва комплекслари, рекреация йўллари ва жиҳозланган туристик сўкмоқлар, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўзаро боғлиқ комплексини шакллантириш). Объектларга хотиржам бориб келишга имконият яратиш рекреацияни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Инфратузилмани барпо этишга ватанимиз хусусий ва хорижий инвесторларни уларга рағбатлантирувчи солиқ ва бошқа имтиёз ҳамда афзалликларни бериш орқали кенг жалб этиш лозим. Шу мақсадларга мўлжалланган махсус жамғармаларни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади; 2) миллий боғ ва кўрикхоналарда табиат муҳофазаси ва рекреация вазифаларини биргаликда қўшиб олиб боришни кучайтириш; 3) дам олиш ташкилотчиларининг эътиборини айрим корхоналарни (фирмаларни) ташкил этишдан ободонлаштирилган ихтисослашган рекреация зоналари

тизимини ташкил этишга кўчириш. Бундай зоналарга линияли-баландлик зонал экскурсия (саёҳат), сайр қилиш, туристик маршрутларни ҳамда рекреация объектларини кўшиш; 4) рекреацияни ташкил этишга кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг жалб этиш. Шу мақсадда асосий эътиборни капитал иншоотлар ва профессионал сервисга эмас, балки энг кам техник воситалар билан жихозланган, спорт, пиёда юриш, альпинизмга ҳамда тоғ аҳолисининг анъанавий турмуш тарзига яқинлаштирилган, туристларнинг ўзларига ўзлари хизмат кўрсатишига асосланган туризм (экотуризм)ни ривожлантиришга йўналтириш лозим.

Минтақада рекреацияни ривожлантиришни бошқариш стратегияси истикболда муваффақиятларга эришишнинг мавжуд салоҳиятини аниқлашга, шу асосда узок муддатли мақсад ва вазифаларни белгилаш ва уларни амалга оширишга йўналтирилади. Бундай стратегия бошқаришнинг стратегик даражасида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Шу маънода стратегия норматив туристик сиёсат ва оператив туристик дастурларни боғловчи бўғин ҳисобланади.

Стратегия рекреация хўжалигини бошқаришда бозор, тижорат, табиат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий мақсадларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида ташкил этиш ва рекреация фаолиятини такомиллаштиришни асосий мақсадга айлантиради. Рекреациянинг узок муддатли рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси эса мавжуд рекреация-туристик салоҳиятни мустаҳкамлаш, янгиларини шакллантириш (имиж, бренд, ваколат, бозор улуши ва б.), мавжуд рекреация ресурсларидан фойдаланишни интенсивлаш орқали амалга оширилади.

Тошкент пойтахт минтақасининг рекреация ресурслари қанчалик кўп ва хилма-хил бўлмасин, лекин улар чекланган ва чегараланган имкониятларга эга. Ҳозирги вақтда рекреация ресурсларини кенгайтириш асосан янги ҳудудларни туристик айланмага киритиш ҳисобига, яъни экстенсив йўналишда амалга оширилади. Экстенсив йўналишни узок муддатли даврда стратегик жиҳатдан истикболли деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу сабабдан асосий йўналиш-рекреацияда ўзлаштирилган рекреация зоналари ресурсларидан фойдаланишни интенсивлашдан иборат. Бунда рекреация зоналарига ташриф буюрувчиларнинг йил давомида беҳатар ва бемалол бориб келишини таъминлаш улардан рекреацияда фойдаланишни кенгайтиришга имкон беради.

Рекреация ресурсларидан фойдаланишни интенсивлаш йўналишида тобора ўсиб бораётган рекреация эҳтиёжларини таъминлаш стратегиясида қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

1. Табиат экотизимлари ва ландшафтлари барқарорлигини ошириш: а) ресурсларнинг фойдали хоссаларини асраш ва қайта тиклашни доимий рағбатлантириш; б) экотизим ва ландшафтларни ободонлаштириш ва табиат-техник (антропоген) рекреация тизимларини барпо этиш.

2. Ресурслардан фойдаланиш бирлигига рекреация юкламалари солиштирма ҳажмини қуйидагилар ҳисобига ошириш: а) рекреация тизимларининг «иккинчи табиат» (табиат-антропоген) шаклидаги мақбул

йўналишларини барпо этиш; б) ресурслардан фойдаланишни интенсивлаш (ресурслардан бир вақтнинг ўзида турли ихтисослашган йўналишларда кўп томонлама вазифаларни бажаришда фойдаланиш); в) ресурсларни рекреацияда фойдаланиш жараёнида асраш ва муҳофаза қилиш; г) интенсивлашни технологик жиҳатдан ландшафтда салбий ўзгаришлар содир бўлиши олдини олишга йўналтириш.

3. Рекреация-туристик фирмалар стратегиясини ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, харажатларни камайтириш, бозор талабларининг ўзгаришига тез мослашишда лидерликка эришиш йўналишларида амалга ошириш.

Тошкент пойтахт минтақасида рекреацияни барқарор ривожлантириш стратегияси қуйидаги принципларга асосланиши лозим: 1) бирламчи ресурслар истеъмолини инновацион ресурс тежаш технологияларини кенг қўллаш асосида сезиларли камайтириш; 2) энергиянинг экологик тоза муқобил турлари ресурсларидан (куёш, шамол, сув, биогаз ва б.) фойдаланиш асосида энергияни тежаш; 3) рекреация-туризмни ривожлантириш суръатларини мавжуд рекреация ресурслари салоҳияти ва вазиятларига мувофиқлаштириш ва мослаштириш; 4) рекреация хизмат кўрсатишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини энг кам даражага тушириш.

Тошкент пойтахт минтақаси шароитида рекреацияни ривожлантириш стратегияси кўплаб зарур ресурсларнинг (масалан, иқлим омиллари) кучли мавсумий ўзгариши ва баландлик зонал хусусиятга эга бўлиши, уларнинг рекреацияни ривожлантиришни ташкил этишга кучли таъсир кўрсатишини ҳар томонлама тўла ҳисобга олишни талаб қилади. Бошқа томондан стратегияда рекреация хизматлари ва товарлари ўша ерга бориб истеъмол қилинишини, истеъмолчи (турист) эса ўша ерга олиб борилишини ҳисобга олиб, объектларга туристларнинг бориб-келиш шароитини яхшилаш асосий тадбирлар қаторида ҳисобга олиниши керак.

5.3. Угом-Чотқол миллий табиат боғи ва унга туташ ҳудудларнинг рекреация-туристик ресурслари салоҳияти ва уларни баҳолаш

Угом-Чотқол миллий боғи Чотқол биосфера кўрикхонаси билан биргаликда Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш ва бу ерда рекреацияни ривожлантиришнинг асосий объекти ҳисобланади. Тошкент пойтахт минтақаси шаҳар аҳолисининг табиат қўйнида дам олишга талабининг тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда рекреация-туристик ресурслари салоҳиятидан табиатни асраш ва муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш асосида рекреацияни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришда самарали фойдаланиш асосий муаммолар қаторига киради.

Миллий боғ 1990 йилда Ғарбий Тяньшан тоғ тизимида Тошкент вилоятининг тоғли Бўстонлик, Паркент, Охангарон туманлари ҳудудининг катта қисмида ташкил этилган бўлиб, 2000 йилдан бошлаб унинг таркибига

Чоткол биосфера кўриқхонаси (35,7 мингга), Охангарон (183,1 мингга), Бурчмулло (352,4 минг га) ўрмон хўжаликлари киритилган. Умумий майдони 574,6 мингга, шу жумладан 95,1 мингга ўрмонлар (16,6 %) билан қопланган.

Миллий боғ Тошкент вилояти умумий майдонининг (15,25 минг км²) 37,7% ни эгаллайди. Миллий боғда қуйидаги функционал зоналар ажратилган (минг га): рекреация 110,2 (19,2%) кўриқхона 35,7 (6,2%) ландшафт 428,7 (74,6%). Боғда ўрмон хўжалиги ерлари ажратилган бўлиб, унда ўрмон фонди 322,6 минг га, (56,1%), ўрмон-маданий ўрмонлар фонди 620 гектарни эгаллайди. Шунингдек, боғда 177,3 минг га яйлов ва пичанзор (30,9%), 1,61 мингга суғориладиган ерлар (2,8 %), 329 минг га қоя ва очилиб қолган ён бағирлар (57,3 %) ерлари мавжуд.

Угом-Чоткол миллий боғи ва унга туташ катта ҳудудлар рекреация-туристик аҳамиятга эга бўлган бой ва хилма-хил ресурс салоҳияти мавжудлиги билан нафақат Тошкент пойтахт минтақасида, балки мамлакатимизда алоҳида ажралиб туради. Ғарбий Тяньшан тоғлари тизими таркибига кирадиган Угом (энг баланд чўккиси Сайрам 4238 м), Писком (Бештор чўккиси 4291 м), Чоткол (4503 м, шунингдек, Чимён чўккиси 3309 м), Майдонтол (4269 м), Кўксув (Қозонбулок тоғи 3666 м) тизмалари паст тоғ (1200 м. гача), ўрта тоғ (2000 м. гача), баланд тоғ (2000 м. дан юқори) баландлик зоналари алмашилишидан таркиб топадиган туристлар учун ғоят мафтункор, жозибадор экотизим ва ландшафтларни ўз ичига олади. Бу ерда кўплаб чиройли ва гўзал манзаралар, хушманзара жойлар мавжуд бўлиб, ўтлоқлар ўрмонлар билан, дара ва қоялар қорлик ва музликлар билан алмашинади, шаркираб ва хайқириб оқадиган дарёлар, баланддан тушадиган шаршаралар мавжуд. Миллий боғда табиат оламининг барча унсурлари-сув, тупроқ, флора ва фауна, шунингдек, экотизим ва ландшафтлар муҳофазага олинган.

Миллий боғ таркибига кирадиган тоғлар табиати хайрон қоларли даражада ғоят хилма-хилдир. Бир кунлик саёҳат давомида кўп вақт ва куч сарфламасдан баландлик зоналиги қонунияти таъсирида баҳор (альп ўтлоқларида), ёз (чўл, тоғолди зоналарида), куз (ўрта тоғ), киш (баланд чўккилардаги қор ва музликлар) фаслларида хос иқлим ва табиат зоналари алмашилишини кузатиш мумкин. Чўл, дашт, ўрмон-дашт, ўрмон (арчазор (1500-3000 м), альп ўтлоқлари (2500-3500 м), абадий қорлик ва музликлар (3500 м дан юқори) алмашилиши туристларда катта қизиқиш уйғотади. Тоғларда 20 дан ортиқ чиройли манзарали кўллар, кўплаб ажойиб табиат ёдгорликлари, қатор сув омборлари, кўплаб дарё, сой, булоқлар бор.

Тошкент пойтахт минтақаси рекреацияни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган экологик вазиятнинг қулайлиги бўйича Ўзбекистонда алоҳида ажралиб туради. (21- ва 22-жадваллар).

**Ўзбекистон Республикасида экологик вазиятни комплекс баҳолашнинг
солиштирма натижалари**

Экологик Худудлар	Худуд, млн.га	%	Ш.ж.суғорилад иган ерлар	%	Аҳоли, млн. киши	%	Маъмурий туманлар сони, бирл.(республи ка ва вилоят тасарруфи- даги шаҳарлар)	%
0-кулай экологик вазиятли	11,8	26,5	1,6	37,2	10,8	47,0	95	43,3
1-критик экологик вазиятли	16,1	36,2	1,8	41,9	9,4	40,9	89	41,0
2-фавқулдда экологик вазиятли	12,9	29,0	0,7	16,3	2,8	12,2	32	15,2
3- экологик офат	3,7	8,3	12,9 минг га	4,5	27,8 минг киши	-	1	0,5
Жами Ўзбекистон Республикаси бўйича	44,5	100	4,3	100	23,0	100	217	100

Манба: Жумаев Т.Ж. Экология иқтисодиёти: назария ва амалиёт. -Т.: Iqtisodiyot, 2014, 14-б.

**Тошкент иқтисодий районида (Тошкент вилояти ва Тошкент ш.) экологик
вазиятни комплекс баҳолаш натижалари**

Экологик худудлар	Худуд, минг га	%	Ш.ж.суғориладиган ерлар	%	Аҳоли, минг. киши	%	Маъмурий туманлар сони, бирл.(респуб. ва вилоят тасарруфи-даги шаҳарлар)	%
0-кулай экологик вазиятли	410,5	26,6	207,0	52,0	3336,3	76,2	12	54,5
1-критик экологик вазиятли	1133,4	73,4	191,4	48,0	1041,2	23,8	10	45,5
2-фавқулдда экологик вазиятли	-	-	-	-	-	-	-	-
3- экологик офат	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами	1543,9	100	398,4	100	4377,7	100	22	100

Манба: Жумаев Т.Ж. Экология иқтисодиёти: назария ва амалиёт. -Т.: Iqtisodiyot, 2014, 41-бет.

21, 22-жадваллар маълумотларига кўра, Тошкент пойтахт минтақасида кулай экологик вазият (0) минтақа худудининг 26,6 % (республикада 26,5 %), шу жумладан суғориладиган ерларнинг 52,6 % (республикада 37,2 %) тўғри келади. Бу ерда минтақа аҳолисининг 76,2 %, маъмурий туманларининг

54,5 % (республикада тегишлича 47 % ва 41,3 %) жойлашган. Критик экологик вазиятли ҳудуд (1) ҳиссасига ҳудуднинг 73,4 %, суғориладиган ерларнинг 48 % (республикада тегишлича 36,2 % ва 41,9 %), аҳолининг 23,8 %, маъмурий туманларнинг 45,5 % (республикада тегишлича 40,9 % ва 41 %) тўғри келади. Мазкур туманда фавқулодда экологик вазиятдаги (2) ва экологик офат (3) ҳудудлари мавжуд эмас (республикада улар ҳудуднинг тегишлича 29 % ва 8,3 % салмоққа эга).

Миллий боғда намунали ташкил этилган табиат муҳофазаси ва дам олувчиларга хизмат кўрсатишда ташриф буюрувчиларга мазкур соҳаларда эришилган ютуқларни намойиш қилишга имкон беради. Шу билан бир қаторда миллий боғнинг сайёҳлар учун жозибадорлигини ошириш туристик хизматларни ташкил этувчиларнинг уларни намойиш этиш маҳоратларига ҳам кўп даражада боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан, энг аввало, рекреация-туристик ресурсларни энг муҳим белги ва хоссалари, фарқларига кўра гуруҳларга бўлиш – таснифлаш, сўнгра уларга таъриф бериш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таснифлаш рекреация ресурсларини ўрганиш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Рекреация-туристик ресурслар табиат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ресурсларининг бир қисми бўлиб, улар туристик хизмат кўрсатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади ва кишиларнинг меҳнат қобилияти, саломатлигини қўллаб-қувватлашни (қайта тиклаш) таъминлаш воситаси ҳисобланади.

Туризм биринчи навбатда экотуризм нуктаи назаридан Угом-Чотқол миллий боғи рекреация ресурсларини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) табиат комплексининг рекреация ресурслари; 2) рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурслари.

Бундай таснифлаш миллий боғ рекреация ресурслари салоҳиятининг яхлит манзараси ва ҳолатини аниқлаш, уларни баҳолашга имкон беради. Бунда ҳам табиат комплекси, ҳам рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш истеъмошчилар-сайёҳ ва дам олувчилар томонидан бу ресурслар мавжуд бўлган ҳудудларга бевосита бориб истеъмош қилиниши ва улар маълум сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлишини ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга олиш керак. Табиат комплекси рекреация ресурсларидан табиатда дам олиш жойи ва унинг соғломлаштирувчи хусусияти ва неъматларидан рекреация-туристик хизмат кўрсатишнинг бирламчи асоси сифатида фойдаланилади. Улар табиат компонентлари ва экотизим ва ландшафт ресурсларидан таркиб топади.

Рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурслари табиат комплекси рекреация ресурсларидан туризмда фойдаланишни рўёбга чиқаришга иккиламчи асос бўлиб хизмат қилади. Иккиламчи асослар барпо этилмаса бирламчи ресурслар фойдаланилмаган захиралигича қолиб кетади. Мазкур ресурслар инсон меҳнати ва интилишларининг ижтимоий-иқтисодий натижаси бўлиб, улар бирламчи ресурсларни туризм айланмасига киритиш учун қулай шарт-шароит яратади. Уларнинг таркибига рекреация инфратузилмаси, туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатадиган, шунингдек,

рекреация зоналарини ободонлаштириш билан шуғулланадиган барча корхоналар киради.

Табиат комплексининг рекреация-туристик ресурслари компонентлари куйидаги турларга бўлинади: 1) геологик-геоморфологик; 2) иклим ва об-хаво; 3) гидрологик; 4) биологик ва бошқалар.

23-жадвал

Тошкент вилояти жонсиз табиатининг муҳим рекреация-экотуристик аҳамиятга эга бўлган ноёб объектлари

№	Объектлар	Асосий хусусиятлари
I	Геоморфологик	1. <u>Пўлатхон платоси</u> . Чотқол дарёси чап ирмоғи Окбулок дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Плато баланд тик қоя деворлари билан чекланган ва ташки дунёдан деярли ажралиб қолган ясси тоғ участкаси бўлиб, бу ерда карст ходисалари намоён бўлади. Катта рекреация-экотуристик аҳамиятга эга бўлган кизикарли объектдир
II	Стратиграфик	2. <u>Минг тепа очилмаси</u> . Келес дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган жойининг жануби-шарқида жойлашган. Чирчиқ дарёси водийсининг сувайирғич террасасининг кўриниб турадиган, қалинлиги 40 метр бўлган тик жарлик бўлиб, ўрта тўртламчи давр пролювиал лёсслардан таркиб топган. Тўртламчи даврда шаклланган лёсс тузилмалари шаклланиши тарихининг стратиграфик эталонларидан бири ҳисобланади. Кизикарли рекреация-экотуристик объект
		3. <u>Кўдбулок кесмаси</u> Чотқол тизмаси ғарбий чеккасида Охангарон дарёси водийсида жойлашган кечки, -ўрта- ва эрта тўртламчи давр магнетизми, геоморфологияси, чўкмалар тўпланиши, тупрок ҳосил бўлиши эволюцияси ва қадимги одам экологияси бўйича муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Катта илмий ва рекреация-экотуристик аҳамиятга эга
III	Педологик	4. <u>Арқутсой кесмаси</u> Угом дарёси чап қирғоғида Хумсон посёлкасида 300 м жанубда Угом тизмасининг жанубий қисмида Арқутсой урочишасида жойлашган. Бу жойда кўчки плейстоцен (ўрта-ва қуйи тўртламчи давр) ёшидаги кўмилган тупрокнинг кўплаб қатламлари билан қопланган катта қалинликдаги (80 метрдан ортиқ) лёссимон қумок тупроқларни очиб ташлаган. Объект катта илмий рекреация-экотуристик аҳамиятга эг.
		5. <u>«Апартак карьери» объекти</u> Ангрен шаҳридан 6 км шимоли-ғарбда жойлашган. Бу ерда плейстоцен (ўрта-ва қуйи тўртламчи давр) ёшидаги кўмилган тупрокнинг кўплаб қатламлари очилиб қолган. Улар Ер тарихининг сўнгги 1,5-2 млн. йил давомида тўхтовсиз биосфера эволюциясини ўрганишга имкон беради. Катта илмий ва рекреация-экотуристик аҳамиятга эга
IV	Лимнологик	6. <u>«Иҳнач» дарёга тоғ қоялари ўпирилиб тушиб ҳосил бўлган хушманзара кўллар каскади</u> Юқори Пском тоғларида жойлашган. Муҳим рекреация-экотуристик объект ҳисобланади
V	Гляциал	7. <u>Аютор-2 музлиги</u> . Угом тизмаси тармоқлари жануби-шарқий ёнбағрида Аютор дарёсининг юқорисида жойлашган Ўзбекистоннинг энг катта музлиги ҳисобланади. Узунлиги 3,8 км, майдони 3,9 км ² . Муҳим рекреация-экотуристик аҳамиятга эга

Манба: Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане. Ташкент.: Vaktoria press, 2013, с. 226, 229, 230-231.

23-жадвалда рекреация ресурслари компонентларининг жонсиз табиат таркибига кирадиган айрим турларига қисқача таъриф берилган. Сўнгра матнда бошқа манбаларга асосланиб тегишли компонент ресурслари тўғрисида жадваллар тузилган ва бошқа маълумотлар берилган. Миллий боғда рекреация-туристик фаолиятни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш унинг ҳудуди ва туташ чегараларда мавжуд табиат компонентларининг бой ва хилма-хил рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни асраш, муҳофаза қилиш билан узвий боғлиқ.

Геологик-геоморфологик ресурсларга хилма-хил жонсиз табиат ёлгорликлари ва шакллари (рельефнинг ғаройиб шакллари ва у билан боғлиқ

ландшафт элементлари (коятош, чуқур дара, ғор, карст шакллари, тоғ тизимлари, чўккилар, харсанг тошлар, тоғаро ботиклар ва б.), (геологик очилмалар) каби табиатнинг ноёб ва диққатга сазовор объектлари киради.

Тоғ рельефининг тоғ-ландшафт «амфитеатри» (ёнбағирлар куршовидаги майдон), тоғ ландшафт «йўлаги» (коридори)-туташ ёнбағирлар билан биргаликда гидрография муҳити (йўлаги), даралар, дарё ўзанлари, терассалари), тоғ-ландшафт «зинапояси»-«лестницаси» (турли қиялик ва баландликдаги тоғ ёнбағирлари), тоғ рельефининг мураккаб тузилмаси билан кўшилиб кетган ғаройиб участкалари манзаралари каби шакллари саёҳат йўналишларини белгилаш, сўқмоқларни барпо этиш ва жиҳозлаш, дам олиш жойлари биноларини қуриш ва жойлаштириш, инфратузилмани режалаштиришда ҳар томонлама ҳисобга олиниши керак.

Миллий боғ ва ундаги туташ ҳудудларда катта рекреация туристик аҳамиятга эга бўлган кўплаб объектлардан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) Пўлатхон платоси, Мингтепа очилмаси, Аркутсой кесмаси, Апартак карьери, Кўлбулок кесмаси (5-жадвалга қаранг); 2) Ангрэн баланд тоғ платоси: баландлиги денгиз сатҳидан 2700-2800 м, Чоткол дарёси ирмоғи Окбулок дарёсининг чап қирғоғида жойлашган; 3) манзарали кўринишга эга бўлган Катта ва Кичик Майдонтоғ, Тошкескан платосимон тоғ кўринишлари; 4) Ғормозор ғори: Боғистон посёлкаси (Бўстонлик тумани) яқинида, 1315 м баландликда, майдони 30 м², ҳажми 48 м³; узунлиги 5,4 м, кенглиги 3,9 м, баландлиги 3,4 м (Западный Тяньшан...2008, с. 21); 5) Жилдирама ғор (Хумсон қишлоғидан 20 км узоқликда Гиза платосида), Лайлакча ғор (2440 м баландликда, Бўстонлик тумани), Обирахмат ғори (баландлиги 1250 м Обирахмат қишлоғи яқинида); 6) Капасой дараси (Бурчмулла қишлоғи яқинида), чуқурлиги 50-80 м, эни 1 метрдан 5 метргача, узунлиги 6-8 км; 7) «Замбуруғ» харсанг тоши: Нанай қишлоғи яқинида, баландлиги 5 м, эни 2 м, узунлиги 3,5 м; 8) «Шель» дараси: Бурчмулла қишлоғи яқинида, Кўксув дарёси оқими бўйича баландга 25 км масофада, кенглиги 1 м, қояси баландлиги 25 м, узунлиги 10 м (ўша манба, с. 24-26).

Иқлим ва об-ҳаво ресурслари миллий боғ ва унга туташ ҳудудларда йил бўйи турли йўналишдаги саёҳат ва дам олишни ташкил этишга ҳар жиҳатдан ғоят қулайдир. Ғарбий Тяньшан тоғларининг иқлим-рекреация кўрсаткичлари 24-жадвалда берилган.

24-жадвал маълумотлари миллий боғ ҳудудида деярли барча иқлим кўрсаткичлари рекреациянинг кўплаб йўналишларини ривожлантиришга қулайлигини исботлайди. Асосий масала улардан самарали фойдаланишга бориб такалади. Масалан, ҳар жиҳатдан қулай иқлим зонасида ҳаво ҳарорати 17-22⁰С, намлик эса 70 %га тенг. Қунлик, ойлик, мавсумий, йиллик ўртача метеорологик элементлар (ҳаво ҳарорати, шамол, намлик, босим, ёғинлар ва б.) кўрсаткичларининг ўзгариши киши организмига ва дам олишни ташкил этишга сезиларли таъсир кўрсатади. Шунга боғлиқ ҳолда саёҳат турлари мавсумий хусусиятга (ёзги, қишки ва б.) эга бўлади.

Миллий боғнинг иклим ва об-ҳаво ресурслари тоғларга хос бўлган баландлик зоналиги қонуниятига бўйсунган ҳолда шаклланади. Баландлик ошган сари атмосфера босими пасаяди (100 м баландликда 10 мм симоб устуни), ҳаво ҳарорати пасаяди (1 км баландликда 6⁰С), ёғинлар миқдори кўпаяди, уларга боғлиқ ҳолда иссиқлик, нам, босим нисбатлари ўзгаради, шу йўналишда баландлик зоналар ландшафтлар шаклланади. Бу хусусиятлар рекреация-туризмни ташкил этиш ва бошқаришга жиддий таъсир кўрсатади, мазкур ўзгаришларга мослашишни талаб қилади.

24-жадвал

Тошкент вилояти (Ғарбий Тяньшан) иклим-рекреация ресурсларининг асосий кўрсаткичлари (Чуб В.Е., 2000, Леухина Г.Н. и др., 1996, маълумотлари бўйича)

№	Асосий кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Кўп йиллик ўртача ҳаво ҳарорати (°С)	2,0-9,0
2.	Январь ойининг ўртача ҳаво ҳарорати	-4,0...-11,0
3.	Июль ойининг ўртача ҳаво ҳарорати	17,0-24,0
4.	Ҳаво ҳароратининг суткалик амплитудаси (тебраниши)	11,0-15,0
5.	Ўртача минимал ҳаво ҳарорати	-7,0...-11,0
6.	Мутлоқ минимал ҳаво ҳарорати	-31...-47
7.	Ўртача максимал ҳаво ҳарорати	24,0-30,0
8.	Мутлоқ максимал ҳаво ҳарорати	36-42
9.	Совуксиз давр давомийлиги, кун	180-220
10.	Очиқ ҳаволи кунлар	110-120
11.	Июлда ўртача нисбий ҳаво намлиги, %	25-30
12.	Намлик ≤ 30 % бўлган кунлар сони	120-180
13.	Йиллик ёғин миқдори, мм	>700
14.	Энг намлик кўп ойлар	март-май
15.	Қор қопламли кунлар сони	100-160
16.	Шамолнинг максимал тезлиги, м/сек.: суратда шамолнинг максимал тезлиги, махражда шамолнинг бирдан кўтарилиши ифодаланган.	20/26-20/30
17.	Чанг бўронли ва ялатма изғиринли кунлар сони	0
18.	Ҳаво ҳароратининг 5, 10, 12, 15 ⁰ С орқали ўтиши муддатлари (Тошкент вилояти Қовунчи метео станцияси (Янгийўл тумани) маълумотлари) а) 5 ⁰ орқали 11.111-25.Х1., давомийлиги б) 10 ⁰ орқали 25.111-31.Х., давомийлиги в) 12 ⁰ орқали 31.111-19.Х., давомийлиги г) 15 ⁰ орқали 12.1V-8.Х., давомийлиги	268 кун 221 кун 203 кун 173 кун
19*.	Ўртача ойлик ва йиллик ҳаво ҳарорати (°С) ва унинг мавсумий ўзгаришлари (Тошкент метео станцияси): а) қиш: декабрь 1,9; январь...-0,6; февраль 1,9; б) баҳор: март 7,9; апрель 14,7; май 20,1; в) ёз: июнь 24,9; июль 27,0; август 25,0; г) куз: сентябрь 19,6; октябрь 12,8; ноябрь 6,6; д) йиллик: 13,5;	

Манба: а) 1-18 рақамлар: Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. Ташкент, 2000, с. 17-18, 21; б) 19* рақам: Леухина Г.Н., Ляпина О.А., Веремеева Т.Л. Климат Узбекистана. Ташкент, 1996. с. 23.

Шунингдек, тоғларда баландликка боғлиқ ҳолда иклим фаслларининг давомийлиги ўзгаради: совук даврнинг давомийлиги кўпаяди, иссиқ даврнинг давомийлиги пасаяди. Ғарбий Тяньшан тоғларида қиш давомийлиги паст тоғ зонасида 120, ўрта тоғда 150, баланд тоғ зонасида 150 кундан кўпроқ давом этади. Тоғда ёз фасли паст тоғ ва ўрта тоғда узок ва давомли бўлса, баланд

тогда киска ва салкин бўлади. Бу ерда куз мўтадил илик ва курук бўлади. Тоғларда кор кўчкилари, музликлар, сел ва тоғ шамоллари каби ўзига хос тоғ ходисалари мавжуд бўлади.

Умуман миллий боғ худудида ёзда ҳаво ҳарорати текислик водийларига нисбатан ўрта ва баланд тоғ зонасида 6-12⁰С га паст бўлади, нисбатан илик киш фаслида қалин қор қопламлари ҳосил бўлади, булар тоғлардан киш ойларида тоғ-чанғи, бошқа фаслларда экотуризм, альпинизм мақсадларида фойдаланишга қулай шароит яратади.

Гидрологик ресурслар (дарё, кўл, сув омборлари, булоклар, музликлар, шаршаралар, боткокликлар, ер ости сувлари ва б.) сув билан боғлиқ хилма-хил табиат объектларидан таркиб топган. Улардан рекреация-экотуризмда фойдаланишни бошқариш сув ҳавзаси ёндашувига асосланиши ва бунда сув объектларини асраш ва муҳофаза қилиш тартибига амал қилиниши керак.

Тошкент вилоятининг рекреация-экотуристтик аҳамиятга эга бўлган дарё ва сув омборлари, муҳим булоклари кўрсаткичлари 25 ва 26-жадвалларда берилган.

25-жадвал

Тошкент вилоятининг рекреация-экотуристтик аҳамиятга эга бўлган дарё ва сув омборларининг гидрологик кўрсаткичлари

№	Дарёлар	Узун-лиги км	Сув ҳавзаси км ²	Ўртача йиллик сув сарфи м ³ /сек.	Сув омбори ва унинг манбаси (дарёлар)	Юза майдони км ²	Ҳажми млн м ³	Чуқурлиги (м)	
								ўртача	энг чуқур жойи
1.	Кўксув	60	398	11,9	1.	40,3	1991	49,4	148,0
2.	Писком	73	2840	78,0	орвок (Чотқол,				
3.	Майдонтол	50	475	16,3	Писком д.)				
4.	Угом	76	1100	21,7	2. Охангарон				
5.	Чотқол	217	7110	106,0	(Охангарон)				
6.	Чирчик	161	14900	227	3. Тошкент (Туябўғиз) (Охангарон)				

Манба: Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2006, 25, 29-бетлар.

Тошкент вилояти тоғларида Ўзбекистон худудида шаклланади жами сув оқимларининг (10 км³) 45,5 %, барча йирик булокларнинг (республикада 1448 та) 34,4 % (498 та) шаклланади (Атлас родников... 2006, с. 5). Бу ерда Чирчик дарёси ва унинг ирмоқлари Чотқол, Угом, Майдонтол, Писком, Кўксув, Охангарон каби дарёлар, 4 та сув омбори (Чорвок, Хўжакент, Ғазалкент, Охангарон) мавжуд бўлиб, улардан сув спорти ва экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

**Тошкент вилоятининг рекреация-экотуристик аҳамиятга эга муҳим
булоқлари**

№	Булоқлар номи	Сув сарфи (дебит) л/сек.	Минераллашиши г/л	Умумий каттиклиги мг- экв/л
1.	Оркутсой-1	12	0,19	3,2
2.	Сиждак	1,5	0,2	3,4
3.	Қорабулок-1	36	0,22	3,8
4.	Бурчмулла	26-58	0,19	2,9
5.	Чинорлар	20-32	0,19	3,2
6.	Сўкок	30	0,17	3,2
7.	Заркент	6,5	0,19	3,1
8.	Сассик	1,5-2	0,26	3,9
9.	Сангинек	2-3	0,1	1,3

Манба: Атлас родников Узбекистана. –Т., 2006, с. 88.

Боғ худудида кўплаб шаршаралар бор: Қаласой (Бурчмулла кишлоғи яқинида, Қаласой дарёсида сув 10 м баландликдан тушади), Каттасой (Каттасой дарёси ирмоғида Янгиобод поселкаси яқинида, сув 5 м баланддан тушади), Палтов (Палтов сойининг Чотқол дарёсига қуйиладиган жойидан 4,5 км узоқликда, сув 38 метр баландликдан тушади). (Западный Тяньшан... 2006, с. 18). Бу ерда бир нечта баланд тоғ кўллари (Кўккўл (2000 м баландликда, узунлиги 400 м, кенглиги 100 м, Кўксув дарёси ирмоғи водийсида Алам давони яқинида, тоғ кулаши натижасида пайдо бўлган, тўсиқ баландлиги 100 м), Сарикон, Узунгач, Арашан, Ихнач, Бадак ва б). мавжуд бўлиб, улардан Ихнач кўллар каскади ва Арашан кўллар гуруҳи ўзининг хушманзаралиги билан алоҳида ажралиб туради.

Угом тизмасининг Жануби-шарқий ён бағрида Аютор дарёси юкори оқимида (Майдонтол ва Писком дарёлари) Ўзбекистоннинг энг йирик музлиги Аютор-2 жойлашган, унинг майдони 3,9 км², узунлиги 3,8 км.

Мафтункор ва хушманзара Чорвоқ сув омбори денгиз сатҳидан 900 м. баландликда Писком, Кўксув ва Чотқол дарёлари қуйилишидан ҳосил бўлган гидроузел тўғони (баландлиги 168 м, узунлиги 768 м, эни 12 м), сув омбори, гидроэлектр станциясидан (куват 600 минг квт) иборат улкан гидроиншоот бўлиб, унинг узунлиги 22 км, кенглиги 10 км, чуқурлиги 148 м, қирғоклари узунлиги 60 км, сув юзаси сатҳи 40 км², сув ҳажми 2 км³ га тенг. Бу ерда мамлакатимиздаги энг машҳур ва энг катта рекреация-курорт зонаси шаклланган бўлиб, сув омбори қирғокларида кўплаб рекреация объектлари жойлашган. Улардан энг замонавий ва машҳури-Чорвоқ сув омборининг қирғоғида тоғнинг гўзал манзарасига янада кўрк бағишлаб турган «Чорвоқ пирамидалари» спорт соғломлаштириш мажмуаси бўлиб, у 2002 йилда очилган, унинг умумий майдони 150 га, ўзлаштирилган ер майдони 53 га. Турли спорт тадбирларини ўтказиш ҳамда турли даражадаги спортчилар билан унумли машғулотлар олиб бориш учун барча қулайликлар яратилган: меҳмонхона (208 та хона), 3 та ресторан (120, 140, 200 ўринли), футбол, мини футбол, пляж

футбол, пляж волейбол майдонлари ва иншоотлари, автотурар жой, интернет, уяли алоқа, вертолёт майдончаси, кишки бассейн, боулинг маркази, конференц зал, кишки дам олиш («Чимён» ҳамда «Белдерсой» спорт соғломлаштириш мажмуаларига чиқиш, ўриндикли канат йўллар, чанғи ва бошқа кўплаб хизматлар кўрсатиш ва б.), ёзги дам олиш (сув омборининг қирғоғи бўйлаб 800 метрга чўзилган жиҳозланган кумли пляжлар, ижарага катамаран, сув мотоцикли олиш, катерда учиш, савдо жойлари, атрофдаги тоғларга бир кунлик саёҳат уюштириш ва б.).

Биологик ресурслар миллий боғ табиатининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, улар ботаника ёдгорликлари, тоғ ўтлоқлари ва ўрмонлари, доривор ўсимликлар, боғ ва тоқзорлар, тўқайлар ва бошқалар, хилма-хил ҳайвонот олаmidан таркиб топган. Улар биологик функциялар билан бир каторда муҳим экологик-эстетик ва рекреация вазифасини ҳам бажаради: кўп ташриф буюрувчиларнинг табиатга кизиқишини шакллантиради, сайёҳлар оқимини кўпайтиришни таъминлайди. Шу сабабдан биологик хилма-хилликни асраш ва муҳофаза қилиш рекреация-туристик фаолиятни бошқаришнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Миллий боғнинг биологик ресурслари ўзининг хилма-хиллиги ва турларга бойлиги сабабли туризмни, айниқса экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бу ерда 1967 турдаги ўсимлик ўсади, улар Ўзбекистон флорасининг 37 % ни ташкил этади. Ўсимликларнинг 58 тури эндемиклар ҳисобланади (Тожибоев К.Ш., 2008, с. 54, 57). 705 турдаги доривор ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг 25 тури ноёб бўлиб, шундан 23 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2006) киритилган (Хожиматов О.К., 2008, с. 69). Ўрмонларнинг шаклланишида 70 турдан кўпроқ дарахт ва 80 турга яқин буталар иштирок этади. Арчалар 56 минг гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда ёнғоқзорлар (1400 га), бодом (1700 га), олмazor (1450 га), ўрик (180 га), нок (6 га), гилос (170 га), олча (420 га), дўлана (2060 га), шунингдек, турли бутазор ўсимликлар (10500 га) ўсади. (Бутков Е.А., 2008, с. 97-99).

Тоғ ўрмонлари алоҳида экологик тизим бўлиб, катта муҳофаза, эрозияга қарши, сувни тартибга солиш аҳамиятига эга. Улар доривор-техник, хомашё, мевали дарахтлар, асал олинадиган ўсимлик ва овланадиган ёввойи ҳайвонлар, қушлар макони ва бой манбаидир. Тоғ ўрмонлари табиий жараёнлар, табиат муҳофазасини мақсадга мувофиқ тартибга солишнинг қудратли воситасидир. Ўрмонлар барча об-ҳаво омилларининг энг оддий ва самарали тартибга солувчиси ҳисобланади. Масалан, дарахтзорлар ёзда ҳаво ҳароратини 20⁰С гача ўзгартиради ва мўътадиллаштиради, шамолни тўсиб йўққа чиқаради, намлик ҳам ўрмонга боғлиқ бўлади, барглар қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишини ушлаб қолади. Тоғ ўрмон-боғлари дам олувчилар учун қулай муҳит, гўзаллик, муаттар хид, ўрмон сокинлиги ва осойишталиги, тоза ҳавоси каби такрорланмас фавқулодда қулай муҳит, жараён ва ҳодисаларни яратади.

Миллий боғнинг ҳайвонот олами 280 турни ўз ичига олади, ундан 44 таси сут эмизувчилар, 200 таси қушлар, 16 таси судралиб юрувчилар, 2 таси

амфибия, 20 таси баликлардир (Популярная.....2008, с. 155). Айик, бўри, тўнғиз, тулки, чиябўри, жайра, тоғ кўйлари, каклик, бургут, лочин, турли баликлар ва бошқа ҳайвонлар миллий боғнинг ўзига хос жониворлари ҳисобланади.

Кўпчилик хорижий мамлакатлар миллий боғларида ёввойи ҳайвонларни табиий шароитда ташриф буюрувчиларга кўрсатиш ва намойиш этиш экологик туризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Биз мазкур тажрибадан Угом-Чоткол миллий боғида ҳам фойдаланиш ва табиий шароитда ҳайвонларни ташриф буюрувчиларга намойиш қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Шу асосда: а) экологик туризм жозибадорлигини оширишга янги муҳим элемент қўшилади; б) ҳайвонот оламининг экологик маърифат, экологик тарбия, табиат муҳофазасини тарғиб қилишдаги аҳамияти ошади; в) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни аҳоли кенг қатлами томонидан кўллаб-қувватлаш шаклланади; г) ёввойи ҳайвонлар табиий сонини кўллаб-қувватлашнинг қўшимча кафолатини берадиган табиат муҳофазаси амалга оширилади.

Табиат комплексининг экотизим ва ландшафтлари рекреация ресурслари табиат компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқалари натижалари сифатида намоён бўлади.

Экотизимлар тирик организмлар, уларнинг гуруҳи билан улар яшайдиган муҳит ва омиллар мажмуаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқалар оқибатида пайдо бўладиган яхлитликни (масалан, тоғ ўрмонлари, кўллар) билдиради. Ландшафт табиий-географик комплекс сифатида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятида ресурслар ва муҳитни такрор барпо этиш ва генофондни сақловчи ҳудудий тизим ҳисобланади. Шу сабабдан ландшафт табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф- муҳитни муҳофаза қилишнинг, шу жумладан рекреацияда табиатдан фойдаланишнинг асосий объектларидан бири сифатида хизмат қилади (масалан, паст тоғлар, ўрта тоғлар, баланд тоғлар ландшафтлари).

Экотизим ва ландшафтлар рекреация ресурсларининг туризм учун энг муҳим жиҳатлари, биринчи навбатда, уларнинг хилма-хиллиги, ижобий рухий ва эстетик дам олишга имкон бериши билан белгиланадиган уларнинг томошабоплиги, саёҳат, дам олиш, кузатиш, завқланишга яроқлилиги, шунингдек, уларнинг сақланиши, ноёблиги, уларга таъсир кўрсатадиган хавф-хатарлар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан Угом-Чоткол миллий боғи ҳудуди паст тоғ (денгиз сатҳидан 1200 м гача), ўрта тоғ (1200-2000 м), баланд тоғ (2000 м дан юқори) баландлик зоналари (ландшафтлари) алмашиши билан боғлиқ бўлган ғоят хилма-хил рекреация ресурслари комплексига эга. Тоғ ландшафтлари алоҳида ва биргаликда ўзининг аниқ-равшан шакл ва кўринишга эгаллиги, кўзга ташланиши, ҳайратланарлиги, таъсирчанлиги, маънодорлиги, нафосатлилиги, манзаралиги ва бошқа сифатлари билан сайёҳларда катта қизиқиш ва ижобий рухий кўтаринкиликни бағишлайди. Бунда тоғларнинг буюклиги, хушманзаралиги, мухташамлиги, кўп

томонли пейзажлари, ўзгача кўринишлари ва бошқа кўплаб тоғ ажойиботлари, ландшафт ва экотизим кўриниши хоссалари кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этади.

Рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурслари гуруҳи инсон меҳнати билан яратилган иккиламчи ресурслар бўлиб, улар ташриф буюрувчиларни қабул қилиш, жойлаштириш, уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кўплаб вазифаларни бажаришга моддий-техника асоси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, улар таркибига туристик хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган ва иштирок этадиган, инсон фаолияти ҳамда яшаш тарзи, ўтмиши билан боғлиқ бўлган экомаданият ва этнографик-тарихий объект ва анъаналар ҳам қиради (қишлоқлар экомаданияти, урф-одатлари, фольклор, хунармандчилик, тарихий объектлар ва ёдгорликлар, халқ байрамлари, карнаваллар, мусиқа ва б.).

Рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурсларига миллий боғда туристик сервиснинг йил давомида ва мавсумий ишлайдиган доимий объектлари (меҳмонхона, уй-меҳмонхона, кемпинг, туристик база, ўтов ва чодир кўналғалар ва б.), ташриф марказлар, музей экспозициялари, маданий-маиший, савдо, ахборот-коммуникация ва алоқа хизматлари, маъмурий-хўжалик объектлари, шунингдек, рекреация инфратузилма иншоот ва объектлари қиради. Улар миллий боғда туристик маршрутлар, жиҳозланган сўқмоқлар барпо этиш, транспорт қатнови ва йўл-транспорт тўртини яхшилаш, объект ва маршрутларда ахборот тахталари ва йўл кўрсаткичларини ўрнатиш, ички ва ташқи бозорда туристик маҳсулот ва хизматлар тўғрисида ахборотларни тарқатиш, туризмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат ва маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва рақобатдошлигини оширишга имкон яратади.

Ҳозирги вақтда Угом-Чотқол миллий боғи ва унга туташ ҳудудларда, мазкур тадқиқотнинг иккинчи бўлимида таърифланган кўплаб тадбирлар амалга оширилиши натижасида туризмнинг зарур моддий-техника базаси яратилди. Шу билан бир қаторда туризмни комплекс ривожлантиришга чекловчи таъсир кўрсатаётган қатор ечишмовчилик ва камчиликлар ҳам мавжуд (меҳмонхоналар камлиги, хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги, тадбиркорларни жалб этиш ва рекламаларнинг етарли эмаслиги ва б.). Булар истиқболда миллий боғда туризмни ривожлантиришни режалаштириш, назорат ва мониторинг тизимини такомиллаштиришни талаб қилади.

Миллий боғ табиат комплекси рекреация ресурслари ва рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурсларини тадқиқ этиш ва уларни инвентаризациялаш натижаларига асосланиб ҳамда рекреация ривожланишининг мавжуд ҳолатини ҳисобга олиб миллий боғ рекреация зонасининг турли қисмларида рекреация имкониятлари ва қулайликларини балларда баҳолаш мақсадида қуйидаги микрizonaларни (участкаларни) ажратиш мумкин: 1) жуда қулай (5 балл); 2) қулай (4 балл); 3) чекланган қулай (3 балл); 4) айрим йўналишларда қулай (1-2 балл); 5) ноқулай (0 балл).

Мазкур баҳолаш шкаласига асосланган участкаларга ажратишни миллий боғ рекреация зонасининг ландшафт-рекреация-эстетик хусусиятларини

ўрганиш асосида амалга ошириш мумкин. Бунда ландшафт участкалари рекреация-эстетик хоссаларининг қуйидаги белги ва хусусиятлари ҳисобга олинади: ландшафт участкаси табиатининг хилма-хиллиги, кўзга кўриниши, чиройлилиги, миқёси, томошабоплиги, ободонлаштирилиши, бориш-келишга қулайлиги ёки ноқулайлиги, транспорт ва инфратузилма шароитлари ва бошқалар.

Жуда қулай деб баҳоланадиган ландшафт участкалари юқорида кўрсатилган барча қулай сифат белгиларига эга бўлиши ва хилма-хил туристик хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши керак (бунга Чорвок-Чимён дам олиш зонаси мисол бўлади); қулай деб баҳоланадиган ландшафт участкалари асосий табиат комплекси рекреация ресурслари ва рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий ресурсларига эга бўлиши, лекин баъзи шарт-шароитлар етишмаслиги (масалан, ўрмонлар камлиги, сув омборлари узоклиги ва б.) билан ажралиб туради. (масалан, Оксоқота-Паркент-Сўқок соғломлаштириш зонаси); чекланган қулай деб баҳоланадиган ландшафт участкаларида рекреация имкониятлари икки ёки учта омил бўйича чекланган бўлади (ўрмон, дарё, томоша объектлари), бу ерда спорт-соғломлаштириш турларини ташкил этишга қулай шароит мавжуд бўлади (Масалан, Оҳангарон-Янгиобод соғломлаштириш туристик зонаси); айрим йўналишларда қулай деб баҳоланадиган участкаларда кўплаб қулай омиллар чекланган хусусиятга эга ёки мавжуд бўлмайди, бу ерда ўзига хос спорт тадбирларини ташкил этиш мумкин (масалан, Чимён кишки дам олиш зонаси). Ноқулай деб баҳоланадиган участкаларда (баланд тоғлар) асосий омиллар мавжуд бўлмайди (масалан, музликлар, чўккилар). Уларни томоша қилиш, масалан, музликларга бориш, чўккиларга кўтарилиш катта тўсиклардан ўтиш билан боғлиқ бўлиб, аксарият кўпчилик сайёҳлар учун тавсия этилмайди.

Миллий боғнинг бой ва хилма-хил рекреация ресурс имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича тезкор ва узок муддатли режа, манзилли дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун зарур объектив ахборотларни тўплаш мақсадида даврий инвентаризациялашни амалга ошириш ва табиат комплекслари мониторингини ташкил этиш объектив заруратга айланди. Бугунги кунда бундай инвентаризация ва мониторинг амалга оширилмаётгани асосий сабаб бўлмоқди.

5.4. Тошкент пойтахт минтақасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ресурс салоҳиятига асосланган рекреация-экотуризмни ривожлантиришни бошқариш истиқболлари

Пойтахт Тошкент шаҳри аҳолисининг асосий рекреация-туристик эҳтиёжлари ва талабларини кондиритиш асосан Тошкент вилояти рекреация ҳудудлари ресурсларидан фойдаланишга асосланиб амалга оширилади. Мазкур ҳудудлар расман ҳуқуқий жиҳатдан Тошкент шаҳри таркибига киритилмаган бўлишига қарамай, улар амалиётда ўз моҳиятига кўра Тошкент шаҳрининг ўзига хос функционал қисмлари бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан Тошкент шаҳри

ва Тошкент вилоятининг мустақил маъмурий-худудий бирлик сифатидаги расмий мақоми мавжудлиги шароитида бу ерда рекреация хизматларини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида уларни ягона Тошкент пойтахт минтақаси доирасида кўриб чиқиш, манфаатларини мувофиқлаштириш, зиддиятларни бартараф этиш ва мавжуд функционал алоқаларни эътироф этиш, уларни ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга олиш объектив заруратга айланди. Бундай эътироф, бир томондан Тошкент шаҳрининг Тошкент вилояти рекреация худудларидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди, бошқа томондан Тошкент шаҳри ва унинг корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг Тошкент вилояти рекреация худудларидан фойдаланишни ташкил этиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиши, молиявий, инвестиция ва бошқа соҳадаги масъулияти ва мажбурияти, вазифалари мавжудлигини ҳам билдиради. Шунингдек, мазкур ҳолат ва вазият минтақада рекреация хўжалигини ривожлантиришни бошқаришни ҳам яхлит комплекс ва ягона тизим сифатида амалга оширишни кун тартибига кўяди.

Фикримизча, пойтахт минтақасида рекреацияни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида мавжуд бирламчи ва иккиламчи рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни асраш ва муҳофаза қилишни Тошкент пойтахт минтақасида рекреация-туризм комплексини барпо этиш асосида ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳридан Тошкент вилояти рекреация худудларига дам олувчилар оқими кўпайиб бориши муносабати билан ресурслардан рекреация хўжалигида фойдаланишнинг интенсив усулига ўтиш, яъни рекреация ресурсларидан бир вақтнинг ўзида биргаликда, кўп томонлама, икки ёки бир нечта рекреация эҳтиёжларини таъминлашда фойдаланиш долзарб муаммога айланмоқда. Шунингдек, ресурслардан кўп томонлама фойдаланиш рекреация ва қишлоқ хўжалиги, рекреация ва ўрмон хўжалиги ўртасида тармоқлараро кооперацияни амалга оширишга ҳам имкон яратади (агрореkreация, ўрмон- рекреация комплексларини шакллантириш ва б.).

27-жадвал маълумотлари Тошкент шаҳрининг мазкур минтақа ва республикада сайёҳлик фирмалари ва ташкилоти фаолиятининг барча асосий кўрсаткичларида етакчи мавқега эга эканлигини исботлайди. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, мазкур кўрсаткичларнинг барчаси кўп даражада Тошкент вилояти рекреация ресурсларидан фойдаланиш натижалари ҳисобланади. Айни бир вақтда Тошкент вилоятининг республикада эгаллаган ўрни мавжуд рекреация имкониятларига нисбатан анча пастлигича қолмоқда: сайёҳлик фирма ва ташкилотлар сони бўйича вилоятнинг республикадаги улуши атиги 1,2 %, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш 0,2 %, сайёҳлик хизматлари 15,2 %.

**Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент пойтахт минтақасида
сайёҳлик фирмалари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий
кўрсаткичлари (2014 йил)**

№	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси жами	Тошкент иқтисодий райони		
			Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти	Жами
I.	Сайёҳлик фирма ва ташкилотлари фаолияти:				
	1) Сайёҳлик фирма ва ташкилотлари сони:				
	бирлик	343	256	4	260
	%	100	74,6	1,2	75,8
	2) Жами ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатилган:				
	киши	514107	283268	939	284307
	%	100	55,1	0,2	55,3
Улардан:	а) қабул қилинган ташриф буюрувчилар:				
	киши	419092	202868	346	203214
	%	100	48,4	0,1	48,5
	б) жўнатилган ташриф буюрувчилар				
	киши	61177	49992	23	50015
	%	100	81,7	0,1	81,8
II.	Сайёҳлик хизматлари, меҳмонхон- алар хизматини кўшган ҳолда:				
	млрд. сўм	384,7	199	58,4	257,4
	%	100	51,7	15,2	66,9

Манба: Жадвал куйидаги манба маълумотларига асосланиб ишлаб чиқилган:
Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. -Тошкент, 2015, 57-58, 136-бетлар.

Тошкент пойтахт минтақасининг рекреацияни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги яқин истикболдаги асосий вазифаси ўзининг мавжуд рекреация ресурслари салоҳияти имкониятларидан имкон борича юқори даражада фойдаланиб минтақани мамлакатимизда рекреацияни интенсивлашнинг замонавий намунасига айлантириш ва бунинг учун зарур экологик-иқтисодий, ижтимоий шарт-шароитларни яратишдан иборат. Тошкент пойтахт минтақаси унда яшайдиган 5,1 млн. кишини нормал дам олишини таъминлашга масъулдир. Бунда мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими рекреация зоналари имкониятларидан фойдаланишни интенсивлаш асосида узлуксиз такомиллаштириш, уларнинг янги объектларини ташкил этиш асосида майдонини кенгайтириш, экотизим ва ландшафтлардан рекреацияда фойдаланиш жараёнини оптималлаштириш (ресурсларни уларнинг ўзларини ўзлари қайта тиклаши, асраши, қўллаб-қувватлаши қобилиятини бошқариш асосида) асосий вазифалар ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, Тошкент пойтахт минтақасида Угом-Чотқол миллий боғи Чотқол биосфера қўриқхонаси билан биргаликда минтақада рекреация-туризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий объектлари ҳисобланади. 28-жадвалда мазкур табиат муҳофазаси

муассасаларида рекреация зонасини ташкил этиш ва рекреация сигимини аниқлаш бўйича тавсиялар берилган.

Умумлаштирилган тахминий ҳисоблаш нормативларига кўра (барча аҳолининг 25 % дам олиши тахмин қилинади) Тошкент пойтахт минтақасида умумий рекреация-туристик эҳтиёж сигими 1275 минг кишини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан минтақанинг мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг 10 % ни рекреация зоналарига ажратганда (61031,4 га), уларнинг рекреация сигими тавсия этилаётган 3 вариантда қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлади: 1) А вариант (минимал)-61031 киши (1 гектарга 1 киши ҳисобидан) ёки эҳтиёжга нисбатан 4,8 %); 2) В вариант (ўртача), 1 гектарга 5 киши ҳисобидан) 305157 киши ёки эҳтиёжга нисбатан 23,9 %; 3) С вариант (юқори истиқболга эга), 1 гектарга 10 киши ҳисобидан) 610314 киши ёки эҳтиёжга нисбатан 47,9 %).

28-жадвал

Тошкент вилоятининг мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари таркибида истиқболда рекреация-экотуристик зоналарини ташкил этиш ва уларнинг майдони ва экотуристик сигимини аниқлаш бўйича тавсиялар кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар		
		Уғом-Чотқол табиат миллий боғи	Чотқол биосфера қўриқхонаси	Жами
1.	Майдон, гектар %	574590	35724	610314
2.	Функционал рекреация-экотуристик зонани ташкил этиш бўйича майдонини ҳисоблаш (тавсиялар): Умумий майдонга нисбатан 10 % кўрсаткичлари, га	57459	3572,4	61031,4
3.	Функционал рекреация-экотуристик зоналарнинг умумий тахминий ва соддалаштирилган рекреация-экотуристик сигими, га/киши/кун:			
	А вариант (минимал), анъанавий, экстенсив, 1 га/1 киши/кун	57459	3572,4	61031,4
	В вариант (ўртача), ободонлаштириш, тегишли инфратузилмани барпо этиш асосида, 1 га/5 киши/кун	287295	17862	305157
С вариант (юқори истиқболга эга), интенсификация, инновацион технологиялар, ихтисослашган рекреация-экотуристик марказларни барпо этиш асосида 1 га/10 киши/кун	574590	35724	610314	

Манба: Жадвал тегишли манбалар маълумотлари (... Миллий маъруза, 2008, Рекомендации... 2013) асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Изоҳ: Рекреация-экотуристик зоналар майдонини аниқлаш ва уларнинг экотуристик сигимини ҳисоблашда халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи (МСОП) тавсиялари ва халқаро тажрибаларга амал қилинган.

Шундай қилиб, мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда рекреация зоналарини ташкил этиш асосида рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқаришда тавсия этилаётган учта вариантнинг барчасида мавжуд рекреация ресурслари салоҳияти имкониятларидан фойдаланиш мавжуд эҳтиёжларни таъминлашга имкон бермайди. Айниқса А (минимал) вариантда бу кўрсаткич эҳтиёжнинг атиги 5 %га яқинини, В вариантда (ўртача) га яқинини, С вариантда (энг юқори) 50 %га яқинини ташкил этади. Шунингдек, истиқболда минтақада мавжуд муҳофаза этиладиган

табiiй хуудлар тизими майдонларини кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш, уларнинг хилма-хиллигини таъминлаш, уларда рекреация зоналарини ташкил этиш ва рекреация ресурсларидан фойдаланишни интенсивлаш талаб этилади. Бунда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ўртасида рекреация-туризм хўжалигини бошқаришни ўзаро интеграциялаш ва мувофиқлаштириш, диверсификациялаш тобора хилма-хил ва барқарор қилиш муаммоларини хал этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Рекреация табиатдан, унинг компонентлари, экотизим ва ландшафтлари ресурсларидан (рекреация ресурсларидан) ривожланиш манбаи ва шароити сифатида фойдаланишга асосланиб фаолият юритади. Бунда рекреацияни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.: 1) ландшафтни ўз эҳтиёжлари ва талабларига мослаштириб режалаштириш, ободонлаштириш, табиат манзараларини асраш ва муҳофаза қилиш, янги сув ҳавзалари ва манбалари (сув омборлари)ни барпо этиш, қўшимча кўкаламлаштириш каби тадбирларини амалга ошириш; 2) фойдаланиш жараёнида ландшафтнинг табiiйлиги, тозаллиги ва бошқа хоссаларини ифлосланиш ва емирилишдан асраш ва муҳофаза қилиш, фойдаланиш ва муҳофаза тартиби ва нормаларига риоя этиш; 3) истеъмолчиқиндилари, оқаваларни тозалаш ва утилизациялаш, ландшафтнинг деградацияга учрашининг олдини олиш; 4) санитария-муҳофаза, яшил ўрмон, сув муҳофазаси кичик зоналарини барпо этиш; 5) ландшафт рекреация ресурсларидан юқори даражада фойдаланиш билан бир қаторда унинг табiiй хоссаларини (тиббiiй-экологик, эстетик, биохилма-хиллик ва б.) энг кўп даражада асраш ва муҳофаза қилиш, бу жараёнда рекреацияни ландшафт хусусиятларига мослаштириш ва бошқалар.

Бундай ёндашувлар истиқболда Тошкент вилоятининг муҳофаза этиладиган табiiй хуудлари рекреация зоналарида рекреация-туризм соҳасини ривожлантиришни бошқариш муаммолари ечимини топишга ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Рекреация табиатдан ресурс манбаи ва ривожланиш шароити сифатида фойдаланадиган тармоқ бўлганлиги сабабли, унинг фаолиятида табиатнинг айнан шу сифатларидан самарали фойдаланиш, айнаи бир вақтда уларни асраш, такрор барпо этиш, муҳофаза қилиш асосида унинг махсулдорлигини ошириш, кишилар (сайёҳлар) учун қулайлиги ва жозибадорлигини саклаш ва асраш туристик фирма ва ташкилотларнинг ички (хизмат кўрсатиш) зарурати ва асосий вазифаси ҳисобланади.

Туризм ҳеч қачон иқтисодиёт секторининг ажралиб қолган тармоғи бўлмаган ва ҳеч қачон шундай бўлмайди. Шунга қарамай дунёда туризмни ривожлантиришнинг кўплаб стратегияларида-маҳаллий даражадан то давлат даражасигача-туристик фаолият маҳаллий микёсда тегишли жамоалар хуудларида уларнинг мавжуд маданият нормалари ва иқтисодий фаолияти турлари шароитида амалга оширилиши, бунда туризм инфратузилмаси бошқа мақсадларга (айниқса, туристик мавсумдан ташқари вақтда) мослаштирилган ландшафтда ривожланиши кўп холларда эътиборга олинмайди.

Тоғ туризмнинг кўп турлари йил фаслларига кучли даражада боғликлиги ва мавсумийлиги туризмни ижтимоий ва иқтисодий жihatдан кенг маънода кўриб чиқишни тақозо этади. Мавсумийлик куйидаги икки омилга боғлиқ: 1) аҳолининг ишлайдиган қатламларининг таътил муддатлари, мактаб ўқувчилари, талабаларнинг киши ва ёзги таътил вақтлари; 2) туризм учун зарур бўлган кўпчилик рекреация ресурсларининг йил мавсумларида «мавжудлиги» об-ҳаво шароитлари ва табиий ҳодисаларга боғлиқ. Бу ресурслар табиий ва маданий (антропоген) ландшафтларни, сувнинг мавжудлиги, айрим дам олиш турлари учун яроқли ва қулай об-ҳаво шароитлари, чанғи спорти билан шуғулланиш учун тегишли қор қоплами мавжудлигини ўз ичига олади. Бу ресурслар туризмни ривожлантиришни бошқаришга бирламчи асос бўлиб хизмат қилади.

Айниқса иқлим тоғларда йиллик иқтисодий фаолият, шу жумладан туризм фаолиятининг асосий омил хисобланади. Шу сабабдан туризм иқтисодий фаолиятнинг бошқа кўп турлари билан ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирда бўлган мавсумий фаолият тури хисобланади. Айнан шундай мавсумийлик туризм соҳасида давлатнинг иқтисодий сиёсати, уни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг асоси бўлиши керак.

Биз 4-бобда Тошкент вилоятининг мавжуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари (МЭТХ) таркибида истиқболда рекреация-туристик зоналарини ташкил этиш ва уларнинг майдони ва экотуристтик сигимини аниқлаш бўйича тавсияларни ҳамда тегишли кўрсаткичлар ҳисоблари натижаларини таҳлил қилган эдик. Айнан шу тавсияларга асосланиб бир гуруҳ мутахассислар томонидан истиқболда ташкил этиш тавсия этилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг янги тизимида рекреация зоналарини ташкил этиш ва уларнинг майдонини аниқлаш ҳамда рекреация-экотуристтик зонанинг туристик сигимини учта вариантда (А,В,С) ҳисоблаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (29-жадвал).

Мутахассислар тавсияларига кўра, Тошкент вилоятида миллий боғларнинг иккита кластер муҳофаза зонаси (майдони 8939 га) – Суренота ва Майгашкон, 3 та кўрикхона (233585 га) – Юқори Писком кўрикхонаси, Чотқол кўрикхонаси Майдонтол участкасини кенгайтириш, Шавозсой муҳофаза зонаси (Чотқол кўрикхонаси, Бешқизилсой участкаси) ташкил этилиши тавсия этилган. Шунга мувофиқ МЭТХлар майдони 242,5 минг гектарга кенгайди, уларда ташкил этиладиган рекреация зоналари майдони 24,3 минг гектарга кўпаяди. Мазкур рекреация зоналарининг рекреация-экотуристтик сигими А вариантда 24,3 минг кишини, В вариантда 121,3 минг кишини, С вариантда 242,5 минг кишини ташкил этади. МЭТХлар рекреация зоналари майдонларининг бундай сезиларли кенгайиши истиқболда Тошкент пойтахт минтақасида рекреация-туризм соҳасини жадал ривожлантиришга ғоят қулай шарт-шароитларни яратади.

Тошкент вилоятида ташкил этиш тавсия қилинган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими таркибида истиқболда рекреация-эко туристик зоналарининг майдонларини аниқлаш ва уларнинг сигимини белгилаш бўйича тавсиялар кўрсаткичлари

№	Ташкил этиш тавсия қилинган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими	Майдони		Рекреация-эко туристик зонани ташкил этиш (умумий майдондан 10%)		Рекреация-эко туристик зонанинг сигими (тавсия) вариантлари (га/1 киши-кун)		
		га	%	га	%	А. минимал. аъланани, экстенсив 1 га /1 киши-кун	В. Уртача. Ободонлаштириш, тегишли инфратузилмани барпо этиш асосида 1 га/5 киши-кун	С. Юқори истиқболда эга. Интенсификациялаш, инновацион технологиялар эко туристик марказларни барпо этиш асосида 1 га/10 киши-кун
I.	Миллий боғлар							
	1. Суренота тизмаси кластер муҳофаза зонаси	3380	1,4	338	1,4	338	1690	3380
	2. Майгашкон тизмаси кластер муҳофаза зонаси	5559	2,3	555,9	2,3	555,9	2779,5	5559
	Жами	8939	3,7	893,9	3,7	893,9	4469,5	8939
II.	Кўриқхоналар							
	3. Юқори Писком кўриқхонаси	212126	87,5	21212,6	87,5	21212,6	10606,3	212126
	4. Чоткол кўриқхонаси Майдонтол участкасини кенгайтириш	16475	6,8	1647,5	6,8	1647,5	8237,5	16475
	5. Шавозсой муҳофаза зонаси (Чоткол кўриқхонаси, Бешкизилсой участкаси)	4984	2,1	498,4	2,1	498,4	2492	4984
	Жами:	233585	96,3	23358,5	96,3	23358,5	116792,5	233585
	Вилоят бўйича жами	242524	100	24252,4	100	24252,4	121262	242524

Манба: Жадвал тегишли манбалар маълумотлари (... Миллий маъруза, 2008, Рекомендации... 2013) асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Изоҳ: Рекреация-эко туристик зоналар майдонини аниқлаш ва уларнинг эко туристик сигимини ҳисоблашда халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи (МСОП) тавсиялари ва халқаро тажрибаларга амал қилинган.

30-жадвалда Тошкент вилоятида мавжуд ва ташкил этиш тавсия этилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими таркибида истиқболда рекреация-эко туристик зоналарини ташкил этиш, уларнинг майдонини аниқлаш ҳамда рекреация-эко туристик сигимини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Жадвал маълумотларига кўра, МЭТХ сони 2 тадан 7 тага кўпаяди, уларнинг рекреация зоналари майдони 61 минг гектардан 85,3 минг гектарга (ўсиш 140 %) етади. Рекреация-эко туристик зоналарнинг туристик сигими вилоят бўйича А вариантда 85,3 минг киши, В вариантда 426,4 минг киши, С вариантда 852,8 минг кишини ташкил этади. Мазкур сигим кўрсаткичи С вариантда Тошкент пойтахт минтақасининг рекреацияга талаб ва эҳтиёжларини (1275 минг киши) 67 %га таъминлаш имкониятига эга.

МЭТХлар рекреация зоналарининг объектлар бўйича ички тузилмасида барча кўрсаткичлар бўйича Угом-Чоткол миллий боғи ва Юқори Писком кўриқхонаси етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, рекреация зонаси умумий майдонининг 67,4 % Угом-Чоткол миллий боғи улушига, 24,9 % Юқори Писком кўриқхонаси улушига (мазкур 2 та объект бўйича жами 92,3 %) тўғри келади. Рекреация-эко туристик зоналар сигимининг ҳам барча вариантлари

бўйича 92,3 % Угом-Чоткол миллий боғи ва Юқори Писком кўрикхоналари улушига тўғри келади. Чоткол биосфера кўрикхонасининг улуши барча кўрсаткичларда 4,2 % ташкил этади.

30-жадвал

Тошкент вилоятида мавжуд ва ташкил этиш тавсия этилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими таркибида истиқболда рекреация-экотуристтик зоналарини ташкил этиш ва уларнинг майдонини аниқлаш ҳамда рекреация-экотуристтик сигимини белгилаш бўйича тавсиялар

№	Мавжуд ва тавсия қилинаётган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимида рекреация-экотуристтик зоналар	Рекреация-экотуристтик зона (тавсия) (МЭТХ умумий майдонининг 10 % қисми ҳисобида)		Рекреация-экотуристтик зонанинг сигими вариантлари, га/киши-кун (тавсия)					
				А. минимал яънавий		В. Ҳртача. Ободонлаштириш, тегинли инфратузилмани барпо этиш асосида		С. Юқори истиқболда яъ. Интенсификациялаш, инновацион технологиялар экотуристтик марказларни барпо этиш асосида	
				га	%	1 га /1 киши-кун	%	1 га/5 киши-кун	%
I.	<u>Мавжуд ҳолат</u>								
1.	Угом-Чоткол миллий табиат боғи	57459	67,4	57459	67,4	287295	67,4	574590	67,4
2.	Чоткол биосфера кўрикхонаси	3572,4	4,2	3572,4	4,2	17862	4,2	35724	4,2
	Жами	61031,4	71,6	61031,4	71,6	305157	71,6	610314	71,6
II.	<u>Истиқболда тавсия этилган:</u>								
	<u>а) миллий боғлар</u>								
3.	Суренота тизмаси кластер муҳофаза зонаси	338	0,4	338	0,4	1690	0,4	3390	0,4
4.	Майгашкон тизмаси кластер муҳофаза зонаси	555,9	0,6	555,9	0,6	2779,5	0,6	5559	0,6
	Жами	893,9	1,0	893,9	1,0	4469,5	1,0	8939	1,0
	<u>б) кўрикхоналар</u>								
5.	Юқори Писком кўрикхонаси	21212,6	24,9	21212,6	24,9	10606,3	24,9	212126	24,9
6.	Чоткол кўрикхонаси Майдонтол участка-сини кенгайтириш	1647,5	1,9	1647,5	1,9	8237,5	1,9	16475	1,9
7.	Шавозсой муҳофаза зонаси (Чоткол кўрикхонаси, Бешқизилсой участкаси)	498,4	0,6	498,4	0,6	2492	0,6	4984	0,6
	Жами	23358,5	27,4	23358,5	27,4	116792,5		233585	27,4
	Вилоят бўйича тавсия этилаётган МЭТХ Жами	24252,4	28,4	24252,4	28,4	121262	28,4	242524	28,4
	Вилоят бўйича мавжуд ва истиқболда тавсия этилган МЭТХлар жами	85283,8	100	85283,8	100	426419	100	852838	100

Манба: Жадвал тегишли манбалар маълумотлари (...Миллий маъруза, 2008, Рекомендации...2013) асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Изоҳ: Рекреация-экотуристтик зоналар майдонини аниқлаш ва уларнинг экотуристтик сигимини ҳисоблашда халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи (МСОП) тавсиялари ва халқаро тажрибаларга амал қилинган.

Тошкент вилоятининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг мавжуд катта рекреация-туристик салоҳиятидан фойдаланишни амалга оширишда уларга ташриф буюрувчиларнинг бориб-келишининг қулай бўлишини таъминлаш хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Туризм шундай шароит яратилмагунча ривожлана олмайди. Бориб-келишга қулайликни

яратиш туризмни ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, ташриф буюрувчилар ҳаракатланиши эркинлигини кескин оширади ва товарлар оқимини рекреация зоналарига ва тескари йўналишда (оркага) кўпайтиради. Шу нуқтаи назардан Угом-Чотқол миллий боғига бориш-келиш учун жуда қулай шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Рекреация Тошкент вилояти тоғ зонаси иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар содир бўлишининг муҳим омилига айланмоқда. Мазкур жараёнларни бошқариш стратегияси Тошкент пойтахт минтақаси иқтисодиётининг тегишли туташ тармоқларини ҳамда маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришни бошқариш стратегиялари билан ўзаро интеграциялаш ва мувофиқлаштиришни талаб этади.

Рекреация-туризм миллий иқтисодиётимизнинг комплекс тармоғи бўлиб, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида мазкур соҳа барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим ва интеграл жиҳати сифатида ҳисобга олинаётир. Туризм иқтисодий фаолиятнинг оддий тури эмас, балки унинг етарли даражада мураккаб соҳаси бўлиб, мазкур фаолиятнинг асосини кўплаб кишилар ўртасидаги оммавий муносабатлар ва комплекс ўзаро таъсир ва ўзаро алоқалар ташкил этади, уларга катта маблағ талаб этадиган кенг миқёсдаги хилма-хил ва сифатли хизматлар кўрсатиш талаб этилади. Мазкур талаблар, ўз навбатида, рекреация районларида янги имкониятлар ва ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Рекреация фаолиятининг бундай хилма-хиллиги шароитида унинг экологик, иқтисодий, ижтимоий, маданий таркибий қисмлари аниқ ва яхши мувофиқлаштирилиши лозим. Мазкур талаб амалга оширилгандагина кўп тармоқли рекреация-туризм соҳаси атроф табиий муҳитга ва кишиларга ижобий таъсир кўрсатади ва иқтисодий фойда олишга имкон беради.

Туризмнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари шаҳар аҳолисининг ўсиши, бўш вақт ва даромаднинг кўпайиши, аҳолининг ҳаракатчанлиги, телекоммуникация технологиялари, рекреация районларида хилма-хил, бой ва жозибадор ресурслар мавжудлиги тўғрисида хабардорлик каби омилларга кўп даражада боғлиқ бўлади. Шунингдек, туризм ривожланишига рекреация районларининг жозибадорлиги (ўзига тортиши), бориш-келишга қулайлиги ва ном қозониши (репутация) катта таъсир кўрсатадиган омиллар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Угом-Чотқол миллий боғига хос хусусиятларга қисқача таъриф берамиз. Миллий боғнинг тўлиқ тоғ зонасида жойлашганлиги ва Ғарбий Тяньшан тоғларининг гўзал манзаралари, хилма-хил рекреация ресурсларига бойлиги, туб жой аҳолисининг урф-одатлари, анъаналари, этнографик маданиятидан ташкил топган бой «жонли маданият ресурслари» туристларни ўзига жалб этадиган жозибадорликка эга. Маҳаллий аҳоли ва саёҳатчилар ўртасидаги ўзаро таъсир меҳмондўстлик ва хайрихоҳлик асосида амалга оширилса, хизмат кўрсатиш турлари кўп бўлса хизмат кўрсатиш сифати талабларга мос бўлса туристлар оқими кўпаяди. Уй-жойларни ижарага бериш, ичимлик суви, овқат билан таъминлаш, чиқиндиларни тўплаш, дам олиш ва кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш

хизматлари ривожланган бўлса, улар кўплаб туристларни ўзига жалб этади, шу билан бир каторда уларнинг ички хусусиятларини ҳам ўзгартиради.

Туристлар оқимини кўпайтиришда рекреация районларининг жозибадорлиги билан бир каторда уларнинг бориш-келишга қулайлиги (ҳаммабоплиги) ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бориш-келишни автомобиль йўллари, ҳаво йўллари, темир йўллари орқали яхшилаш янги технологиялар ёки мавжуд йўлларни яхшилаш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Булар туризмни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, сўнгги йилларда Ғарбий Европада тоғ автотрассаларининг ўтказиш қобилияти ва самарадорлиги кучли ўсди. Ҳозир Альп ва Пиреней тоғлари муҳандислик ва қурилиш стандартлари яхшиланиши, қия тоннеллар, қордан химоялаш иншоотлари, қор кўчкиларини қузатиш тизимини барпо этиш туфайли деярли барча транспорт тури учун қулай ва очикдир. Швейцарияда деярли барча тоғ музликлари ва тоғ чўққиларига темир йўллар, осма йўллар орқали туристлар бемалол бориш имкониятига эга. Японияда «тезюарар поездлар» тизими мамлакатнинг асосий шаҳар марказларини энг баланд тоғлар билан боғлайди. Бундай мисоллар Шимолий Америка (АҚШ, Канада), Жанубий Америка (Чили, Перу) ҳамда Осиёда (Хитой, Непал) мавжуд. Чилида 1000 километрлик автострада Чили Патогонияси тоғларига туристларни саёҳатга олиб боради. Непалда кичик самолёт ва вертолётлардан фойдаланиб туристларни илгари асосий йўлдан тоғларга бир неча кун пиёда юриб борадиган тоғларга санокли қисқа соатларда олиб боришга ихтисослашган катор хусусий авиакомпаниялар фаолият юритади. Бундай мисолларни кўплаб кўрсатиш мумкин. Истиқболда Ғарбий Тяньшан тоғлари музликлари ва баланд чўққиларига туристларни томошага олиб боришни ташкил этишда бундай ибратли тажрибалардан фойдаланиш мумкин ва зарур деб ҳисоблаймиз.

Рекреация масканларининг ном қозониши объектнинг туристлар орзуси, умиди, таассуротлари йиғиндисига мос бўлишини ифодалайди. Дам олувчилар (истеъмолчилар) туристик масканлар тўғрисида ижобий таассуротга эга бўлишларини таъминлаш, энг аввало, тегишли қулай шароитларни яратиш, сўнгра уларни реклама қилиш, намойиш этиш билан узвий боғлиқдир. Бир марта салбий таассурот қолдириш оқибатини бартараф этиш жуда мушкул. Миллий боғнинг рекреация зонасига туристларнинг ташриф буюриши уларнинг иштирок этиш тартиби, қузатиш жойлари, тўхташ жойлари, сўқмоқлар йўналиши ва зичлиги миллий боғнинг рекреация-ресурс ҳолати, дам олиш ташкилотчиларининг муносабатига бўйсунди. Шу муносабат билан миллий боғнинг туристларни қабул қилиш сифими имкониятлари тўғрисида тушунчага эга бўлиш зарурати пайдо бўлади. 31-жадвалда миллий боғнинг туристик сифимини аниқлаш бўйича тавсиялар берилган.

Угом-Чотқол миллий боғининг рекреация-экотуристик сигимини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар

№	Рекреация-экотуристик сигим тахлили тартиби ва боскичлари	Бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш
1.	Миллий боғ рекреация-экотуристик зонасининг табиат компонентлари ва ландшафтларининг рекреация-экотуристик ресурслари салоҳияти тахлили асосида унинг сигимини турли вариантлар бўйича умумлаштирилган ҳолда 1 гектарга киши-кун кўрсаткичларида тахминий ҳисоблаш	1. Дастлабки умумлаштирилган рекреация-экотуристик сигим кўрсаткичларига асосланиб миллий боғнинг рекреация-экотуристик зонасида экотуризмни ривожлантиришни бошқариш йўналишларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш. Ташриф буюрувчиларнинг ҳулқ-атвори кодексини ишлаб чиқиш
2.	Пойтахт Тошкент ва Тошкент вилояти, республиканинг бошқа вилоятларидан ҳамда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчиларнинг қисқа ва узок муддатли дам олишда иштироки кўрсаткичлари ва бозор талабларининг тахминий ҳажмини аниқлаш ва белгилаш.	2. Саёҳат (экскурсия) ва экологик туризм нисбатлари бўйича тегишли норматив кўрсаткичларини белгилаш. Ташриф буюрувчиларга туристик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни ташкил этиш (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, гидлар, саёҳатчиларни ташкил этиш хизматлари).
3.	Миллий боғ рекреация-экотуристик зонасининг кўркем ва жизбадор жойлари, табиат ва тарих нуқтаи назаридан диққатга сазовор объектларини бориб кўриш, томоша қилиш шароити ва имкониятларини баҳолаш: автомобил йўллари ва транспорт хизматлари, темир йўллардан фойдаланиш. Тўхташ нуқталарини аниқлаш. Электр таъминоти. Алоқа. Газ таъминоти ва бошқалар	3. Ташриф буюрувчиларни қабул қилиш, улар тўғрисида асосий ахборотларни (ёши, яшаш жойи, саёҳат давомийлиги ва бошқалар) тўплаш (статистик ва юридик мақсадларда). Ташриф буюрувчилар ўртасида доимий сўровномалар ўтказиш (уларнинг фикр-мулоҳазалари ва тажрибаларини ўрганиш мақсадида). Қабул қилиш ва сўровнома маълумотлари тахлили натижаларидан экотуристик сигимини аниқлашда фойдаланиш
4.	Рекреация-экотуристик ресурс ва объектларни табиат компонентлари, тарихий объектлар, этнографик маданият, маҳаллий анъаналар хусусиятлари, ландшафт ва табиат комплекслари, табиатни асраш ва муҳофаза қилиш даражаси, уларни ободонлаштириш бўйича инвентаризациялаш	4. Рекреация-экотуристик маршрутларни белгилаш, сўкмоқларни жиҳозлаш, уларни тасвирлаш, талаб қилинадиган инвестицияларни аниқлаш. Экотуристик ташрифларнинг ҳудудий, баландлик-зонал, мавсумий ташкил этилишини белгилаш. Ландшафтнинг ортикча жиҳозланишига йўл қўймаслик
5.	Диққатга сазовор ва ноёб объектларни бориб кўриш, томоша қилишни намунали ташкил этиш ва ташриф буюрувчиларнинг тўла қонли дам олишига эришиш. Асосий объектларни муфассал таърифлаш. Миллий боғга ташриф буюрувчилар сони ва мавжуд туризм бозори хусусиятлари тўғрисидаги ахборотлар тахлили асосида рекреация-экотуристик сигимнинг ҳозирги ва истикболдаги кўрсаткичларини ҳисоблаш. Якуний ҳулосалар	5. Чўзик чизикли (линияли, бир нуқтадан бошланиб, бошқа пунктда якунланадиган) маршрутлар, кундузги ва тунги қўналгалар (тўхташ, дам олиш жойлари), кундузги саёҳатлар, томоша жойларини белгилаш; радиал (теварак атрофдаги жойларга радиус бўйлаб) маршрутлар; айланма (доиравий) маршрут (битта туристик базада бошланиб, яна шу туристик базада тугалланадиган) маршрутлар; томоша объектларига кундузи бориш, дам олиш ва тунаш жойлари, сўкмоқларни белгилаш; саёҳат ва дам олишни ташкил этиш ва бошқариш, ободонлаштириш даражаси ва чекловларни ҳисобга олиб якуний ҳулоса ва қарорлар қабул қилиш

Манба: Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Миллий боғда туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мавжуд табиий, иқтисодий, маданий шароитларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки туризм-«модалар индустрияси» бўлиб, унда туристик хизмат кўрсатиш турлари ва яшаш жойларига нафакат талаб пайдо бўлади ва кўпаяди, сўнгра, маълум вақт ўтгач, улар ўзгаради, ёки камайиши мумкин. Шу сабабдан туристларни бошқариш, туризмни ривожлантиришни бошқариш, ижтимоий ва маданий масалаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим.

5.5. Ғарбий Тяньшан тоғлари бўйлаб саёҳат маршрутлари ва сўқмоқлари, уларни ташкил этиш, ривожлантириш ва ободонлаштиришни бошқариш йўналишлари

Саёҳатлар кишиларни соғломлаштириш ва жисмоний такомиллаштириш воситаси бўлиш билан бир каторда атроф-муҳит тўғрисида билимлар олиш манбаи, миллий кадриятларни улуғлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Туризм - энг оммабоп ва фаол дам олиш шакли бўлиб, одатдаги кундалик турмуш шароитини саёҳатга чиқиш орқали ўзгартириш кишиларга янги куч-қувват ва хузур-халоват бағишлайди.

Саёҳатлар соғломлаштириш, туристик, атроф-муҳит тўғрисида билимлар олиш мақсадларида мафтункор ҳудудларга кўп босқичли қиска ва узок муддатларда ҳаракатланиб боришни билдиради. Туристтик маршрутлар турли табиий, маданий-этнографик, тарихий ва бошқа объектларни соғломлаштириш, билим олиш, спорт ва бошқа мақсадларда томоша қилишга олдиндан белгиланган йўлда боришни англатади. Улар ҳаракат йўналиши бўйича тўғри чизикли (линияли), айланма, радиал ва бошқаларга; ҳаракатланиш усули бўйича - пиёда, велосипедда, автомобиль, сув ва бошқаларга; ҳаракат вақти бўйича - йил бўйи, мавсумий, бир марталик; ташкил этиш шакли бўйича - гуруҳли ва индивидуал, режали ва мустақил турларга бўлинади. Туристтик сўқмоқлар - махсус жиҳозланган (ёки расмий нуктаи назаридан картада белгиланган), муҳофаза этиладиган ёки муҳофаза этилмайдиган ҳудудларда, туристик гуруҳларнинг (ташкил этилган ва мустақил туристлар) нисбатан ўзгартирилмаган ёки кам ўзгартирилган табиат участкаларида (миллий боғлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда) ҳаракатланиш йўли ҳисобланади. Улар ўқув ва экологик сўқмоқ турларига бўлинади.

Ўқув сўқмоқлари - махсус жиҳозланган ва синчиклаб ўрганилган алоҳида муҳофаза этиладиган йўл бўлиб, мазкур сўқмоқ экологик тарбия ва табиат муҳофазаси йўналишида фикрлашга ўргатиш мақсадларида барпо этилади. Сўқмоқ - унча кенг бўлмаган йўл бўлиб, унинг атрофидаги жойлар бўйича экскурсоводлар (гидлар) табиат ҳодисалари ва объектлари тўғрисида ташриф буюрувчиларга билим ва кўникмалар берадилар. Экологик сўқмоқлар - эстетик, табиат муҳофазаси, тарихий-маданий қийматга эга бўлган турли табиат объектларидан ўтадиган маршрут бўлиб, ундан ўтадиган саёҳатчилар (туристлар, сайр қилувчилар) мазкур объектлар тўғрисида оғзаки ёки ёзма (аншлаглар, ахборот тахталари, йўл кўрсаткичлар ва б.) ахборот оладилар. Улар экологик фикрлаш ва дунёқарашни тарбиялаш шаклларида биридир.

Шу муносабат билан, туризм ва саёҳатлар, маршрутларни ташкил этишда БМТ нинг Жаҳон туризм ташкилоти (ВТО) 1996 йилда ишлаб чиққан XXI асрда туризмни барқарор ривожлантириш концепциясининг қуйидаги принципларига асосланиш талаб қилинади:

• саёҳат ва туризм кишиларга табиат билан ўзаро монанд ва ўзаро мос бўлишга ёрдам бериши;

- саёҳат ва туризм экотизимларни асраш, муҳофаза қилиш ва кайта тиклашга ўзининг ҳиссасини қўшиши;

- саёҳат ва туризм ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ҳаётий моделларига асосланиши;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туризмни ривожлантириш жараёнининг ажралмас таркибий қисмини ташкил этиши;

- туризмни ривожлантириш муаммоси маҳаллий органлар ва манфаатдор фуқаролар иштирокида ҳал этилиши;

- давлатлар бир-бирларини туристик соҳага таъсир кўрсатадиган табиий ва техноген офат, халокатлар тўғрисида огоҳлантиришлари керак.

- туризм индустрияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳуқуққа асосланиши керак.

Саёҳатларни ташкил этишни бошқариш ғоят мураккаб жараён бўлиб, у бир томондан саёҳат жойларини танлаш, маршрутларни белгилаш, сўкмоқлар ва қўналгаларни барпо этишни, бошқа томондан ташриф буюрувчиларни саёҳатга жалб этиш, уларни гуруҳларга бирлаштириш ва саёҳатларга тайёрлаш, туристларга хизмат кўрсатиш, саёҳатларни амалга оширишни (жойлаштириш, овқатлантириш, диққатга сазовор жойларни кўрсатиш, саёҳатларни ташкил этиш ва б.) бошқаришни ўз ичига олади.

Саёҳатларни илмий ва амалий асосланган ва хавфсиз ташкил этиш миллий боғда туризмни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Биринчи навбатда Угом-Чотқол миллий боғи ва унга туташ ҳудудларда туристик маршрутлар ва сўкмоқларни ташкил этиш схемаси ва унга асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни таснифлаш, талаб этиладиган инвестицияларни аниқлаш ва унга жалб этиладиган инвестицияларни белгилаш талаб қилинади. Шу мақсадда Тошкент вилояти ҳокимияти, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва Угом-Чотқол миллий боғи ҳамкорликда тегишли мутахассислар ва олимларни жалб этиб махсус ихтисослашган илмий экспедиция ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур экспедиция мавжуд ҳолат ва имкониятларни комплекс тадқиқ этиб, илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиши керак. Бундай экспедиция қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириши керак:

- 1) мавжуд ресурс салоҳияти имкониятларини тадқиқ этиш, инвентаризациялаш асосида туристик маршрут ва сўкмоқлар трассаларини белгилаш;

- 2) маршрут ва сўкмоқларни ўзлаштириш ва маркировкалаш, саёҳатлар хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларини ўтказиш учун полигонларни танлаш;

- 3) саёҳат шароитида туристик инвентар ва сафар аслаҳа-анжомлари синовини ўтказиш ва табиий тўсиқлардан ўтиш техника ва тактикаси элементларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

4) туристик гуруҳларни тузиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган махсус тадқиқотларни ўтказиш, саёҳатларнинг жисмоний юкини (нагрузка) асослаш;

5) туристик гуруҳлар томонидан саёҳат қоидалари, табиатни муҳофаза қилиш талаблари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

6) саёҳатларнинг тарбиявий аҳамияти ва мазмунини оширишга йўналтирилган қўшимча ахборотларни тўплаш.

Миллий боғ рекреация зонасида экспедиция тадқиқотлари натижалари, хулоса ва тавсияларига ҳамда тегишли рекреация ресурслари инвентаризацияси ахборотларига асосланиб рекреация-туристик жиҳатдан асослаб ишлаб чиқилган саёҳат маршрутлари ва норматив талаблари бўйича жиҳозланган сўқмоқларнинг (пиёда, уловда, велосипедда ва б.) доимий ишлайдиган ва қўллаб-қувватланадиган тизими тўртини барпо этиш, уларни кенгайтириш лозим.

Умуман миллий боғда туристик маршрут ва сўқмоқлар мураккаб тоғ муҳити хусусиятларига мос ҳолда барпо этилиши ва уларни ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги принципларга асосланиши керак:

- маршрут ва сўқмоқларнинг тоғ шароитида барпо этилишига боғлиқ ҳолда уларнинг баландлик зонал хусусиятлари, туристик сифими, табиатга таъсир юкини баҳолаш;

- маршрут ва сўқмоқларда саёҳатни ташкил этиш туристларнинг қизиқиши, турли мақсадларни қўзлашини ўзаро мувофиқлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш;

- маршрутларни турли мавсум ва об-ҳаво шароитида ҳамда турли муддатга мўлжалланиши ва мураккаблиги даражасини баландлик зоналари бўйича ҳисобга олиш ва ташкил этиш;

- маршрутларда тоғ муҳити, экотизим ва ландшафтларга соғломлаштиришнинг энг муҳим омили сифатида қарашга асосланиб, саёҳатларнинг табиатга салбий таъсирини энг кам даражага тушириш, табиат комплексларининг юқори сифатини асраш ва муҳофаза қилишга эришиш;

- маршрутларни реклама қилиш, ахборот ва картографик материаллар билан таъминлаш, уларни қизиқарли, оммабоп усулда тасвирлаш (китобча, буклет ва б.) ва унинг материалларини тарқатиш;

- маршрут ва сўқмоқларга комплекс таъриф бериш; маълумотнома-йўл кўрсаткичлар китобини тайёрлаш ва нашр этиш; саёҳатларни ташкил этиш ва бошқариш режаларини тузиш, режада қуйидагиларни кўрсатиш: маршрут ва сўқмоқларнинг номланиши, мақсад ва вазифалари, саёҳатни ўтказиш режаси, қизиқарли объектлар, маршрут узунлиги, масофани босиб ўтишга сарфланадиган вақт, дам олиш, қўналға, тунаш жойлари, саёҳатнинг мавсумийлиги, рекреация ресурслари сифими, сўқмоқларнинг жиҳозланиши (ҳолати, анклаф, ахборот тахталари, йўл кўрсаткичлар мавжудлиги, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар); саёҳатда туристларнинг ҳулқ-атвори

қоидалари, маршрут картосхемалари, хавфсизликни таъминлаш талаблари мавжудлиги; масъул шахслар, экскурсовод, гидлар ва бошқалар.

Угом-Чотқол миллий боғи ва унга туташ худудларда Ғарбий Тяньшан тоғлари бўйлаб ҳозирги вақтда 20 дан ортиқ асосий ва кўплаб кичик маршрутларда саёҳатлар ташкил этилган. Цой В.А., Аширов С.А. (2008, с. 12) миллий боғдан ўтадиган спорт-туристик маршрутларни қуйидаги турларга бўлган: 1) дам олиш кунлари маршрутлари; 2) категориядан ташқари маршрутлар (одатда 2-5 кунлик); 3) кўп кунлик категорияли маршрутлар (қийинлиги бўйича 1-6 категорияли, давомийлиги 3 кундан 80 кунгача, масофа узунлиги 100 дан 200 км гача). Минтақадаги энг кўп сонли маршрутлар 1-2-категорияларга тўғри келади, улар 7-10 кунда ўтказишга мўлжалланган. Альпинистларнинг тоққа кўтарилиши одатда бир кунда амалга оширилади, спортчилар альпинистик даврнинг барча қисмида чодир лагерь базаларида яшайдилар.

Ҳозирги вақтда миллий боғ худудида тоғда пиёда юриш маршрутлари асосий ўринни эгаллайди, сув, от, спелео (ғор) туризми маршрутлари жуда кам салмоққа эга, улар саноклидир. Бундан ташқари асосан Катта Чимган тоғларида альпинистик тадбирлари ҳам ўтказилади. Ғарбий Тяньшан тоғларида туристик саёҳатларни 1 майдан 31 октябргача муддатларда ўтказиш тавсия этилган.

Саёҳатларни ташкил этишни бошқариш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1) туристик гуруҳларни тузиш; 2) саёҳатларга тайёргарлик кўриш, ҳужжатларни расмийлаштириш; 3) саёҳатни ўтказиш; 4) саёҳатни якунлаш ва ҳисобат тайёрлаш.

Туристтик гуруҳларни тузиш, ташкил этиш туризмнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва асоси ҳисобланган ташриф буюрувчиларни излаб топиш ва уларни ихтиёрий равишда саёҳатга жалб қилиш жараёни ҳисобланади. Шу маънода туристик гуруҳ ихтиёрий асосларда саёҳатга бориш учун кишиларнинг бирлашган вақтинчалик тузилган ижтимоий уюшмаси, жамоасидир. Бундай уюшмалар биргаликда меҳнат қилиш, ўқиш, яшаш жойи, қариндошлик, дўстлик, шунингдек туризм бозори талаблари асосида ташкил этилиши мумкин. Гуруҳлар тузилади, тарқаб кетади ёки маълум вақтларда мавжуд бўлади.

Туристларни гуруҳларга бирлаштиришда, биринчи навбатда, «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг тегишли бўлимлари, Республика қасаба уюшмалари Федерациясининг минтақавий бўлимлари, жисмоний тарбия ва спорт, маданият муассасалари, турли корхона ва ташкилотлар, ўқув юртларининг тегишли масъул тузилмалари, туристик секция ва клублар асосий ўрини эгаллайди. Туристтик гуруҳ вазифаларни доимий ёки вақтинча тақсимлашга, ихтиёрий ва ўзини ўзи ташкил этишга асосланган маълум тузилмага эга бўлади. Гуруҳ таркиби 6-10 кишидан таркиб топади. Аъзолар турли мураккаблик категориясига эга маршрутларда иштирок этишга саёҳатлар бошлангунга қадар ҳар томонлама тайёргарлик кўришлари зарур: махсус билим ва малака олиш; ҳаракатланиш ва тўсиқлардан ўтиш техникасини эгаллаш; хавфсизликни таъминлаш малакасига эга бўлиш; махсус сафар анжомларидан

фойдаланиш ва бошқалар. Саёҳатга обрўли, тажрибали, талабчан ташкилотчи мутахассис раҳбарлик қилиши керак.

Саёҳатларга тайёргарлик кўриш, ҳужжатларни расмийлаштириш саёҳатлардан олдин бошланади. Бундай тайёргарлик гуруҳни тузиш, унинг таркиби, жисмоний тайёргарлиги ва тажрибаси, вазифалар, вақт ва маблағлар, маршрутни танлаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Маршрутни ишлаб чиқишда саёҳат жойи тўғрисидаги барча маълумотлар тўпланadi, картосхемалардан фойдаланилади, мураккаб тўсиқлар таърифланади, об-ҳаво, транспорт имкониятлари, йўллар ҳолати тўғрисидаги ахборотлар таҳлил қилинади ва тегишли тадбирлар белгиланади. Саёҳат режаси тузилади, гуруҳ аъзоларига вазифалар таксимланади, умумий ва махсус анжом-аслаҳа, жихозлар, тиббий дори қутилари тайёрланади, озик-овқат масалаларини ҳал этиш белгиланади, харажатлар схемаси тузилади, тренировкalar (тайёргарликлар) ўтказилади ва бошқалар. Гуруҳнинг барча аъзолари тиббий кўрикдан ўтишлари керак.

Туристик гуруҳлар миллий боғ маъмуриятидан саёҳатлар учун белгиланган тартибда рухсатнома олишлари керак. Аъзолар маршрут дафтарчаларини оладилар ва уни саёҳат давомида тўлдириб борадилар.

Саёҳатни ўтказишда тоғ шароитининг мураккаблиги ва тўсиқларнинг кўплиги, бахтсиз ҳодисалар, табиий ҳодисалар, қутилмаган ҳолатлар мавжуд бўлиши, уларни бартараф этиш усуллари кўллаш заруратини ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш талаб этилади. Саёҳат тўғрисидаги ҳисоботда эришилган натижалар баҳоланади, унга асосланиб амалга оширилган ишнинг ютуқ ва камчиликлари аниқланади ва тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Угом-Чотқол миллий боғи ва унга туташ ҳудудларда Ўзбекистоннинг энг асосий туристик маршрутлари Ғарбий Тяньшан тоғлари бўйлаб ўтади. Улардан 14 таси республика аҳамиятига эга бўлиб, қолганлари асосан Тошкент пойтахт минтақаси аҳолисига хизмат кўрсатади (32-жадвал)

32-жадвал таҳлилига кўра, маршрутларнинг аксарият кўпчилиги Чорвоқ-Чимён дам олиш зонаси атрофида, унга туташ ва яқин ҳудудлардан ўтади. Айни вақтда Ғарбий Тяньшан тоғларининг мазкур зонадан узокроқда жойлашган, лекин туристик маршрутларга бемалол киритиш мумкин бўлган кўплаб қизиқарли объектлари маршрутлар схемасига киритилмаган. Шу сабабдан мазкур жойлардаги рекреация ресурслари ўзлаштирилмасдан, туристик айланмага киритилмасдан қолмоқда. Бу тоғ ҳудудларида бир томондан кемпинглар, қўналғалар, чодир лагерларини барпо этиш, маршрутларни мавжуд ресурс ва объектларга асосланган ҳолда ташкил этиш ва сўқмоқларни жихозлаш Чимган-Чорвоқ зонасига тушадиган туристик босим ва юкни камайтиришга, бошқа томондан миллий боғнинг узок ва ўзига хос рекреация ресурсларига эга бўлган ҳудудларини рекреация фаолияти айланмасига киритишга ва шу асосда катта даромад олиш манбаини барпо этишга имкон беради. Бунда манфаатдор туроператорлар ва маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Угом-Чоткол миллий боғи ва унга тугаш ҳудудларда ташкил этилган туристик маршрутлар

№	Республика ва минтақавий аҳамиятга эга маршрутлар	Рекреация-туристик зона ва кичик зоналар таркибда ташкил этилган маршрутлар
А.	Республика аҳамиятига эга маршрутлар («Ўзбектуризм» МК)	<p>I. Тошкент пойтахт минтақаси.</p> <p>1. Тошкент-Чимён-Тошкент (1-10 кун) 2. Тошкент-Белдерсой-Тошкент (1-10 кун) 3. Тошкент-Бурчмулла-Тошкент (1-10 кун)</p> <p>II. Дам олиш кунлари автобус экскурсиялари маршрутлари (йўналишлар бўйича аниқ графикда ҳаракатланади):</p> <p>4. Тошкент-Бўстонлик тумани. 5. Тошкент-Ангрен шаҳри-Янгиобод посёлқаси. 6. Тошкент-Паркент тумани.</p> <p>III. Янги туристик маршрутларни ташкил этиш (йўналишлар бўйича)</p> <p>7. Тарихий ва билим олиш (Паркент, Зангиота, Оккўргон туманлари); 8. Экологик йўналишни табиатда дам олиш билан бирга қўшиб (Бўстонлик, Паркент туманлари, Янгиобод посёлқаси), 9. Спорт соғломлаштириш (Бўстонлик, Паркент туманлари, Янгиобод посёлқаси), 10. Саноат туризми (Ангрен, Олмалик, Бекобод, Чирчик, Охангарон туманлари), 11. Агротуризм (Чиноз, Паркент туманлари), 12. Угом-Чоткол миллий боғи ва Чоткол биосфера кўрикхонасига таништириш саёхати ва экскурсияларни ташкил этиш; 13. Паркент туманида узумзор далаларда экскурсия ва зиёфатларни маҳаллий винолар дегустацияси билан қўшиб ўтказиш.</p>
В.	Тошкент пойтахт минтақаси аҳамиятга эга маршрутлар (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти)	<p>IV. Чимён туристик зонаси.</p> <p>14. 12 чашма-Қизилжар тоғи-12 чашма. Узунлиги 8 км, йил бўйи ишлайдиган пиёда маршрут. 15. 12 чашма-Оксой дарёси корликлари-12 чашма. Ёзги пиёда маршрут, 12 км. 16. 12 чашма - Тахтажайлов довони - Мармар дарёчаси - Белдерсойга қуйилиши-Бўр (Меловой) довони-12 чашма. Пиёда баҳорги-ёзги маршрути, 12 км. 17. 12 чашма-Гулкам довони-Қайин ўрмонзори-Қўйликсой-Гулкам тор дарёси ва тескари йўналишда Гулкам довони орқали Пиёда баҳорги-ёзги маршрут, 18 км. 18. 12 чашма-Тахтажайлов довони- Мармар дарёчаси- Кумбел-1 довони-Белдерсой дарёси-Бўр довони-12 чашма. Пиёда баҳорги-ёзги маршрут, 26 км, 3 кунлик. 19. 12 чашма-Чимган посёлқаси-Ғалвасой урочишаси-Белдерсой дарёси-Оксокота дарёси-Нурехота дарёси-Беркат дарёси-Кумбел-2 довони-Кумбел-1 довони-12 чашма. Ёзги отда юриш маршрути, 70 км, 5 кунга мўлжалланган. 20. Чимён-Хўжакент маршрути. Баҳор-ёз мавсуми. 21. Кумушкон-Чимён маршрути. Баҳор-ёз мавсуми. (15-жадвалга қаранг) 22. Кумушкон-Янгиобод маршрути. Ёз мавсуми (15-жадвалга қаранг). 23. Пўлатхон платосида саёхат маршрути. Ёз мавсуми (15-жадвалга қаранг).</p> <p>Бурчмулла-Нанай участкаси.</p> <p>24. Бурчмулла-Кулосой дарёси сўкмоқлари бўйлаб: Чорвок сув омбори-Тексой довони (1560 м). 2 кунлик. 25. Пском тизмаси бўйлаб: Бурчмулла-Чорвок сув омбори-Чават дарёси юқори оқими-Келинчак довони (2355 м)-Нанай кишлоғи (880 м). 2 кунлик</p> <p>Ташкил этиш кўриб чиқилаётган маршрутлар:</p> <p>26. Бурчмулла-Обирахмат-Палтов дарёси-Неандертал одам гори-Қайин ўрмонзори-Обирахмат-Бурчмулла. Пиёда ёки отда юриш мўлжалланган 27. Бурчмулла - Нанай - Чават дарёси - Келинчак довони - Оксарой дарёси-Нанай посёлқаси ёки Богистон кишлоғи. Пиёда ёки отда саёхат, 2 кунлик. 28. Бурчмулла-Кулосой дарёси-Обирахмат. Пиёда саёхат, 1 кунлик. 29. Чорвок сув омборида байдаркада Обирахматдан Бурчмуллагача сайр қилиш, 1 кун 30. Чорвок сув омбори бўйлаб велосипедда саёхат, 2 кунлик 31. Чорвок сув омбори соҳилида дам олиш.</p>

Манбалар: 1) «Ўзбектуризм» МК маълумотлари. (1-3, 25-32-бандлар).

2) Цой В.А., Аширов С.А. Западный Тяньшан: путешествие к истокам (справочник-путеводитель). Ташкент.: «Talqin»-2008, с. 153-158 (15-24-бандлар).

3) О программе развития сферы туризма в Ташкентской области на 2013-2015 годы. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. Собрание Законодательства Республики Узбекистан, 2013, №39 (591), с. 69-70 (4-14-бандлар).

Шу нуктаи назардан В.А. Цой, С.А. Аширов (2008) тавсия этган учта янги маршрут эътиборга сазовордир (33-жадвал).

33-жадвал

Ғарбий Тяньшан тоғларининг эски сўқмоқлари бўйлаб янги маршрутларни ташкил этиш ва уларнинг асосий кўрсаткичлари

№	Маршрут номи	Узунлиги, км	Давом этиши, кун	Баландлиги, м	Маршрут йўналишидаги асосий объектлар ва уларни томоша қилиш кунлари
I.	Кумушкон-Чимён	60	5	1845-1888	1)Кумушкон-Қошқа дарёси-Оксокота довони-10 км. (биринчи кун). 2)Оксокота дарёси-Нуракат дарёси-Беркат дарёси-18 км (иккинчи кун). 3)Нурекота дарёси-Ўртақумбел довони-Шолконсув (Белдерсой ирмоғи)-13 км (учинчи кун). 4)Қоядаги расмларни радиал чиқиш орқали томоша қилиш-12 км (тўртинчи кун); 5)Белдерсой дарёси-Четқумбел довони-Мармар дарёси-Тахтажайлов довони-Чимён-7 км (бешинчи кун).
II.	Кумушкон-Янгиобод	100	7	1500-1800, 2600-3189	1)Кумушкон посёлкаси-Оксокота дарёси-Қашқасув дарёси-17 км (биринчи кун); 2)Қашқасув дарёси-Октахта довони этаги-23 км (иккинчи кун); 3)Октахта довони-Ревашт дарёси-15 км (учинчи кун); 4)Ревашт дарёси бўйида тўхташ ва дам олиш (тўртинчи кун); 5)Ревашт дарёси-Ревашт довони-Қорабузук дарёси-Қорабузук довони-Курукти дарёси-15 км (бешинчи кун); 6)Курукти дарёси-Одамтош довони-Каттасой дарёси-18 км (олтинчи кун) 7)Каттасой дарёси-Янгиобод посёлкаси-12 км (еттинчи кун). Саёхатлар учун энг маъқул ва энг қулай фасл-ёз (июнь, июль, август). Маршрутда мавжуд довонларнинг денгиз сатҳидан баландлиги: 1)Октахта-2280 м; 2)Ревашт-2120 м; 4)Қорабузук-2180 м; 5) Одамтош-2-3189 м.
III.	Пўлатхон платосига (ясситоги-га) чиқиш	115	5	2942	1) Кумушкон-Арпапой-32 км (биринчи кун) 2) Арпапой-Пўлатхон Дарвозаси-41 км. (иккинчи кун); 3) Пўлатхон платосини ўрганиш, томоша қилиш, гадкиқ этиш (учинчи кун); 4) Пўлатхон Дарвозаси-Берката дарвозаси-37 км (тўртинчи кун); 5) Берката-Кумушкон-45 км (бешинчи кун); Энг маъқул ва яхши фасл-ёз ойлари (июнь, июль, август). Пўлатхон платосининг умумий майдони 20 км ² бўлиб, унга саёхат қилиш зарур жисмоний тайёгарликни талаб қилади.

Манба: Цой В.А., Аширов С.А. Западный Тяньшан: путешествие к истокам (справочник-путеводитель). Ташкент: «Taqin»-2008, с. 157-183.

Истиқболда 32-жадвалда қискача таърифи берилган туристик маршрутларга ўхшаш ва Угом-Чотқол миллий боғи тоғларининг кўплаб ноёб объектлари, чўккилари, довонлари, қорлик ва музликлари, хушманзара

ландшафтларини томоша килишга имкон берадиган кўплаб янги маршрутларни ташкил этиш ва уларда сўкмоқларни белгилаш ва жиҳозлаш гоят долзарб муаммолар ҳисобланади.

Угом-Чотқол миллий боғида туризмнинг барча йўналишларини ривожлантиришни бошқаришда катта истикболга эга бўлган, лекин ҳозирги вақтда етарли даражада ривожланмаган туризмнинг инновацион ва сердаромад, шу билан бир қаторда атроф-табиий муҳитга масъулиятли муносабатда бўлишга, уни асраш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган замонавий тармоғи-экологик туризмга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Экотуризм табиатга масъулиятли саёҳат бўлиб, атроф муҳитни асраш ва муҳофаза қилиш, маҳаллий аҳолининг фаровонлигини қўллаб-қувватлашга асосланади. Саёҳатнинг мазкур турини чуқур тушуниш учун халқаро экотуризм ташкилоти экотуристларнинг қуйидаги 10 та қондасини ишлаб чиққан ва тавсия этган:

1) ернинг (табиатнинг) жуда нозик, заиф, дарров шикастланадиган, мўрт, химояси бўшлигини эсда сақлаш, эсдан чиқармаслик;

2) фақат (табиатда) изларни қолдириш, фақат фотографик тасвирларни олиб чиқиш;

3) ўзинг яшайдиган муҳит ва дунёни билиб ол: халқлар маданияти, географияни билиш;

4) маҳаллий аҳолини ҳурмат қилиш;

5) атроф-муҳитга хавfli таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқарувчиларнинг буюмларини сотиб олмаслик;

6) ҳамма вақт фақат юрилавериб йўл бўлиб қолган сўкмоқлардан юриш;

7) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурларни қўллаб-қувватлаш;

8) атроф-муҳитни сақлаш ва асраш методларидан фойдаланиш;

9) табиат муҳофазасига ёрдам берадиган ташкилотларни қўллаб-қувватлаш;

10) экотуризм принципларини қўллаб-қувватлайдиган фирмалар билан саёҳат қилиш.

Шундай қилиб, миллий боғида экологик туризмни ривожлантириш қуйидаги йўналишларни амалга оширишга имкон беради: 1) табиатни билишга, яъни саёҳатларда табиат ва унинг компонентларини ўрганиш, туристларнинг янги малака ва билим олишига эришиши; 2) экотизим, ландшафтларни асраш ва муҳофаза қилишга, яъни нафақат саёҳат гуруҳларининг маршрутдаги хулқ-атворини, балки туристлар, туроператорларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар, дастурларда иштирок этишини ҳам назарда тутди; 3) маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳурмат қилишга, яъни нафақат маҳаллий урф-одатларга риоя этишга, балки туристик дистанцияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига туризм ҳиссасини кўшишни ҳам назарда тутди.

Миллий боғида саёҳатларни асосан пиёда юриш ёки отда, велосипедда юриш орқали амалга оширилади. Шу сабабдан сўкмоқларни жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Юқори рекреация-туристик босим ва

юклама мавжудлиги шароитида сўкмоқларнинг бир қисми каттик қопламалар билан қопланади. Саёхатчилар учун сўкмоқлар ҳаракатланиш йўли бўлиб, уларда йўл кўрсаткичлар, ахборот тахталари, кузатиш нуқталари, дам олиш, тунаш қўналғалари ва бошқалар бўлиши керак. Сўкмоқлар кенглиги бир томонлама ҳаракат қилишда 0,75 метр, икки томонлама ҳаракат қилишда 1,5 метр, велосипед йўллари 3 м кенгликда бўлади. Умуман сўкмоқлар атроф-муҳит жойлари билан энг кўп даражада узвий қўшилиб кетишига эришиш керак.

Туристларнинг мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиши, дам олиши учун сўкмоқлар бўйлаб кўплаб шинам ва қулай бурчакларни ташкил этиш, барча ёшдаги ва турли жисмоний имкониятларга эга кишиларнинг манфаатлари ҳисобга олиниб, маршрут бўйлаб тегишли жойларда скамейкалар, тахта кроватлар, айвон ва соябонлар ўрнатилади. Алоҳида жозибадор объектлар ёнида туристлар давомли вақт мобайнида тўхташлари ҳисобга олиниб, кичик павильонлар қурилади. Уларда туристлар экскурсоводлар билан суҳбатлар ўтказилади, дам олади. Баъзи кунларда бундай павильонларда туташ жойларда мавжуд бўлган диққатга сазовор объектлар тўғрисида ахборот берадиган тахталар (стендлар) ўрнатилади. Амалда бундай дам олиш павильонлари миллий боғ музейининг ўзига хос филиалига айланади.

Қизиқувчи туристларга мўлжаллаб миллий боғда барпо этиладиган ўқув сўкмоқларининг узунлиги 5 км дан ошмаслиги керак. Улар мазмунига кўра, умумий ва ихтисослашган (масалан, ботаника, зоология, ўрмон, геологик-геоморфологик ва б.) бўлиши мумкин. Улар асосан айниқса табиат ва уни муҳофаза қилишга ва билимини оширишга қизиқадиган катта ёшдаги ташриф буюрувчиларга мўлжалланади. Пиёда юриш ва сайр қилишга мослаштирилган ўқув сўкмоқлари ўзида дам олиш, спорт, кўнгил очиш, билим олишни ўзаро боғлайди. Шу сабабдан ўқув сўкмоқлари дунёнинг турли мамлакатларида машҳур ва оммабоп бўлиб, улардан фаол фойдаланилмоқда.

Миллий боғ ходимларининг асосий ташвиши ва вазифаси барча ташриф буюрувчиларнинг талабларига мос келадиган шарт-шароитни яратишдан иборат. Уларга хизмат кўрсатиш дам олувчилар истакларининг хилма-хиллигини ҳисобга олиб жуда катта фарқ қилади, шунга мувофиқ табақалаштирилган бўлиши керак.

Буларни амалга оширишга боғда яхши ташкил этилган ахборот хизмати имкониятлари кўп даражада ёрдам беради. Энг яхшиси, булар тўғрисида ташриф буюрувчилар дам олишга келишдан олдин хабардор бўлишлари ҳисобланади. Шу билан бир каторда боғнинг ўзида, дарвозаси олдидаги ахборотлар ҳам зўр таассурот қолдиради. Булар нақшлар билан безатилган маълумотнома панно, боғга киришда тарқатиладиган турли варақа, проспекти, буклетлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Йўл кўрсаткичлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар жуда хилма-хил бўлади (тахта, металл, бетон устунларда ўрнатилган, рейка, плакат-кўрсаткичлар, карталар, қоялар, тошларга ёзилган, доимий ва вақтинча ва б.). Кўрсаткичлар боғда сайр қилувчиларнинг беғараз ёрдамчиларидир. Уларнинг туристларни бошқаришдаги аҳамияти дам

олувчиларнинг ҳаракатланишини тартибга солишга ёрдам бериши билан белгиланади.

Ташриф буюрувчиларга миллий боғ рекреация зонасига саёхат килиш учун қулай шароит ва имкониятлар яратилиши лозим. Бунда режалаштирувчилар сўқмоқ ва йўлларни қандай кенгликда, қандай коплама, қияликда қуриш ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари бўйича тегишли қарорларни қабул қиладилар. Сўқмоқлар ишончли ва мустаҳкам, муҳофаза мақсадларига мос бўлиши, ташриф буюрувчилар учун хавфсиз ва юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаши керак.

Умуман миллий боғнинг рекреация қийматини оширишда ландшафт меъморчилиги ютуқларини кенг қўллаш катта аҳамиятга эга. Ландшафт меъморчилиги атроф-муҳитни янада чиройли, инсон учун қулай, туристларнинг хулқ-атворини бошқариладиган килиш воситаси бўлиб, йўл-сўқмоқ тўрини ва павильонларни барпо этиш, уларни кичик меъморчилик шаклларини қўшиб қуриш, безаш, ободонлаштириш ёрдамида рекреация ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш мумкин.

Сўқмоқларни қуриш санъати ва уларнинг ўтказиш сифими намойиш қилинаётган табиат намуналари ва экспонатларининг хилма-хиллиги ва ахборот беришини эътироф этишга асосланади, уларнинг ташриф буюрувчиларга таъсири эса гид ва экскурсоводларнинг миллий боғ табиати, унда содир бўладиган жараёнлар, табиат ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни қанчалик тўғри, чуқур, ишончли, қизиқарли тушунтириб беришлари, изоҳлаб шарҳлашлари сифати, маҳорати ва қобилиятига боғлиқ бўлади. Ана шу борада эришилган ютуқ ва муваффақиятлар туристик саёхатларда маршрут ва сўқмоқларда табиат тўғрисида олинган таассурот ва билимлар туристлар ҳаётида ўзига хос хулқ-атвор қоидасига айланади. Шу сабабдан биз миллий боғда туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришни бошқаришда миллий боғ табиати, ундаги маршрут ва сўқмоқларда тегишли хулқ-атвор қоидаларига амал қилишни ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш, улар бўйича ахборотларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Миллий боғ табиати тўғрисидаги ахборотлар қузатиш объектлари тўғрисидаги маълумотлар, маршрутлар тўғрисида-масофа узунлиги, саёхатда юриш вақти, қийинчилик ва тўсиклар, тўхташ, дам олиш, тунаш жойлари тўғрисидаги ахборотлар ўзаро боғлиқ ҳолда берилади. Миллий боғда экотуризмни ривожлантириш катта даромад бериш билан бир қаторда табиат муҳофазаси бўйича тадбирларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун миллий боғ ва унинг рекреация зонасида экотуризм йўналишида кенг миқёсдаги ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш талаб қилинади. Дунёнинг туризм юқори даражада ривожланган кўпчилик мамлакатлари тажрибаси шундан далолат берадики, ташриф буюрувчиларни кўплаб жалб этишда мавжуд табиат объектларининг туристик қийматига нисбатан ҳам миллий боғларни юқоридаражада ободонлаштириш, уларда ишбиламонлик билан намунали сервис хизматини ташкил этиш, сўқмоқларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ички ва ташқи экотуризм бозорида

тегишли рекламага алоҳида аҳамият бериш катта муваффақиятларга эришишга имкон беради.

Миллий боғда экотуризмни ривожлантириш, аввало, илмий асосланган ва махсус жиҳозланган экологик маршрут ва сўқмоқларнинг доимий ишлайдиган ва кўллаб-қувватланадиган тўри ва тизимини ишлаб чиқиш, барпо этиш, кенгайтириш йўналишида амалга оширилиши лозим. Шунга мувофиқ миллий боғда экотуризмни ташкил этиш ва бошқариш, объектларни бориб кўриш бўйича махсус хулк-атвор ва ҳаракат коидалари ишлаб чиқилиши керак. Улар халқаро принципларга, мамлакатимизда қабул қилинган ҳуқуқий норма ва талабларга асосланиши лозим. Шу мақсадда ташриф буюрувчиларга мазкур талаблар тасвирланган ҳамда маршрут ва сўқмоқлар кўрсатилган картосхемани ўз ичига оладиган китобча тайёрлаш, уни тарқатиш талаб қилинади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирги вақтда дунёнинг кўпчилики миллий боғларидаги каби Угом-Чотқол миллий боғи ҳам тўсиклар билан ўраб олинган махсус чегараларга эга эмас, унга кирадиган аниқ дарвоза белгиланмаган, шу сабабдан боғга кўп томонлардан бемалол кириш мумкин. Шу сабабдан Угом-Чотқол миллий боғи чегараларининг турли қисмларида-Бўстонлик (Ғазалкент шаҳри), Паркент (Паркент шаҳри), Охангарон (Охангарон посёлкаси) туманларида магистрал йўлларда ва боғга кириш жойларида ахборот тахталари ўрнатиш, ташриф буюрувчилар учун кичик ахборот марказларини барпо этиш тавсия этилади.

Умуман миллий боғда рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқаришда ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ёндашувлардан кенг миқёсда фойдаланиш ташриф буюрувчиларга ижобий таъсир кўрсатиш усулларида бири бўлиб, билимларни тушунтириш ва тарғиб қилиш тизимининг бошқариш воситаси сифатида хулк-атворни чекловчи ва таъқиқловчи усулларга нисбатан устувор аҳамиятга эга бўлади. У қуйидаги босқичлардан ўтади. Дастлаб миллий боғдан ташқарида ва “кутишнинг ривожланиши” да ахборотларни ўзлаштириш ва идрок қилиш босқичи содир бўлади. Сўнгра миллий боғда ташриф буюрувчи унга табиат кадриятларини англаш ва тушуниб олишга ёрдам берадиган ахборот хизматларини олади. Саёҳат давомида ташриф буюрувчи билиш жараёнига тортилади ва ўзининг табиатшунослик билими ва малакасини оширади.

Миллий боғнинг табиати қиймати ва аҳамиятини тарғиб қилиш психологик жиҳатдан шахсларни табиат билан ўзаро муносабатларнинг маълум усулига йўналтирилишга имкон беради. Миллий боғни бошқариш методлари дам олувчиларга нафақат табиатга эҳтиёткорона, авайлаб, зиён-заҳмат етказмай муносабатда бўлишни ўргатади ва унга одатлантиради, балки ўз иродасига мувофиқ табиатни асраш ва муҳофаза қилиш ишларига ўзининг аралашishi оқибатларини тўғри тушунишга, жараёнларда қатнашишга алоқадорлигини тўғри англашга ҳам ундайди. Шу асосда билим ишончга айланади ва табиат муҳофазаси дунёқарашини шакллантиради. Булар миллий боғда табиатни севишни мавҳум тушунчадан мавжудликка айлантиради. Кишилар мустақил равишда бундай “ғамхўрлик мактаби” ни ўтиб, бундан

кейинги ўзининг ҳаётида табиатга, унинг бойликларига бошқаларнинг ҳам ўйламай муносабатда бўлишига рози бўлмайди, унга бефарқ қарамайди, ўзига боғлиқ бўлган барча вазиятларда табиат муҳофазасига ўзининг ҳиссасини қўшади. Шундай қилиб, рекреация фаолияти жараёнида табиатни асраш ва муҳофаза қилиш ҳамда инсонни тарбиялаш бир-бирига қарама-қарши ва зид бўлмаган, балки ўзаро боғлиқ вазифалар ҳисобланади. Шундай фикр ва нуқтаи назар миллий боғларда энг муҳим, энг зарур ғоя ҳисобланади.

5.6. Жиззах вилоятида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация ресурслари салоҳиятига асосланган экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш ва унинг истиқболни белгилаш йўналишлари

Жиззах вилояти Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, унинг жанубий қисми Туркистон тоғ тизмаси тармоқлари, ғарбини Нурота тоғлари, шимоли, шимолий-ғарбий ва шарқий қисмини Мирзачўл ва Қизилқум чўлларида таркиб топган текисликлар эгаллайди. Вилоят ҳудуди 21,2 минг км² (республикадаги улуши 4,7 %), аҳолиси 1,2 млн. киши (2015 йил, мамлакатдаги улуши 6,5 %). Жиззах вилоятининг Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2,3 %га тенг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича мамлакатимизнинг 14 та минтақалари ўртасида охиридан олдинги 13-ўринни эгаллайди. 2014 йил маълумотларига кўра вилоятда сайёҳлик фирма ва ташкилотлари сони 2 та (республикадаги улуши 0,6 %) бўлиб, улар 10,1 минг ташриф буюрувчига хизмат кўрсатган (улуши 2 %), сайёҳлик хизматлари (меҳмонхона хизматини ҳам қўшган ҳолда) 4,5 млрд. сўмни (улуши 1,2 %) ташкил этган (Ўзбекистон ҳудудлари ... 2015, 10, 57, 136-бетлар).

Бу маълумотлар Жиззах вилояти мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва туризм соҳаси бўйича минтақалар ўртасида охириги ўринларни эгаллашини кўрсатади. Шу билан бир қаторда вилоятда рекреация-экотуризмни жадал ривожлантиришга асос бўладиган ғоят хилма-хил ресурс салоҳияти мавжудлигини, бу борада вилоят Ўзбекистонда алоҳида муҳим ўринни эгаллашини ҳам таъкидлаш керак. Вилоят ҳокимияти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда бу ерда 372 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 267 таси (71,8%) экологик манзиллар ҳисобланади. Булар қаторига қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: Зомин миллий боғи, Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси, Арнасой орнитологик буюртмахонаси; Туркистон, Нурота тоғлари, Молгузар ва Қўйтош тоғларидаги ўрмонлар; ғаройиб табиат ландшафтлари; тош ҳайкаллар, қоятош расмлари, Ғаллаорол туманидаги Қўйтош тоғидаги ғаройиб тош шакллари, Тоғ кўли (Қўйтош қишлоғи), ғаройиб шар тошлари (Қоронғул қишлоғи) экотуристтик масканлари, Авлиёота кўли (Авлиё қишлоғи), Жиззах туманидаги Кўрпасой шаршараси, Зомин туманидаги Қоплон ота (Қовункести қишлоғи), Дуоба, Бешкуби қишлоқлари, Парпи ойим (Увол қишлоғи), Уволдора (Увол

кишлоғи) экотуристтик маскани; Фориш туманидаги Ухум, Ҳаёт, Можурум, Асраф кишлоклари; Хонбанди тарихий маскани; Сангзор, Зоминсув дарёлари, 209 та катта серсув булоклар, Айдар-Арнасой кўллар тизими; кўплаб тарихий, этнографик объектлар; чўллар, водий ва воҳалар ва бошқалар ғоят муҳим рекреация-эко туристик аҳамиятга эга объектлар каторига киради.

Жиззах вилоятида экологик вазият ҳам унинг катта қисмида рекреация-эко туризм соҳасининг хилма-хил йўналишларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратади (34-жадвал).

34-жадвал

Жиззах вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

Экологик ҳудудлар	Ҳудуд минг га	%	Ш.ж. сугориладиган ерлар	%	Аҳоли минг киши	%	Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфидаги шаҳарлар)	%
0-қулай экологик вазиятли	1455,7	71,0	152,9	52,1	557,7	62,6	7	58,3
1-критик экологик вазиятли	593,4	29,0	140,5	47,9	333,2	37,4	5	41,7
2-фавқулодда экологик вазиятлар	-	-	-	-	-	-	-	-
3-экологик офат	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами	2049,1	100	293,4	100	890,9	100	12	100

Манба: Жумаев Т.Ж. Экология иқтисодиёти: назария ва амалиёт. -Т.: IQTISODIYOT, 2014, 143-б.

34-жадвал маълумотлари вилоятнинг 71 % ҳудуди, шу жумладан 52,1 % сугориладиган ерларида қулай экологик вазият, қолган қисмида критик экологик вазият мавжудлиги, фавқулодда экологик вазиятли ва экологик офат зоналари эса мавжуд эмаслигини исботлайди.

10-жадвалда (4.4. параграф) Жиззах вилоятининг мавжуд ва истиқболда ташкил этиладиган (Нурота-Қизилқум биосфера резерватининг бир қисми) МЭТХларда рекреация-эко туристик зоналарни барпо этиш, уларнинг майдонларини аниқлаш ва уларни балл тизимида баҳолаш кўрсаткичлари берилган. Шунга мувофиқ, Жиззах вилоятида МЭТХлар рекреация-эко туристик зонаси майдони мавжуд 13,1 минг гектардан яна 37 минг гектарга кўпаяди, уларнинг умумий майдони 50,1 минг гектарга етади (3,8 марта кўпаяди), вилоятнинг МЭТХлари турли категорияларини балл тизимида баҳолаш кўрсаткичлари мамлакат бўйича умумий натижанинг 9 %

вилоят улушига тўғри келади. Бу маълумотлар вилоятнинг Ўзбекистондаги мавқеи (улуши)нинг сезиларли кўпайишига олиб келади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда вилоятда туризм, айниқса экологик туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Биологик ва ландшафт хилма-хиллиги билан ажралиб турувчи масканларда балиқ овлаш, орнитологик, овчилик каби экотуризм, фольклор-этнографик йўналишлар ривожлантирилмоқда, МЭТХларда сўкмоқлар ва маршрутлар барпо этилаётир. Қиш фаслида тоғ-чанғи туризмни ривожлантириш мақсадларида Зомин тоғ чанғи трассаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Жиззах вилоятида экотуризмни ривожлантиришда тоғ ҳудудларида уй-меҳмонхоналар барпо этиш, янги экотуристлик саёҳат сўкмоқлари ва маршрутларини ишлаб чиқиш ва ташриф буюрувчиларга таклиф этишга, бунда табиат ажойиботлари билан бир каторда маҳаллий аҳолининг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари билан таништиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ва Фориш туманларининг катор қишлоқларида сайёҳларга дам олиш учун барча шароитлар яратилган уй-меҳмонхоналар қурилиб, ишга туширилди. Бундай масканлар кўплаб хорижий сайёҳларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқларда уй-меҳмонхоналарни ташкил этиш асосида туризмни ривожлантириш қишлоқларни ободонлаштириш, бу ерда янги иш ўринлари ва даромад манбаларини барпо этишда муҳим асос вазифасини бажармоқда. Уй-меҳмонхоналар йил давомида узлуксиз ишлашга имкон бермоқда.

Уй-меҳмонхоналарда кўплаб қўшимча хизмат кўрсатиш турлари ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар ҳар бир хонадон шароити ва сайёҳлар эҳтиёж ва талабларига мувофиқ ташкил этилаётир, улар хилма-хил бўлиб, бир-бирини такрорламайди. Улар нон ва патир пишириш, тандир кабоб, ғилминди, атала, қурт тайёрлаш, ҳар бир қишлоқнинг удум ва анъаналарига мувофиқ бўлган кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш ва бошқаларни камраб олади.

Уй-меҳмонхоналар бир-бирлари билан бирлашиб, қўйилган мақсад ва вазифаларни биргаликда ҳал этмоқдалар. Уй-меҳмонхоналар тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир. Бу борада уй-меҳмонхоналар дизайни, сўкмоқ ва маршрутларни ишлаб чиқиш, бизнес-режаларни тузиш, сервис хизмати сифатини ошириш, маҳаллий аҳоли орасидан гид-таржимонларни тайёрлаш бўйича турли семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, тақдимотлар, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича катор тадбир ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Булар туристлар оқимининг кўпайиши ва уй-меҳмонхоналар эгалари даромадлари сезиларли ошишига олиб келмоқда.

Вилоятда туризм саҳасини ривожлантириш бўйича 2016-2017 йилларга мўлжалланган мақсадли давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир. Мазкур дастурга мувофиқ қўйидаги чора-тадбирлар комплекси белгиланиб, уларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда:

1. Вилоят сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва сайёҳлик дастурларининг мазмундорлигини таъминлаш.

2. Тарихий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш.

3. Ички туризмни ривожлантириш.

4. Экотуристик манзилларни расмийлаштириш, объектларга йўл кўрсаткичлар, маълумотлар тахталари, химоя тўсикларини ўрнатиш.

5. Айдар-Арнасой кўллари тизими (ААКТ) ҳудудида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар режасини тузиш.

6. Туристтик объектларга олиб боровчи умумфойдаланишдаги асосий автомобиль йўллари ва уларни қуриш, таъмирлаш бўйича манзиллар рўйхати.

7. Сайёҳлик салоҳиятини тарғибот қилиш.

8. Туризм соҳасини ривожлантириш давлат мақсадли дастурларини бажарилиши мониторинги ва назоратини олиб бориш бўйича вилоят ишчи гуруҳини тузиш.

Мазкур тадбирлар комплексининг амалга оширилиши Жиззах вилоятида рекреация-экотуризмни истикболда ривожлантиришни бошқаришни янги юкори поғонага кўтаришга имкон беради. Дастурга мувофиқ вилоятдаги 28 та тарихий-маданий объектлар реставрация қилинади ва уларнинг ҳолати яхшиланади. 30 та экотуристик манзиллар ва объектлар рўйхати расмийлаштирилади, уларда йўл кўрсаткичлар, маълумотлар тахталари, химоя тўсиклари ўрнатилади. Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳудудида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади: 1) қурилиш мўлжалланаётган дам олиш масканининг экологик хавфсизлигини таъминлаш даражасини аниқлаш ва уни экологик экспертизадан ўтказиш; 2) объектлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни экологик экспертизадан ўтказиш; 3) чиқиндиларни жойлаштириш ва кўмиш жойини белгилаш, оқова сувларини тозалаш иншоотларини қуриш, дам олиш масканларини сув манбаларидан 500 метргача узоқликдан танлаш (қирғоқ бўйидан камида 20-30 м узоқликда); 4) ўсимлик дунёсини асраш ва атроф- мухит табиийлигини сақлаб қолиш ва бошқалар.

Айдар-Арнасой кўллар тизими қирғоқларида 4 та туристик база, 1 та миллий ўтовлар гуруҳи, 1 та туристик инфратузилма комплекси, кемпинглар барпо этиш мўлжалланган. Уларга 2750 млн сўм маблағ ажратиш белгиланган. Кўл атрофида биосфера қўриқхонаси ташкил этилади.

Музейларни реконструкция қилиш, зиёратгоҳлар ҳолатини яхшилаш ва улар қошида миллий ҳунармандчилик намуналари савдосини ташкил этиш белгиланиб, уларни амалга оширишга 50 миллион сўм маблағ ажратилган.

Вилоят туманларида меҳмонхоналар қуриш режалаштирилган. Ғаллаорол туманида 4 та, Бахмал туманида 3 та, Зомин туманида 4 та, Фориш туманида 4 та, Жиззах туманида 2 та, жами 17 та уй-меҳмонхона қурилади ва уларга 80 млн сўм маблағ ажратилади. Шунингдек, Зомин туманида 1 та замонавий меҳмонхона қурилади ва унга 1100 млн сўм маблағ ажратилади.

Вилоятда хорижий мамлакатлар ва республиканинг етакчи тураператорлари ҳамкорлигида икки йил давомида камида 10 та туристик компания ташкил этилади. Туризмнинг қўйидаги йўналишлари (маршрутлари)

ташкил этилади: 1) Жиззах шаҳридаги музей ва истирохат боғларига экскурсиялар; 2) Зомин, Бахмал, Фориш туманларига рекреация саёҳатлари; 3) Жиззах шаҳри, Зомин, Ғаллаорол туманларида гастронмик туризм саёҳатлари; 4) Зомин, Бахмал, Фориш туманларида хорижий туристлар учун туристик компаниялар томонидан маршрутлар ишлаб чиқилади ва тавсия этилади.

Вилоятда яқин истиқболда амалга ошириладиган маданий-кўнгилочар тадбирлар ва ички туризмни ривожлантириш режалари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Фориш туманида миллий ўйинлар фестивали, Зоминда асал ва доривор гиёҳлар сайли, Ғаллаоролда фольклор жамоалари фестивали, Жиззах шаҳрида миллий таомлар ва қовун сайли, Бахмалда миллий удумлар ва маросимлар фестивали, Жиззах туманида кўпқари ва ҳайвонларни уруштириш тадбирлари туризмни, биринчи навбатда экологик туризмни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланади.

Ички туризмни ривожлантиришда, айниқса сайёҳлик оқими паст бўлган даврда мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларидан 5000 нафарига таништирув турлари, Фарғона водийси, Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан Жиззах вилоятига дам олиш кунлари турларини уюштириш режалаштирилган ва улар амалга оширилаётир.

Дастурда вилоятда фаолият кўрсатаётган туристик маскан ва объектларга олиб борадиган ва бориш-келишни осонлаштирадиган кўплаб автомобиль йўлларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, уларда йўл кўрсаткичларини ўрнатиш, транспорт қатновини ташкил этиш, йўл бўйларида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш ва газ тўлдириш шаҳобчаларини кенгайтириш тадбирларини амалга оширишга катта ўрин берилган. Шунингдек, дастурда туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган гид ва бошқа кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг аниқ манзилли тадбирлари, вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғибот қилиш (такдимотлар, таништириш, инфратурлар, объектлар намойиши, халқаро кўргазма, ярмаркалар, таркатма материаллар, буклетлар, китоб ва карталар, интернет сайтларида ёритиш ва бошқалар) масалалари ҳар томонлама тўла ҳисобга олинган.

Мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган умумий маблағлар миқдори 7595 млн сўмни ташкил этади. Шундан (млн. сўм) -25,0 (0,3%) маҳаллий бюджет маблағлари, 100,0 (1,3%) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 600,0 (7,9%) чет эл инвесторлари, 4770,0 (60,2%) лойиха ташаббускорлари (тадбиркорлар), хомийлар, 2300,0 (30,3%) банк кредитлари улушига тўғри келади.

Жиззах вилоятида 2016-2017 йилларга мўлжалланган туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилган бўлиб, уни амалиётга жорий этиш вилоятда туризм соҳасини, биринчи навбатда унинг инновацион йўналиши ҳисобланган экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни янги юқори поғонага кўтаришга имконият яратади, шу асосларда вилоят Ўзбекистоннинг туризм юқори даражада ривожланган минтақалардан бирига айланади.

Шу муносабат билан яқин ва узок истиқболда Жиззах вилоятида рекреация-экотуризмни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришнинг куйидаги йўналишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- вилоятнинг рекреация-ресурс салоҳияти имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадларида уларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва ресурс имкониятларини туманлар, муҳим объектлар бўйича баҳолашни амалга ошириш;

- инвентаризация ва ресурсларни баҳолаш натижаларига асосланиб туманлар ва муҳим объектлар бўйича тақдим этиладиган туристик маҳсулот ва хизматлар кўрсатиш турлари, йўналишлари ва ихтисослашишини белгилаш;

- тадбиркорларнинг экотуризм йўналишидаги фаолияти ва лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳаракатларини рағбатлантириш, тегишли имтиёз ва преференциялар бериш;

- экотуризм лойиҳалари амалга оширилаётган ҳудудларда фаолиятга маҳаллий аҳолини кенг жалб этиш (сайёҳларни кутиб олиш, экскурсияларни тайёрлаш ва уларни ўтказиш, туристларни жойлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқалар);

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни, айниқса оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- янги иш ўринларини тез барпо этишни таъминлаш;

- туманлар инфратузилмаси сифатини яхшилаш;

- вилоят, туман, объектларнинг жозибадорлиги имиджини барпо этиш;

- туризм соҳасини вилоят ижтимоий-иқтисодий тизимига интеграциялаш.

5- боб бўйича хулоса ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бир-биридан тубдан фарқ қиладиган, айтиб бериш пайтда мамлакатимизнинг 2 та асосий миллий боғи тасарруфида бўлган иккита вилоят – Тошкент ва Жиззах вилоятлари мисолида тадқиқ этилган. Шу муносабат билан миллий боғларда куйидаги йўналишларга асосий эътибор қаратилиши тавсия этилади: Ўзбекистоннинг мавжуд ва истиқболда ташкил этиладиган миллий боғларида табиатни рекреация, маърифат ва илмий мақсадларда асраш, туризм ва дам олиш учун шароит яратиш, табиат комплексларини рекреация йўналишларида ободонлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш; ресурсларни инвентаризациялаш ва баҳолаш, маршрутларни белгилаш ва сўқмоқларни жиҳозлаш; рекреация зоналарида ихтисослашган туристик фирмалар ва уларга хизмат кўрсатадиган қўшимча ҳамда йўлдош корхоналар комплексларини барпо этиш; Тошкент пойтахт минтақасида рекреация хўжалигини ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришда унинг таркибига қиладиган Тошкент шаҳри (талаб-эҳтиёжлар мавжудлиги) ва Тошкент вилояти (тегишли рекреация ресурс салоҳияти мавжудлиги ва тақлифлар бериш имконияти) ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга

олиб, уларни мувофиқлаштириш ва интеграциялаш; Тошкент пойтахт минтақасида ягона рекреация-туристик комплексни барпо этиш ва ривожлантириш концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Угом-Чотқол миллий боғи ва унда туташ ҳудудларнинг рекреация-туристик ресурслари салоҳияти ва уларни баҳолашда қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш: ресурсларни таснифлаш, ресурслардан фойдаланиш йўналишларини компонентлар, экотизим ва ландшафтлар бўйича аниқлаш; ижтимоий-иқтисодий ресурслар ва бирламчи ресурслардан ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштириб фойдаланиш; жуда қулай, қулай, чекланган қулай, айрим йўналишларда қулай, ноқулай деб баҳоланадиган участкаларни (микрозоналарни) ажратиш, улардан турли йўналишларда фойдаланишни белгилаш, рекреация ресурсларини инвентаризациялаш.

Тошкент пойтахт минтақасида МЭТҲлар ресурс салоҳиятига асосланган рекреация-туризмни ривожлантириш ва унинг истикболини белгилаш: 1) Тошкент пойтахт минтақаси доирасида рекреация-туристик комплексни ташкил этиш ва уни бошқариш тизимини барпо этиш, мазкур комплексни мамлакатимизда рекреацияни ривожлантиришни интенсификациянинг замонавий намунасига айлантириш, Угом-Чотқол миллий боғи ва Чотқол биосфера қўриқхонаси ва истикболда ташкил этиладиган МЭТҲларда рекреация зоналарини ташкил этиш ва уларнинг туристик сифимини аниқлаш, яқин истикболда минтақада МЭТҲлар майдонини кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш асосида рекреация-экотуризмни ривожлантиришни бошқариш имкониятларини кенгайтириш; 2) туризмнинг мавсумийлигини муҳим асос сифатида қабул қилиш, рекреация фаолиятининг хилма-хиллиги шароитида унинг экологик, иқтисодий, ижтимоий, маданий таркибий қисмларини ўзаро аниқ мувофиқлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ресурслардан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш; МЭТҲларнинг рекреация-туристик сифимини аниқлаш тадбирларини амалга ошириш.

Ғарбий Тяньшан тоғлари бўйлаб саёҳат маршрутлари ва сўқмоқлари, уларни ташкил этиш, ривожлантириш ва ободонлаштиришни бошқариш йўналишлари: миллий боғнинг рекреация-ресурс салоҳиятини аниқлаш, инвентаризациялаш, маршрут ва сўқмоқларни белгилаш ва умуман рекреацияни ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадларида махсус ихтисослашган экспедиция ташкил этиш; туристик маршрут ва сўқмоқларини барпо этиш принципларини ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиш; маршрут ва сўқмоқлар тўри ва тизимини тоғларга хос баландлик зоналари хусусиятлари, туристик сифими, табиатга таъсир юқини ҳисобга олиб ташкил этиш ва бошқариш; ўрта ва баланд тоғ зоналари имкониятларидан тегишли инфратузилма ва шароитларни яратиш асосида фойдаланиш; рекреация зонасини юқори даражада ободонлаштириш ва унда хилма-хил сервис хизмати кўрсатишни амалга ошириш.

Жиззах вилоятида МЭТҲлар рекреация ресурслари салоҳиятига асосланган экотуризмни ривожлантиришни бошқариш ва унинг истикболини

белгилашда вилоятда туризм ривожланиши даражаси пастлиги ва ресурс имкониятларининг катталигини ҳамда ҳозирги вақтда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли давлат дастурини амалга ошириш асосида кўплаб чора-тадбирларни амалга ошириш туризмни янги юқори поғонага кўтаришга йўналтирилаётганини ҳисобга олиш; яқин ва узоқ истикболда куйидаги тадбирларни амалга ошириш: а) мавжуд ресурслар салоҳиятини тўлиқ инвентаризациялаш ва уларни баҳолаш; б) туристик маҳсулот ва хизмат кўрсатиш турлари, йўналишлари ва ихтисослашишини белгилаш; в) тадбиркорликни рағбатлантириш ва преференциялар бериш; г) барча тадбирларга маҳаллий аҳолини кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантиришни кенгайтириш, янги иш ўринларини тез барпо этиш, д) инфратузилмалар сифатини яхшилаш, ж) вилоят туризми жозибадорлиги имиджини барпо этиш, е) туризмни вилоят иқтисодиётига интеграциялаш.

6-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШНИ МИНТАҚАЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ

6.1. Интеграциялашнинг аҳамияти ва асосий йўналишлари

Мамлакатимизнинг барча категориядаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимининг бой ва хилма-хил ресурс салоҳиятидан уларнинг асосий вазифаси – табиат ва тарихий-маданий меросни асраш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш йўналишларига зиён етказмай, уларни яхшилаш ва ободонлаштириш асосида фойдаланишни улар жойлашган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимига узвий қўшиш ва бирлаштириш, яъни интеграциялаш МЭТҲлар мавжудлигининг, айтиб бериш вақтида экотуризм мавжудлигининг ҳам энг муҳим шарт ва асоси ҳисобланади. Шундай мақсад ва вазифаларни амалга оширишда интеграциялаш асосида экологик туризмни ривожлантириш МЭТҲларида ва уларнинг атрофида, яқинида жойлашган кўп сонли аҳоли пунктларида яшайдиган минглаб аҳолининг яшаш даражасига бевосита ва билвосита катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда туризмни миллий иқтисодиётга интеграциялаш асосида жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан унинг иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшадиган ҳиссаси ҳам сезиларли даражада ошиб бораётир.

Минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари “Ўзбектуризм” МК, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўзаро келишган шарт-шароитларда МЭТҲлар ресурс салоҳияти имкониятидан самарали фойдаланишга асосланиб ривожланадиган экологик туризмни минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимига интеграциялашни иқтисодий, ижтимоий, маърифий, табиат муҳофазаси йўналишларида амалга оширади.

Интеграциялашнинг иқтисодий жиҳатлари куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- Ватанимиз ва хорижий сайёҳларнинг экотуристлик хизмат ва маҳсулотларга эҳтиёж ва талабларини тўла таъминлашга имкон берадиган, мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги ва қўшимча даромадларини оширишга ёрдам берадиган ва замонавий рақобатдош, самарали экотуризм комплекси ва тегишли экотуризм бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;

- барча минтақаларда устувор йўналишларни камраб оладиган замонавий экотуристлик марказларни барпо этиш ва шу асосда туристик хизмат кўрсатиш сифатини стандартлар даражасида ошириш;

- экотуризм ва у билан боғлиқ инфратузилма комплексини ривожлантириш бўйича интеграцияни ривожлантириш: а) маҳаллий ҳунармандчилик ва тегишли ишлаб чиқаришни ривожлантириш (экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари, сувенирлар, совғалар ва б.); б) маҳаллий аҳолини сайёҳларга пуллик хизмат кўрсатишга кенг жалб этиш (уй-меҳмонхоналарда

яшаш, овқатланиш, савдо хизмати, йўл кўрсатувчилар хизмати ва б.); в) хаваскор спорт ва балиқ овлаш, ўрмон ва овчилик хўжаликларига ташриф ва бошқалар.

- маҳаллий аҳолининг экотуристлик аҳамиятга эга табиат ва тарихий-маданий объектларни асраш ва муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантириш;

- экотуристлик фаолиятни режалаштириш ва уларни амалга оширишни маҳаллий ва минтақавий давлат органларининг тегишли ижтимоий-иқтисодий тадбир режалари ва уларни амалга оширишга мувофиқлаштириш;

- экотуристлик тадбирларни, шу жумладан янги маршрутларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни бошқаришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига таяниш;

- рекреация-экотуристлик ресурс салоҳияти имкониятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган туристик фаолият субъектларига маҳаллий (туман), минтақавий (вилоят) ҳокимият органлари қўллаб-қувватлашида солиқ имтиёзлари бериш, банк кредитлари олишда имтиёзли шароитлар яратиш, тадбиркорларга янги фаолиятни ташкил этишда лицензиялар олиш ва бизнес-режалар тузишда ёрдам бериш ва бошқалар.

- барча минтақаларда интеграциялаш йўналишларини ҳисобга олиб экотуризмни ривожлантиришнинг узок муддатли мақсадли комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Интеграциялашнинг ижтимоий йўналишлари асосан маҳаллий аҳоли билан яқин муносабатларда амалга оширилади ва улар қуйидагилардан ташкил топади:

- маҳаллий аҳоли иштирокида минтақада экотуризмни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган турли учрашувлар ва тадбирларни ўтказиш;

- маҳаллий аҳолини экотуризм йўналишида ташкил этиладиган байрам тадбирлари ва учрашувларга кенг жалб этиш;

- минтақалар ҳокимлиги ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари экотуристлик фирмалар фаолиятида маслаҳатчи сифатида иштирок этишини амалиётга жорий этишни кенгайтириш;

- маҳаллий аҳоли вакиллари таркиб топган МЭТХ ларда экотуризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган гуруҳларни (“Экотуризм дўстлари жамияти” ва б.) ташкил этиш, шу жумладан уларга маълум мақом бериш, мазкур гуруҳлар амалий фаолиятини фаоллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- туб жой аҳолисининг этнографик, маданий, экологик мерослари ҳамда тажрибаларини асраш ва тарғиб қилишни экотуризмни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида ҳисобга олиш.

Интеграциялашнинг маърифий йўналишини амалга ошириш экотуристлик фирмаларни маҳаллий ва минтақавий даражада ўзига хос экотуристлик маърифат марказларига айлантириш, мактаб ўқувчилари, маҳаллий халқ

таълими органлари ва жамоатчилик билан биргаликда турли шаклдаги тадбирларни фаол амалга оширишга қаратилиши керак.

Интеграциялашнинг табиат муҳофазаси йўналиши асосан экологик назоратни, шу жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва рекреация-экотуристтик ресурслар ва объектлардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари, қоида, нормалари талабларига риоя этилиши устидан экологик назорат орқали амалга оширилади. Бунда МЭТХлар ва минтақаларнинг табиатни муҳофаза қилиш органлари инспекциялари хизматидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шундай қилиб, МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришни минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимига интеграциялаш уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Шу сабабдан маҳаллий аҳоли ва ташкилотларнинг туристик инфратузилмани ривожлантириш бўйича ташаббусларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш зарур.

Давлат ҳокимияти минтақавий ва маҳаллий органларининг МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришдан манфаатдорлигини тўғри тушуниши шунга асосланиши керакки, МЭТХлар орқали экотуризмни ривожлантириш кўплаб аҳолининг дам олишини ташкил этишга, янги иш ўринларини барпо этишга, минтақавий ва маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтиришга, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишга имкон беради.

Бундай интеграциялаш жараёнининг асосини давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, хусусий тадбиркорлик, МЭТХ лари рекреация-экотуристтик зоналарида экотуризмни ташкил этиш ўртасида тижорат, табиат муҳофазаси, ижтимоий соҳаларда умумий манфаатларни аниқлаш ташкил этади. Бундай интеграциянинг умумий йўналиши қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш бўйича режалар, лойиҳалар, дастурлар тўғрисида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва аҳолини хабардор қилиш;

- экотуристтик фаолиятга минтақада ишлаб турган ихтисослашган ташкилотларни жалб этиш;

- МЭТХларда экотуризм соҳасида ишлайдиган маҳаллий аҳолини мазкур фаолиятга тайёрлашни ташкил этиш;

- рекреация-экотуристтик ресурслардан барқарор фойдаланиш.

МЭТХларда экологик туризмни бошқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш мамлакат бўйича ягона тизим сифатида шаклланиши ва ишлаб туриши, бунда мамлакат, минтақалар, МЭТХлар, айрим экотуристтик фирмалар ўртасида тегишли вазифаларни бўлиш амалга оширилиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун мамлакат миқёсида МЭТХлар таркибида экологик туризмни бошқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш билан махсус шуғулланадиган ихтисослашган тузилмани (экотуризм марказини) барпо этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси бўйича “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тузилмасида табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда республика экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг қуйидаги вазифалари амалга оширилади:

- экологик барқарор туризмни бошқаришни баҳолаш мезонлари ва экотуристик маршрутлар ва хизматлар туризмни барқарор ривожлантиришнинг халқаро принципларига мувофиқлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда экотуризм бўйича ягона ахборот маконини барпо этиш ва электрон атласини ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг МЭТХларида экотуризмни ривожлантиришни дунё туризмни ривожлантириш тизимига киритиш;

- мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ва тегишли глобал дунё туризм марказларида маркетинг, реклама ва экотуристик хизмат ва маҳсулотларни илгари суришни тезлаштириш тадбирларини ташкил этиш;

- экотуризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни профессионал қайта тайёрлайдиган марказларни, доимий равишда ишлайдиган ихтисослашган мактаб ва семинарларни барпо этиш;

- экотуристик дастур ва хизматлар учун ягона баҳолар шаклланишининг цивилизациялашган сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- ягона стандартлар бўйича афишаларни (аншлаг), ахборот тахталарини экологик сўқмоқларни жиҳозлаш ва безаш, очик осмон остида экспозицияларни жойлаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

- МЭТХларда жойлашган экотуризм бўйича музейлар ва ташриф-марказларини жиҳозлаш, безаш, режалаштириш ишлари бўйича тавсияларни тайёрлаш;

- реклама-нашриёт маҳсулотлари услубини хал этиш стандартларини ишлаб чиқиш;

- экотуризмнинг табиат ва тарихий-маданий комплекслар ва объектларга етказиши мумкин бўлган зиёнини бартараф этиш мақсадида мониторинг ва экологик назорат механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўз навбатида минтақалар МЭТХларида экотуризмни ташкил этиш ва бошқариш бўйича “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг минтақавий бўлимлари минтақаларда экотуризмни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва интеграциялашни амалга оширишлари мумкин. Уларнинг ваколатига қуйидаги вазифаларни юклатиш мумкин:

- минтақалар миқёсида бир нечта МЭТХларни ўз ичига оладиган маршрут ва турларни мувофиқлаштириш;

- минтақа миқёсида ва унинг ичида МЭТХларда экотуризмни ривожлантириш, туристик имкониятлар рекламаси ва маркетинги тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- экотуристик дастур ва хизматларга ягона минтақавий баҳолар шаклланиши сиёсатини ишлаб чиқиш;

- туроператорлар ва бошқа минтақавий экотуристтик тижорат тузилмалари билан муносабатларни расмийлаштириш бўйича намунавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- тегишли экотуристтик мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш ва ўқитиш бўйича минтақавий семинарларни ташкил этиш ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

6.2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқаришни маҳаллий, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларга кооперациялаш ва интеграциялаш

Рекреация хизматлари аниқ, ҳар бир муайян кишига ва уларнинг гуруҳига кўрсатилади, бундай хизматлар унинг истеъмолчисига шахсан иштирок этишни, яъни шундай хизмат кўрсатилаётган жойга бориб истеъмол қилишини талаб қилади. Рекреация объектларига туристлар мамлакатимизнинг турли қисмларидан ёки чет мамлакатлардан саёҳат ва дам олишга узок ёки яқин масофани босиб ўтиб, тегишли харажатлар сарфлаб ташриф буюрадilar. Масалан, Ғарбий Тяньшан тоғларида жойлашган Угом-Чотқол миллий боғи, унинг таркибига кирадиган Чорвоқ-Чимён рекреация-туристик зонаси Ўзбекистоннинг энг асосий туризм маркази бўлиб, кўплаб ташриф буюрувчиларни ўзига жалб этади. Мазкур рекреация-туристик зонада туристик хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этишда миллий боғ маъмурияти, бу ерда жойлашган кўплаб рекреация-туристик ташкилотлар, турли инфратузилма корхоналари, улардан ташқари яна кўплаб ҳамкорлар, манфаатдор шахс ва ташкилотлар, маҳаллий жамоа, маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органлари ва бошқалар фаол иштирок этади. Уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш (кооперация) ва интеграциялаш Миллий боғда рекреация-туризмни жадал ривожлантириш ва самарали бошқаришнинг долзарб муаммолари қаторига киради.

Кооперация (бошқа фирмалар билан бирлашиш) ва интеграция (объектлар ўртасида ўзаро алоқалар зичлигини кўпайтириш жараёни) рекреация-туризм бизнеси тузилмасини бозор талаб ва таклифларига мослаштириш, рекреация муаммоларини биргаликда ва мувофиқлаштириш асосида ҳал этиш мақсадларида амалга оширилади. Фирма ва ташкилотлар ўртасидаги кооперация ва интеграция вертикал (тик) ва горизонтал (ёттик) йўналишларда, ички ва ташқи шаклларга эга бўлиши мумкин.

МЭТҲларининг барча категорияларида, биринчи навбатда, биосфера резерватлари ва миллий боғларда рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқариш соҳасида амалга ошириладиган барча йўналишлардаги кооперация ва интеграция мамлакатимизда мавжуд қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилиши ва улар ваколатларига кўра минтақа ва вилоятлар ҳокимияти раҳбарлигида уларнинг тасарруфида бўлган миллий боғ ва биосфера резерватлари, манфаатдор ташкилотлар маъмурияти иштирокида амалга оширилиши лозим.

Вертикал (тик) кооперация ва интеграцияда МЭТХлар рекреация зонасида ташкил этилган фирма ва ташкилотлар ҳамкорликни туристик хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш занжири бўйича амалга оширадilar. Бундай ҳамкорликнинг асосий афзаллиги алоқалар ноаниклигининг камайиши ва барча иштирокчилар учун турли харажатларни пасайтириш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади. Мазкур ҳамкорликнинг аниқ мисолларини туристлар оқимини биргаликда бошқариш, турли манфаатдор шахс ва ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, янги маршрут ва сўкмоқларни барпо этишни ўзаро келишиб олиш, реклама материалларини биргаликда ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишни стандартлаштириш ва умумий сифат стандартларидан фойдаланишда кўриш мумкин. Бунда миллий боғ маъмурияти бошқаришда алоҳида муҳим ва масъулиятли функция ва ролни бажаради, уларга вилоят хокимияти билан биргаликда раҳбарлик қилади.

Горизонтал (ётиқ) кооперация ва интеграцияда МЭТХлар рекреация ресурсларидан фойдаланишга асосланиб фаолият юритадиган барча фирма-рақобатчилар рекреация-туристик хизмат кўрсатиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида бир битимга келадилар ва шу орқали ўзларининг эркин харажат қилинишини маълум даражада чеклашга розилик берадилар. Бундай ҳамкорликнинг аниқ сабаби молиялаштириш, технологиялар, билим олиш ва малака оширишни яқка тартибда амалга оширишнинг қийинлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда кооперация ва интеграциянинг қуйидаги шакл ва йўналишларини қўллаш мумкин: маълум вазифаларни (функцияларни) бошқаларга бериш. Бунда битта фирма-ҳамкор гуруҳнинг бошқа барча аъзоларининг маълум функцияларини ўзига олади (масалан, чиқиндиларни тўплаш ва утилизациялаш); функцияларни (вазифаларни) тақсимлаш: барча фирма-иштирокчилар келишилган тартибда маълум ва бир-бирини тўлдирадиган функцияларни ўз зиммасига оладилар (масалан, реклама материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, кўрсаткич ва афишаларни тайёрлаш ва ўрнатиш ва б.); функцияларни (вазифаларни) ажратиш: ҳамкорлик келишилган ҳолда мазкур функцияни бажариш учун янги бизнесни ташкил этадилар. Янги туристик маҳсулотларни ишлаб чиқадиган фирмаларни ташкил этиш, логистика хизматлари кўрсатадиган фирмаларнинг рекреация-туризм фирмаларига хизмат кўрсатишдаги кооперациялашиши бунга мисол бўлади.

Кооперация ва интеграциянинг ички ва ташқи шакллари МЭТХларда рекреацияни ташкил этиш ва бошқариш фаолиятининг ички тузилмаси ва ташқи алоқаларига нисбатан амалга оширилиши мумкин. Ҳар икки йўналиш МЭТХлар рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш, туристик хизмат кўрсатишни яхшилаш, харажатларни камайитириш, туризм бозорига фаол чиқишга имкон берадиган ички ва ташқи тузилмаларини барпо этиш, уларни такомиллаштиришга йўналтирилади. Бошқача айтганда, рекреация фаолиятининг ташкилий тузилмаси, ички ва ташқи муҳитга мослашиши ва мазкур ташкилий тузилма бир томондан МЭТХлар рекреация ресурсларидан фойдаланиб фаолият кўрсатадиган барча ички фирма ва ташкилотлар ўртасида тегишли кооперация ва интеграцияни амалга ошириши, шу асосда МЭТХлар

тизимининг ихтисослашган рекреация зонасини шакллантириши ва ривожлантириши, бошқа томондан, мазкур ихтисослашган рекреация зонасини яхлит тизим сифатида маҳаллий жамоалар, маҳалли, минтақавий ва миллий иқтисодиётга кооперациялаш ва интеграциялашни амалга ошириши лозим.

Кооперация ва интеграциянинг ички шаклларини аниқлаш миллий боғ рекреация ресурсларига асосланиб фаолият юритувчи барча асосий тузилма-ихтисослашган туристик фирма, агентлик ва бўлимлар фаолиятининг асосий хусусиятларини қамраб оладиган махсус инвентаризацияни ўтказиш ва унинг натижаларига асосланиши керак. Инвентаризация ахборотлари фирмалар фаолиятининг мавжуд ҳолатини аниқлашга имкон беради. Сўнгра кооперация ва интеграциянинг ички шакллари белгиланишнинг мақсад ва вазифалари, ҳар бир фирманинг вазифалари, масъулияти, ваколатлари белгиланади; жорий ва узок муддатли ҳаракат режалари, назорат ва мониторинг тартиблари ишлаб чиқилади.

МЭТХларда рекреация-туризмни ривожлантиришни фирмалар фаолиятини кооперациялаш ва интеграциялаш асосида ташкил этиш қуйидаги имкониятларни яратишга ёрдам беради: а) барча фирмаларнинг рақобатдошлигини ошириш; б) рекреация хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини тубдан ўзгартириш, янги бозор талаблари ва тақлифларининг пайдо бўлиши; в) туризмни барқарор ривожлантиришнинг инновация стратегияларини кооперация ва интеграция афзалликларидан фойдаланиб амалга ошириш; г) фирмалар ўртасида мавжуд туристик муаммоларни ўзаро келишилган ва мувофиқлаштирилган йўналишда ривожлантиришнинг инновация стратегияларини муваффақиятли амалга ошириш; д) иқтисодий, ташкилий жиҳатдан алоҳида бўлган, турли идораларга қарашли бир нечта фирмалар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб ривожлантириш ва умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш.

Кооперация ва интеграциянинг ички шакллари МЭТХлар рекреациясида амалга оширишда ҳар бир фирмага хос бўлган қуйидаги омиллар фарқи ҳар томонлама тўла ҳисобга олиниши лозим: 1) мазкур ҳудудга рекреация мақсадларида ташриф буюрувчилар (рекреантлар) ва уларнинг таркиби; 2) дам олиш ва туризмнинг турли йўналиш ва турлари учун қулай, ўзига жалб этадиган табиат объектларининг мавжудлиги; 3) тарихий-маданий объектларнинг туристик ресурс аҳамияти ва турлари; 4) туристларнинг яшаши, уларни даволаш (курортларда), соғломлаштириш, шунингдек, рекреация хизматлари кўрсатишни ташкил этишни (турли туристик фирмалар, агентликлар) таъминлайдиган рекреация муассасалари тизими; 5) туристик инфратузилма: туристларга хизмат кўрсатадиган муассасалар – умумий овқатланиш, савдо, умумий фойдаланишдаги транспорт, автомобиль ёқилғи қуйиш ва автотаъмирлаш станциялари, маиший хизмат кўрсатиш, маданият-кўнгилочар муассасалар; б) туристларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш товарларига эҳтиётларини таъминлашга тўлиқ ёки қисман ишлайдиган хўжалик тармоқлари корхоналари – кишлоқ хўжалиги, озик-овқат саноати маҳсулотлари, сувенирлар, полиграфия

маҳсулотлари, рекреация-туристик аслаҳа-анжомлари, кийим-кечаклари; 7) туристларга тўлик ёки қисман хизмат кўрсатадиган муассасаларда ишловчи ходимлар.

МЭТХлар рекреациясининг кўрсатилган ички таркибий қисмлари ўзаро боғлиқликда фаолият юритиб МЭТХлар рекреация-туристик комплексини ташкил этади. Мазкур комплекс ҳудудида ва унга туташ чегараларда маҳаллий аҳоли доимий яшайди, улар ҳам туристларга хизмат кўрсатадиган савдо ва маданият муассасаларидан фойдаланадилар. Шунингдек, МЭТХга туташ ҳудуддаги кишлоқларда уй-меҳмонхоналар, оилавий дам олиш марказлари каби янги рекреация муассасалари ҳам тобора кўплаб ташкил этилаётир.

МЭТХларнинг бой ва хилма-хил рекреация ресурслари бу ерда рекреациянинг кўплаб йўналишларини, айниқса экологик туризмни жадал ривожлантиришга имкон беради. Бунда рекреация муассасаларини кооперациялаш ва интеграциялашнинг ички шакллари билан бир каторда унинг вертикал ва горизонтал йўналишларидан ҳам самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу борада юзага келадиган барча муаммолар иштирокчиларнинг манфаатлари ҳисобга олиниб комплекс ташкилий ёндашувга асосланиб ҳал этилади. Умуман МЭТХларда рекреация-туризмни ривожлантиришни минтақаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига кооперациялаш ва интеграциялаш ўз аҳамиятига кўра биринчи ўринга чиқади. Мазкур жараёнда ташриф буюрувчиларни ўзига жалб қиладиган тугалланган комплекс туристик хизмат пакети яратилади ва туристларга тақдим этилади.

МЭТХларда туризмни ривожлантиришни иқтисодиётга кооперациялаш ва интеграциялаш жараёнларининг ташки шакллари давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусий тадбиркорлик билан МЭТХлар ўртасида тижорат, табиат муҳофазаси, ижтимоий соҳаларда умумий манфаатларни топишга асосланиши керак.

МЭТХларда туризмни ривожлантириш, бир томондан, маҳаллий ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишига айланиши, маҳаллий аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлиги ошишига ёрдам бериши, бошқа томондан маҳаллий аҳоли ва ташкилотларнинг туристик инфратузилмани ривожлантириш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши лозим.

Минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг МЭТХларда туризмни ривожлантириш заруратини тўғри тушуниши шунга асосланиши керакки, МЭТХлар орқали мамлакат аҳолисининг дам олишга эҳтиёжларини таъминлаш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди, туристик инфратузилма ривожланади, янги иш ўринлари барпо этилади, минтақавий ва маҳаллий бюджет даромадлари кўпаяди, маҳаллий аҳолининг даромадлари ва яшаш даражаси ошади.

МЭТХларнинг бой ва хилма-хил рекреация ресурсларини ўзлаштириш, самарали ишлайдиган туристик инфратузилмани барпо этиш, умуман туризмни муваффақиятли ривожлантириш кўп даражада МЭТХлар рекреациясини маҳаллий ва минтақавий иқтисодиётга қандай фаол ва тўғри кооперациялаш ва

интеграциялаш натижаларига боғлиқ бўлади. Бундай кооперация ва интеграциянинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органлари, туташ чегараларда яшайдиган аҳолини миллий боғнинг туризмни ривожлантириш бўйича режалари, лойиҳалари, дастурлари тўғрисида хабардор қилиш ва уларнинг иштирокини таъминлаш;

- минтақада ишлайдиган ихтисослашган ташкилотлар ва тадбиркорларни туристик фаолиятга жалб этиш;

- маҳаллий аҳолини туризм соҳасида ишлашга тайёрлашга ёрдам бериш;

- табиат ва унинг рекреация ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлаш;

- МЭТХлар, биринчи навбатда биосфера резерватлари ва миллий боғлар таркибида туризм билан шуғулланадиган турли манфаатдор ташкилот ва шахслар фаолиятини мувофиқлаштирадиган махсус ихтисослашган бўлим ташкил этиш.

МЭТХларда рекреация-туризм ягона тизим сифатида ривожланиши ва фаолият юритиши лозим. Мазкур вазифани амалга ошириш учун МЭТХлар туризмни ривожлантиришни бошқариш, ички ва ташқи интеграцияни амалга ошириш билан шуғулланадиган махсус ихтисослашган бўлимни минтақалар ҳокимиятида, миллий боғ ва биосфера резерватларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу муносабат билан миллий боғда рекреацияни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий стратегияси туризмни барқарор ривожлантириш концепцияси талабларига (турли авлод вакилларининг экологик манфаатларини мувофиқлаштириш) жавоб бериши керак. Шунга мувофиқ мазкур стратегия биринчи навбатда мавжуд салоҳиятни мустаҳкамлаш ва янги салоҳиятни шакллантириш (имидж, ваколат, бозор улушлари ва б.) йўли билан узок муддатли рақобатдошликни таъминлаш вазифаларини хал этиш асосида харажатларни камайтириш, хизматлар сифатини ошириш, бозор талабларига тез мослашиш, барча истиқболли йўналишларда лидерликка эришишга йўналтирилади. Бунда рекреация-экотуризмни бошқариш жараёни бозор, тижорат, табиат муҳофазаси, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларни ўзаро мувофиқлаштириш ва интеграциялаш асосида амалга оширилиши керак. Булар, ўз навбатида, хизмат кўрсатадиган ходимларнинг юқори профессионал билим, малака, қобилиятга эга бўлишини талаб қилади.

МЭТХларда рекреация-экологик туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришни бошқариш стратегияси ҳамкорлар, манфаатдор шахс ва ташкилотлар-миллий боғ ва биосфера резерватлари, тегишли манфаатдор ташкилотлар раҳбарияти, маҳаллий ҳамжамият, маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органлари ўртасида фаолиятни мувофиқлаштириш ва интеграциялашга асосланади. Бундай стратегия қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- биохилма-хиллик, экотизим, ландшафт ва уларнинг рекреация ресурс салоҳиятини асраш, қайта барпо этиш ва муҳофаза қилиш;

▪ миллий боғнинг рекреация ресурслари ва объектларига рекреация юкламасини уларнинг сифмига мос ҳолда тартибга солиш ва режалаштиришнинг самарали тизимини барпо этиш;

▪ туризм ва дам олишни ташкил этиш ва ривожлантириш тизимини маҳаллий жамоалар, туман, вилоят, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тизмига кооперациялаш ва интеграциялаш;

▪ маҳаллий аҳолининг анъанавий маданияти, урф-одатларини хурмат қилиш, тарихан шаклланган ҳунармандчилиги ва хўжалигини қўллаб-қувватлаш;

▪ хусусий тадбиркорлик, маҳаллий кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, улардан ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишда имкони борича кўп фойдаланиш;

▪ экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш;

▪ маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш.

6.3. Интеграциялашни давлатнинг бошқариши ва тартибга солиши

Рекреация-туризм соҳасини миллий, минтақавий ва маҳаллий иқтисодиётга интеграциялаш гоёт мураккаб ва кенг қўламли вазифа бўлиб, уни давлат, тадбиркорлик ва жамиятнинг пухта ўйланган, ўзаро келишилган, мувофиқлаштирилган, турли манфаатлар ҳар томонлама тўла ҳисобга олинган йўналишларда ҳал этиш мумкин. Ҳар қандай давлатда турист-турфирма, турист-давлат, турфирма-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тегишли қонунлар талабларига мувофиқ давлат томонидан бошқарилади ва доимий тартибга солинади. Бугунги кунда бутун дунёда “Ўзбек модели” сифатида тан олинган тараккиёт моделининг асосий принципларидан бири ҳам давлатнинг бош ислохотчи бўлиши ҳисобланади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда туризм фаолияти давлат томонидан миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида эътироф этилган. Давлатимиз туризм соҳасини ривожлантиришда уни туташ иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар иқтисодиётига, умуман миллий иқтисодиётга кооперациялаш ва интеграциялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси туризм соҳасида ваколатли давлат органи бўлиб, ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди, Ўзбекистон ҳудудида туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи, тегишлича интеграцияловчи бош давлат органи ҳисобланади. Мазкур йўналишда давлат сиёсати туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, қулай шароитлар яратиш, халқаро даражада реклама қилиш, туризм соҳасида янги иш ўринлари ва даромад манбалари яратиш, тадбиркорликни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашга қаратилмоқда. Шунингдек, интеграциялашни амалга ошириш ва такомиллаштириш ҳамда тартибга солишнинг муҳим

механизмларидан бири туризмни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш лозим.

Бошқариш интеграциялашни амалга оширишда экотуристлик фирмалар фаолиятини ташкил этиш учун қулай муҳит яратади, экотуристлик хизматлар самарадорлигини оширишга, табиатга салбий таъсирни камайитиришга хизмат қилади. Бунда бошқариш инструментлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар фирмалар фаолиятини юритишнинг ташки муҳитини яратади. Ҳозирги вақтда интеграциялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган экотуристлик тартибга солиш ва рағбатлантириш механизмларидан қуйидаги инструментлар тури қўлланилади: маъмурий-назорат; иқтисодий.

Маъмурий-назорат инструментлари экотуристлик фаолият натижаларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, улар тегишли стандарт ва регламентларга риоя этишни қонунлар ва бошқа тартибга солиш воситалари орқали назорат қилишга асосланади. Уларга қуйидаги инструментлар киради: 1) экологик, табиий-ресурс, туризм қонунлари ва талаблари; 2) экологик ва экотуристлик мониторинг; 3) экологик ва экотуристлик стандарт ва нормативлар (шу жумладан МЭТХ ларга кириш, улардан фойдаланиш нормативлари); 4) экотуристлик фаолиятни лицензиялаш; 5) экологик ва экотуристлик сертификатлаштириш (маркировка); 6) лойиҳаларнинг экологик экспертизаси; 7) экотуризм мақсадли дастурлари; 8) экотуристлик аудит.

Мазкур инструментлар қаттиқ ричаглар (1,3,4,5 номерлар) ва юмшоқ тартибга солишга (2,6,7,8 номерлар) бўлинади.

Иқтисодий инструментлар тегишли мақсадлар ва уларга риоя этишга тўғридан-тўғри топширик бермайди, балки хўжалик юритиш субъекти-экотуристлик фирмаларнинг иқтисодий манфаатлари ва хулқ-атвориغا бозорлар ишлаши (талаб ва таклиф) билан боғлиқ рағбатлантириш (масалан, солиқ имтиёзлари, субсидия бериш ва бошқалар) ёки турли чекловлар (жарима солиш ва бошқалар) қўйиш орқали экологик мақбул йўналишларда фойдаланишга асосланади. Бунда экотуристлик агентларга қўйилган мақсадларга эришишнинг самарали йўлларини топишга қатта эркинлик берилади. Бу инструментлар қуйидаги икки турга бўлинади: 1) бозорга йўналтирилган (тўловлар, бозор баҳолари, тўғридан-тўғри бозор музокаралари ва б.); 2) молия-кредит (молиялаштириш, кредит, заём, субсидия, тезлаштирилган амортизация, солиқлар, суғурта).

Барча бошқарув инструментларидан интеграциялаш амалиётида фойдаланишда ва уларни танлашда тегишли ресурслардан турли фирмалар фойдаланиши ва талаб қилинадиган харажатлар ҳисобга олиниши, шу нуқтаи назардан уларга хос бўлган қучли ва қучсиз томонларни ҳисобга олиш ва тегишли танловга асосланиши талаб қилинади. Масалан, маъмурий-назорат инструментларининг қучли томонлари қуйидагилар билан белгиланади: а) фирмаларга белгиланиб, уларга етказилган топшириқлар, истеъмолчиларга ҳам маълум бўлиб, мақсадга эришишнинг жуда оддий ва тўғридан тўғри таъсирли

воситаси ҳисобланади; б) улар экотуристлик бошқарув органлари томонидан назорат қилиш учун қулайдир.

Уларнинг кучсиз томонлари ва камчиликлари:

а) инновацияларни рағбатлантириш ва юқори натижаларга эришиш нуктаи назаридан таъсирчанликнинг етарли эмаслиги; б) фирмаларга турли вазиятларда шароитга тез мослашишга, ўз мажбуриятларига ижодий ёндашувни амалга оширишни қийинлаштиради.

Иқтисодий инструментларнинг асосий афзалликлари: а) экологик-иқтисодий харажатларни тежаш нуктаи назаридан юқори самарадорлик; б) илмий-техник инновацияларни барқарор рағбатлантиришни ишлаб чиқиш; в) умуман экологик бошқарувнинг мослашиш механизмини кучайтиради, экотуристлик фирма фаолияти стратегиясини мустақил белгилашга шароит яратади; г) фаолиятни зарур молиялаштириш манбалари билан таъминлайди.

Унинг камчиликлар: а) фаолиятнинг якуний натижаларининг ноаниқлиги; б) инфляция жараёнларига юқори сезувчанлик, бу ҳолат тўловлар даражасини доимий тузатиб туришни талаб қилади; в) нисбатан юқори экологик харажатлар туфайли хизматлар рақобатдошлигининг пасайиш хавф-хатари.

Интеграциялашни амалга оширишда бошқаришнинг маъмурий-назорат ва иқтисодий инструментларини мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда кенг қўллаш мамлакатимизда экологик туризмни бошқариш қарорларини қабул қилишнинг янги йўналишларини шакллантиришга ва бошқаришни такомиллаштиришга имкон беради. Бундай бошқарув қарорлари экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларни мамлакат ва минтақалар даражасида мувофиқлаштиришга, тегишли мақсад ва манфаатларни бирлаштиришга ва интеграциялашга ҳамда шу асосларда Ўзбекистоннинг ўзига хос ягона экотуристлик маконини барпо этишга ёрдам беради. Мазкур жараёнда бошқаришнинг маъмурий-назорат ва иқтисодий инструментларини бир-бирига қарши қўймасдан уларни шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

6-боб бўйича хулоса ва тавсиялар

Интеграциялашнинг аҳамияти, зарурати ва асосий йўналишларини белгилаш: МЭТХларнинг ресурс имкониятларидан фойдаланишга асосланган экотуризмни ривожлантиришни бошқаришни минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимига интеграциялашни амалга ошириш; интеграциялашда унинг иқтисодий, ижтимоий, маърифий, табиат муҳофазаси йўналишларини биргаликда ва ўзаро боғлиқликда қўллаш заруратини ҳисобга олиш; интеграциялаш билан шуғилланадиган ва уни амалга оширишни бошқарадиган ихтисослашган тузилмани (экотуризм марказини) “Ўзбектуризм” МК таркибида ташкил этиш ва унинг вазифаларини аниқ белгилаш зарур.

МЭТХларда рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқаришни маҳаллий, минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимларга кооперациялаш ва интеграциялаш: МЭТХларда рекреация-туризмни ривожлантиришда иштирок

этадиган турли идораларга карашли бўлган фирма ва ташкилотлар фаолиятини кооперациялаш ва интеграциялашни амалга оширишда унинг вертикал ва горизонтал йўналишларини кенг қўллаш; кооперация ва интеграциянинг ички ва ташқи шаклларида фойдаланиш МЭТХлар рекреация тизимини маҳаллий жамоа, маҳаллий, минтақавий ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мувофиқлаштириш асосини ташкил этишга эришиш; интеграциялашнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва уларни амалиётга жорий этиш; интеграциялашнинг стратегияси ва унинг принципларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш даркор.

Интергациялашни давлатнинг бошқариши ва тартибга солиши йўналишларини белгилаш: “ўзбек модели”нинг асосий принципларидан бири бўлган давлат бош ислохотчи бўлишини асос қилиб олиш ва унга қатъий амал қилиш; интеграциялашда маъмурий-назорат ва иқтисодий инструментларни биргаликда мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб қўллаш лозим.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

I. Умумлаштирилган хулоса ва тавсиялар

Туристтик фаолиятнинг барча хилма-хил йўналишларидан асосан экологик туризм барқарор ривожланиш концепцияси талабларига жавоб беради ва уларга мос келади. Шу муносабат билан мазкур монографияда: а) ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳам экотуризмни ривожлантириш асосида иқтисодий манфаат ва самарадорликка (“қўшалок ютук”га) эришиш; б) нисбатан кам харажат сарфлаб, сезиларли экологик-иқтисодий натижаларга эришишга имкон берадиган фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш вазифаларини хал этиш; в) ташкилий ва ихтисослашув тадбирларига асосланган ўзгаришларни талаб қиладиган илғор экотуристтик хизмат кўрсатиш технологияларини амалиётга жорий этиш йўлидаги камчилик ва чекловларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш; г) уларга асосланиб табиатдан унга зарар етказмай фойдаланиш бўйича талабларга жавоб берадиган ва мавжуд улкан рекреация-экотуристтик ресурс салоҳияти ва имкониятларини кўпроқ сафарбар этиш ва илғор янгиликларни кенг ёйиш каби тадбирлар комплексини амалга ошириш тавсия этилган.

Шу нуқтаи назардан мазкур тадқиқотда асослаб берилган методологик ёндашув, метод ва тавсиялар мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришни самарали бошқаришни амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, уларни амалиётда қўллаш асосида бошқаришнинг мавжуд ҳолати ва вазиятини айрим фирмалар бўйича, умумлаштирилган ҳолда минтақалар ва мамлакат миқёсида таҳлил қилиш, баҳолаш, самарадорлигини аниқлаш ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин. Сўнгра рекреация-экотуристтик идоралар томонидан мазкур ишланма ва тавсияларни бошқариш амалиётида қўллаш масалалари хал этилади.

Лекин амалиётда бу мақсадларга эришиш учун қатор тўсиқлардан ўтишга тўғри келади. *Биринчидан*, тавсия этилаётган ёндашув ва методлардан кўпчилиكنинг хабардор эмаслиги. Шу сабабдан уларнинг афзалликларини ва уларни қўллашдан олинадиган сезиларли натижаларни МЭТХларда оммалаштириш зарурати пайдо бўлади. *Иккинчидан*, тегишли бошқариш тузилмаларида тавсия этилаётган таклифларни қабул қилиш ва тўғри тушуниш истаги ва хохишлари бўлиши. МЭТХлар ва туризм органлари раҳбарлари мазкур тавсияларни ўзларининг бошқарув фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, экотуристтик менежмент ва хисобот тайёрлашга янги асос бўлишини эътироф этиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. *Учинчидан*, мазкур ёндашув ва баҳолаш тизимларини амалиётда кенг қўллаш. Бунда молиявий жиҳатлар, яъни сарф-харажатлар кўпайиши тўғрисидаги хавотирларга ўрин йўклигини айтиш керак: улар катта харажатларни талаб қилмайди, аксинча камчиликларни бартараф этиш асосида қўйилган мақсадга эришиш йўналишларини кўрсатиб, қўшимча маблағ (фойда) олишга имконият яратади. *Тўртинчидан*, тавсия этилаётган ёндашув ва методларни кенг тарғиб этиш. Булар бошқарув органлари ходимлари, фирмалар, маҳаллий аҳоли вакилларини баҳолаш

усулларини қўллашга ўргатишни (малака ошириш марказларида, пилот лойиҳалар доирасида ва б.) талаб қилади. Шундай қилиб, мазкур тавсияларни амалиётда қўллаш унинг фойдали эканлиги ва фойда бериши кўрсаткичи ва исботи ҳисобланади.

II. Таркибий қисмлар (боблар) бўйича хулоса ва тавсиялар

Методологик асосларни ишлаб чиқиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: а) методологик ёндашув, асосий тушунчалар ва механизмларни таърифлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш йўналишларини тавсия этиш; б) экологик туризмнинг аҳамияти, афзалликлари ва уни бошқариш хусусиятларини оммавий туризмга таққослаш асосида кўрсатиш, уни бошқариш бўйича комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш; в) бошқариш тизимининг шаклланиши, ички тузилмаси, таркиби ва уларни баҳолашда ихтисослашган асосий тузилма (фирмалар), уларга хизмат кўрсатадиган ихтисослашган кўшимча ва ихтисослашган йўлдош корхоналардан таркиб топган яхлит тузилмани барпо этиш заруратини асослаб бериш; г) бошқариш стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишда экотуризм марказий ўринни эгаллаши, табиат муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик назоратни амалга ошириш унинг таркибий қисмига айланиши, улар “Ўзбек модели” принципларига асосланиши ва миллий иқтисодиётга интеграциялашиши кўрсатилган.

Бошқариш муҳити, жараёнлари ва бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланишда қуйидаги муаммолар ечимига асосий эътибор қаратилиши керак: а) ички ва ташқи муҳит омилларининг фаолиятга таъсирини ҳар томонлама тўла ҳисобга олиш, ички муҳит имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ташқи муҳит шароити ва талабларига мослашиш, мазкур йўналишларда тегишли тузилмаларни барпо этиш; в) бошқариш жараёнларини ташкил этиш ва уларни такомиллаштиришда бошқарувни тартибга солиш, унингг аниқлиги ва кетма-кетлигини белгилаш, вақт ва маконда мақсадга мувофиқ ташкил этиш асосий ўринни эгаллайди; бунда шароит, ресурслар, вазият, бошқариш жараёнининг асосий босқичлари, натижалари, истикболлари балл тизимида баҳоланади; г) бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланишда энг муҳим омиллар ҳисобга олинishi, кўрсаткичларда мақсад ва вазифалар ифодаланиши, баҳолаш элементлари биргаликда яхлит тизимни ташкил этиши ва фаолият натижаларини баҳолашни қамраб олиши, фойдаланишга қулай бўлиши.

Мавжуд рекреация-экотуристик салоҳият, унинг компонентлари ва макрозонал хусусиятларидан фойдаланиш ва уларни баҳолаш Ўзбекистонни ягона экотуристик макон сифатига қабул қилишга асосланади: а) бирламчи ва иккиламчи асослар ўзаро таъсир ва боғлиқликда экотуризмни бошқариш тизимининг мувозанатлашган комплексини барпо этишга асос бўлади, шу мақсадда ресурс ва объектларни инвентаризациялаш; б) жонсиз табиатнинг мавжуд ноёб ва хилма-хил объектларидан экотуризмда фойдаланиш

йўналишларини белгилаш ва уларни баҳолаш; в) табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва доимий экологик назоратни амалга оширишни экотуризмни бошқариш, экотуристлик комплексларни барпо этишнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш ва бу борада тегишли тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистоннинг МЭТҲларида экотуризмни ривожлантиришни бошқариш ва истиқболини белгилаш унинг миллий иқтисодий тизимда бошқариш тизимида эгаллаган ўрнини белгилашдан бошланади, бунда яна қуйидаги йўналишлар асослаб берилган: а) МЭТҲларнинг барча категорияларида рекреация-экотуристлик зоналарни ташкил этиш концепцияси ва уни амалга ошириш йўналишлари; б) рекреация-экотуристлик зоналарнинг шароити ва ресурсларини баҳолаш; в) истиқболни белгилашда Президентимиз И.А. Каримов асослаб берган халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим 7 та омилни методологик асос қилиб олиш ва минтақаларнинг рекреация зоналарининг ресурс салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олишга асосланиш.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари Тошкент пойтахт минтақаси ва Жиззах вилоятлари мисолида тадқиқ этилган бўлиб, бунда уларга хос хусусиятлар таҳлили натижаларига асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган: а) миллий боғларда ихтисослашган яхлит рекреация экотуристлик комплексларни барпо этиш; шароит ва ресурсларни инвентаризациялаш; маршрутларни белгилаш ва сўқмоқларни жихозлаш; саёхатларни тайёрлаш; ихтисослашган фирма, қўшимча ва йўлдош корхоналар фаолиятини кооперациялаш ва интеграциялаш; б) Тошкент пойтахт минтақасида ягона рекреация-туристик комплексни барпо этиш ва ривожлантириш концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; в) Угом-Чотқол миллий боғи ва унга туташ ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини аниқлаш ва баҳолаш; ресурсларни таснифлаш, улардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш ва баҳолаш, ресурсларни инвентаризациялаш; г) Тошкент вилоятининг МЭТҲлари ресурсларига асосланган рекреация-туризмни ривожлантириш истиқболларини белгилаш; д) Ғарбий Тяньшан тоғлари бўйлаб саёхат маршрутлари ва сўқмоқлари, уларни ташкил этиш, ривожлантириш ва ободонлаштиришни бошқаришни илмий асосланган дастур ва лойиҳаларга асослаб амалга ошириш, шу мақсадда ихтисослашган экспедиция ташкил этиш; ўрта ва баланд тоғ зоналарини туристик айланмага киритиш; ж) Жиззах вилоятида МЭТҲлар рекреация ресурслари салоҳиятига асосланган экотуризмни ривожлантиришни бошқариш ва унинг истиқболини белгилашда туризм соҳаси ривожланиши даражаси пастлиги ва ресурс имкониятларининг катталигини ҳисобга олиш; ресурс салоҳиятини инвентаризациялаш ва баҳолаш; туристик ихтисослаштиришни белгилаш; тадбиркорликни рағбатлантириш; барча тадбирларга маҳаллий аҳолини кенг жалб этиш; оилавий бизнесни ривожлантириш; янги иш ўринларини яратиш;

инфратузилмалар сифатини яхшилаш; туризм имиджини барпо этиш; туризмни вилоят иктисодиётига интеграциялаш.

Экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни минтақалар ижтимоик-иктисодий тизимига интеграциялашнинг қуйидаги йўналишлари асослаб берилган ва тавсия этилган: а) интеграциялашнинг аҳамияти, зарурати ва асосий йўналишлари белгиланган; б) МЭТХда рекреация-туризмни ривожлантиришни бошқаришни маҳаллий, минтақавий ижтимоий иктисодий тизимларга кооперациялаш ва интеграциялаш шакллари ва йўналишлари асослаб берилган; в) интеграциялашни давлатнинг бошқариши ва тартибга солиши йўналишлари тавсия этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2016 йил 5 февраль.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.
3. Каримов И.А. Сайёҳлик соҳасининг улкан салоҳияти – иқтисодий тараққиётининг муҳим асоси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия Кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2014 йил 3 октябрь.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Иккинчи нашри. -Т.: Маънавият, 2010.
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. О программе развития сферы туризма в Ташкентской области на 2013-2015 годы. Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2013, №39 (591).
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар. -Т.: Адолат, 2002.
7. Ўзбекистон Республикаси қонуни. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2005, №1.
8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Экологик назорат тўғрисида. //Халқ сўзи, 2013 йил 28 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида. Миллий маъруза. (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил). Тошкент, 2008.
10. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2008-2011 гг.) Ташкент, изд. «Chinor ENK», 2013.
11. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. -Т.: Шарқ, 2001.
12. Атлас родников Узбекистана.-Ташкент, 2006.
13. Бутиков Е.А. Состав лесов и древесные ресурсы Угом-Чаткальского национального парка. //Биоразнообразие Угом-Чаткальского национального парка.-Ташкент-Газалкент, 2008, с. 97-99.
14. Жумаев Т.Ж. Экология иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Монография.- Т.: IQTISODIYOT, 2014.
15. Леухина Г.Н., Ляпина О.А., Веремеева Т.Л. Климат Узбекистана. -Т., 1996.

16. Мескон, Майкл Х., Альберт, Майкел, Хедоури Франклин. Основы менеджмента. 3-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «Д.И. Вильямс», 2008.
17. Популярная экологическая энциклопедия. Т.2. -Т.: Chinor ENK, 2008.
18. Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане. -Т.: Baktria press, 2013.
19. Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2015.
20. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. Ташкент, 2000.
21. Сарымсаков Э.Ю., Попов В.А., Лыков Ю.С. Рекреационный потенциал Угом-Чаткальского национального парка-Ташкент-Газалкент, 2008, с. 87-93.
22. Тожибоев К.Ш. Материалы к флоре Угом-Чаткальского национального парка. //Биоразнообразие Угом-Чаткальского национального парка.-Ташкент-Газалкент, 2008, с. 54-58.
23. Угом-Чоткол миллий боғининг табиати (ўсимликлар олами). Тошкент.: Фан, 2012.
24. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006.
25. Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. -Тошкент, 2015.
26. Қосимов М. Ўзбекистон – мафтункор замин. //Халқ сўзи, 2016 йил 22 январь.
27. Қосимов М. Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофи. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 июнь.
28. Хожиматов О.К. О лекарственных растениях Юго-Западного Тянь-Шаня //Биоразнообразие Угом-Чоткальского национального парка. -Ташкент-Газалкент, 2008, с. 68-70.
29. Цой В.А., Аширов С.А. Западный Тянь-Шань: путешествие к истокам (справочник-путеводитель). -Т.: Talqin, 2008.
30. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш инструментлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш йўналишлари. –Т., 2015
31. Хамидов О.Х. The role of social media, user generated platforms and crowd sourcing in the development of tourism destination. Ҳиндистон, 2015
32. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш инструментлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш йўналишлари. –Т., 2015
33. Хамидов О.Х. The role of social media, user generated platforms and crowd sourcing in the development of tourism destination. Ҳиндистон, 2015
34. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги: баҳолаш ва унинг кўрсаткичлари, уларни амалиётда қўллаш. //Иқтисод ва таълим, 2014 й., №6.

Обиджон Хафизович ХАМИДОВ

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни
такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар

Монография

“IQTISODIYOT” – 2016.

Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳиҳ
Расулев Д.М.

Лицензия АІ № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 10.09.2016. Босишга
рухсат этилди 12.10.2016. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет
босма. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 13,0. Ҳисоб нашр варағи 12,7.
Адади 100 нусха. Буюртма №033. Баҳоси келишилган нархда

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри Ўзбекистон шохкўчаси, 49-уй.

75.81(5Ў) Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик
туризмни ривожлантиришни
бошқаришни такомиллаштириш:
муаммо ва ечимлар. /Монография. –Т.:
IQTISODIYOT, 2016. – 203 б.

1. Хамидов О.Х.

ISBN 978-9943-986-61-9

УЎК 338.48.6:502/504(575.1)
КБК 75.81(5Ў)